

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ
ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ САМАРАЛИ ЖОРИЙ ЭТИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Республика илмий – амалий конференцияси

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

II қисм

(8-9 январ)

Бухоро 2016

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАР:**

Тахрир хайъати раиси: А.К.Сафаров – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ ректори

Масъул муҳаррир: Р.В.Астанов – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ институти маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор в.б.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Ҳ.Т. Авезов** Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Табиий ва аниқ фанлар” кафедраси мудири.
Ю.Ҳ. Ҳайдаров Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.
У.А. Қосимов Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Педагогика, психология, мактабгача ва бошлангич таълим” кафедраси мудири психология фанлари номзоди.
Ҳ.Г. Неъматов Бухоро ВПКҚТ ва МОИ “Тиллар” кафедраси ўқитувчиси.

Техник муҳаррир: Ф.Н. Хайриев – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Табиий ва аниқ фанлар” кафедраси ўқитувчиси.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

I ШЎБА

ЎҚУВЧИЛАРДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР – ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Данияров Б. – Филология фанлари номзоди, доцент, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Таълим устуворлиги, таълим мазмуни ва тузилиши ўзгармоқда, янги стандартлар жорий этилмоқда, таълим сифати ривожланишнинг янги, янада юқори босқичига кўтарилмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари” учун мустақиллик йилларида халқ таълими тизимида барча шарт-шароитлар яратилмоқда, шахсга йўналтирилган таълим стратегияси амалга оширилмоқда, таълим тизимида инновацион фаолликнинг жадаллашуви кузатилмоқда.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ахборот коммуникацион технологиялар, ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни талаб этиб, ҳар бир тизим ходими, айниқса ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.

Умумий ўрта таълим муассасалари таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этиш ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятдан бошланади. Чунки ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнининг етакчиси, ташкилотчиси бўлиб, унинг инновацион маданияти, ташаббускорлиги, ижодий фаоллиги, креатив фикрлаши, новаторликка бўлган интилиши таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

“Инновация” сўзи латин тилидаги “inovatis” (in - ичига, novus – янги, янгилик) сўзидан олинган бўлиб, таржима қилганда “янгилик киритиш, ижобий ўзгариш, янгиланиш” деган маъноларни англатади. Инновациялар илмий-амалий жиҳатдан асосланган, бирон-бир соҳада аниқ мақсадга қаратилган ҳамда амалий татбиқ этишга йўналтирилган юқори самарадорликка эга янгилик ҳисобланади. Педагогик инновация дейилганда самарали натижага эришиш мақсадида таълим-тарбия жараёнига янгиликлар, ижобий ўзгаришлар киритиш тушунилади.

Педагогик инновациялар илмий мактабларда, таълим амалиётида ҳамда олим ва педагогларнинг ижодий фаолияти натижасида вужудга келади.

Инновация ҳар томонлама пухта режалаштирилган, ўқув жараёнига мақсадли киритилаётган янги таълимий амалиёт (*янги тартиб, услуб, метод, методология, технология ва бошқ.*) ҳисобланади.

Инновациянинг ўзига хос хусусияти қуйидагилар ҳисобланади:

- инновациялар доимо долзарб муаммонинг янги ечимини ўз ичига олади;
- улардан фойдаланиш янги сифатли натижаларни олиш имконини беради;
- инновацияларни татбиқ этиш тизимдаги барча компонентларнинг сифатий ўзгаришларига олиб келади.

Педагогик инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашда диагностика методидан фойдаланиш яхши натижа беради. Мазкур метод уч босқичда амалга оширилади.

Педагогик инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган диагностика методининг *биринчи босқичида* ўқитувчилардан анкета сўровномалари олинади. Анкета сўровномалари экспертизадан ўтказилади. Индивидуал суҳбат жараёнида анкета маълумотлари аниқлаштирилади. Диагностик маълумотлар таҳлил қилинади.

Педагогик инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган диагностика методининг *иккинчи босқичида* биринчи босқичдан олинган аниқ маълумотлар асосида ўқитувчиларнинг касбий-педагогик малака даражасини ошириш бўйича иш режа тузилади ва

режа амалга оширилади. Диагностика материаллари таълим муассасаси методик фаолият, фан йўналиши бўйича методик комиссия иши, индивидуал методик иш режаларига киритилади.

Педагогик инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган диагностика методининг **учинчи босқичида** ишнинг якуний натижаси чиқарилади. Мазкур босқичнинг вазифаси ўқитувчи фаолиятининг оралик ва якуний натижаларини аниқлаш, педагогик жамоа ичида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиш, фан йўналиши бўйича методик бирлашма ва комиссиялар ишини баҳолаш ва таҳлил қилишга йўналтиришдан иборат.

Инновацион педагогик жараёнларни диагностика методидан фойдаланиб ўрганиш куйидагиларни назарда тутати:

– ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда муайян қийинчиликларни бартараф этиш асосида шаклланидиган касбий-педагогик қизиқиш, эҳтиёж ва кадриятларини тизимли ўрганиш;

– ўқитувчиларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини қондиришга йўналтирилган илғор педагогик тажриба йўллари, концепция ва технологияларини излаб топиш;

– ўқитувчиларнинг хусусиятига мос келадиган педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва татбиқ этиш турларини танлаш.

Педагогларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад бу сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш орқали самарадорликка эришишдан иборат.

Халқ таълими тизимида биргина ўтган уч йил давомида 20 дан ортиқ педагогик инновациялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Жорий ўқув йилидан бошлаб эса ўқитувчилардан ижодий ёндашган ҳолда куйидаги инновацияларни амалиётга жорий этиш тавсия этилади.

Ўқувчиларга чет тилларини ўргатишда лисоний, психологик тўсиқларни енгишга йўналтирилган инновациялардан “АНГЛА - АНГЛАТ” инновациясида ўқитувчининг ўзи дастлаб бугунги кунда чет тилларини ўрганишнинг аҳамиятини тушуниб олади ҳамда ўқувчи ва унинг ота-онасига чет тилини ўрганишнинг моҳиятини, ўқувчининг келажакда қайси касб эгаси бўлишдан қатъий назар унинг ҳаётидаги ўрнини таъсирчан методлар орқали тушунтириши, натижада эса ўқувчида, ота-оналарда чет тилларини ўрганишга бўлган мотивацияни шакллантираши, **“УЯЛМА-УЯЛТИРМА”** инновациясида чет тилини ўрганишнинг энг муҳим шарти мулоқотга киришишда уялмаслик лозим эканлигини ўқитувчи ва ўқувчи англаши, айрим ҳарфлар ва дифтонгларни талаффуз қилишда хато қилишдан қўрқмасдан мулоқотга киришади. Чет тилида мулоқот қилиш, сўз ва ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш тажриба орқали келишини англаган ҳолда сўзлашувга киришиши, **“ГАПИР-ГАПИРТИР”** инновациясида чет тилларини ўрганишда синфда, мактабда чет тилида мулоқот муҳитини шакллантириш орқали ўқувчиларни чет тилида гапиртириш учун ўқувчиларга таъсир кўрсатадиган барча психологик тўсиқлар олиб ташланиб, синфда ижодий муҳит шакллантирилишига қаратилган.

Ўқитувчиларнинг ўз ишидан қониқмасдан, доимий янгиликка интилиб, билим ва малакасини оширишга қаратилган инновациялар сифатида “ЕТИБ ОЛ ВА ЎЗИБ КЕТ” инновацияси ўқитувчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш орқали ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга йўналтирилган бўлса, **“ЭНГ КАТТА ҲИССА – БЎШ ЎҚУВЧИ ЎЗЛАШТИРСА”** инновацияси бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан тизимли ишларни ташкил этиш орқали ўқувчиларни, айниқса бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни ўз фанидан билим олишга қизиқтириш, фанларни ўрганишнинг инсон ҳаётидаги ўрни, кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ечимини топишдаги аҳамиятини тушунтириш, айниқса бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан алоҳида дарсдан сўнг кўшимча тўғарак машғулотларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. **“ЭЛЕКТРОН КЎЗ – ЯХШИ ДАРСГА ДЎСТ”** инновацияси эса замонавий АКТ воситалари ҳамда видеокузатув мосламаларидан дарс ва машғулотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш жараёнида фойдаланишга йўналтирилган.

Юқоридагиларан келиб чиққан ҳолда педагогик инновацияларни амалиётда самарали жорий этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан ҳар бир методист, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари мутахассислари, таълим муассасалари раҳбарлари, хусусан ўқитувчилар инновацияларни амалиётга жорий этишни ўз фаолиятларининг мазмун-моҳиятига айлантиришлари лозим;

Иккинчидан ўқитувчиларнинг педагогик ўзини ривожлантириш фаолияти улар томонидан педагогик қадриятлар, ижодкорлик, изланувчанлик фаолиятини мустақил эгаллашга йўналтирган ҳолда ўқитувчиларнинг дарс жараёнини педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этиш зарурлигини онгларида фаоллиштирган ҳолда дарсларга олдиндан пухта тайёргарлик кўришлари шарт;

Учинчидан таълим муассасалари раҳбарлари ва жамоаси инновацион педагогик жараёнларни олдиндан режалаштиришлари, таълим инновациявий таълим муҳитни вужудга келтириш чораларини кўришлари лозим;

Тўртинчидан таълим муассасаси раҳбари ва педагогларига педагогик инновацияларни татбиқ этишни объектив баҳолаш имконини яратишлари шарт;

Бешинчидан педагогик жамоада ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигини ривожлантириш, касбий фаолиятини инновацион педагогик жараёнларга йўналтириш, уларни педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, татбиқ этиш ва оммалаштириш жараёнларига жалб этишда узлуксиз методик фаолиятни самарали йўлга қўйиш зарур.

ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ ЖАРАЁНИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Вахобов М. – Халқ таълими вазирлиги Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илгор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими бошлиги

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш каби мақсадлардан иборат бўлган ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Шу йўлда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида аввало инсон омили, унинг манфаатлари устувор ўринга эга бўлиб келмоқда. Жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги” Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сонли Қарорида Давлат таълим стандартлари кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни, таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини, ўқув юкмасининг зарур ҳажмини, таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмини белгилаши кўрсатилган.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида таълим-тарбия жараёнининг натижасини қиёсий таққослаш, ўқувчилар билимининг ривожланиш динамикасини ҳамда таълим сифатини мунтазам таҳлил қилиб бориш мақсадида мониторинг жараёнини амалга ошириш методологияси ва технологиялари ҳамда халқаро тадқиқотлар такомиллашиб бормоқда.

Мазкур тадқиқотларга Математика ва табиий фанлар сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқот TIMSS (Third International Mathematics Science Study) ёки 15 ёшли болаларнинг ҳаётий кўникмаларни эгаллаганлигини ўрганишга қаратилган PISA (Programme for International Student Assessment), PIRLS, Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси IEA (International Association of Evaluation of Educational Achievements), Таълимни баҳолаш хизмати ETS

(Educational Testing Service) ва бошқалар киради.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб таълим тизимини тубдан модернизациялаш ва ислоҳ этиш, таълим-тарбия сифати ва ўқитиш самарадорлигини ошириш билан биргаликда таълим сифати мониторинги механизми ҳам такомиллашиб бормоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар ташкилоти билан ҳамкорликдаги “Таълим сифати ва параметрларини ишлаб чиқиш” ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги 2007-2013 йилларда амалга оширилган “Мақтаб таълимини ривожлантириш” лойиҳалари доирасида дастлабки тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Ўқувчиларни умумтаълим фанларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини ривожлантириш кўп жиҳатдан уларни билимларини адолатли ва холис баҳолаш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантирилишига боғлиқ. Мазкур жараён эса “Таълим сифати мониторинги” орқали амалга оширилади.

Халқ таълими тизимида Таълим сифати мониторинги тўрт босқичда амалга оширилади.

Мазкур механизм ўқувчиларнинг таълим тайёргарлик даражасининг Давлат таълим стандартлари талабларига мослигини аниқлашдан иборат.

Республика миқёсида таълим сифати мониторинги жараёни Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқув йили давомида икки марта (биринчи ярим йиллик ва ўқув йили якунида) амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари томонидан ўқув йили давомида икки марта (иккинчи ва учинчи ч якунида) таълим сифати мониторинги жараёни амалга оширилади ҳамда мониторинг жараёни билан шу ҳудудда жойлашган мактабларнинг 30% камраб олинади.

Туман (шаҳар) миқёсида таълим сифати мониторинги жараёни Таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман(шаҳар) бўлимлари Давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳлари томонидан ўқув йили давомида уч марта (иккинчи, учинчи ва тўртинчи ч якунида) амалга оширилади ҳамда ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг 60% камраб олинади. Умумтаълим мактабларида мониторинг жараёни мактаб мониторинг гуруҳи томонидан амалга оширилади ҳамда барча синфлар ва барча фанлар камраб олинади.

Таълим сифати мониторинги ўқувчилар томонидан Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштириш динамикасини тизимли кузатиш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар ва уларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини режалаштириш имконини берувчи жараён ҳисобланади.

Таълим сифати мониторинги жараёни асосан ўзаро мантиқий боғланган учта босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқич (баҳолаш босқичи) – давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини, уларга таъсир этган омилларни кузатиш, аниқлаш, натижаларни қайд этиш;

Иккинчи босқич (таҳлил босқичи) – кузатув ва баҳолаш натижалари умумлаштирилади ва мавжуд ҳолат бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади;

Учинчи босқич (коррекциялаш, тузатиш босқичи) –бу босқичда болаларнинг билим ва кўникмаларида аниқланган бўшлиқларни ҳамда таълим сифатига таъсир этган омиллар устида ишланади. Бу жараёнда турли метод ва машғулотдан фойдаланилади.

Юқоридаги жараён узлуксиз давом эттирилса таълим сифати динамикасида ижобий ўзгариш содир бўлади.

Таълим сифати мониторингининг энг муҳим жиҳати унинг коррекцион (тузатувчи, ривожлантирувчи) хусусиятга эгалиги ҳисобланади.

Мамалакатимизда мустақиллик йилларида таълим тизимини модернизациялаш ва ислоҳ этиш, таълим-тарбия сифати ва ўқитиш самарадорлигини ошириш билан биргаликда таълим сифати мониторинги механизми ҳам такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунга қадар бўлган

тажрибадан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта таълим тизимида таълим сифати мониторингининг қуйидаги моделдан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади:



Мазкур моделда ижтимоий буюртмачилар ҳамда таълим жараёнининг барча иштирокчилари таълим сифатини баҳолаш жараёнида иштирок этадилар. Энг муҳими бу жараёнда қайта алоқа мавжуд бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Таълим сифатини баҳолаш тамойиллари сифатида ҳаққонийлик ва объективлик, ўқувчиларнинг психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ошкоралик, аниқлик, тенглик, илмий-методик асосланганлик кабилар киради.

Таълим сифатини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда таълим сифати мониторингини қуйидаги тартибда амалга ошириш лозим:

1. Таълим сифати мониторинги амалга ошириш учун ишчи гуруҳи, назорат материалларини тайёрлаш учун ижодий гуруҳ шакллантириш ҳамда улар учун ўқувлар ташкил этиш;
2. Мониторинг ўтказиш мақсадлари, тартиби, фойдаланиладиган методларни белгилаб олиш;
3. Бошланғич таълимнинг ДТС ва ўқув дастурларига тўлиқ мос келадиган назорат материалларини тайёрлаш. Назорат материаллари ўқувчиларнинг турли типдаги маълумотлар билан ишлаш, мантиқий фикрлаш, турли маълумотларни қиёслаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш қўникмаларини шаклланган даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.
4. Бевосита таълим сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун ўқувчилар, ўқитувчилар, мактаб маъмурияти ва ота-оналар учун сўровномлар тайёрланади. Мазкур

сўровномаларни ўтказиш асосан 3 та мақсадга: ўқувчининг ўзига ва унинг оилавий шароитига боғлиқ бўлган, таълим сифатига таъсир этган омиллар, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқ таълим сифатига таъсир этган омиллар, мактаб раҳбариятининг бошқарув маҳорати ҳамда методик ишларнинг таълим сифатига таъсири каби масалаларга эътибор қаратилиши лозим.

Таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим сифати мониторингининг модели қуйидаги кўринишда бўлади:



Умумтаълим муассасаларида мониторинг жараёни билан бир ўқув йили давомида барча синфлар ва барча фанлар қамраб олинади. Мониторинг жараёнида таълим сифатига таъсир этувчи қуйидаги омиллар ҳам ўрганилади:

Ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва касб маҳоратига боғлиқ омиллар;

Таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этилганлиги ҳамда уларнинг натижавийлиги;

Мактаб раҳбариятининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиши билан боғлиқ омиллар;

Мактабларда фан методбирлашмаси ва методика кенгашлари фаолиятига боғлиқ омиллар;

Моддий-техник база ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ омиллар; Ўқувчиларга ва уларнинг оилавий шароитига боғлиқ омиллар;

Таълим муассасалари, ўқитувчиларга кўрсатилаётган методик ёрдам ва малака ошириш сифатига боғлиқ омилларга ажратиш мумкин.

Юқорида қайд этилган таълим сифатига таъсир этувган омиллардан бири таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этилганлиги ҳамда уларнинг натижавийлиги қуйидаги мезонлар асосида аниқлаш мумкин:

Натижавийлиги, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигининг мунтазамлиги ва юқори даражада эканлиги;

Долзарблиги, ва ижтимоий аҳамияти, ўқув-тарбия вазифаларининг самарали бажарилиши;

Барқарорлиги, бир неча марта юқори натижага эришилганлиги, ҳар хил шароитда синаб кўрилганлиги;

Оптималлиги, минимал вақт, шароит ва воситалар орқали юқори натижаларга эришиш имконияти мавжудлиги;

Оммавий равишда амалиётда тажрибани ижодий қўллаш имконияти мавжудлиги ва бошқ;

Таълим сифати мониторинги коррекцион характерга эга бўлиб аниқланган муаммо ва камчиликлар тезкорлик билан бартараф этилганда таълим сифати ошади.

ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

Сафаров А. – БВХТХҚТМОИ ректори.

Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани туфайли мустақил мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида оламшумул ютуқларга эришилди.

“...Чуқур ва илмий жиҳатдан асосланган, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий соҳаларида кечаётган тубдан ўзгаришлар билан ҳар томонлама боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – “Ислом Каримов модели” асосида таълим тизимини тубдан ислоҳ этишнинг ўзига хос йўлидан борганимиз эвазига эришдик, десак муболаға бўлмайди.

Айнан мазкур фундаментал ижтимоий–сиёсий, илмий–педагогик асос мустақил Ўзбекистонда том маънода педагогик тафаккур юксалишини, таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган янги назарий, методик инновациялар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилишини таъминлади.

Ўзбекистонда миллий таълим модели ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: “Ислом Каримов модели” сифатида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга асос бўлди.

2012 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган вакиллар Ўзбекистонда яратилган таълим тизимининг устуворлигини эътироф этганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистонда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда “9 +3” схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти, аввало шундаки, умутаълим мактабидаги 9-йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умутаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда мактаб таълими, 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозок, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилади.

Таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлат бюджетидан таълимга ажратилаётган маблағ 35 фоиздан ортиқ, таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчасида қурилиш, капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Замонавий ўқув-лаборатория, мебел жиҳозлари билан таъминланган мактабларда таълим сифати ва мазмунига юксак эътибор қаратилмоқда. Мактабларни молиялаштиришда алмисокдан қолган тизимдан воз кечилиб, ўқувчи контингентидан келиб чиқиб ёндашилмоқда, ҳар бир таълим муассасаси ўз ҳисоб рақамига эга.

Ўқитувчилик энг шарафли касблардан бирига айланди, энг муҳими, уларнинг жамиятдаги обрўси ошди. Педагогларнинг ойлик маоши кўтарилди. Таълим–тарбияда ўрناق кўрсатган педагогларнинг ойлик маошдан ташқари моддий ва маънавий рағбатлатирилаётгани уларни самарали фаолият юритишга ундамоқда. Мактабда “Директор жамғармаси” жорий этилиб, юқори натижага эришган педагоглар меҳнати доимий

рағбатлантирилади. 1996 йилдан бошлаб 1 октябрь санаси “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Байрам муносабати билан кўплаб таълим фидойилари давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. “Йилнинг энг яхши мактаб директори”, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” каби кўрик танловлар ўтказилиб, касб эгалари моддий-маънавий рағбатлантириляпти.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи сирфидан бошлаб хорижий тилларнинг ўқитилиши бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини ифодалаб турибди. Юртимиз ёшлари, инглиз, немис, француз тиллари билан бирга, испан, хитой, корейс, араб ва бошқа кўплаб тилларни мактаб партасидаёқ ўрганмоқда. Бунинг учун таълим муассасаларида барча техник жиҳозлар ва методик материаллар муҳайё. Чет тилларни биринчи синфдан бошлаб ўрганиш ёшларимиз учун халқаро майдонларга кенг йўл очади.

Иқтидорли, зукко, билимдон, ўз тенгқурларидан алоҳида истеъдоди билан ажралиб турадиган ўқувчилар аввало, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳар йили умумтаълим мактабларининг 5-8 синф ўқувчилари ўртасида билимлар беллашуви ўтказилади. Унинг натижаси таълим муассасаларининг рейтингини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади. Умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари академиик лицей ва касб – ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларининг туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичи ўтказилиб, иқтидорлилар муносиб рағбатлантириляётгани, фахрли ўринни эгаллаган лицей ва коллеж ўқувчилари олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинаётгани истеъдодли ёшлар сафи кўпайишига туртки бўлмоқда. Истиқлол йилларида халқаро фан олимпиадаларида 275 нафар ўқувчи иштирок этиб, 22 та олтин, 53 та кумуш, 99 та бронза медалини қўлга киритгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Истиқлол шарофати билан бутунлай янги мақомга эга бўлган “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 – йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги қарорига кўра, мамлакатимиз бўйича 211 та шундай марказ ташкил этилиб, ўқувчи ўз хоҳиш–иродаси билан ана шу масканларга қатнай бошлади. Бу ерда бола бир вақтнинг ўзида бир нечта касб–ҳунар бўйича илк касбий кўникмани эгаллайди. Учта йўналиш–бадий ижодиёт, техник ижодкорлик, экология ва ўлкашунослик бўйича ташкил этилган тўғараклар фаолияти сифат ва самарадорлиги ошди.

Сўнгги беш йилнинг ўзида замонавий типда қурилган 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабида бугун юзлаб истеъдодли ўқувчиларни кўрасиз Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилган ушбу фикрларга қулоқ тутинг: “Дунёдаги турли–туман нуфузли беллашувларда Ватанимиз шухратини тараннум этиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мисол учун, бу йил юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида “Гран при” деб аталадиган энг юқори совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир”.

Президентимизнинг жорий йил 12 – июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида” ги фармони олий ўқув юртларида ёшларга сабоқ беришга энг муносиб профессор–ўқитувчилар фаолият юритишини таъминлайди. Фармонга кўра, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари уч йилда камида бир марта қайта тайёрловдан ўтиши ва малакасини ошириши шарт.

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди.

Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлири ўз фаолиятини бошлади. 1995 йили биринчи бўлиб Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳрида филиали очилди. 2002 йили Тошкент Халқаро Вестминстер университети, 2006 йили М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ўз фаолиятини бошлади. Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Россиянинг И.М. Губкин номидаги нефть ва газ университети Тошкент шаҳар филиалида юртимиз ёшлари таълим олишмоқда. Шунингдек Турин политехника (Италия) Инҳа университетлари (Жабубий Корея) ҳам фаолият кўрсатаяпти.

Халқ таълими тизимининг ўзида 12 вилоят ва 199 туманда замонавий ахборот – ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. АРМлар интернет тармоғига уланган, электрон ўқув адабиётлари ўқувчи – ёшларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ

Маманазаров А, Заместитель Руководителя Филиала МГУ имени М.В. Ломоносова, кандидат экономических наук

Осуществляемые в стране экономические реформы настоятельно требуют приобщения всего населения и, прежде всего, будущих специалистов к экономическим знаниям, которые позволяли бы осмысленно воспринимать происходящие в стране события. Формирование нового экономического мышления стало в нынешних условиях социальным заказом общества. Особое значение придается модернизации высшего образования, которая является важнейшим фактором экономического развития любого государства, а в глобальном масштабе - составной частью внешней политики (международные образовательные обмены и программы).

С началом реформ экономическое образование в вузах республики столкнулось с задачей радикального изменения не только содержания, но и образа мышления студентов. Роль мышления в экономической действительности значительно возрастает, так как от целенаправленного процесса его формирования в соответствии с современными социальными рыночными отношениями, во многом зависит масштабность преобразований в экономике. В связи с этим одной из важнейших задач экономического образования является интеллектуальное развитие студентов.

Главными средствами формирования экономического мышления являются экономическое образование и экономическое воспитание. Экономическое образование — усвоение системы экономических знаний, а экономическое воспитание — превращение полученных знаний в мотивы поведения, норму деятельности (соответствующие сегодня природе и принципам социально-ориентированного рыночного хозяйства).

Выявлены компоненты экономического мышления: системное экономическое знание, интеллектуальные умения (мыслительные операции -анализ, синтез, обобщение, классификация и др.), интегральные познавательные способности (целеполагание, программирование, планирование, прогнозирование) и установлены психолого-педагогические условия их формирования в образовательном процессе (систематизация учебного материала, применение проблемного и других методов и форм обучения с использованием учебно-методического комплекса, системы контроля).

Важной составляющей структуры экономического мышления является **способность** человека **оперировать экономическими понятиями, категориями, законами**. Сущность экономического мышления заключается в способности системного анализа экономических отношений. Именно системный анализ экономических явлений и процессов, их исследование через призму причинно-следственных, структурно-функциональных связей позволяет, с одной стороны, вырабатывать соответствующие духу времени, требованиям дня новые подходы и понятия, с другой, решать в оптимальном варианте конкретные практические задачи

В своем исследовании мы исходили из логики определения концепций, методов и технологий интеллектуального развития студентов, соответствующих структуре и задачам формирования экономического мышления. К ведущим мы отнесли широко распространенную в педагогике концепцию (теорию) формирования и развития интеллектуальных операций (П.Я. Гальперин, Н.Ф. Талызина и др.) и технологию проблемного обучения. Концепция поэтапного формирования умственных действий нацелена не только на интеллектуальное развитие, но и на отработку практических действий, привитие навыков поведения. Поскольку процесс усвоения действия регламентирован этапами, позволяет легко контролировать и совершенствовать данный процесс. Этапы включают в себя поэтапный перевод внешних действий во внутренние.

Для усвоения экономических знаний и формирования экономического мышления у студентов целесообразно использовать **проблемный метод обучения**, являющийся частью современной системы развивающего обучения. В процессе проблемного обучения сочетаются самостоятельная поисковая деятельность учащихся с усвоением готовых знаний.

Проблемным обучением можно назвать обучение решению нестандартных задач, в ходе которого обучаемые усваивают новые знания, умения и навыки.

Особую роль в изучении курса отводится методам и технологиям, позволяющим развивать возможности и способности студентов, часто не востребованных при традиционном обучении. К таковым относится технология **«Мастерская»** - один из видов проблемного обучения.

В мастерской студенты сами добывают и обрабатывают предметные знания и умения, а также учатся осознавать свои различные психические состояния и управлять ими.

Основная идея мастерской состоит в том, чтобы создать условия обучающимся для индивидуального выдвижения идеи и ее развития в индивидуальной и групповой работе. В процессе совместного обдумывания проблемы возможен переход на новый качественный уровень, что ведет к новому видению проблемы (табл.1).

Алгоритм функционирования мастерской

Табл.1

№	ЭТАП	СОДЕРЖАНИЕ	ТРЕБОВАНИЯ, УСЛОВИЯ
1.	Фаза индукции	Постановка, формулирование проблемы.	Проблему ставят студенты. Проблема находится в зоне понимания студентов, опирается на имеющиеся знания и опыт.
2.	Работа с материалом	Анализ материала, выдвижение идей индивидуально или в группе. Коррекция, дополнение, улучшение работы.	Нельзя критиковать идеи и мешать друг другу.
3.	Социализация	Вывешивание работ на стенах – рассказ, обсуждение, обмен мнениями, вопросы. Первичная социализация – в малой группе, основная – перед всей группой.	Отрицательные отзывы не допускаются. Принцип добровольности в представлении работ.
4.	Рефлексия	Анализ студентов своих чувств и мыслей, возникших в процессе работы.	Развитие навыков ощущать и высказывать свои чувства.

Как показали данные наблюдений, качественного и количественного анализа динамики развития экономического мышления студентов, вышеназванные технологии в совокупности с ситуационными семинарами, методами эвристики, синектики и модерации способствовали развитию таких умений

в области **экономического мышления**, как:

- устанавливать причинно-следственную зависимость экономических процессов;
- анализировать экономические процессы, их особенности и тенденции в настоящее время и в перспективе;
- развития критического экономического мышления;
- выделения современных экономических приоритетов;
- целостного охвата экономических ситуаций.

Следовательно, комплекс педагогических форм, методов и технологий, подобранных в соответствии с особенностями экономического мышления и проверенных на практике, позволяет управлять формированием экономического мышления в соответствии с теоретически и психолого-педагогическими обоснованными механизмами его развития и является эффективным способом повышения качества экономического образования.

ҲАМКОРЛИҚДА ҶЎҚИТИШ-ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Астанов Р. – Бухоро ВХТХҚТМОИ маънавий – маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор

Ҳамкорликда ўқитиш – бу, турли кичик гуруҳлардаги инструктаж ва интерфаол жараёнларни аниқловчи оммалашган иборадир. Ўқувчилар ҳамкорликда академик топшириқлар устида, кичик гуруҳларда ишлашади ва ўзларига ҳамда ўз гуруҳлардаги ўртоқларига биргаликда ёрдам беришади. Умуман, ҳамкорликда ўқитиш методлари куйидаги беш хусусиятга эга:

1. Ўқувчилар биргаликда, умумий топшириқ ёки ўқитилаётган фаолият устида ишлашади, бу гуруҳий иш орқали яхши ўзлаштирилади.
2. 2-5 нафар таркибдан иборат, ўқувчилар кичик гуруҳларда биргаликда ишлашади.
3. Ўқувчилар умумий вазифаларни ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш учун, кооператив ва ижтимоий қабул қилинган ҳуқ – атворни ишлатишади.
4. Ўқувчилар ижобий ва мустақил бўлишади. Умумий вазифаларни ечимини топишга эришиш ёки ўрганишда ўқувчиларнинг бир – бирларига кўмак бериши талаб этилиши ҳисобга олиниб, режа тузилади.
5. Ўқувчиларда ўз ишлари натижасига ёки бошқача айтганда, ўқишга, таълим олишга шахсан маъсулиятли ва жавобгарлик пайдо бўлади.

Ҳамкорликда ўқитиш нима учун керак?

Ҳамкорликда ўқитиш, ўқувчининг ўрганиш жараёнини бойитади:

- Ўқувчилардаги мавжуд когнитив ахборотлар тўпламини яратилади.
- Ўқувчиларда материални ўрганишларида иштиёқ уйғотади.
- Ўқувчиларнинг ўз шахсий билимларини шакллантиришда кўмаклашилади.
- Қайта боғланиш орқали хатоликлар тузатилади
- Синфдан ташқари эришиладиган муваффақиятга зарурий ижтимоий ва гуруҳий билимлар эришилади.
- Турли хил маданий ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида ижобий ўзаро муносабат ўрнатилади.

- **Ҳамкорликда ўқитишнинг техникаси ва тизими.**

Уч поғонали интервью

Давра суҳбати

Рўйхат тузиш

Муаммолар ечишнинг тузилиши

Бир дақиқалик ишлар

Жуфтлик изоҳлари

Муаммони жўнатиш

Баҳолаш чизиғи ўтказиш.(ранжирования)

Кам учрайдиган бирлик

Жамоа кутуви

Икки қисмли кундалик.

“Тенгдош- Тенгдошга йўллайди “ методи.

Сўровнома.

Уч поғонали интервью “музёра” сифатида машғулот ёки тадбир бошланишида, жамоа аъзоларини бир- бирлари билан таништириш учун ёки ўқувчилар орасида ролларни тақсимлаш, турли махсулот ва буюмлар билан чуқур танишиш мақсадида ишлатилиши мумкин.

Ўқитаётган ходимлар, ролларни тақсимлайдилар ёки ўқувчиларнинг ўзи, танлаш асосида ролларни ижро қилиши мумкин. Ўқитаётган ходимлар интервью саволларини ёки “топилиши” керак бўлган ахборотни тарқатиб чиқишлари, ҳам мумкин. Мисол учун, Ўқувчи А, ўқувчи Б га бир неча дақиқа, вақт ичида саволлар беради ва диққат билан эшитиб, интервью олади. Яна бир ишорадан сўнг, ҳар бир жуфтлик бошқа жуфтликка ўгирилади, ҳамда тўрт кишидан иборат кичик гуруҳ шакллантирилади. Гуруҳнинг ҳар – бир аъзоси ўз партнёри тўғрисидаги энг қизиқ лавҳаларини ифодалаб, таништиради.

Давра суҳбати

Давра суҳбати тузилмаси, ақлий ҳужум йўли билан ғояларни тўплашда, битта савол ёки саволлар гуруҳига, кўп сонли жавобларни оммалаштириш учун, ишлатилиши мумкин.

1. Ўқитувчи савол беради.

2. Ҳар бир гуруҳга бир дона ручка ва бир дона қоғоз берилади.

3. Биринчи иштирокчи битта жавобни ёзади ва жавобни баланд овозда ўқиб беради.

4. Биринчи иштирокчи битта жавобни ёзади ва чап тарафида ўтирган гуруҳдошига қоғоз ва ручкани узатади ва кейинчалик ўша иштирокчи, ўз жавобини ёзади ва ҳ.к...

5. Ажратилган вақт тугамагунга қадар иш тўхтатилмайди.

6. Ўқувчилар жараён вақтида “таслим бўлдим” сўзини айтишлари мумкин.

7. Ажратилган вақт тугагандан сўнг, иш тўхтатилади.

Бу жойда ўқувчилар кўриб чиқиши, учун мўлжалланган савол ёки муаммонинг калити бўлади. Бу шундай, савол бўлиши керак-ки, унда кўпгина (бир неча) “тўғри” жавоблар ўз аксини топсин. Саволни, курс мавзусига боғланг, лекин ҳар бир иштирокчи ўз хиссасини қўшиши учун, уни содда шаклда тайёрланг. Ажратилган вақт тугаши билан, ўқувчилар ўз рўйхатларини... билан нима қилиши юзасидан, яъни улар турли жавобларни муҳокама қилишни давом эттириши ёки синфнинг, бошқа аъзолари ўртасида, ўз рўйхатлари билан тажриба алмашишлари тўғрисида, ёки бу борада Сиз, нимани хохлашингизни аниқланг.

Муаммоларни ечишнинг тузилиши.

Муаммолар ечишнинг тузилишида, кўпгина ҳамкорликда ўқитиш усулларини қўшимча сифатида уйғунлаштириб ишлатишлари мумкин бўлади.

- Ўқувчилар ақлий ҳужум методини ёки муаммони кўриб чиқиш учун танлаб ишлатишади.

- Ҳар бир гуруҳ аъзолари орасида рақамларни тақсимланг. Бунда, ҳар бир гуруҳ ичидаги аъзоларда ҳар хил рақамлар бўлиши таъминланиши зарур.

- Гуруҳда топширикни муҳокама қилинг.

- Ҳар бир иштирокчи жавоб бериш учун, тайёр бўлиши керак. Ҳар бир гуруҳ аъзоси жавобни яхши тушиниши, моҳиятини англаши, бошқа қолган гуруҳ аъзоларининг кўмагисиз, жавоб бера олиши керак.

- Ҳар бир гуруҳдан, кимнидир танлаб, жавоб беришини сўранг. Жавоб берувчи иштирокчини, унинг рақами асосида чақиринг.

- **Икки қисмли кундалик**

- Икки қисмли кундалик, синфда ўқувчилар томонидан ўқилган мақолалар, бошқа омилар юзасидан мунозарага тайёргарлик жараёнида белгилаш ва изоҳ, шарҳлар келтириш учун, ишлатилиши мумкин. Ўқувчилар, ўқиш учун берилган материални

ўқийдилар ва фикрлайдилар. Ўқувчилар, икки қисмли кундаликни тайёрлайдилар, ўқилган муҳим жойларни белгилайдилар (ўз қарашлари, муносабатларидан келиб чиққан ҳолда) ва ўқилган материалдан барча жавобларни ёзиб борадилар. Ўқувчилар, ўз кундаликларини ёзувлари билан биргаликда синфга олиб келадилар. Синфда, ўқувчилар муҳокамани бошлашлари, жуфтлик изоҳларини беришлари ёки бошқа фанлар ва гуруҳий ишларда, ўз кундаликларидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ибрагимов А. – ЎзПФТИИ катта илмий ходим-изланувчиси

Маълумки, педагог ходимлар фаолият самарадорлиги ва муваффақияти уларнинг касбий тайёргарлиги, малакага эгаллик даражаси, зиммасидаги вазифаларни бажаришга нисбатан ижодий ёндашиши ҳамда ўз устида кунт ва изчиллик билан ишлаши асосида таъминланади.

Ахборотлар ҳажмининг кун сайин ортиб, замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологиялари воситаларининг мукамаллашиб ва такомиллашиб бориши педагог ходимларнинг ахборотлашиш жараёнига доир касбий маҳоратларини ҳамда ахборот маданиятларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Ҳар бир педагог ходим фаолияти давомида узлуксиз таълимга ва касбий маҳорати устида мустақил ишлашга бўлган талаб ва тайёргарлигини такомиллаштириш билан бир вақтда ўз соҳаси бўйича яратилаётган ахборотлар оқимининг муҳимлиги ва зарурлигини билиши, мустақил ҳолда ахборотларни ишлаши, турли манбалардан, яъни интернет тармоғидан, жумладан, Ziyonet тармоғи ва бошқа миллий ҳамда хорижий ахборот тармоқларидан ахборотларни олиши, уларни ўқувчиларга тушунадиган шаклда ифодалаш ҳамда дарс жараёнида самарали фойдаланиши лозим.

Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи нафақат муҳим ахборотлашган билим ва малакаларга эга бўлиши, балки касбий маҳоратини такомиллаштирган ҳолда дарс жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириши олиши ҳам зарур.

Шунингдек, педагог ходимларни ахборот билан ишлаш маданиятини ўстириш ва шакллантириш ҳам жуда муҳимдир. Ахборот маданияти – бу кишининг кундалик ҳаёти ва фаолиятида ахборот технологияларининг барча турларидан тегишлича фойдалана олиш кўникма ва малакаси. Бинобарин, малака ошириш таълими олдида ўқитувчиларни ахборот билан ишлаш маданиятини ўстириш ва шакллантириб боришдек долзарб вазифа турар экан, бу ўринда ўқитувчи тобора маслаҳатчига, йўл-йўриқ кўрсатувчига, ўқув жараёнини бошқарувчисига айлана бориши, шунингдек унинг ахборот эгаси ва тарқатувчиси сифатидаги функциялари энди янги ахборот технологиялари зиммасига юклана бориши муносабати билан асосий масала, билимлар ва ахборот оламига кириш, бу оламнинг ресурсларидан қандай қилиб фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш масаласи бўлиб қолади.

Ўқитувчининг касбий маҳорати ва ахборот маданияти унинг ахборотлашган дунёқараши, ҳам анъанавий, ҳам янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш билан профессионал ахборотлашган талабини мукамал қаноатлантириш бўйича мустақил иш фаолиятини таъминловчи билим ва малакаларининг тизими билан характерланади. Янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқитувчи педагогик фаолиятининг муҳим ва асосий томонларини ёритади, яъни ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштириш, уларда доимий равишда билимга бўлган қизиқиш ва интилишни уйғотиш, ахборотларни излаш, сақлаш, саралаш ҳамда олиган маълумотлар устида ишлаш, уларни баҳолаш кўникмаларини тўғри шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Малака ошириш жараёнида педагог ходимларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш жараёнида кўпчилик ўқитувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш бўйича етарли малакага эга эмаслиги, керакли сўровларни талаб даражасида баён эта олмаслиги фаолиятга тегишли материалларни, малака ҳужжатларини, ўқув дастурларини тузишда ва тайёрлашда қийинчиликларга сабаб бўлади.

Замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришда асосий эътиборни қуйидаги мавзуларни ўзлаштиришига қаратиш муҳим ҳисобланади:

- жамиятдаги ахборотлаштириш жараёнининг таълим тизимидаги ўрни;
- миллий ва хорижий ахборот тармоғи ва порталларидан ахборотлар излаш ва топиш;
- ахборотларни қайта ишлашнинг замонавий дастурлари ва усуллари;
- таълим тизимини бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- ахборот технологиялари асосида ўқув-услубий ва педагогик-тадқиқот фаолиятларини шакллантириш.

Бу жараён ўқитувчилардан бир қатор кўникма ва малакаларга эга бўлишликни, яъни: дидактик материалларни ва фаолиятига оид ҳужжатларни тайёрлашда матн муҳарриридан самарали фойдаланиш, мультимедиа тақдимотларини тайёрлаш, тармоқ ичида маълумотларни излаш ва мулоқот қилиш кабиларни талаб этади.

Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва ахборот маданиятини такомиллаштиришнинг асосий воситалари сифатида ўқув ва амалий дастурлар, мультимедиа технологиялари, электрон ўқув адабиётлари, масофадан ўқитиш тизими, интернет тармоғи ҳамда амалий дастурлар пакетларини кенг қўллаш тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ЎҚУВЧИЛАРДА МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

Пардаева М – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази директори ўринбосари

Бугун инсоният шиддат билан ўзгариб бораётган ахборот асрида яшамокда. Инсон тафаккурининг маҳсули бўлган ахборот технологиялари фан, техника ва ишлаб чиқаришни тараққиётга хизмат қилдириш билан бир қаторда, инсоният ўзи яратган маънавий ва моддий кадриятларни, тузим ва тизимларни вайрон қилиш учун ҳам қўлламоқда. Ахборот технологиялари инсон қўлида ё яратувчанлик, ё вайронкорлик қуролига айланиб, унинг мақсадига қараб қўлланиши мумкин. Замонавий техника ва технологияларни эзгу мақсадларда ишлатиш, яратувчанлик ва кадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш каби фазилатларни эса инсон ўз боласида илк ёшданок шакллантириши лозим.

Таълим-тарбия ҳам шунга ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Акс ҳолда, фарзандларимиз - ёшларимиз янги даврга мос ҳаётий мўлжалларини белгилашда чалғиши, жадал ривожланаётган ахборот маконида ўзларига керакли манзилни тополмай адашиши ҳеч гап эмас. Бугун болаларимиз қайси ахборот манбаларидан маълумот олмоқда, уларни қандай қилиб яхшисини ёмонидан, фойдалисини зарарлисидан, ҳавфсизини ҳатарлисидан ажратаяпти, уларни қаерда ва қай юсунда қўллаяпти, деган саволлар бизнинг диққатимиз марказида бўлмоғи керак.

Демак, ота-оналар, кенг жамоатчилик ва педагоглар ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантиришни ва ривожлантиришни ҳамкорликда амалга оширишимиз жуда муҳим ва долзарб масаладир.

Инсоният ҳаётида пайдо бўлиб, 50 млн. фойдаланувчига эга бўлиши учун радиога 38 йил, телевидениега 13 йил, интернетга 4 йил, мобил телефонига 3 йил кетган бўлса, ижтимоий тармоқ (Facebook) эса 1 йил ичида 200 млн. фойдаланувчига эга бўлган. Қуйидаги маълумотлар ахборот маконининг кўлами ва унинг имкониятларидан дарак беради.



Internet World Stats агентлигининг маълумотларига кўра, интернетдан 2,5 млрдга яқин одам фойдаланаётган бўлса, мобил воситалар ёрдамида интернетдан фойдаланувчилар 4,5 млрдга етган.

Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг 30,2% Интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Биргина UZ доменида рўйхатдан ўтган вебсайтлар сони 2007 йилда 2,0 мингта бўлган бўлса, 2015 йилга келиб улар 19,1 мингта бўлди. Давлат интерактив хизматлари сони 2008 йилда 49 та бўлган бўлса, 2015 йилга келиб улар 685 тага етди. Ziyonet таълим порталида 2008 йилда 7,3 мингта ресурс бўлган бўлса, 2015 йилга келиб уларнинг сони 65,3 мингтага етди. Албатта бундай мисолларни кўплаб келтириш, ахборот технологияларининг афзалликлари ва оламшумул ютуқлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин, лекин танганинг икки томони бўлгани каби унинг вайронкор, ҳавф-ҳатарли жиҳатларига ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Масалан, хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра дунёда 76% дан ортиқ ота-она болаларининг қандай сайтларга киришини билмас ва назорат қилмас экан. Бор-йўғи 11% ота-оналаргина болаларига онлайн хавфсизлик ҳақида тушунтириш берар экан, 12% ота-оналар эса фарзандларига электрон тармоқда ишлашни таъқиқлаб қўйган экан.

Кўплаб тадқиқотлар натижаларига кўра 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган 38%, 13–16 ёшдаги 77% болалар интернетнинг доимий фойдаланувчилари ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, 18 ёшгача бўлган 40% болалар таъқиқланган сайтларга кириб, улардаги ман қилинган ахборотларга қизиқиши ва доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44% виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11% эса бир неча бор таъқиб остига олинган.

Ёшларнинг 14,5 % интернет орқали нотаниш одамлар билан учрашув белгилаган, 10 % бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 % бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Дунё миқёсида эса 38% болалар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26% миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб бориши маълум бўлган. Ачинарлиси шундаки, дунёда 12-15 ёшли болаларда Интернетга қарам бўлиб қолиш мойиллиги кучли бўлиб, бундай ўғил болалар қизлардан 10 баробар кўпчиликни ташкил этади.

Бундай ҳолатлар ҳеч кимни, ҳеч қайси миллатни, ҳеч қайси давлатни четлаб ўтмаслиги муқаррар. Чунки, ахборот технологиялари, электрон тармоқлар, мобил алоқа воситалари инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётир. Бундай даврда таълим-тарбия жараёнини мазмунан такомиллаштириш, ўқувчиларда таянч компетенцияларни, айниқса ахборот билан ишлаш компетенциясини жадал ривожлантириш эҳтиёжи туғилиши табиийдир. Демак, бугун болаларимизда медакомпетентликни шакллантиришни таълим-тарбия жараёнида умумтаълим фанларига сингдирган ҳолда амалга ошироғимиз лозим.

Бу муаммони ҳал қилиш учун мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги ўзига хос тажрибаси, ривожланган давлатлар таълим тизимларининг ютуқ ва тажрибаларини эътиборга олган ҳолда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тажриба-тадқиқотдан ўтказилмоқда. Тажриба-тадқиқот жараёнида ўқувчиларда шакллантирилаётган 6 та таянч компетенциялар аниқлаб олинди, булар:


- ✓ коммуникатив компетенция;
- ✓ ахборот билан ишлаш компетенцияси;
- ✓ шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси;
- ✓ ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси;
- ✓ умуммаданий компетенция;
- ✓ математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси.

Бевосита медакомпетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим бўлган **ахборот билан ишлаш компетенцияси** ўз ичига қуйидаги компонентларни олади:

- ✓ мавжуд ахборот манбаларидан (*интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.*) фойдалана олиш;

- ✓ медиа воситалардан зарур бўлган ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, ҳавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиамаданиятга риоя қилиш;
- ✓ маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш;
- ✓ кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш.

Дарс жараёнида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш билан биргаликда фанга оид компетенцияларни ҳам шакллантириш лозим бўлади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан педагогик жараённинг энг самарали шакллари, ўқитишнинг инновацион технологиялари, методлари ва ўқув-методик материаллар танланиши ҳамда қўлланиши керак. Педагогик жараённи олдиндан лойиҳалаштириш, субъектлар фаолиятини режалаштириш, ўқувчиларнинг мавжуд билим ва қизиқишларига кўра ўқув материаллари, дидактик маҳсулотлар билан таъминлаши лозим.



Айтиш жоизки, бугунги кунда айрим ўқитувчиларимизнинг ўзида АКТ компетентлик етарли шаклланмаганлиги сабабли самарали педагогик жараённи тўлақонли амалга оширишда нисбийлик юзага келади. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, компетентлигини, жумаладан АКТ компетентлигини ошириб бориш ҳам долзарб масаладир. Малака ошириш курслари ўқув дастурларига Ахборот коммуникация технологиялари ва Фанни ўқитишда ахборот технологиялари ўқув модуллари киритилган бўлиб, белгиланган даврийликда ўқитилади. Аммо ўқитувчининг касбий компетентлиги мунтазам ва узлуксиз ривожлантириб боришни талаб этади. Бунда педагогнинг ўз устида ишлаш, ўзини-ўзи ривожлантириш ва изланиш ҳамда ижод қилиш иштиёқи, масъулияти бўлиши лозим. Замонавий ўқитувчига қўйилаётган талабларга жавоб бера олиш заруратини ҳис этиши ва ўзида қуйидагиларни мужассамлаштириши керак:

- ✓ Дунё ва мамлакатда таълим тараққиёти босқичларини билиши, халқ таълими тизимида ўқув-тарбия жараёни мазмунини таъминлашга, узвийлик ва узлуксизлигига амал қилиш;
- ✓ Компьютер, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва педагогик фаолиятида қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ✓ Ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний ривожланиши ва ёш хусусиятлари қонуниятларини билиши, таълим-тарбияда педагогик-психологик ёндашувга асосланиш;
- ✓ Ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда дарснинг аниқ босқичи учун самарали замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда методларни тўғри танлаш ва қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш;
- ✓ Ўқув-тарбия ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида болалар ҳаёти ва соғлиги, техник ҳамда ахборот ҳавфсизлигини таъминлашга тайёр бўлиш;
- ✓ Дарс жараёнида медиаресурслар ва электрон тармоқ имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда медиаҳавфсизлик меъёрларига амал қилиш.

Агар биз, болаларимизда ўз ҳаёт йўлида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардошликни, яъни

компетентликни шакллантирсак, баркамол авлодни тарбиялашдаги вазифаримизни виждонан адо этаётган бўламиз.

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШИ ҚИЙИН БЎЛГАН МАВЗУЛАРНИ
ЎРГАНИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
(7-синф “Жаҳон тарихи”дан “Салжуқий ва Усмонли турклар давлати” мавзусини
ўрганиш мисолида)**

*Ҳайдаров Ю. – БВХТХҚТ ва МОИ “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси мудири,
тарих фанлари номзоди, доцент*

Мамлакатимизда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаб вояга етказиш умумий ўрта таълим мактабларида, таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишни талаб этади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билимида учрайдиган типик бўшлиқларни бартараф этиш борасидаги фаолиятимиз, шунингдек ўқувчиларнинг “Билимлар беллашувида”ги иштироки таҳлили шуни кўрсатадики, VII синф “Жаҳон тарихи» нинг, “Салжуқий ва Усмонли турклар давлатлари”мавзуси ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларга киради.

Ўқувчи – ёшларнинг ушбу мавзу материалларини пухта эгаллаб олишларини таъминлаш учун куйидаги масалаларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтиш тавсия этилади:

Бу мавзунини ўрганишда ўқитишнинг “Инсерт” деб аталган интерфаол усулидан фойдаланиш яхши самара беради. Негаки, бу метод катта ҳажмдаги матнни ўрганиш ва иш билан бирга, маълумотларга нисбатан ўқувчининг шахсий муносабатини аниқлашга ёрдам беради.

Дарслик матнида келтирилган маълумотларда Салжуқийлар давлатига асос солиниши жараёнлари етарлича келтирилмаган. “Инсерт” методидида ўқувчи матнни ўқиб, етарлича муносабат билдира оладиган матнни танлашзфурлигини инобатга олиб, Мансикерт жанги, Византия ёлланма қўшинларининг тор-мор этилиши, Салжуқийлар давлатининг ижтимоий тузуми, шаҳарлар ҳаёти ва давлатларнинг парчаланиб кетишимасалалари бўйича матн тузиш ёки шу масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдириш талаб этилади.

Инсерт усулида жадвални тўлдириш.

Инсерт қоидаси.

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига куйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

V – биламан

+ – мен учун янги маълумот.

- – мен билган маълумотни инкор қилади.

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	V	-	+	?
• Салжуқийлар давлатига асос солиниши;				
• Мансикерт жанги. Византия ёлланма ёлланма қўшинларининг тор-мор этилиши;				
• Салжуқийлар давлатининг ижтимоий тузуми;				
• Салжуқийлар давлатида Кичик Осиёдаги шаҳарлар ҳаёти;				
• Салжуқийлар давлатининг парчаланиб кетиши;				
• Усмонийлар давлатининг ташкил топиши;				
• Болқон ярим оролидаги истилолар;				
• Константинополнинг қулаши;				
• Усмоний турклар давлатида маданий ҳаёт				

Дарс жараёнида бир гуруҳ ўқувчилар матн тузсалар, бир гуруҳ ўқувчилар берилган топшириқларнинг энг муҳим масалаларини дафтарга қайд этадилар.

Бошқа гуруҳ ўқувчилар эса синфдошларининг берилган топшириқ бўйича баёнларини баҳолашда қатнашадилар. Бир вақтнинг ўзида яна бир гуруҳ ўқувчилар синфдошлари тузган матнларни ўқиб ўз фикр-мулоғазаларини билдирадилар. Шу тариқа барча ўқувчилар дарс жараёнида фаол иштирок этадилар.

Ўқувчилар синфдошлари тайёрлаган матнни ўқир эканлар, дафтар хошиясига, баён қилинган фикр-мулоҳазаларни эшитганда эса ўз дафтарларига қуйидаги белгиларни қўйиб борадилар:


Ўқитувчи эса дарс якунида дарс иштирокчиларининг ўрганилаётган мавзу бўйича билимларини аниқлаш, умулаштириш ва якуний хулоса чиқариш имкониятига эга бўлади. Энг муҳими, дарснинг сифатли ва самарали ўтишини таъминлайди. Барча ўқувчиларнинг дарс жараёнида фаол иштироки таъминланади.

Усманийлар давлатининг ташкил топиши, Усмонли туркларнинг Болқон ярим оролидаги истилолари, Константинополнинг турклар томонидан босиб олинishi, Усмонли турклар истелолари, Усмонли турклар давлатида маданий ҳаёт масалаларини ўрганишда эса “Қарорлар шажараси (Резюме) “ интерфаол методидан фойдаланиш мумкин. Негаки, ўқитишнинг бу интерфаол методимуаммонинг кўпроқ ечилишини топишва уларни таҳлил қилиб, энг самаралисини танлашга қаратилган методдир.

Бу методни қўллашда мавзу бўйича муаммо танланади. Усманийлар давлати ташкил топиши ва Болқон ярим оролидаги истилолари ҳақида фикр юритганда “Усмонли турклар ғалабасининг асосий омилларини топинг” – дея муаммо қўйилади. Муаммонинг 3 ва ундан ортиқ ечимлари ўқитувчи томонидан белгиланади:

“Балиқ скелети” техникасидан фойдаланилган ҳолда “Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари” мавзуси муаммоларини аниқланг ва ечимини топинг.

• Усмонли турклар қудрати нимада эди?
• Яничарлар кимлар ва уларнинг Усмонли турклар қўшинида тутган ўрни ва ролини аниқланг?
• Тумори ерлари кимларга берилган ва бу жараён давлат куч-қудратини оширишга қандай таъсир кўрсатган?
• Турк султони Боязид қўшинларининг Амир Темур қўшини томонидан тор-мор этилиши, нимадан дарак беради?



– каби масалалар ечимини топишга ўқувчилар даъват этилади.

Ўқитувчи дарс машғулоти давомида ўқувчилар топган ҳар бир ечимнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилишлари талаб этилади. Ҳар бир ўқувчининг муаммоли масала ечимини топишдаги билим даражаси аниқланади ва ўқитувчи томонидан таҳлил қилинади. Муаммонинг ечимини топганлик, айниқса унинг ижобий ва салбий томонларини аниқлай олган ўқувчиларни рағбатлантиради, ҳамда уларнинг билиминини баҳолайди.

Дарс якуний хулосаланади.

- Усмонли турклар ғалабалари омиллари,
- Кудратли отлик ва пиёда кўшинга эгаллиги
- Кўшиннинг ҳар бир суворийсига 3-5 минг пиастр даромад келтирадиган ер-мулк тумори берилган
- Яничарлардан иборат кўшинни шакллантирган

Т-схема жадвали

Усмонли турклар давлати	
Ижобий	Салбий
Адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик ривожланди	Талончилик урушлари олиб борди
Меъморчилик ривожланди 300 дан ортиқ иншоотлар:масжид, мадрасалар, саройлар, фавворалар,ҳаммом ва кўприклар қурилди.	Кўплаб аҳолининг қирилиб кетишига сабабчи бўлди
Ўрта, Қора ва Эгей денгизлари атласи яратилди.Жаҳон тарихи манбалари ўрганиш имконияти яратилди	Кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилади

Кўриниб турибдики,ҳар бир мактабда таълим –тарбия сифат ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб турибди.Бунинг учун ҳар ббир ўқитувчи ўз фанини ўқитишнинг энг самарали технологияларини пухта билиши ва бу соғадаги янгиликларни узлуксиз ўрганиб бориш орқалиўз касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориши талаб қилинади. Бу жараён ўз навбвтида жаҳон рақобатига бардош берадиган, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга имкон беради.

Шу боисдан ҳам Юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “ Барчамиз бугун чуқур англаб олдик- фақтгина замонавий асосда таълим – тарбия олган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади “

ЎҚИТУВЧИ: КЕЧА ВА БУГУН

Абдуллаев С. – п.ф.н., доц. НВХТХҚТМОИ ректори, Турсунов Б – т.ф.н НВХТХҚТМОИ ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири

Ўртача ўқитувчи баён қилади, яхши ўқитувчи тушунтиради, машхур ўқитувчи намоийи қилади, буюк ўқитувчи руҳлантиради.

И.В. Гёте

Ўқитувчилик энг қадимий ва шарафли касблардан бири ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, инсон фақат таълим-тарбия туфайли ижтимоий меъёр ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўзлаштиради, маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланади ва такомиллашади.

Тарихдан маълумки, Шарқ мамлакатлари, жумладан, Туркистон ўлкасида ҳам муаллимлик энг кадрли ва обрўли касб ҳисобланиб, бу соҳа эгалари "устоз" дея эъзозланган. Ўлкага ислом дини кириб келиши билан ҳар бир маҳаллада масжид ва деярли ҳар бир масжид қошида мактаб ташкил этилган. Мазкур касб ўзига хос бўлган ривожланиш йўлини босиб ўтган.

Ўқитувчилик мураккаб ва машаққатли касб ҳисобланиб, ўқитувчининг тарбия соҳасидаги асосий вазифаларидан бири ўқувчининг онгига ёши улуғ ва ўқимишли кишиларни

хурматлаш, ногирон ва ночор одамларга ғамхўрлик қилиш, ота-оналарга меҳр-муҳаббат кўрсатиш каби фазилатларни сингдиришдан иборатдир.

Шу боисдан ўқитувчига маълум талаблар қўйилади. Яъни ўқитувчи юксак даражада билимли, кишилар билан яхши муомала қила оладиган, вазмин, ўзининг хулқи билан ибратли инсон бўлиши лозим.

Халқ ҳамиша билим ва маданиятга интилади. Шу сабабли ўқитувчи ҳамиша одамларнинг диққат марказида бўлади. Бу ҳолат ўқитувчига кўп мажбуриятларни юклайди. Жумладан, ўрта асрларда кенг тарқалган сўфийлик таълимотида ўқитувчининг мажбуриятлари хусусида тўхталиб ўтилган ва бу мажбуриятлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ушбу мажбуриятларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

Ўқитувчи болаларни ёқтириши ва уларга ўзининг фарзандларидек муносабатда бўлиши керак. Шунингдек, болаларнинг заиф жиҳатларини доимо тушуниши ва уларни шу заифлиги учун янада авайлаши лозим.

Ўқитувчи таълим-тарбия бергани учун ўқувчидан ҳақ таъма қилмаслиги, инъом олмаслиги ёки ундан миннатдорлик кутмаслиги, аксинча, ўқишни хоҳлаганлиги учун ўқувчидан миннатдор бўлиши зарур.

Ўқитувчи ўқувчига маслаҳат беришдан бош тортмаслиги даркор. Олға силжишни ўқувчи эмас, балки ўқитувчи баҳолайди.

Ўқитувчи ўқувчини ёмон йўлдан қайтариш учун унга тўғридан-тўғри эмас, балки нимагадир шаъма қилиб гапириши лозим.

Бирор фанни ўргатадиган ўқитувчи ўқувчиларнинг олдида бошқа фанлар ҳақида ножўя гап айтмаслиги керак.

Ўқитувчи нимани ўргатса, ўзи ҳам шунга амал қилиши шарт. У таълим-тарбия самарасини ифодалайдиган жонли мисолдир.

Ўқитувчининг юқорида келтириб ўтилган мажбуриятлари шу халқнинг қадриятларини, унинг маданиятини, бош қадрият сифатидаги инсоннинг юксалишини намойиш этади.

Ўз юртининг юксалишини истаган ҳар бир ҳукмдор жамият ҳаракатлантирувчи кучлардан бири бўлмиш ўқитувчини доимо қадрлаб келган. Жумладан, Алишер Навоий ўқитувчига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва қандай бўлса-да, унинг обрўсини ошириш керак, деб ҳисоблаган. Шу боис, у ўзининг мадрасасидаги ўқитувчиларга ҳар йили 200 олтин тангадан ҳақ тўлаган ва уларни буғдой билан таъминлаган.

XIX асрнинг охиридан, яъни ўлкада маърифатчилик ҳаракати пайдо бўлиши билан муаллимликнинг савиясига эътибор кучайди. Туркистонда анъанавий муаллимлар билан бирга, Европа мамлакатларидан ўзлаштирилган усулларда дарс берадиган янги муаллимлар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу ҳол, айниқса, жадидчилик ҳаракати авж олган кезларда анча кенг ёйилди. Муаллимлар савиясининг ошганлиги миллат руҳиятида уйғониш юзага келишига, тараққиётнинг бир қадар тезлашувиغا олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатда муаллимлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистонда муаллимлар университетлар, педогогика ўқув юртларида тайёрланади. Мамлакатда ўқитувчилар малакасини ошириш тизими жорий этилган, ҳар бир муаллимга ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида бепул педагогик ва методик ёрдам олиш имконияти яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида сўзлаган нутқида: “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда”, – деб ҳақли равишда таъкидлаб ўтган. Чунки, ўқитувчи ўз миллатининг вакили бўлиши билан бирга ана шу миллатдаги барча хусусиятларни ўзида мужассам этган зиёлидир. Шу маънода ўзининг касбий фаолияти орқали миллат маданиятини дунё аҳлига кўз-кўз қилувчи ойнадир.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Мусурмонова М. – Жиззах ВХТХҚТУМОИ проректори

Ҳозирги анъанавий таълим ХҮII асрда Я.А. Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда дунёдаги мактабларда энг кўп қўлланаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланмоқда.

Педагогик технология жараёнини такомиллаштириш, уни бола шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар: ҳамкорлик педагогикаси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар ҳисобланади.

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилишга асосланган педагогик технологиялар: табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари, таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар қиради.

Табиатга мувофиқлаштирилган педагогик технологиялар: боланинг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатга мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар қиради.

Ривожлантирувчи таълим технологиялари: бола шахсининг ижобий сифатларини, айрим соҳалардаги билимларини ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари қиради.

Булардан ташқари хусусий (ўқув фанлари) педагогик технологиялари, альтернатив ҳамда муаллифлик педагогик технологиялари йўналишлари ҳам мавжуд.

Шунингдек, ҳозирда педагогик технологияларнинг бошқа йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, инверсион, интегратив, адаптив, инклюзив педагогик технологиялардир. Ҳозирги кунгача кўпчилик тарбиячилар (халқ таълими тизида олиб борилаётган қатор дастурлар - “Глобал таълим”, “Мактаб таълимини ривожлантириш”, “Бола шахсига йўналтирилган таълим” ва бошқаларда иштирок этган тарбиячилар бундан мустасно) ўз фаолиятларига замонавий усулларни илмий мақолалар, рисоалар, маҳаллий илғор тажрибаларни ўрганиш орқали стихияли татбиқ этиб келмоқдалар.

Педагог болага тайёр фикр бермай, унинг онгида борлиқни англашга имкон яратиши ва болани ўзини ўйлашга, фикрлашга йўналтириши зарур.

Жумбоқли ўйинлар орқали машғулотлар жараёнида болаларнинг қобилиятини ўстириш билан бирга, уларда ҳозиржавоблик, қийин вазиятдан тўғри йўл топа олишга ёрдам бериш каби хусусиятлари тарбияланади. Масалан, “Оқ ва қора” ўйини орқали болаларга бирор жисмнинг яхши ва ёмон, керакли ва кераксиз, салбий ва ижобий хусусиятларини сўзлаб беришга ўргатилади. Оқ рангдаги доирачаларни кўрганда, болалар шу буюмни яхши сифатларини айтадилар. Қора рангдаги доирачаларни кўрганда эса қарама- қарши жиҳатлари топилади.

Юқорида айтилган фикрлар умумлаштирилганида, қуйидаги хулосага келиши мумкин. Таълим-тарбиянинг анъанавий иш шаклларини таққослаганда, таълимнинг мақсади аввал болаларга билим бериш, уларнинг кўникма, малакаларини шакллантириш бўлган бўлса, энди билим бериш билан бир қаторда, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат бўлади. Ишнинг умумий шакли эслаб қолишдан мустақил фикрлаш, изланишга айланади.

Педагогнинг асосий мақсади “Мен каби бажардан”, “Муаммолар ечимини мустақил ўйла” га айланади.

Педагогнинг ўрни “Менинг сўзим қонун” дан ҳамкорликка қараб интилиш бўлади.

Педагог ва бола ўртасидаги ўзаро мулоқот тури монологодан диалогга айланади.

Мазкур технология ҳар бир боланинг намунали таҳсил олиши, гуруҳга муваффиқият олиб келишини англаган ҳолда уларни мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқиб топшириқларни сифатли бажаришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлади.

Болаларнинг билимларини аниқлашда уларнинг бир бири билан эмас, балки ҳар бир боланинг кундалик муваффақияти аввал кўлга киритган натижаси билан таққосланади. Шундагина бола ўзининг машғулот давомида эришган кўрсаткичи гуруҳга фойда келтиришини англаган ҳолда масъулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим кўникма ва малакаларини пухта ўзлаштиришга интилади.

Педагог ўқув дастуридан ўрин олган мавзунинг ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг усуллари билан фойдаланиб ўқишни белгилангандан сўнг, болалар гуруҳи учун мавзу материални мустақил ишлаб ўрганишларига имкон берадиган топшириқларни тузади.

Педагог машғулотни бошлашдан аввал болаларни икки гуруҳга ажратиб, мавзу бўйича тузилган ўқув топшириқлари асосида уларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил этади.

Ҳар топшириқ бўйича савол-жавоб ўтказилиб болаларнинг жавоблари тегишли баллар билан баҳоланиб борилади. Машғулот сўнгида ҳолиб гуруҳ аниқланади ва аъзолари рағбатлантирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий педагогик технологияни қўллаш бўйича жойларда амалиётчилар, яъни тарбиячилар ишларини такомиллаштиришлари, ижодкор, изланувчан тарбиячилар билан мунозаралар, учрашувлар, фикр алмашувлар ўтказиб туришлари лозим. Чунки фикрлардан ғоялар пайдо болади. Бу эса янги ишларни амалга оширишда, янгиликлар яратишда янада кўл келади.

BO`LAJAK O`QITUVCHILARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O`YINLI TEXNOLOGIYALARNING O`RNI

Xodjiyeva F, NDPI Pedagogika va psixologiya kafedrasi mudiri, p.f.n. Ergashova N, Pedagogika va psixologiya ta'lim yo'nalishi talabasi

Ilg'or texnologiyalarning keng o'zlashtirilishi, uzluksiz ta'limni fan va ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi, o'quvchilarning qobiliyatlari va imkoniyatlariga muvofiq ravishda ta'limga tabaqalashtirilgan yondashuvning joriy etilishi hamda ta'lim berishning ilg'or pedagogik texnologiyalari va zamonaviy o'quv-uslubiy majmualarning yaratilishi pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish tizimini takomillashtirishda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishga asos bo'lmoqda.

Bu o'z navbatida pedagoglarning jahon miqyosdagi yutuqlarini, ilmiy asoslangan innovatsiyalarni tadbiq etgan holda pedagogik jarayonlarni ilmiy asosda tashkil etish va boshqarish, shuningdek, pedagogik jarayonlarning samaradorligini ta'minlashga xizmat qiluvchi innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanish bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Pedagogika oliy o'quv yurtlarida bo'lajak pedagog kadrlarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ayniqsa o'yinli texnologiyalarning o'rni beqiyosdir. Bugungi kunga kelib o'yinli darslarni tashkil etishga bo'lgan ehtiyoj tobora kuchaymoqda. Chunki, o'yinli faoliyat talabada zavq-shavq uyg'otib, o'qishga bo'lgan qiziqishini oshirish barobarida o'quv materialini o'zlashtirishni osonlashtiradi va ularni ijodiy tafakkurga undaydi. Ijodiy tafakkur mahsuli esa innovatsiyalarni vujudga keltiradi.

Psixologlarning ta'kidlashlaricha, o'yinli faoliyatning psixologik mexanizmlari shaxsning o'zini namoyon qilish, hayotda o'z o'rnini barqaror qilish, o'zini o'zi boshqarish, o'z imkoniyatlarini amalga oshirishning fundamental ehtiyojlariga tayanadi.

O'yin faoliyat sifatida maqsadni belgilab olish, rejalashtirish va amalga oshirish, natijalarni tahlil qilishni qamrab oladi va bunda shaxs sub'ekt sifatida o'z imkoniyatlarini to'la amalga oshiradi.

Ta'lim tizimida foydalanadigan barcha pedagogik o'yinlar o'z mazmuniga ko'ra fan xususiyatidan kelib chiqib, didaktik, ishbilarmonlik, tadbirkorlik, dramalashtirilgan, harakatli

o`yinlar hisoblanadi. Chunki ular, odatda ma`lum o`quv fani doirasida ishlab chiqiladi: rollar va syujetlar mavjud bo`ladi, turli vaziyatlar imitatsiya qilinadi. Oliy ta`lim tizimidagi pedagogik o`yinlar yangi o`quv materialini o`zlashtirishga va mustahkamlashga, talabalarning tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi, umumiy ko`nikmalarini shakllantiruvchi masalalar majmualarini yechishga qaratiladi. O`quvchilarga turli holatlardan o`quv materialini tushunib yetish va o`rganish imkonini beradi.

Oliy ta`limda o`yinli faoliyatni motivatsiyalash o`yin xarakterining musobaqalashish shartlari, shaxsning o`zini namoyon qila olishi, o`z imkoniyatlarini amalga oshirish ehtiyojlarini qondirishdan kelib chiqadi. O`yinning ajoyib xususiyati shundaki, u bir vaqtning o`zida ham rivojlanish ham o`rganish hisoblanadi.

Pedagogik o`yinlarning ahamiyatli jihatlaridan yana biri shundaki, o`qitishning aniq qo`yilgan maqsadi va unga tegishli pedagogik natijasi bilan belgilanadi. Bu natijalar asoslangan va o`quv tayyorgarlik faoliyatiga ega bo`ladilar hamda talabalar bu jarayonning ishtirokchisi va amalga oshiruvchisi sifatida dars yakunida o`zlarida nimanidir kashf qiladilar..

Ta`lim jarayonida o`yinlar turli maqsadlarga yo`naltirilgan bo`ladi. Ular didaktik, tarbiyaviy, faoliyatni rivojlantiruvchi va ijtimoiylashuv maqsadlarda qo`llanadi.

O`yinning didaktik maqsadi bilimlar doirasi, bilish faoliyati, amaliy faoliyatida bilim, malaka va ko`nikmalarni qo`llash, aqliy qobiliyatini rivojlantirish, mehnat ko`nikmalarini rivojlantirib kengaytirishga qaratilgan bo`ladi.

O`yinning tarbiyaviy maqsadi mustaqillik, irodani tarbiyalash, muayyan yondashuvlar, nuqtai nazarlar, ma`naviy, estetik va dunyoqarashni shakllantirishdagi hamkorlikni, kollektivizmni, jamoaga kirishib keta olishni, kommunikativlikni tarbiyalashga qaratilgan bo`ladi.

Faoliyatni rivojlantiruvchi o`yinlar diqqat, xotira, nutq, tafakkur, qiyoslash malakasi, chog`ishtirish, o`xshashini topish, faraz, hayol, ijodiy qobiliyat, empatiya, refleksiya, optimal yechimni topa olish, o`quv faoliyatini motivatsiyalashni rivojlantirishga qaratilgan.

Didaktik maqsadga ko`ra o`yinlar quyidagilarga bo`linadi:

- ta`lim-tarbiya beruvchi (konfernsiya, individual-kompyuterli, didaktik o`yinlar...);
- bilimlarni mustahkamlovchi (ijodiy o`yinlar, ishbilarmonlik, tadbirkorlik);
- o`quv materialini takrorlovchi (matbuot konfrensiyasi, zinama-zina o`yinlar, rolli va syujetli o`yinlar)
- bilimlarni nazorat qiluvchi (Zakovat, inteiiektual ring, musobaqa o`yinlar)

Oliy ta`limda ijtimoiylashuv o`yinlardan foydalanish asosan ijtimoiy pedagogika, ijtimoy psixologiya va shu kabi ijtimoiy gumanitar fanlar o`quv mashg`ulotlarida amalga oshirish ikoniyati ko`proq. Ijtimoiylashuv o`yinlar talabalarda jamiyat me`yorlari va qadriyatlariga jalb qilish, muhit sharoitlariga moslashish, ehtiroslarni nazorat qilish, o`z-o`zini boshqarish, muloqotga o`rgatish, psixoterapiyani nazarda tutadi. Shuningdek, o`yin ijtimoiy tajribalarni o`zlashtirish va qayta yaratishga yo`nalgan vaziyatlarda, faoliyat turi sifatida belgilanadi va unda shaxsning o`z xulqini boshqarishi shakllanadi va takomillashadi.

G.K. Selevko tomonidan pedagogik o`yinlar tasnifi va uni amalga oshirishning asosiy yo`nalishlari ishlab chiqilgan. U pedagogik o`yinlarni quyidagi asosiy yo`nalishlarga bo`ladi:

- *didaktik maqsad o`yinli vazifa shaklida qo`yiladi;*
- *o`quv faoliyati o`yin qoidalariga bo`ysunadi;*
- *o`quv materialidan o`yin vositasi sifatida foydalaniladi;*
- *o`quv jarayoniga didaktik vazifa o`yinga aylantirilgan tarzda musobaqalashish unsurlari kiritiladi;*
- *didaktik vazifaning muvaffaqiyatli bajarilishi o`yin natijalari bilan bog`lanadi.*

Pedagog avval talabalarni individual, so`ngra guruhli o`yinlarga tayyorlash va uni o`tkazish, o`yin muvoffaqiyatli chiqqandan so`ng esa, ularni ommaviy o`yinlarga tayyorlash lozim. Chunki, talabalar didaktik o`yinli mashg`ulotlarda faol ishtirok etishlari uchun zaruriy bilim, ko`nikma va malakalarga ega bo`lishlari bundan tashqari guruh jamoasi o`rtasida hamkorlik, o`zaro yordam vujudga kelishi lozim.

Pedagog o`yinli mashg`ulotlarni o`tkazishga qizg`in tayyorgarlik ko`rishi va uni o`tkazishda quyidagi didaktik talablarga rioya qilishi talab etiladi:

- didaktik o`yinli mashg`ulotlar dasturda qayd etilgan mavzularning ta`limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsad hamda vazifalarni hal etilishiga qaratilgan bo`lishi;
- mashg`ulot mazmuniga mos o`yin turini tanlash;
- puxta ishlab chiqilgan reja (ssenariy);
- mavzu mazmuniga mos jamiyatdagi va kundalik hayotdagi muhim muammolar bilan bog`lanishga erishish;
- o`yin tuzilishi jihatdan mantiqiy ketma-ketlikda bo`lishi;
- mashg`ulotlar davomida didaktik prinsiplarga amal qilinishi va vaqtdan unimli foydalanish.

Quyidagi tarbiyaviy maqsadlarga erishish talab etiladi:

- ularda vatanparvarlik, yurtga sadoqat va uning taqdiriga daxldorlik tuyg`ularini tarbiyalash imkoniyatlaridan foydalanish;
- o`quvchi-yoshlarning dunyoqarashi, tafakkuri, mustaqil mushohada qilish, o`zining shaxsiy pozitsiyasiga ega bo`lish qobiliyatlarini rivojlantirishi;
- barkamol shaxsni tarbiyalash tamoyillariga va sharqona odob-axloq normalariga mos kelishi;
- yoshlarni diniy-ekstremistik g`oyalar, turli axborot hurujlari ta`siridan himoya qilishda mafkuraviy immunitetni hosil qilishga erishish.

Pedagogik o`yin ishchan vaziyatda ishtirokchilarning o`zaro munosabatlari orqali amalga oshiriladi. U qo`shrejali faoliyat hisoblanadi, chunki unda ikkita maqsadga erishiladi: o`yinli va pedagogik. Pedagogik faoliyat ustuvor bo`lsa ham, o`yinni poymol etmasdan maqsadga erishish pedagogning asosiy vazifasi hisoblanadi. O`yinning har bir ishtirokchisi faol holatda bo`ladi, sheriklari bilan o`zaro munosabatda bo`ladi, o`z qarashlarini sheriklariniki bilan taqqoslaydi va shuning natijasida jamoa bilan munosabati orqali o`zini o`zi o`rganadi.

Ta`lim-tarbiya jarayoniga o`yinli texnologiyalarni joriy etish natijasida bo`lajak o`qituvchilar o`zida mutaxassislikning kelajakdagi kasbiy, ijtimoiy harakatlar me`yorlarini o`zlashtirib, ularda kasbiy kompetentlik rivojlanib, mustahkamlanadi.

Shunday ekan, bo`lajak o`qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishga mas`ul shaxs o`yinli texnologiyalarning mazmun mohiyatini, ta`lim jarayonida qo`llay olishni, pedagogik jarayonga innovatsiyalarni joriy etishni bilishi zarurligini davrning o`zi taqozo etmoqda.

O`QUVCHILAR KOMPENTENTSIYALARINI SHAKLLANTIRISH – ZAMON TALABI

Xolmuratova D., Xorazm viloyat Xazorasp tumani 44-son makabining ingliz tili fani o`qituvchisi

XXI asr fan va texnika taraqqiyotining cho`qqisi desak mubolag`a bo`lmaydi. Xayotimizni zamonaviy texnika va texnologiyalarsiz tasavvur etish juda mushkul. Fan va texnika taraqqiyoti-yoshlarimiz ongi va tafakkurining yuksalishiga, dunyo qarashining tobora kengayishiga sabab bo`lmoqda. Albatta, bu biz ota-onalar va ustozlardan juda katta ma`suliyatni talab qiladi. Hozirgi kunda, bu borada hamma sohalarda bo`lgani kabi, ta`lim sohasida ham juda ko`plab yangi islohotlar o`tkazilib kelinmoqda. Ayniqsa, Prezidentimizning 2012 yil 10 dekabrda qabul qilgan Chet tillarni o`rganish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to`g`risida“ gi qaroriga muvofiq, 2013-2014 o`quv yilidan boshlab respublikaning barcha xududlarida chet tillarni asosan ingliz tilini o`rganish umumta`lim maktablarining birinchi sinflaridan o`yin tarzidagi darslar va o`gzaki nutq darslari shaklida, ikkinchi va uchinchi sinflardan boshlab esa, alifbo, o`qish va grammatikani o`zlashtirishdan bosqichma bosqich boshlandi. Shubhasizki, yoshlar uchun yaratib berilayotgan bunday imkoniyatlar, avvalo, ularning o`zlariga bo`lgan ishonchini, dunyoga keng va chuqur nazar bilan boqish imkonini beradi.

Ma`lumki, ta`limning asosiy tamoyillaridan biri o`quvchilarda bilim, ko`nikma va malaka bilan birga, hayotiy kompententsiyalarini shakllantirish hisoblanadi. Bu o`quvchilarni o`zlari egallagan bilimlaridan umri davomida, har qanday vaziyatda foydalana olishga imkoniyat yaratadi.

Dastlab, kompetentsiya soʻzining maʼnosini bilib olsak: bu soʻz lotincha “competere” soʻzidan olingan boʻlib, “layoqatli, munosib boʻlmoq” degan maʼnolarni anglatadi.

Demak, kompetentlik deganda shaxsning bilim, koʻnikma, malaka va tajribalari oʻzlari egallab turgan mavqiega haqiqiy mosligi, oʻzlariga tegishli vazifalarni bajarish va muammolarni hal etishga qodirligi nazarda tutiladi. Shubhasizki, bu- taʼlim sohasida yana bir yangi qadamni tashlash keragligini anglatadi. Bu toʻgʻrisida xalq taʼlimi vazirligining va Oʻrta maxsus kasb-hunar taʼlimi markazining 2013 yil 4 iyundagi “Umumtaʼlim fanlari boʻyicha uzluksiz taʼlimning Davlat taʼlim standartlari va oʻquv dasturlarini ishlab chiqish toʻgʻrisida”gi qoʻshma qaroriga asosan umumiy oʻrta, oʻrta maxsus kasb-hunar taʼlimi muassasalarida oʻqitiladigan 16 ta umumtaʼlim fanlari boʻyicha uzluksiz taʼlimning takomillashtirilgan Davlat taʼlim standartlari va oʻquv dasturlari loyihalari tayyorlandi. Aytishimiz mumkinki, oʻtgan vaqt mobaynida, bu borasida rejalashtirilgan koʻplab ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

Oʻquvchilar kompetentsiyalarini shakllantirishda zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarining roli juda katta. Negaki, avvalo oʻquvchida kompetentlik tuygʻusini shakllantirish uchun, unda mustahkam bilim, koʻnikma boʻlishi shart. Buning uchun esa, biz ustozlarga, zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalari eng katta yordamchidir. Deylik, ingliz tili fani boʻyicha beriladigan mavzulardan birini tanlaylik, masalan, “Fruits” (mevalar) mavzusi, bu mavzuni tushuntirish uchun oʻqituvchi mevalarning rasmlaridan yoki ularning yasalgan nusxalaridan foydalanishi mumkin, bu albatta tushuntirishning eng oson yoʻli bu oʻquvchilar mavzuni yaxshiroq tushinishlariga yordam bersa, axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanib mavzuni tushuntirish oʻquvchining mavzuni tushunish darajasini ikki barobar oshiradi. Masalan, xuddi shu mavzuni kompyuter multimedia vositalari yordamida tushuntirsak, quyidagi ustunliklarga ega boʻlamiz:

- vaqtdan unumli foydalanish imkonini beradi
- oʻquvchi rasmni yaqqol va yorqin rangda koradi
- rasmlarni harakatlantirish imkonini beradi
- ularning sifatleri: katta kichikligi, rangi maza- taʼmi kabilarni oʻquvchilarga qiziqarli va oson tushuntirish imkoninini beradi
- mavzuga bogʻliq qoʻshiqni musiqasi bilan birga tinglash imkonini beardi,

Yuqorida koʻrsatilganlarning bari oʻquvchilarda tinglab tushinish va gapirish bosqichlarini shakllanishiga sabab boʻladi, bu albatta, oʻquvchilarda oʻz fikrini dadil aytish imkonini beradi.

Nazarimda, oʻquvchilar kompetentsiyalarini shakllantirishda koʻproq psixologik omillar ham muhim ahamiyat kasb etadi. Avvalo, oʻquvchilarda *oʻziga boʻlgan ishonch, dadillik, soʻzamollik, oʻz fikriga egalik, sabrtilik* kabi tuygʻular mustahkam boʻlishi kerak. Albatta, bu tuygʻular dastlab oila bagʻrida namoyon boʻladi, keyinchalik albatta, taʼlim maskanlarida va tashqi muhit taʼsirida mustahkamlanadi. Oʻquvchilarda kompetentsiyalarni shakllantirishda psixologik omillar bilan birgalikda, taʼlim berishda innovatsion usulldandan foydalanish ham juda katta yordam beradi.

Hozirgi kunda, respublikamiz taʼlim maskanlarida oʻquvchilar bilim koʻnikma va malakalarini oshirishda foydalanish uchun, har bir taʼlim maskanlari zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalar bilan taʼminlangan. Yuqorida taʼkidlaganlarimizga yana bir qoʻshimcha qilmoqchi edik.

Oʻquvchilar kompetentsiyalarini oshiruvchi omillardan yana biri - taʼlim maskanlarida *oʻquvchilar nutqini rivojlantirish va olgan bilimlaridan ochiq foydalana olish imkoniyatini beruvchi debat klublar* tashkil etish, *ularning kasbiy mahoratini oshirish va ulardagi ichki qobiliyatlarni yuzaga chiqarish uchun maxsus maktab teatrlarini* tashkil etish mumkin. Taʼkidlash joizki, hozirda taʼlim maskanlarimizda albatta koʻplab toʻgaraklar mavjud. Bular ham oʻquvchilada kompetentsiyalarni shakllantirishga yordam beradi.

Debat klublar – oʻquvchilarda notiqlik qobiliyatini, shu bilan birga oʻzlariga boʻlgan ishonch, dadillik kabi xususiyatlarni mustahkamlashga yordam beradi. Yana bir afzalliklaridan biri bu debat klublarini hohlagan tilda tashkil etish mumkinligidir. Klub yordamida oʻquvchilar oʻzlari

o`rganayotgan chet tillarida, o`z fikrlarini aniq va ravshan ifodalashni o`rganadilar. Buning uchun o`qib izlanadilar, ko`plab do`stlar va ustozlar bilan hamfikir bo`ladilar. Kelajakda bunday klub a`zolaridan o`z hayotiy kompententsiyalarga ega bo`lgan komil insonlar yetishib chiqadi.

Maxsus maktab teatrlari - o`quvchilarda kasbiy mahoratning shakllanishiga, ulardagi ichki qobiliyatlarni va mahoratlarini boyicha ajoyib yuzaga chiqishiga ko`maklashadi. Shu bilan birga o`quvchilarda sana`t yo`nalishi mutaxassislar tayyorlash imkonini beradi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, o`quvchilar kompententsiyalarini shakllantirishda zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarining ahamiyati katta, albatta ulardan unumli foydalanish, kerak bo`lsa, bu borada yana ko`plab izlanishlar va yangiliklar qilish kerak. Yuqorida ta`kidlaganimizdek, ko`rsatib o`tilgan omillar ham bunga o`z hissasini qo`shadi deb o`ylaymiz.

THE ROLE OF INTERNET IN TEACHING ENGLISH

Ergasheva R., Husenova N. – English teachers of “Bukhara region In-Service and Retraining Insitute of Public Educators”

“It is our civil duty to preserve our Motherland richer and more powerful for future generations so that they have the feelings of gratitude to us as we do to our great ancestors”

Islam Karimov

After independence the system of education in the Republic of Uzbekistan was totally reformed, i.e. it underwent radical changes due to the initiatives of President Islam Karimov. For this purpose “Law on Education” and “National Programme for Cadres Training” were worked out and put into practice. As a logical continuation of this process “National Programme for the Development of School Education for Years 2004-2009” was adopted and implemented. The programme envisaged the consolidation of the material and technical base of nearly 10,000 secondary schools in our country, radical transformation of the essence of the process of education as well as financial and moral support of teachers. Erection of a number of academic lyceums, vocational colleges and higher education establishments with modern facilities is the vivid manifestation of this tremendous work. Today we can all witness the result of this reform – a new generation with high intellectual and spiritual potential has appeared. Their achievements are quite remarkable. Our Uzbek youth have proved once more that they are not inferior to anyone in the world.

Having a good command of a foreign language is one of the requirements of being a successful professional nowadays. The leading role of English as the language of international communication has been given top priority. Teaching English in the Republic of Uzbekistan was raised to the qualitatively new level with information communicative and innovative pedagogical technologies being introduced to the system of education. Besides, the establishment of information resource centres and libraries on the basis of universal scientific libraries has opened new perspectives in the sphere of information services. It, in its turn, led to the increase of students` knowledge and independent thinking. What is more, students` interest to learning foreign languages as well as modern information communicative technologies, especially vast opportunities of the Internet, rose considerably.

It goes without saying that the Internet can be used as an efficient tool to develop grammar, lexical skills and to check progress. It includes all kinds of lexical, grammar and phonetic training tests, tests on reading and grammar, IQ tests, etc. The greatest benefit of usage of Internet resources is the development of intercultural competences, i.e. cultural exchange, ways of interaction, formation of cultural universals necessary for mutual understanding and fruitful cooperation. The current qualification paper deals with an effective application of the Internet in teaching English.

Why Use CALL?

Many English teachers recognize the potential of the Internet for long-distance communication. It enables English learners to communicate with others across the globe. However, many teachers fail to realize that the Internet can be of great benefit not only for long-distance exchanges but also for linking students in a single classroom. Three types of electronic communication are possible within a single class: teacher-student communication, out-of-class

electronic discussion, and in-class, real time electronic discussion. In the last few years the number of teachers using Computer-Assisted Language Learning (CALL) has increased markedly and numerous articles have been written about the role of technology in education in the 21st century. Although the potential of the Internet for educational use has not been fully explored yet and the average school still makes limited use of computers, it is obvious that we have entered a new information age in which the links between technology and TEFL have already been established. The development of the Internet brought about a revolution in the teachers' perspective, as the teaching tools offered through the net were gradually becoming more reliable. Nowadays, the Internet is gaining immense popularity in foreign language teaching and more and more educators and learners are embracing it.

The Internet has tremendous potential as a tool for teaching EFL. Sayers (1993) mentioned that network-based technology can contribute significantly to:

- **Experiential Learning.** The World Wide Web makes it possible for students to tackle a huge amount of human experience. In such a way, they can learn by doing things themselves. They become the creators not just the receivers of knowledge. Information is presented in a non-linear way and users develop more flexible thinking skills and choose what to explore.
- **Motivation.** Computers are most popular among students as they are often associated with fun and games. Student motivation is therefore increased, especially whenever a variety of activities are offered. This in turn makes students feel more independent.
- **Enhanced student achievement.** Network-based instruction can help pupils strengthen their linguistic skills by positively affecting their attitude towards learning and by helping them build self-instruction strategies and promote their self-confidence.
- **Authentic materials for study.** All students can use various resources of authentic reading materials either at school or from their home. Those materials can be accessed 24 hours a day at a relatively low cost.
- **Greater Interaction.** Random access to Web pages breaks the linear flow of instruction. By sending E-mail and joining newsgroups, EFL students can communicate with people they have never met. They can also interact with their own classmates. Furthermore, some Internet activities give students positive and negative feedback by automatically correcting their on-line exercises.
- **Individualization.** Shy or inhibited students can be greatly benefited by individualized, student-centered collaborative learning. High fliers can also realize their full potential without preventing their peers from working at their own pace.
- **Independence from a single source of information.** Although students can still use their books, they are presented with opportunities to escape from canned knowledge and discover thousands of information sources. As a result, their education fulfils the need for interdisciplinary learning in a multicultural world.
- **Global Understanding.** A foreign language is studied in a cultural context. In a world where the use of the Internet becomes more and more widespread, an English Language teacher's duty is to facilitate students' access to the web and make them feel like citizens of a global classroom, practicing communication on a global level.

Here is the list and content of some really helpful sites for English teachers which they can successfully apply in their classes.

<http://web.uvic.ca/hrd/halfbaked/> Hot Potatoes homepage. A free software for teachers of English. An extremely useful site. You only need to register and you can use it for free since you work in education. It offers both on-line copies as well as printed handouts of exercises you design. If you have not used it yet, it is advisable to go through the tutorial once you register.

Oxford Teachers' Club www.oup.com/elt/teachersclub or go directly to its Czech version <http://www.oup.com/elt/teachersclub/?cc=cz> To search this site you need to log in. After becoming a member (free membership) you can use a wide range of resources of all type – from information about interesting titles to ready-made handouts for your classes and much more. <http://www.macmillandictionary.com/> This website is not only an excellent online dictionary

but also a great source of all thinkable material for an English class. If you register, you will get e-lessons through your e-mail, a monthly copy of the MED Magazine and much more. Macmillan also issues the Inside-Out site – e-lessons for teachers with student’s page, teacher’s page and a glossary. <http://www.insideout.net/e-lessons.htm>

And OneStopEnglish <http://www.onestopenglish.com/> - hundreds of free English teaching resources. <http://www.teachingenglish.org.uk/>

The BBC and British Council have recently developed a site for teachers of English.

The site is updated regularly and contains

- articles and advice on teaching
- teaching tips you can use in your class
- lesson plans
- practical activities you can download for your class
- the opportunity for you to send in your teaching related questions and any answers and suggestions you would like to share.

<http://www.bbc.co.uk/radio/> **BBC Radio Homepage.** It provides links to both international BBC channels as well as UK channels, enabling live on-line listening as well listening to the latest bulletins. Some of these stations also have an archive of programmes – see further. <http://www.bbc.co.uk/worldservice/programmes/archive/index.shtml> The archive of the **BBC World Service**, offering excellent programmes that can be listened to on-line. http://news.bbc.co.uk/2/hi/programmes/documentary_archive/ Documentary archive of the **BBC World Service.** Some of the programmes can be not only listened to on-line but also downloaded as MP3 and then listen to off-line.

<http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/teachingenglish/index.shtml> BBC World – Learning English – Teachers

Lesson Plans Words in the News

A weekly lesson plan based on our Wednesday Words in the News story. Each lesson plan comes with notes and instructions for teachers, worksheets for students and a full answer key. http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/radio/specials/1728_uptodate/ This link leads you to another BBC World Radio recent help for teachers: a series of lesson plans based on short talks by Professor David Crystal on new words and expressions that have come in to the English language in recent years. Each unit comes with downloadable transcripts, audio and lesson plan. The series is called Keep your English up to date.

<http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/flatmates/index.shtml>

O`QITISH JARAYONINI LOYIHALASHNING METODOLOGIK ASOSLARI

Shamsidinova G., Kuychieva M., Bekmurodova O., Turdiyev S. – NavDPI

Hozirgi globallashuv davrida ta’lim – tarbiya jarayonini olib borish o`ta murakkab bo`lganligi tufayli, har qanday faoliyatni to`g`ri amalga oshirish garovi bo`lib xizmat qiladi, tabiatdagi narsa va hodisalarni boshqalarga tushuntirishni osonlashtiradi hamda beriladigan bilimni tez o`zlashtirib, uzoq vaqt davomida yodda saqlab turilishiga xizmat qiladi.

Dars – ta’limning asosiy tashkiliy shakli bo`lib, u muayyan miqdordagi doimiy tinglovchilar tarkibi bilan qat’iy tartibda uyushtiriladigan va aniq maqsadga yo`naltirilgan didaktik tadbir hisoblanadi. Dars ta’lim-tarbiya sohasining birlamchi asosi, uzluksiz ta’lim-tarbiya jarayonining tashkil qiluvchi omili, o`qituvchi va pedagoglarning faoliyat ko`rsatish joyi bo`lib, u turli qismlardan tashkil topgan. Darsning tashkil etilishi uchun, avvalo, o`qituvchi va o`quvchilar bo`lishi, uni amalga oshirish uchun, sinf xonasi yoki auditoriya, uning ichidagi jihozlar: doska, stol, stul va hokazo, shu jumladan axborot uzatish moslamalari, ya’ni texnik vositalar zarurligi, dars o`tilishi uchun reja, dastur, darslik va boshqa bir qator me’yoriy hujjatlar kerak bo`lishi hamda o`qituvchilar zamonaviy pedagogik usul va uslublar bilan qurollangan bo`lishlari shart.

O`zbekiston Respublikasi Mustaqilligining dastlabki yillaridanoq, pedagogikaning mazmun va mohiyati, ta’lim nazariyasi, usul va uslublarda katta o`zgarishlar ro`y berib, rivojlangan xorijiy

mamlakatlar ta'lim tizimida muvaffaqiyatli qo'llanilib kelinayotgan pedagogik texnologiya tamoyillariga tayangan holda, ijtimoiy – pedagogik sharoitni hisobga olingan, professor-o'qituvchilarning ma'rifiy mentalitetidan kelib chiqqan pedagogik texnologiyaning zamonaviy milliy modeli vujudga keldi.

Mamlakatda "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"ning qabul qilinishi, o'qituvchilar tafakkurida asrlar davomida shakllanib kelgan pedagogik mentaliteti va shu hudud aholisining milliy o'ziga xosligidan kelib chiqib, milliy pedagogikaning mazmun va mohiyati muayyan bir tartibga keltirildi. Buning natijasi o'laroq, "Pedagogik texnologiya" tushunchasi ilmiy muomalaga kiritilib, ta'lim-tarbiya sohasi tubdan o'zgardi.

"Pedagogik texnologiya yuqori samaradorligi bilan alohida o'rin tutib, o'quv jarayonining sifati va ta'lim-tarbiya jarayonini faqat yaxshi va a'lo darajada bo'lishligini kafolatlash imkonini beradi.

Bugungi kunda DTS asosida shakllantirilgan ta'lim jarayonini zamonaviy pedagogik texnologiya asosida tashkil qilishda qo'llaniladigan pedagogik usullar uch toifaga ajratilmoqda. Mazkur usullar o'quv predmetlari mashg'ulotlarining loyihalarini tuzganda va pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga joriy qilayotganda, bilim sohalarining xususiyatidan kelib chiqib, kerakli joylarida ishlatiladi. Bularga quyidagilar kiradi:

-An'anaviy usullar. O'quvchilarga bilimlarni "etkazib berish" tamoyiliga asoslanib, "Aytib berish", "Ko'rsatib berish", "Namoyish", "Ma'ruza taqdimoti", "Savol-javob", "To'rt pog'onali usul"lar kiradi.

-Interaktiv yoki noan'anaviy usullar. O'quvchilarni bilim egallashlarida "Faollashtirish" tamoyiliga suyanib, ularga: "jadallashtirib o'qitish usuli", "muammoli dars", "fikriy hujum", "aqli hujum", "kichik guruhlar bilan ishlash", "davra suhbat", "klauster usuli", "B.B.B.", "6x6x6", ("3x3", "4x4"), "bumerang", "qora quti", "beshinchisi ortiqcha", "ishbob o'yin", "rolli o'yin", "bahs-munozara", "qarama-qarshi munosabat", "zakovatli zukko", "zig-zag", "charxpalak", "zinama-zina" va boshqa ko'p usullar kiradi.

-"Ilg'or yoki Zamonaviy usullar". Ta'lim – tarbiya jarayonini "Jadallashtirish va samaradorlikni oshirish" tamoyilidan kelib chiqib, ularga "yo'naltirilgan matn", "dasturlashtirish", "texnologik xarita usuli", "modulli o'qitish usuli", "loyihalash usuli" hamda barcha usullarning afzallik tomonlarini o'zida mujassamlashtirgan "Pedagogik texnologiya" usuli kiradi.

Bu uch toifadagi usullar tarixan tarkib topib, vaqt o'tishi bilan biri-biridan takomillashib, o'z davrining talabiga javob berganlar.

Ta'lim-tarbiya jarayonini loyihalash, shu loyiha asosida o'quv mashg'ulotini amalga oshirishda, "Pedagogik texnologiya" quyidagi tamoyillarga asoslanadi.

1. Tizimli yondashuv tamoyili.
2. Didaktika y'ani ta'lim nazariyasining barcha qonun-qoidalaridan kelib chiqish.
3. O'quv mashg'ulotining elementlarini o'zaro uzviy, funksional bog'liq, yaxlitlik sifatida ko'rish.
4. Tinglovchilar egallashlari shart bo'lgan bilimlarni, o'zlari mustaqil ravishda topishlariga urg'u berish.
5. Pedagogik texnologiya tamoyillari asosida tuzilgan loyiha bo'yicha o'quv mashg'ulotini amalga oshirishda, egallanadigan bilimlarni tinglovchilar anglashlari, xotirasida saqlashlari va amaliyotda qo'llay olishlarini bir vaqtning o'zida olib borishga erishish.
6. Har bir o'quv mashg'uloti yakunida erishiladigan natijalarning tinglovchi erishishi shart bo'lgan ish harakatlar tizimi shaklida bo'lishi.
7. O'quv mashg'ulotining yakunida, oldindan shu mashg'ulot uchun aniqlangan baholash tur va mezonlari asosida barcha tinglovchilarning bilimlarni o'zlashtirganlik darajasini aniqlash va hokozolar.

O'quv mashg'ulotlar loyihasini tuzishda bajariladigan vazifalar quyidagicha:

- o`quv predmetini yaxlit, “o`ta katta -mego”, “katta -makro” “o`rta- mezo” modullarga ajratilib, bu modullar yakunida kutiladigan o`quv va tarbiyaviy maqsad aniqlanadi va jadval shakliga keltiriladi.

- har bir juft soatlik o`quv mashg`ulotlarning, ya`ni o`rta modullarning xususiy jadvalarini tuziladi.

- ushbu o`quv mashg`ulotining loyihalash xususiy jadvalarida ko`rsatilgan tartib bo`yicha o`quv jarayonini amalga oshirishning jarayoni yoziladi. Unda har bir o`rta modulda beriladigan bilimlar birma-bir ifodalanib, ularni tinglovchilarga yetkazishda qo`llaniladigan dars tipi va turi, pedagogik uslublar, axborot-texnologiya va didaktik materiallarning qo`llanish joylari ko`rsatiladi.

Ushbu qoidalarga asoslanib, “Pedagogik texnologiya” tamoyillariga suyangan holda, istalgan o`quv mashg`ulotning loyahasini tuzish imkoniyati mavjuddir.

ZAMONAVIY TA`LIMNI TASHKIL ETISH MUHIMDIR

Hakimova R., Achilova N. – Navoiy davlat pedagogika instituti

Mamlakatimizda sog`lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarning o`z ijodiy va intellektual salohiyatini ro`yobga chiqarish, mamlakatimiz yigit –qizlarini XXI asr talablariga to`loq javob beradigan har tamonlama etuk shaxslar etib voyaga etkazish uchun zarur bo`lgan barcha shart - sharoitlar va imkoniyatlar yaratilgandir.

Respublikamizda ta`lim sohasiga juda katta e`tibor berilib, zamonaviy ta`lim tizmi yaratildi. Uning asosida Kadrlar tayyorlash milliy dasturi “T`lim to`g`risida”gi O`zbekiston Respublikasi qonunida o`z aksini topdi. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi “T`alim to`g`risida” gi O`zbekiston Respublikasi qonunining qoidalariga muvofiq holda tayyorlangan bo`lib, milliy tajribalarning tahlili va ta`lim tizimidagi jahon miqyosidagi yutuqlar asosida tayyorlangan hamda yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, ijtimoiy-siyosiy hayotga mustasil ravishda mo`ljalni to`g`ri o`l bilish mahoratiga ega bo`lgan, istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir kadrlarini yangi avlodni shakillantirishga yo`naltirilgandir”.

Ma`lumki “hozirgi kunda ta`lim jarayonining axborot-komunikatsiya texnologiyalari, internet tizimisiz tasvvur etib bo`lmaydi. Shuning uchun ham mamlakatimizda multimediali umumta`lim dasturini rivojlantirish markazi tashkil etildi. Maqsad bugungi kundagi ta`lim jarayonlarning rivojlanishida axborot-komunikatsiya texnologiyalarining imkoniyatlarini tahlil etishdan iborat. Axborot-komunikatsiya texnologiyalarining keskin rivojlanishi va tarqalishi nafaqat axborot sohasida, balki siyosatda global darajadagi katta o`zgarishlar sodir bo`lishiga olib keladi.

Ilm-fan va texnika juda katta tezlikda taraqqiy topishi sababli XXI asr global axborot va ta`lim tizimiga yani talablarni taqozo etmoqda. Istiqbolli ta`lim modelini quydgi asosiy yo`nalishlarga alohida e`tibor qaratish joiz: ta`limning eng yangi kasgfiyot va loyihalar bilan hamnafas bo`lishi innovatsiya va rivojlantiruvchi talim metodlaridan shaxs ijodiy salohiyatini yuzaga chiqarishda keng foydalanish zamonaviy axborot va telekommunikatsiya texnologiyalari asosiga qurilgan masofaviy ta`lim tizimidan foydalanib, yuksak saviyadagi bilim olish imkoniyatlari kengaytirish va bopshqalar.

XXI asirga kelib ko`plab taraqqiy etgan mamlakatlarda ta`lim, shu jumladan, oily ta`lim muammolarini ilmiy idrok etish falollashganligi diqqatga loyiq. Bu jamiyat umumbashariyat iqtisodiy ijtimoiy rivojda etakchi omilga aylanib borayotgan ta`limning ijtimoiy mohiyati yanada yuksalishiga bog`liq : “Aynan shu sababli ham zamonamizning vatandosh va horijiy jamoat hamda asosiy arboblari, olimlar va iqtisodiy birlashma rahbarlari ta`lim tizimi rivojlanishini butun insoniyat istiqboli, har bir inson turmush tarzi bilan bog`lashmoqda” shu bilan birga mutahassislar axboratlarning jahon bo`ylab to`planib qolayotganligi va ularning miqdori jadal ko`payib borayotganligini qayt etdilar. Ularni qayta ishlash va uzlashtirib olish uchun talabalarni o`qitish, davr talabiga javob beradigan yangicha yondashuv va ularni mudom ta`lim tizimiga joriy etib boorish talab etiladi. Shu munosabat bilan ta`limda innovatsion texnologiyalarni joriy etish, yangi axborot texnologiyalarni qo`llash orqali talabalarga birinchidan, fanga bo`lgan qiziqishini kuchaytirs, ikkinchidan esa o`qitish jarayoni sifatini yanada yaxshilaydi. Bu esa o`qituvchilar va talabalar oldiga katta talablarni hamda vazifalarni jumladan o`z ustida timimsiz ishlash yangi-yangi axborotlarni

topishga intilish, adabiyotlar topishga qiziqish va boshqa ushu kabi xislatlarni shakllanishi va rivojlanishini yanada kuchaytiradi.

Zamonaviy ta'lim jarayonida yangiliklarni amalgam oshirish chog'ida milliy an'ana va qadriyatlar ijtimoiy –madaniy hayotimizning uslublarining vorislik rishtalari uzub yubormasligi kerak. Zamonaviy ta'lim mazmuning markaziy komponenti o'zida g'oyalarning eng muqobil majmuasini eng umuminsoniy qadriyatlarni mujassamlashtirishi zarur. Zamolaviy bilimlar bilan qurollanmagan, bilim va tafakkur dunyosi keng yoshlarsiz O'zbekistonning, jahon hamjamiyatidagi mustahkam o'rnini tasavvur etib bo'lmaydi. Ayniqsa, "Ta'lim to'g'risida"gi qonun va "Kadrlar tayyorlash dasturi" ning hayotga tadbiiq etilishi mamlakatimizda ta'lim tizmining yangi taraqqiyot bosqichiga ko'tarilishini ta'minlaydi. Shu borada Prezidentimiz I.A. Karimovning juda katta ishonch ila aytgan so'zlarini keltirishni joiz deb bilaman "Mustaqillik yillarida O'zbekistonda amalgam oshirilgan eng katta ish haqida so'rasa, men hech ikkillanmasdan Kadrlar tayyorlash dasturini qabul qilganimiz va amalgam oshirganimiz, deb javob bergan bo'lardim. Mazkur dastur ustida men juda ko'p ishladim. Mana, bugungi kunda o'z hosilini berayapti, desak, to'g'ri bo'ladi. Men hozirgi vaqtda zamonaviy maktablarimiz, lisey va kollejarimiz, oliy o'quv yurtlarimizda ta'lim –tarbiya olib, ilim-fan, kasb-hunar cho'qqilarini egallab, hayotga hal qiluvchi kuch bo'lib kirayotgan bolalarimiz timsolida buning amaliy tasdig'ini ko'raman va bunday farzandlarimga ishonaman".

YOSHLARNI MA'NAVIY SHAKLLANISHIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

Hotamova M., Ro'ziqulova N. – Navoiy davlat pedagogika instituti

Hozirgi zamon yoshlari aqliy kamolotining rivojlanib boirayotganini, ularning ilm o'rganishga chanqoqligi, mustaqil fikrlash va ilmiy-ijodiy izlanishlari, yangiliklar va kashfiyotlarga nisbatan cheksiz qiziqishi va ta'lim mazmuniga talabchanligi, o'qituvchining o'z ustida ishlashiga, malakasini oshirib borishda va ongini yanada rivojlantirishda, ta'lim tizimidagi barcha yangiliklardan barobar bo'lib borishi kerakligini asosiy motif bo'lib xizmat qiladi.

«Ta'lim to'g'risida»gi qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning talabi har tomonlama barkamol avlodni voyaga yetkazishdan iboratdir. Bu ishga bolaning bog'chada ilk saboqlarini olayotgan paytdan boshlab e'tibor qaratish lozim. Uzluksiz ta'lim tizimining oldiga qo'yilgan davlat va ijtimoiy buyurtmaga muvofiq Oliy o'quv yurtlari ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish, ilm-fanning so'nggi yutuqlarini amaliyotga joriy etish orqali ijodkor, ijtimoiy faol, yuksak ma'naviyatli, kasb-hunarli, Ona-Vatanga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalangan, ijodiy va mustaqil fikr yurita oladigan, davlat va jamiyat oldida o'z burchi va javobgarligini his etadigan barkamol shaxsni kamolga yetkazish, ularning ongi va qalbiga milliy istiqloq g'oyasini singdirish kabi muhim vazifalarni amalga oshirish nazarda tutiladi.

Ushbu vazifalarning muvaffaqiyatli hal etilishi ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalar, innovatsiyalar, yangi-yangi pedagogik –psixologik tushunchalar, interfaol metodlari ta'lim beruvchi tomonidan o'zlashtirilib va qo'llanilib borilishi, ta'lim mazmunini tubdan o'zgartirib yuboradi desak mubolog'a bo'lmaydi. Zamonaviy o'qituvchi dars jarayonida "aktyor" emas, aksincha "rejissiyor" bo'lishi kerakligini anglashi lozim. U o'z o'quvchi-talabalarining fanga ijodkorlik nuqtai nazari bilan qarashlarini tashkil qilishi, ularda izlanuvchanlik hissiyotlarini shakllantirishi va albatta, yangi pedagogik texnologiya usullarida foydalangan holda darsni tashkil etish kerak bo'ladi. Buning uchun esa bir necha yangicha ta'lim usullarini yaxshi bilishi kerak.

Shu yerda Prezidentimiz I.A. Karimovning "Biz o'g'il-qizlarimizni o'zlarini anglashga mustaqil ongli fikrlashga ularning tafakkurida bo'shliq vujudga kelishiga yo'l qo'ymasligimiz lozim" degan so'zlarni misol qilib keltirgan holda maktab o'quvchisi, kasb-hunar kollejlari, akademik litsey talabalarining nutq boyligi, uquvliligini oshirimiz, badiiy va ilmiy adabiyotlarga qiziqishini rivojlantirishimiz, ularning dunyoviy va diniy ilmlardan qay darajada xabardoprligini aniqlashimiz kerak bo'ladi. Chunki ko'p o'qigan va bilimli yoshlarni aldash, milliy g'oyamizga yod bo'lgan g'oyalar sari yetaklash xalqimiz dushmanlari uchun uddalab bo'lmaydigan masalaga aylanadi.

Interfaol metodlar ortiqcha ruxiy va jismoniy kuch sarflamaydi, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishish maqsadini nazarda tutadi. Dars mobaynida ma'lum nazariy bilimlarni o'quvchiga

yetkazish unda ayrim faoliyat yuzasidan ko'nikma va malaka hosil qilish, ma'naviy sifatlarni shakllantirish, o'quvchi bilimni nazorat qilish hamda baholash o'qituvchidan yuksak mahorat va tezkorlik talab qiladi. Bu borada o'qituvchi darslarda foydalanishi mumkin bo'lgan ayrim pedagogik vositalar: ta'kidlovchi savollar bunda o'quvchining bergan savoliga qarab uning fikrlash darajasini aniqlash mumkin.

Prezident I.A.Karimovning "Har qaysi insonda muayyan darajada intellektual salohiyat mavjud". Agar shu ichki quvvatning to'liq yuzaga chiqarish uchun zarur bo'lgan barcha shart sharoitlar yaratilsa, tafakkur har xil qotib qolgan eski tushuncha va aqidalardan xalos bo'ladi va har qaysi inson Olloh taolo ato etgan noyob qobiliyat va istedodini avvalo o'zi uchun, oilasi, millati va xalqining, davlatining farovonligi, baxt-saodatini, manfaati uchun to'liq baxshida etsa, bunday jamiyat shu qadar to'liq taraqqiyotga erishadiki, uning sur'at va samarasini hatto tasavvur qilish ham oson emas."

Dars mashg'ulotlari interfaol o'qitish usullaridan, o'yinli texnologiyalardan keng va samarali foydalangan holda amalga oshirilsa, bolalarda faol va mantiqiy fikrlash qobiliyati, nutqiy tovush madaniyati, diqqati, mantiqiy xotirasi, aqliy qobiliyati rivojlanadi. Interfaol o'qitish usullarida bolalar o'quv jarayonining markaziy figurasi bo'lib, bunda uquv jarayoni bolalar ehtiyojidan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. O'qitish usullarini o'zaro bog'lab mashg'ulot o'tilsa bolalar tomonidan uni o'zlashtirish samarali bo'ladi.

Quyida biz "Kompleks birikmalar" mavzusi bo'yicha umumlashtirish darsi jarayonida "Pinbord" usulidan foydalanishga misol keltiramiz ("Pinbord" so'zi "Doskaga yopishtirish" ma'nosini anglatadi). Bu usulning asosiy ijobiy tomoni shundaki, u o'quvchilarda darslik va qo'llanmalar bilan ishlash ko'nikmasini shakllanishiga, mustaqil ta'limni amalga oshirishga katta yordam beradi.

Dars olib borilayotgan sinfni 4 guruhga bo'lamiz. Har bir guruhga kompleks birikmaning 4 ta sinfini (asidokomplekslar, ammiakatlar, akvakomplekslar va poligalogenidlar) o'rganib kelish hamda ularning ayrim sinfiga tegishli formula va tenglamalarni bir xil o'lchamdagi kartochkalarga yozib kelish topshiriladi. Doskani 4 qismga bo'lib, har bir qismining yuqori tomoniga kompleks birikmalar sinflarining nomi yozib qo'yiladi. Har bir guruh o'zlariga tegishli bo'lgan kompleks sinfning savoblarini mavzu savollari tartibi bilan yopishtirib chiqadi. Buning uchun magnit doska aplikatsiyasidan foydalaniladi. Ball qo'yish mezonini berilgan vazifani qisqa vaqtda bajarilishi, mavzu tartibi bo'yicha kartochkalarni sistemali yopishtirilishi, kompleks birikmalarning kimyoviy formulalari va ular orasidagi reaksiya tenglamalarini to'g'ri yozilganligi bilan belgilanadi.

Bu jarayonni bajarishda o'quvchilarning qiziqishi va faolligi ortadi. Pinbord usulining afzallik tomoni shundaki, u rivojlantiruvchi va tarbiyalovchi vazifani o'taydi. Bu usul bilan talaba va o'quvchilarning bilimlarini egallash mahorati, mantiqiy va tizimli fikrlash ko'nikmasi rivojlanadi.

asidokomplekslar	ammikatlar	akvakomplekslar	Poligalogenidlar
Ligandlari kislota qoldiqlaridan iborat birikmalar asidokomplekslar deyiladi	Bu komplekslar o'zining ichki sferasida ammiak yoki organik aminlar saqlaydi	Anorganik moddalarda suv molekulasini birikib turg'unligi bo'lgan moddalar bo'ladi. Agar suv molekulasini ligandlik vazifasini bajarsa akvakomplekslar hosil bo'ladi	Markaziy ioni va ligandlari galogenlardan iborat bo'lsa poligalogenid komplekslar deyiladi
Misollar			
K ₄ [Fe(CN) ₆] 2K ₃ [Fe(CN) ₆] K ₃ [Co(NO ₂) ₆] Na ₂ [Zn(CN) ₄]	[Co(NH ₃) ₅ Cl]Cl ₂ [Co(NH ₃) ₆]Cl ₃ [Zn(NH ₃) ₄] [Cd(NH ₃) ₄](OH) ₂	Na ₃ [Cr(OH) ₆] [Zn(H ₂ O) ₄]Cl ₂	K ₂ [PtCl ₆], K ₂ [PtCl ₄], K ₂ [PtCl ₂]

Darslarda kuzatilayotgan qoidalar darsni samaradorligini oshirishni ko'rsatib o'tivchi quyidagi qoidalarni sanab o'tamiz.

Mashg'ulotning samaradorligini oshirish uchun amal qilish mumkin bo'lgan qoidalari:

- Dars qoldirmaslik va kech qolmaslik;
- Aniq maqsad quyish va unga erishish;
- Vaqtdan unumli foydalanish;
- Fikrni bo'lmaslik; eshita olish, savol berish madaniyatiga rioya qilish;
- O'zgalar fikrini hurmat qilish, o'zaro hurmat;
- Ma'suliyatli bo'lish; faollik, ijodkorlik va bunyodkorlik;
- Kayfiyatni mutadil saqlash;
- Tashkilotchi va tashabbuskor bo'lish;
- Fikrni qisqa, aniq va ravon ifoda etish;

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bu qoidalar shaxsni yuqori madaniyatli keng fikrlovchi, ijodkor bo'lib shakllanishiga yordam beradi shuningdek, o'zgalarni fikrini hurmat qilishga o'rgatadi. O'quvchi-talabalarimiz dars jarayonida shu qoidalariga amal qila olsa, o'z fikrlarni, g'oyalarni aytishdan cho'chimasa, serg'ayrat, shijoatli, qalb tuyg'ulari ilmda beorom bo'lsa, o'zgalarni fikrini hurmat qilib olishsa darslar o'z samarasini berishi aniq. Hozirgi davr talabidan kelib chiqqan holda talabalarni o'z-o'zini tarbiyalaydigan, o'zi mustaqil izlanib, bilimlarini egallaydigan darajaga olib chiqish asosiy vazifa hisoblanadi.

UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA TABIIY FANLARNI O'QITISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Hotamova M., Bo'ronova S., Rajabova D. – Navoiy davlat pedagogika instituti

Hozircha vaqtda "Innovatsiya tushunchasi" juda keng qo'llanilmoqda. Innovatsiya so'zi inglizcha so'z bo'lib "innovatsion" yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi, ya'ni tizim ichki tuzulishini o'zgartirish, deb ta'riflanadi. Innovatsiya amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo'lib, ijtimoiy-madaniy obyekt sifatlarini yaxshilashga yo'naltirilgan ijtimoiy suberktlarning harakat tizimidir. Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo'lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir. Ular tashabbuslar va yangiliklar asosida tug'ilib, ta'lim mazmunini rivojlantirish uchun istiqbolli bo'ladi. Shuningdek, ta'lim tizimi rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Innovatsiya- ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya shakl va metodlar, muammoni yechish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo'llash oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishga olib kelishi ma'lum bo'lgan oxirgi natijalardir.

Bugun ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni quyidagicha tasniflash mumkin:

- faoliyat yo'nalishiga qarab (pedagogik jarayondagi boshqaruvdagi);
- kiritilgan o'zgarishlarning tavsifiga ko'ra (lokal, modulli, tizimli);
- kelib chiqishi manbaiga ko'ra (shu jamoa uchun ichki yoki tashqaridan olingan)

Innovatsiyalar odatda bir necha muammo kesishgan paytda vujudga keladi va umuman yangi masalalarni hal qiladi, pedagogik jarayonning uzluksiz yangilanib borishga olib keladi. Innovatsion pedagogika - bu hozircha norasmiy nomdir, lekin bugun butun jahon mutaxassislari an'anaviy pedagogikaga tanqidiy yondoshmoqdalar. Hozirgi kunlarda paydo bo'layotgan yangi fan haqida jiddiy fikrlar bildirilmoqda, hamda uning asosiy vazifasi hukmron bo'lib turgan butun o'quv tarbiya tizimi nazariyasini innovatsion asosida qayta tashkil etib o'zlashtirishdir.

Ta'lim-tarbiya - bolaning atrof-muhit bilan o'zaro aloqa turi hisoblanadi. U olamning turli ob'ektlariga asoslanib, sub'ektiv xarakterga egadir. Pedagogik faoliyatda sub'ektivlik-sub'ektivlik ta'siri o'quvchining tevarak - atrofga munosabatini shakllantirishda ahamiyatga ega. Muloqotning erkinligi o'qituvchidan shaxsga mohirona ta'sir etishni talab etadi. Bola mustaqil tanlash huquqiga ega bo'lib, bu o'z hayotlariga sub'ektivlikni ta'minlaydi. Shuni esda tutish kerakki, bolada u yoki bu muloqotning shakllanganligi uning kelajakda insonlar, predmetlar, olam bilan o'zaro ta'sirida ahamiyatlidir. Ushbu holat o'quv jarayoniga ta'lim texnologiyalarini joriy etishning dolzarbligini ifodalovchi muhim vositalardan biri hisoblanadi.

Yangi pedagogik texnologiyaga asoslangan darslarining an'anaviy darslardan farqi shuki, bu darsda o'quvchiga erkinlik muhitini yaratib berib, unga o'z fikrini erkin bayon etishga imkon yaratib berishdir. Bu imkoniyat qanday yaratiladi? O'quvchiga hech qanday tayziq o'tkazmasdan, uni shaxsiyatiga tegmasdan savollar berish orqali do'stona munosabatdagi o'quv muhiti yaratiladi. Masalan kimyo darslarida metallar mavzusi o'tilganda quyidagicha savollar orqali o'quvchilarda qulay vaziyat tug'dirish mumkin:

1. Qon qizil rangda bo'ladi u inson organizmida transport vazifasini bajaradi. Bu holatni siz qanday izohlaysiz?

2. O'zbekistonda rangli metallar ishlab chiqariladigan kombinatlar haqida ma'lumot bering.

3. Rangli metallarning turlari va ularning yurtimizdagi yer osti zahiralari qanday?

4. Oltin idishlarda (tovoq, qoshiq) ovqatlanish organizm uchun foydali. Buni siz qanday tushinasiz?

5. Kamqonlik kasalligiga qarshi tarkibida temir moddasini saqlagan mevalar-olma, behi, nok iste'mol qilish tavsiya etiladi, ammo nima uchun to'g'ridan to'g'ri temir kukunini iste'mol qilish tavsiya etilmaydi?

Pedagogik texnologiyaga asoslangan ta'lim jarayonining eng muhim «yadrosi» deb hisoblangan qismi – darsning maqsadidan kelib chiqqan holda har bir darsni qoidalar ishlab chiqishdan boshlash ta'lim jarayonining sermahsul, tartibli o'tishiga ko'mak beradi. Darsning mazkur bosqichida o'quvchilarni goyalar va takliflar bilan chiqishga chorlash va shu vaqtning o'zida barcha g'oya hamda takliflarni yozib borish lozim. Iloji boricha qisqa va tushunarli tarzda yozib qo'yilgan qoidalar o'quvchilar tomonidan (o'qituvchi yordamida) izohlanadi. Doskaga, shu bosqich uchun quyidagi qoidalarni yozib qo'yish mumkin:

-tanqid qilmang va baholamang (hech bir ishtirokchi boshqalar fikrini muhokama qilmasligi, baho berishi yoki tanqid qilishi mumkin emas);

-noto'g'ri javoblar bo'lmaydi (xato qilishdan qo'rqmang);

-o'zgartiring, yaxshilang, asoslang (boshqalar fikriga o'zgartirishlar kiriting, qo'shimcha qiling. fikringizni asoslang);

Ta'lim jarayonida agar zururat tug'ilsa, yo'naltirish va rag'batlantirish uchun, o'qituvchi sifatida, qoidalar va fikrlar to'g'risida o'quvchilarga eslatib turish lozim.

Yangi pedagogik texnologiya ta'lim tizimining ratsional yo'llarini ishlab chiqaruvchi jarayon bo'lib, unda o'qituvchi asosiy ma'sul shaxs hisoblanadi. Chunki uning asosiy vazifasi axborotni o'quvchilarga tez, aniq va tushunarli tarzda yetkazib berishidan iboratdir. O'quvchilarni yangiliklarni qabul qilishlari va bunga moyilliklari hamda fe'l-atvori har-xil bo'lishiga qaramay o'qituvchi o'quvchilarni mustaqil fikrlash, mushohada qilish, xulosa chiqarishga o'rgatishi lozim.

Shuning uchun ham hozirgi kunda pedagogik texnologiyalarning bizga qadimdan ma'lum bo'lgan o'rta asrlarda yuzaga kelgan ta'limning avtoritar tizimi aql-idrokka, faktlarga asoslangan "o'yin" emas, balki "didaktik o'yin" tushunchasi kirib keldi. Didaktik o'yinlar ta'limning barcha bosqichlarida qo'llanilmoqda. O'yinning boshqaruvchisi jamoa bo'lib, ishtirokchilarning o'zaro hamkorligini va muloqatga kirishishini ta'minlaydi.

Rolli o'yinlar doimo reallikka yaqin bo'lgan inson hayotining har xil shart-sharoitlarini ko'zlagan holda amalga oshiriladi. Rolli o'yinlarida qandaydir hayotiy vaziyat ijro qilinadi. Rolli o'yinlarining afzalliklari: rolli o'yinlar talabalarda shaxslararo muomala malakasini shakllantiradi. Kelgusidagi amaliyot uchun muayyan malakalarni tarkib toptiradi. Nazariy bilimni amaliyot orqali o'rganishga olib keladi.

Keyingi vaqtda ta'lim muassasalarida o'qitish jarayonida axborot – ma'lumotlar usulidan faol o'tish kuzatiladi, o'quvchilar ishi (faoliyati) da ishbilarmonlar o'yinini tashkillashtirish ("Kimyo va hozirgi zamon", "Bo'lg'usi kimyogarlar bahosi") muhim o'rin tutadi. Ishbilarmon o'yinida qatnashuvchilarning xulqi ijodiy ko'p qirrali bo'lishi zarur. Mashg'ulotlardan o'rinli vaziyatlar bosqichlarda qo'llaniladi: "Ekologik omillarni bilish"; "Ozon qatlamining yemirilishi va hokozolar. Ishbilarmon o'yinidan farqli ravishda, rolli o'yinda ijtimoiy-psixologik muammolar mazmunli tahlil qilinadi.

Rolli o'yin orqali ta'lim muassasalaridagi o'quv mashg'ulotlari noan'anaviy shakli sun'iy pedagogik muommali vaziyatlari, paydo bo'ladi, haqiqatga yaqinlashadi. Hayotiy vaziyat (hayot hayotiy yoki o'ylab chiqilgan) rolli o'yinlarning asosi bo'la oladi, ular huquqiy xarakterga ega. Quyidagi roli o'yinlardan foydalanish tabiiy fanlarni o'qitishda o'z samarasini beradi. Mustaqil o'qitish texnologiyasi-bu loyihali o'qitishning texnologiyasidir. Bu texnologiya loyihalash usuli asosida o'qitiladi. Bu esa zamonaviy ta'limga mos keladi va harakatli qayta aloqalar tizimini ta'minlaydi. Tashkil etilgan o'quv jarayonini o'quvchilarning o'z-o'zini o'qitish jarayoniga aytiladi. Chunki, ular mustaqil ta'lim tuzilmasini tiklaydi va tabiiy ekologik muammolarini eng qulay yechish vaziyatiga mos tushadi. O'rganilgan adabiyotlar asosida "loyihalash" uslubining mazmuni ochib, biz shunday xulosaga keldik, bunday o'qitish-o'quvchining mustaqil o'rganish faoliyatining rivojlantiradi va o'z faoliyatining natijalarini oldindan tahlil qilish o'quvini shakllantiradi. Vizual (ko'rgazmali) vositalar pedagogik texnologiya jarayonida o'quvchilar ko'zi bilan ko'rishlari uchun mo'ljallangan barcha vositalarni o'z ichiga oladi. Bularga doskadagi o'quv va boshqa tasvirlar, kitobdagi yozuv va tasvirlar, tarqatma materiallar, o'quv plakatlar, fotosuratlar, tasviriy san'at asarlari, video, kino tasvirlar, turli buyumlar va boshqalar kiradi. Ko'rgazmali vositalarning pedagogik texnologiyada qo'llanilishi o'quvchilarga o'rgatish kerak bo'lgan axborotga tegishli mazmunda turli shakl va usullarda ko'rsatish orqali tez, aniq va to'g'ri tushuntirish imkoniyatini beradi. Ma'lumki, bilimlarga quyidagicha ega bo'lish mumkin; o'qib (darslilar va o'quv qo'llanmalari); eshitib (ma'ruza yoki hikoya); muhokama qilib (muammo yoki masala); eshitib va tomosha qilib (rasmlar video, materillar, ko'rgazmali qurollar); amaliyotini bajarib (tajribalar, amaliy mashg'ulotlar);

Shunday ekan hozirgi kunda o'qituvchi innovatsion faoliyatga tayyor bo'lib, darsga eng so'ngi yangiliklarni olib kirib, o'quvchiga mavzuni qiziqarli va uni ehtiyojlariga mos ravishda tashkil etsagina sifat va samaradorlikka erishiladi.

TA'LIM TIZIMIDA ZAMONAVIY AXBOROT VOSITALARINI QO'LLASH SAMARADORLIGI

Ataqulova M., Ummatova M. – Navoiy davlat pedagogika instituti

Aliyeva K. – Biologiya o'qitish metodikasi ta'lim yo'nalishi talabasi

O'zbekiston respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng hukumatimiz ta'lim tizimiga alohida e'tiborini qaratdi. Jumladan ta'lim tizimini zamonaviy axborot texnologiyalari bilan jihozlanishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu jarayonda Respublikamizda axborotlashtirish to'g'risida bir qancha qonun va qarorlar qabul qilingan bo'lib, PQ-1942, 26.03.2013 "Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi qaror buning yaqqol dalilidir. Yuqorida qayd etilganidek axborot texnologiyalarining samaradorligi va moslashuvchanligi uni bevosita ta'lim tizimiga kirib kelishiga va ta'limni rivojlanishiga sabab bo'lmoqda.

Ta'lim tizimida darslarini o'qitishda zamonaviy axborot texnologiyalari asosida tashkil etish, ta'limning sifat va samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki maktab o'quvchilarning dunyoqarashi, bolalikning o'yin faoliyatidan o'quvchilik davri o'quv faoliyatiga o'tish jarayoni kabi omillar ta'limda o'ziga xos metodlarni qo'llashni taqozo etadi.

O'qitish jarayonida axborot texnologiyalari vositalarining qo'llanilishi ob'ektlar va hodisalarni hissiy idrok etish, ularni taqqoslash, o'ziga xos xususiyatlarni aniqlash, umumlashtirish, sintezlash, xulosa yasashga imkon beradi.

Bundan tashqari axborot texnologiyalari vositalaridan hamda ko'rgazmali qurollardan foydalanish o'quvchilarda ko'rgazmali-obrazli tafakkurni rivojlantirish, o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish, aqliy faoliyat usullarni egallash, o'rganilayotgan nazariy masalalarni aniqlashtirish, darsda bevosita kuzatish imkoni bo'lmagan hodisa va jarayonlarni modellashtirish, biologik ob'ektlarni kuzatish, ular ustida tajribalar o'tkazish, olingan nazariy bilimlarni amaliyotga

qo'llash, o'rganilgan hodisalarni sxema, jadvallar asosida aniqlashtirish va tasniflash imkonini beradi.

Axborot texnologiyalari vositalari tarkibiga tabiiy va tirik ob'ektlar, tasviriy ko'rgazma, ekran vositalari, EHM ning ko'rgazmali dasturlari, mul'timedialarni namoyish qilish metodlari kirib, muayyan holda quyidagi ko'rgazmali vositalarni namoyish qilish, illyustrasiya, demonstrasiya, o'quv kinofil'mlari, videofil'mlar, EHMning ta'limiy, modellashtirilgan dasturlari, elektron darsliklar, mul'timedialarni namoyish qilish, ko'rgazmaning did va estetik talablarga javob berishi, dars mazmunini yoritish, ketma-ketlikda o'quvchilar faoliyatini tashkil etish uslublaridan tashkil topadi.

Tabiiy hodisa va jarayonlarni tasvirlab berishda, mavzularini tushuntirishda kompyuter yordamida multimediyali o'qiv dasturlaridan foydalanish mumkin. Bu yuqorida qayd etilgan mavzulardagi ko'zga ko'rinmas, lekin hayotimizda muhim o'rin tutadigan fiziologik jarayonlarni harakatli, ovozli, animatsiyali tasvirlar orqali namoyish etilib, o'quvchilar tomonidan bu sohadagi bilimlarni oson o'zlashtirish imkonini berish bilan birga, ularning tasavvurlarini kengayishiga, ilmiy dunyoqarashlarini shakllanishiga olib keladi hamda an'anaviy usuldagi ma'ruza darslarini mazmunan boyishiga olib keladi. O'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishlari ortadi.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida keng qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalaridan biri - Videokompyuterli o'qitish texnologiyasi bo'lib, undan to'g'ri foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishda muhim rol o'ynaydi.

Videokompyuterli o'qitish texnologiyasi bo'lg'usi pedagoglarda faol bilish, olgan bilimlarini chuqurlashtirish, kelgusida o'z pedagogik faoliyati jarayonida samarali kasbiy faoliyat yuritishga xizmat qiluvchi ta'lim texnologiyasi bo'lib, u o'quv axborotlarining verbal va tasavvurli shakllarini bir vaqtda namoyon etish hamda ta'lim maqsadlariga erish imkoniyatlarini oldindan kafolatlash imkoniyatlarini yaratuvchi ta'lim texnologiyasi hisoblanadi.

Videokompyuterli o'qitishda quyidagi vositalar majmuasidan foydalaniladi:

1. Kompyuter
2. Televizor
3. Vedomagnitofon
4. Vediokamera
5. O'qituvchi va talabalar uchun oldindan ishlab chiqilgan uslubiy ko'rsatmalar kiradi. [2].

Umuman olganda axborot – bilim, pedagogik texnologiya, boshqarish, tashkiliy texnologiya, tahliliy imkoniyatlarga asoslangan ilmiy va ko'rgazmali qilib tasvirlash kabi holatlarni o'ziga mujassamlashtirgan bo'lishi zarur.

Shunday qilib, zamonaviy axborot vositalaridan foydalanish o'sib kelayotgan yosh avlodlarda bilim-malaka va ta'lim-tarbiyasini oshirishda uzluksiz hamda doimiy o'qitish jarayonini ta'minlaydi desak mubolag'a bo'lmaydi.

BARKAMOL SHAXS VA MALAKALI MUTAXASSISNI TARBIYALASHDA PEDAGOGIK VA AXBOROT KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING DOLZARB MASALALARI

Sharofiddinov R. – VXTXQTMOI o'qituvchisi

Ahmadaliyeva G., Ne'matova M. – Farg'ona pedagogika kolleji o'qituvchilari

Barkamol shaxs va malakali mutaxassisni tarbiyalashda muhim o'rin tutuvchi ta'lim tizimiga ilg'or g'oyalarni tadbiq etish va shu aksda uning mazmunini takomillashtirish zarurdir.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005 yil 30 mayda e'lon qilingan "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida"gi Farmonida umumta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va oliy ta'lim muassasalarining ta'lim jarayonida zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalarini egallash va ulardan faol foydalanishga asoslangan ilg'or ta'lim tizimlarini tadbiq etish axborot texnologiyalarini rivojlantirish va joriy etishning eng muhim va birinchi navbatdagi vazifalaridan deb ko'rsatilgan.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining yangiligi va o'ziga xosligi insoniyat rivojlanishi nuqtai nazaridan ular deyarli insoniyat faoliyati barcha sohalariga kirib borishi, ulardan cheklanmagan joylar va maqsadlarda foydalanish mumkinligidan iborat. Zero, taraqqiyot juda tez rivojlanayotgan bugungi kunda, jamiyat informatsion texnologiya va resurslardan oqilona foydalanishni talab etadi.

Shuningdek ta'lim jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish quyidagilarni o'rganishni talab etadi:

- kompyuter texnologiyalarini bilishni;
- e-maildan foydalanishni;
- internet bilan ishlay olisni;
- slaydni yaratishni;
- multimediya va elektron doskalar bilan ishlay olishni;
- atrofda ro'y berayotgan axborot almashinuvini to'g'ri tahlil qila olishni;
- taqdimot dasturni tuzish va undan kompetentli foydalanishni;
- modulli o'qitishni;
- har qanday masofaviy o'qitish (shakl, usul)dagi turlaridan foydalanish.

Bunday ilg'or va samarali ta'lim metodlari, o'z navbatida, ta'lim-tarbiya sohasida quyidagi ijobiy o'quv-biluv fazilatlarini barpo etishga zamin yaratadi:

- ta'lim oluvchilarning o'quv faoliyati doirasida o'z-o'zini anglash;
- o'quv vaqtning samarali o'tishiga erishish;
- qayta aloqa sifati va sonini orttirish;
- didaktik materiallar sifatini yaxshilash;
- o'z-o'zini boshqarish tizimini kengaytirish.

Dars mashg'ulotining sifat-samaradorligi esa quyidagi metodik tashkiliy va ilmiy xosliklarida namoyon bo'ladi:

- rivojlangan ta'lim tizimini joriy etish;
- yangi kurslarni loyihalash;
- o'quv rejasi mazmunini takomillashtirish;
- ta'lim subektlarining o'quv imkoniyatlarini orttirish;
- ularning faoliyatini baholashda qulay vositalardan foydalanish;
- bilim oluvchilarda yangi motivatsiyalarni barpo etishda kompetentli yondashish;
- o'quvchini AKT vositasida testdan o'tkazish madaniyatini shakllantirish.

Masalan, ta'lim jarayonida multimediya vositalarini qo'llash nafaqat pedagogik, balki psixologik nuqtai nazaridan katta ahamiyatga egadir.

Multimediya kompyuterning imkoniyatlar majmuyi bo'lib quyidagi turli ko'rinishlarni va vazifalarni bajaradi:

- matn;
- jadval;
- grafika;
- ovoz;
- animatsiya (harakatlanuvchi rasm);
- videotasvir, musiqa yordamida yig'ish, saqlash va uzatish.

Bunday axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish muhim natija olib keladi:

- axborotning turli shaklda berilishi o'quvchilarning diqqatini tortadi;
- ta'lim oluvchining fikrlash qobilyati va fikr bildirish faoliyati boyitiladi;
- o'zini idrok etish intilishi faollashadi;
- motivatsiyalari darsning dinamik jarayoni qo'llab-quvvatlaydi;
- o'quv-tarbiya jarayoni faollashtiriladi;
- ta'lim samaradorligi oshadi;
- yuqori darajadagi ko'rgazmalilik bilim oluvchilarda katta qiziqish uyg'otadi;

- mavzuning uzoq vaqt xotirasida saqlanishini ta'minlaydi;
- mustaqil ta'lim olish imkoniyati, sohalari ko'payadi;
- kompyuter savodxonligi oshib boradi va h.k.

Ijtimoiy-gumanitar fanlari darslarida o'qituvchi ko'plab siyosiy, yuridik va boshqa sohaga oid terminlardan foydalanadi. Albatta, dars mashg'uloti jarayonida termin, iboralar va tayanch (kalitli) so'zlarni tushuntirib beradi. Ularning lug'aviy ma'nosini yoritib beradi va etimologiyasini anglatadi.

Ammo lekin, tarixiy qonuniyatlarni anglash uchun konseptual (qiyoslash) jadvalga internet dasturidagi materiallarni kiritish, ularni muhokama qilish, mustaqil fikr bildirish kabi usullardan foydalanish maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Demak, grafikli o'rganishda ham AKT dan foydalanish o'ziga xos samarasini va kompetentlikni (kompetentlik yondashuv) tug'diradi.

Kompetensiyaviy yondashuvda asoslangan ta'lim – o'quvchilarda egallangan bilim, ko'nikma va malakalarini o'z shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo'llay olish kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'limdir. Demak, har qanday fanning o'qituvchisi informatika fani o'qituvchilarining nazariy va amaliy maslahat-yordamidan foydalanish orqali o'z kompyuter texnologiyasi va axborot kommunikatsiyadan foydalanishning salohiyatini ko'paytirish va sifatlashi zarurdir.

Shuningdek, kommunikativ kompetensiyasi internet bo'yicha o'rgangan bilimlarini og'zaki va yozma tarzda aniq va tushunarli bayon qila olish, mavzudan kelib chiqib savollarni mantiqan to'g'ri g'oya olish va javob berish imkoniyatlarni kengaytiradi.

Masalan, o'qituvchi topshiriq beradi: "O'zbekiston-Xitoy munosabatlari" mavzusi bo'yicha ma'lumotlarni yig'ing.

Bunday yo'sinda "Ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi" tizimi quriladi. Bunday tayanch kompetensiyasida internetni jamiyatda muhim ahamiyatga ega ekanligini tushunish va uni bo'layotgan voqea, hodisa va jarayonlarga dahldorligini his etish kabi kompetensiyaviy tizim barpo etiladi.

Kompetensiyani tadbiq qilish usullari quyidagichadir:

- yozma ishlarni yechish;
- test savollarining yechimini topish;
- og'zaki savollarga javob berish;
- geografiya, iqtisodiyot va O'zbekiston tarixi, Xitoy tarixi fanlardagi integratsiyalashuvini amalga oshirish;
- o'z fikrini bildirish;
- AKT izohli lug'at bilan ishlashni;
- jamoada va kichik guruhlarda ishlash yuqoridagilardan foydalanish.

Albatta, o'qituvchi-pedagog axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha keng ko'lamdagi bilimlarga, information aloqa va kommunikatsiya tizimlari, orgtexnika vositalari va ulardan foydalanish borasida yetarli malakalarga ega bo'lishini hamda yangi informatsion texnika va texnologiya asoslarini anglashga intilish kerakdir. Chunonchi, ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish usullari bugungi kun mutaxassislari faoliyat doiralari qanday bo'lishidan qat'iy nazar, metodik jihatdan pedagogik dasturiy vositalardan va turlarini puxta o'zlashtirishi mumkin:

- elektron darsliklar (darslar);
- trenajyor dasturlar (repitorlar);
- nazorat qiluvchi dasturlar (test qobiqlari);
- ma'lumotnomalar-spravochniklar (entsiklopediyalar);
- vertual laboratoriyalar;
- modellastiruvchi dasturlar;
- taqdimot va namoyish dasturlar (slyaydlar yoki videofilmlar)
- o'quv-o'yin dasturlar (mantiqiy, o'rgatuvchi va h.k) turlari.

Shuningdek, ta'lim-tarbiya sohasini takomillashtirishda AKTning roli katta ahamiyatga egadir.

Har bir fan o'qituvchisi o'z fanini o'rgatish orqali, bilim oluvchi shaxsni ilm-fan yutuqlari, mafkuraviy immunitetni kuchaytirish elementlari va milliy g'oya asosida tarbiyalash maqsadiga erishishda AKTdan foydalanish – bular barchasi barkamol shaxsni va malakali mutaxassisni tarbiyalash ma'no-mazmuniga muvofiq bo'lar edi.

UZLIKSIZ TA'LIM TIZIMIDA MASOFALI TA'LIM VA SAMARADORLIK

Ibraimov X. – NDPI, prof., p.f.d.

O'zbekiston Respublikasining Kadrlar tayyorlash Milliy dasturida “o'qishni, mustaqil bilim olishni individallashtirish hamda distansion ta'lim tizimi texnologiyasi va vositalarini ishlab chiqish va o'zlashtirish” haqida alohida ta'kidlangan. O'zbekiston Respublikasi ta'lim sohasida turli o'yin, uslubiyotlar va texnologiyalar virtual fazoda muvaffaqiyat bilan qo'llanilmoqda. Bir vaqtlar pero va qog'ozni yaratilishi ta'limni yangi bosqichga ko'targani kabi, axborot texnologiyalarining paydo bo'lishi va rivojlanishi hozirgi zamon jamiyatining ta'lim tizimida yangi inqilob bo'lishiga olib kelmoqda. Ta'limda telekommunikatsiya va kompyuter texnologiyalari axborotlarni tasvirlash va uzatishning yangi shakllariga yo'l ochmoqda, yangi o'qitish shaklini paydo bo'lishga asos solmoqda. Ana shunday o'qitish shakllaridan biri «masofali o'qitish» deb nomlangan Internet tarmog'idagi ta'limdir.

«Masofali o'qitish - davlatda va xorijda aholining keng qatlamiga masofada turib o'quvchi va o'qituvchini o'quv axborotlar bilan almashinish vosita (kompyuter aloqa, sun'iy yo'ldoshi televideniye va sh.k.) larga asoslangan maxsus axborot-ta'lim muhiti yordamida ta'lim xizmatlar majmuasini taqdim qilishdan iborat». Masofali o'qitishning xususiyatlariga, birinchidan, o'quvchini o'qituvchidan uzoqdaligi; ikkinchidan, mustaqil o'qish - sirtqi o'qitish shaklining qandaydir varianti; uchinchidan, axborot vositalari va ashyolarini o'quv jarayoniga faol birlashishidir.

Masofaviy o'qitish texnologiyasi tushunchasi standartlashtirilmagan. Eng ko'p tarqalgan ta'rif quyidagicha: masofaviy o'qitish texnologiyasi bu ta'limni belgilangan mazmunini nusxalab amalga oshirishga yo'naltirilgan usullar tizimi, maxsus vositalarning, o'qitish shakllarining majmuasidir.

Ma'lumki, hozirgi kunda ta'lim olishning kunduzgi shakli - asosiy shakllardan biri hisoblanadi. Ko'pgina davlatlarda va shu jumladan, respublikimizda ham ma'lum bir davrlarda ta'limning sirtqi, kechki va eksternat shakllaridan ham keng foydalanib kelindi. Shu kecha-kunduzda bularning safiga yangi rivojlanayotgan zamonaviy shakli-masofali ta'lim tizimi qo'shilmoqda.

Masofali ta'limni dastlab buyuk ajdodlarimiz Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Al Xorazmiy va boshqalar amalga oshirganlar. Ular boshqa shaharlardagi shogirdlariga xat orqali (chopar, kabutar yordamida) bilim va topshiriqlar berib turganlar. Ammo xat orqali axborot (ma'lumot) almashishga haftalab, oylab vaqt ketgan.

Olimlar orasidagi bu an'ana telegraf, radio va televidenie kashf etilishigacha davom etdi. Hozirgi davrda esa, kompyuter texnikasi axborot telekommunikatsiyasi va Internet tizimi asosida masofali ta'lim, xuddi o'qitishning kunduzgi shakli darajasidagidek amalga oshirilmoqda.

Masofaviy o'qitish texnologiyasi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- ta'lim axborotlarini taqdim etish texnologiyasi;
- ta'lim axborotlarini uzatish texnologiyasi;
- ta'lim axborotlarini saqlash va qayta ishlash texnologiyasi.

Masofali o'qitishning asosiy tamoyillaridan biri uning barchaga barobarligi-aniq shartlarda xohish bildirgan ixtiyoriy kishi «virtual o'quvchi» bo'lishi mumkinligidir.

Yangi ta'lim texnologiyalaridan biri, uy sharoitlarida kompyuter yoki telekommunikatsiya yordamida boshqa davlatda joylashgan maktabda kurslarni o'tish imkoniyatini beradigan masofali o'qitishdir. Virtual ta'limda, shuningdek, o'quv jarayonini samarali tashkil etish, o'quvchilarning qiziqishini ko'tarish kabi vazifalari ham mavjud va bu yerda an'anaviy ta'limda ham foydalaniladigan, tarmoq o'yinlari, virtual seminarlar, treninglar va hamkorlikdagi jamoaviy loyihalar va boshqa shu kabi psixologo-pedagogik texnologiyalar katta ahamiyat kasb etishi mumkin.

Ikki turdagi: axborot va o`qitish texnologiyalar — o`qitish jarayoniga yangicha yondashish, shaxslarni ta`limning umuman mazmunidan iborat bo`lgan ijodiy salohiyatini va bilishga intilishlarini rivojlantirish imkoniyatini berib muvaffaqiyatli birlashtirilishi mumkin.

Masofali ta`limni amalga oshirishda o`quv kurslarini qo`llab-quvatlash, o`quvchilarga o`quv materiallarini yetkazib berish, ma`lumotnoma materiallari bilan ta`minlash (kutubxona), maslahat berilishi, bilimlarni nazorat qilib turilishi lozimdir.

Masofali ta`limda ham o`quvchilar xuddi kunduzgi o`quv shaklidagidek bir-birlari bilan telekommunikatsiya tizimi orqali o`zaro muloqotda bo`ladilar va maslahatchi (o`qituvchi)laridan yordam olib turadilar. Masofali o`qitishda o`quvchilarni onlayn (qachon axborot kerak bo`lganda, o`sha paytda axborot olish imkoniyatiga onlayn tartibi deyiladi) qo`llab-quvvatlash, chat va forumlar, onlaynli axborot taxtalari, onlayn do`konlari va boshqa maslahat vositalari bo`lishi kerak.

Masofali o`qitishni amalga oshiradigan o`quv yurtlari, asosan, ular tomonidan taklif etiladigan o`quv dasturlariga muvofiq ravishda tabaqalanadilar.

1. “Natural masofali universitetlar”. Bunday universitetlarning o`quv dasturlari shunday tuzilganki, ularni to`la o`tganlar bakalavr yoki magistr darajasini oladilar (masalan, AQSH, Ispaniya, Germaniyalarda bunday ta`lim muassasalarini ko`rish mumkin).

2. Malaka oshirish kurslari provayderlari. Bu muassasalarning asosiy dasturlari (o`quvchilarga sertifikat berishga mo`ljallangan bo`lib, o`quvchilarni kasbiy malakalarini oshirishga katta ahamiyat beradi).

3. Onlayn o`qitishni taqdim etuvchi universitetlar. Ushbu universitetlar o`zlarining o`quv dasturlar sonini ko`paytirib onlayn tartibida (rejimida) taqdim eta boshladilar.

Masofali ta`limning yagonalik, ikkilangan, aralash, konsetsium, franchayzing, validatsiya, uzoqlashtirilgan auditoriyalar va loyihalar kabi modellari mavjud.

Masofali ta`lim texnologiyalari qatoriga: elektron o`quv moduli, radio-televideniye texnologiya (RT), korrespondentlik texnologiya (KT) va tarmoq texnologiyalari (SO), mobil texnologiya(MT)larni kiritish mumkin.

Elektron o`quv moduli – didaktik vosita sifatida uch komponent (information, amaliy va nazorat qilish)dan tashkil topgan multimediali ta`lim resursini o`zida aks ettirib, zamonaviy sharoitda axborot-kommunikatsion texnologiyalardan keng foydalanishga qo`yilayotgan talablarga mos keladi hamda innovatsion tavsifga ega bo`lib, bilimlarni o`zlashtirish, mustahkamlash va nazorat qilish imkonini beradi. Elektron o`quv moduli auditoriyadan tashqari faoliyat jarayonida talabalarning kasbga oid bilimlarini mustaqil o`zlashtirish va mustahkamlashlariga yordam beradi.

TV texnologiya - 1940 yillardan boshlab o`quv materiallarini odatdagi pochtdan tashqari - radio, magnitofon lentalarini, televideniya dan foydalanib ta`lim oluvchilarga yetkazila boshlandi. Ta`lim oluvchilarni televizion ma`ruzalardan foydalanib, o`quv materillarini o`rganishlari TV texnologiyani asosini tashkil etadi.

Tarmoq texnologiyalariga - Internet texnologiyalari kiradi. Internetdan foydalanib o`qituvchi-ta`lim oluvchi o`rtalarida muloqot o`rnatiladi va o`quv uslubiy materiallaridan foydalaniladi. Hozirgi davrda masofali ta`lim texnologiyalariga CD-ROM texnologiyalari ham qo`shildi.

Korrespondentlik texnologiyada o`quvchi o`quv materiallar oladi va unga maslahat beradigan hamda nazorat ishlarini tekshiradigan o`qituvchi birlashtiriladi. Kunduzgi uchrashuvlar mo`ljallanadi. Axborot almashinish asosi ko`proq an`anaviy pochtaga tushadi.

Mobil texnologiya mobaynida mobil shaxsiy portativ kompyuterdan (MSHPK) foydalaniladi. «Pleyer» tartibida MSHPKdan o`qish uchun o`quvchi elektron ko`rinishdagi o`quv materiallarni foydalanadi.

Keltirilgan masofali o`qitish texnologiyalari ixtiyoriy ta`lim muassasalarida muvaffaqiyat bilan qo`llanilishi mumkin.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ахмеджанов М.М., Турдиева М.Ж – БухМТИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинларини моҳият эътибор билан тубдан ислоҳ қилиш вазифасини

кўйди. Бу масалани энг аввало ўқитувчилар амалга оширадilar. Шунинг учун педагоглар ўз дарсини тўғри ташкил этиши таълим муассасасининг мавқеини кўтаришида жуда долзарб масаладир.

Таълимда янгиликлар киритиш фақатгина давлат сиёсати даражасида эмас, балки таълим тизими ва фан ходимлари ҳамда ташкилотчиларидан келиб чиқадиган ташаббус натижасида ҳам амалга оширилади. Бу жараён инновацион педагогик фаолият йўли билан ташкил этилади.

Инновацион педагогик фаол тушунчаси "янги", "инновация", "инновацион фаолият", "педагогик инновация" бир — бирига алоқадор тушунчалар қаторида туради. "Янги" атамаси биринчи бор яратилган ёки бажарилган, пайдо бўлган ёки яқинда юзага келган сифатида тушунилади. Илмий — назарий манбалар янгиликнинг бир неча даражаларини кўрсатади:

- абсолют (умуман) янгилик, илгари ҳеч қачон ва ҳеч қаерда мавжуд бўлмаган нарсани яратишга асосланади;
- локал янгилик, илгари маълум бўлган лекин бугунги кунда эсдан чиқарилган объектни актуаллаштиришга асосланган;
- меъёрий янгилик, бунда объект меъёр ҳисобланган бошқаси билан солиштирилганда янги ҳисобланганда;
- субъектив янгилик, қачонки объект ушбу субъект учун янги, лекин бошқа субъектларга анча кенг маълум бўлган ҳолларда;

Янгини яратиш жараёни "**янгилик**" деб аталади. Илмий тадқиқотларда бу жараён қуйидагича белгиланади:

- Маълум бўлганни бошқа кўринишда қуриш;
- баъзи ўзгаришлар билан мавжуд бўлганини такрорлаш;
- маълумни аниқлаштириш, конкретлаштириш;
- маълум бўлганни муҳим элементлар билан тўлдириш;
- умуман янгисини яратиш.

"Инновация" атамаси маданиятшунослик ва лингвистикада трансфера жараёнини ифода этиш учун пайдо бўлган.

Трансфера жараёни бирор бир маданий ҳодисани бир контекстдан бошқасига кириб боришини ва шу билан бир вақтда илгари хос бўлмаган янги сифатларга эга бўлишини англатади. Ана шу маданиятнинг ривожланишини ҳал этувчи омили бўлиб келган. Шундай қилиб, "инновация" "янгилик" тушунчасининг синоними ҳисобланади.

"Инновация" тушунчасининг пайдо бўлиши файласуф — иқтисодчи Й.Шумпетер номи билан боғлиқ. У, ана шу тушунчани - иқтисодиётнинг ривожланиш соҳасига киритди ва бир қатор "инновацион комбинациялар", "инновацияларни амалга ошириш" каби атамаларни киритди.

"Инновацион фаолият" атамасининг пайдо бўлиши XX асрнинг 70 йилларида содир бўлди. Аввалига бу атама иқтисодиётда қўлланилди, кейин эса инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига ҳам кириб келди.

"Инновацион фаолият" тушунчасининг мазмунини ўрганиб олимлар бир неча ёндашишларни кўрсатдилар:

- Инновацион фаолиятга яхлитлик хусусияти хосдир, яъни киритилаётган янгиликнинг кенг миқёсидалиги, ҳамма нарсани ўз ичига оладиган, глобаллиги;
- Инновацион фаолият янгиланишлар ва ўзгаришлар узлуксизлиги ҳамда мунтазамлигига эга бўлиши керак;
- Инновацион фаолият хар доим амалиётда илгари мавжуд бўлган бирор — бир таянчга асосланади.

Янгини, яъни, янгиликни ўзлаштириш ва яратиш зарурияти янги илмий йўналиш "педагогик инновациялар" пайдо бўлишини белгилаб берди. Педагогик инновациялар янги педагогик технология учун асос бўла олади. Педагогик инновация қуйидагиларни белгилаб беради: Педагогик неология (янгилик) янгиликни педагогик ҳамкорлик томонидан қабул қилиниши, баҳоланиши ва ўзлаштирилиш муаммоларини ўрганади.

Педагогик праксиология таълим тизимида янгиликни қўлланилиши ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш билан шуғулланади.

Педагогик инновация педагогиканинг соҳаси сифатида таълимнинг турли соҳаларида инновацион жараёни назарий асослаб, юзага келтирилган янгиликларни ўзлаштириш бўйича амалий маслаҳатлар беришга интилади. Инновацион жараёнларни бошқариш масалаларини таҳлил қилади.

Инновацион педагогик муаммолар Х.Барнет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Н.Диниксон, М.Майлз, А.Хоберман, Р.Хейвлок, Н.Азизхўжаева ва бошқалар асарларида очиб берилган бўлса, педагогик инновацияларни ўрганишнинг ижтимоий — фалсафий жиҳатлари Р.Ниланин, А.И.Пригонин, Н.Р. Юсуфбековалар ишларида берилган. Педагогик инновациялар моҳиятини баҳолаш мезонлар таркибини аниқлашнинг назарий — методологик жиҳатлари эса М.С.Бургина, В.С.Лоренсов, М.М.Поташник, А.Т.Хомерин ишларида кўриб чиқилган. Инновацион ўқув юртлари фаолиятлари таҳлили В.И.Андреев, М.В.Левиж, А.Т.Каспржан, Э.М.Никитин ишларида асослаб берилган. Бу олимларнинг ишларини таҳлил қилиб чиқиш, яхшисини яратиш ва ўзлаштириш жараёнида бир неча ўзаро боғлиқ бўлган босқичларни ажратиш кўрсатиш имконини беради:

*янгиликни ишлаб чиқиш — янгини яратиш ёки илгари яратилганни излаш ва мослаштириш;

*яратилганни ўрганиш — экспертлар томонидан баҳоланиши, синов текширишлари, илмий — педагогик экспертиза;

*янгиликни қўшимча ишлаб чиқиш — мослаштириш, ишлаш янги шароитларига мос равишда тузатиш;

*амалиётга тадбиқ этиш — янгини назарий ўрганиб чиқиш ва уни амалий амалга ошириш;

*инновация предметини янада ривожлантириш. Инновацион жараённинг илмий таърифи педагогик фаолиятда янгиликни яратиш, ўзлаштириш, фойда-ланиш ва тарқатиш бўйича комплекс фаолиятни ўз ичига олади.

Педагогик адабиётларда "янгилик" тушунчаси ва "янгилик киритиш" синонимлар сифатида қаралади.

"Педагогик инновация" тушунчасини тадқиқотчилар (К.Ангеловски, В.С.Лазарев, М.М.Поташник, О.Т.Хомерик ва бошқалар) янги воситаларини, яъни янгиликни ўзлаштириш жараёни сифатида қарайдилар. "Инновацион жараён" тушунчаси инновацион фаолият билан боғланади. М.С.Бичурин, Л.Д.Гирева, Л.И.Овсянникова, Ф.Янушкевич каби тадқиқотчилар "педагогик инновациялар" ва "педагогик янгилик" тушунчаларини синонимлар сифатида ишлатадилар. Тадқиқотчи В.И.Андреев "Инновациялар" тушунчаси ҳақида ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, у "педагогик инновациялар" атамасида бир неча мазмунларни кўрсатади:

•янги мазмун ва янги методларни ишлаб чиқиш;

•шу кунгача мавжуд бўлган илғор тизимлар ва технологияларни тадбиқ этиш ва тарқатиш;

•мактабни бошқариш ва ривожлантириш янги технологияларини ишлаб чиқиш;

•мактабни тажриба майдончаси сифатида тушуниш;

•мактаб умуман янги бўлган таълим йўналишига эга бўлган вазият.

Психологик — педагогик манбаларни таҳлил қилган бир қатор муаллифлар асосий педагогик инновацияларга таълим бериш жараёни доирасидаги ўзгаришлар киритиш лозимлигини қуйидагича кўрсатиб беришган:

•ўқувчиларни ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш тизимида, ёки унинг алоҳида таркибий қисмлари;

•ўқитиш мазмунидаги, яъни ҳамма ёки алоҳида фанлар ўқув режалари ва дастурлари;

•ўқув жараёнига микро ЭҲМ ва мультимедиа технологиялар ёрдамида ўқитиш технологиялари ҳамда воситаларини ихтисослаштирилган синф ва мактабларда ўқиш жараёнини комплекс ўрганиш;

•таълим стандартларидаги ва ўқув — тарбиявий жараёнга дастурли талабларни стандартлаштиришда янги турдаги ўрта махсус мактабни ва ўқитишнинг янги технологияларини ташкил этиш;

- тестлар ва бевосита алоқадор натижаларни ўлчовчи бошқа воситалар ёрдамида ўқитишнинг натижалилигини баҳолаш;
- "Ўқитувчи—ўқувчи" тизимидаги муносабатларни шакллантириш.

Шундай қилиб, инновацион фаолиятнинг назарий асосларини таҳлил қилиб чиқиш, муаммо ва мураккаб қарама — қарши ҳодисалардан иборат эканлигини кўрсатади. Бу муаммога назарий ёндашишлар инновацион фаолиятнинг методологик ва ташкилий жиҳатлари билан ўзаро боғлиқликда ўрганилиши керак.

TA'LIM JARAYONIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Baxritdinova D., Beknazarova X. – Qashqadaryo VXTXQTMOI o`qituvchilari

Jamiyat hayotining jadal tarzda rivojlanishi, taraqqiyot ehtiyojlari va imkoniyatlarining kengayishi, turli-tuman axborotlar oqimining tezlashishini hisobga olib, zamonaviy pedagogik texnologiya fani pedagogik tizimning yangi shakl, vosita va usullaridan foydalanish mexanizmini yaratishni o'z zimmasiga olmog'i talab etiladi. Bugungi kunda turli ta'lim muassasalarida amalga oshirilayotgan ta'limning o'rni va darajasini aniqlashga yo'naltirilgan tadqiqotlarda pedagogik texnologiyaning imkoniyatlaridan keng foydalanishni taqozo qiladi. Shundagina ta'lim jarayonining natijalari fan, ishlab chiqarish, madaniyat, iqtisod hamda jamiyat hayotining barcha sohaslarini rivojlantirishga xizmat qila oladi. Pedagogik texnologiyaga tayangan holda yaratilgan nazariyalargina uzluksiz ta'lim jarayonini uning bosqichlari va komponentlarining mazmuni, shakli va vositalarini, ta'lim natijalarining jamiyat hayotiga ko'rsatadigan ta'sir darajasini oldindan loyihalashtirishga asos bo'la oladi. Demak, o'quv-tarbiya jarayonini yangi prinsiplar va yangi mafkuraviy negizda qayta qurish, ta'lim sohasida islohotlarni amalga oshirish mumkin.

Pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonini tashxis qilish va yaratilgan nazariyalar, o'quv - metodik majmualar tajriba - sinov asosida amaliyotga joriy qilishning metodologik asoslari, aniq mexanizmlari, usul va vositalarini ishlab chiqishi kerak. Ta'lim jarayonining tashxis qilish mexanizmi shu jarayonning yutuq va kamchiliklari, ta'lim natijasining sifat ko'rsatkichlari, ta'lim jarayoniga tatbiq qilinadigan pedagogik nazariyalar, zamonaviy texnologiyalarning ta'lim amaliyotini rivojlantira olish yoki ta'limning taraqqiyotiga to'sqinlik qilish darajasini aniqlashga yo'naltirilishi kerak.

Pedagogik texnologiya – ta'lim shakllarini optimallashtirish maqsadida o'qitish va bilimlarni o'zlashtirish jarayonining inson salohiyati va texnik resurslarni qo'llash, ularning o'zaro ta'sirini aniqlashga imkon beradigan tizimli metodlar majmuasidir. Texnologiya deganda, subyekt tomonidan obyektga ko'rsatilgan ta'sir natijasida subyektida sifat o'zgarishiga olib keluvchi jarayon tushuniladi. Texnologiya har doim zaruriy vosita va sharoitlardan foydalanib, obyektga yo'naltirilgan aniq maqsadli amallarni muayyan ketma-ketlikda bajarishni ko'zda tutadi.

Umuman, pedagogik texnologiya o'quv jarayoni va uning ishtirokchilari bilan bog'liq barcha maqsadli sa'y-harakatlar yig'indisini anglatishi lozim.

“Texnologiya” tushunchasi keng ma'noda insonning barcha antropogen faoliyati natijasida mahsulot yaratilishi jarayonlarini qamrab oladi. Texnika va texnologiya, sanoat va transport, mashinasozlik va aviasiya, kimyo va metallurgiya, tibbiyot va farmasevtika, qishloq xo'jaligi va chorvachilik, umuman, yaratuvchanlik va ijodkorlik mehnati va metod, usul, vosita hamda jarayonlar majmuasini ifodalash uchun shu kungacha cheklanmagan miqyosda foydalanib kelinayotgan ushbu atamaning mazmun va mohiyati keng ko'lamga ega bo'lib qoldi. Pedagogik jarayonlar uchun tatbiq qilinuvchi texnologiyaning an'anaviy va noan'anaviy, tarixiy, klassik, yangi va zamonaviy turlari farq qilinmoqda. Asosiy maqsad - shaxsning ta'lim va tarbiyasi hamda uning aqlan va jismonan rivojlanishi bilan bog'liq kasbiy faoliyat ekanligini nazarda tutsak, qanday nomlanishidan qat'iy nazar, pedagogik texnologiya komil inson tushunchasiga mazmunan singib ketishi lozim.

Ma'rifatli va madaniyatli dunyoning ta'lim tajribasi shuni ko'rsatadiki, shaxsning intellektual salohiyati, dunyoqarashi, shuningdek, uning ma'naviy-axloqiy qiyofasining shakllanishida u mansub bo'lgan muhit hamda unda qaror topgan ijtimoiy munosabatlarning ahamiyati katta bo'ladi. Zero, shaxs mansub bo'lgan muhitda uning tafakkuri, ma'naviy-axloqiy qiyofasini shakllantirish uchun zarur bo'lgan ob'ektiv va sub'ektiv omillar mavjud. Shaxs faoliyat olib borayotgan muhit doirasida

oliy va o`rta maxsus ta'lim muassasalarining ham alohida o`rni bor. O`zbekiston Respublikasida uzluksiz ta'lim sohasida olib borilayotgan kadrlar tayyorlash bo'yicha islohotlar mamlakat iqtisodiyotini malakali mutaxassislar bilan ta'minlashga imkon beradi. Bu model vujudga keltirilgan ilmiy-texnikaviy salohiyatdan keng va samarali foydalanishga, fundamental va amaliy fanning yutuqlarini, chuqur ilm talab qiladigan texnologiyalarni amaliyotga keng joriy etishga, yuqori malakali, iqtidorli ilmiy kadrlar sonini ko`paytirishga asoslanadi. Bu mamlakatimizning jahondagi iqtisodiyoti va sanoati rivojlangan davlatlar qatoriga kirib borishining zarur sharti va mustahkam poydevori bo`lib xizmat qiladi.

Boshqacha aytganda, bugungi kunda uzluksiz ta'lim tizimida o`qitish samaradorligini oshirishning muhim sharti-ta'lim jarayoniga tizimli yondashuv va rang-barang pedagogik faoliyatdan iborat xizmat ko`rsatish sanaladi.

Ayni davrda zamonaviy pedagogik texnologiya – tizimli yondashuvlar asosida o`qitishning shakllarini qulaylashtirish, uning natijasini kafolatlash va ob'ektiv baholash uchun zarur bo`lgan inson salohiyati hamda texnik vositalarning o`zaro hamkorligini namoyish qiladi. Ta'lim maqsadlarini oydinlashtirish, o`qitish va o`zlashtirish jarayonlarida qo`llaniladigan usul, metod va vositalarlarni xilma-xillash, ta'lim va tarbiya jarayonlari mazmunini chuqurlashtirish-bular hammasi ta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish demakdir. Vaholanki, takomillashtirishning chegarasi, ya'ni oxiri yo`q, deyiladi. Shunday bo`lgach, pedagogik texnologiyalar ham, pedagogik mahorat ham sarhadsiz tushunchalardir. Bu borada qancha ko`p izlanilsa va qanchalik tashabbuskorlik bo`lsa-shunchalik kamdek tuyulaveradi. O`qitishning eng oddiy va bosh haqiqati ham ana shundadir. O`qituvchi(pedagog)larning faqat ana shu taxlitdagi faoliyati oxir-oqibatda yuksak ijtimoiy buyurtmaning bajarilishiga olib keladi.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Содиқов А. – ЖДПИ Доценти, Холбоева Г. – п.ф.н. Жиззах ВХТХҚТМОИ

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар давлатимизнинг малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий тараққиётини такомиллаштириш борасидаги муҳим кадамларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-телекоммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 2002 йил 30 майдаги фармони ва уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ – 91-сонли, 2005 йил 9 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 117-сонли, 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат таълими ахборот тармоғини яратиш тўғрисида”ги ПҚ – 191-сонли, 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 436-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни мувофиқлаштириш Давлат Қўмитасининг “2012–2020 йилларга мўлжалланган Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари” тўғрисидаги Қарорларида юксак малакали баркамол авлод тарбиясида компьютер саводхонлигининг ўрни ва ролига махсус эътибор қаратилиши соҳа мутахассислари олдига қатор вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов шу йил 17 февралда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусида бўлиб ўтган халқаро Конференциянинг очилиш

маросимидаги нутқида масалага янада аниқлик киритиб шундай деган эди: "... фақат миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиш мумкин."

Зеро, "ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш" "Таълим тўғрисида"ги давлат Қонунида ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Шунга кўра, ижтимоий жамият тараққиёти узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган умумий ўрта таълим мактабларида АКТ воситасида ўқитиш алоҳида ўрин тутади.

Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида кўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлар етарли даражада. Фан-техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, янги технологиялар кириб келмоқда. Сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуал, аудиал воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантирди.

Замонавий педагогик технология бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий ўқув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Ўқув-тарбиявий жараённи технологиялаштириш тарихий воқелик ва жараёнدير. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инқилобий бурилиш ва унинг муҳим босқичидир. Оддий тил билан айтганда, таълим тизимида ахборот технологияси – бу "ўқувчи ёки талаба–компьютер" ўртасидаги мулоқотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлиб, у таълим жараёнида техник воситаларнинг мукамаллашган замонавий тури сифатида қўллана бошланди. Ҳозирги кунда АКТ барча мавжуд технологиялар ва хусусан, янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда. Шу боис яқин келажакда республикамиздаги мавжуд барча ўқув юртлари дастурли машиналар билан етарли даражада таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МАҚСАДЛИ БОШҚАРИШНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ

*Тўрақулов Х. – Халқаро педагогик таълим ва Турон фанлар академияси академиги – Жиззах
Давлат педагогика институти профессори*

Уралов Қ. – Жиззах Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Инсоният тарихида бир неча бор "Ахборот инқилоблари" рўй бергани ҳеч кимга сир эмас. Фан ва техника тараққиёти билан боғлиқ ахборотлар жамият тараққиётига сезиларли ижобий таъсир кўрсата олди.

Умуман олганда, кишилиқ жамиятида ахборотлаштиришдаги туб бурилишлар қуйидаги учта йўналишда ахборотлаштиришларнинг мазмун – моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди:

- ёзувнинг пайдо бўлиши;
- китоб босиб чиқаришни механизациялаштириш;
- ЭҲМ лар базасидаги фан ва техника инқилоби.

Бу учала ҳолатдаги ахборотлаштиришда қатъий чегара йўқ, бу жараён турмушимизнинг турли жабҳаларида, яъни бошқарувда, фанда, техникада, таълимда, тарбияда, иқтисодиётда, санъатда ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа турли соҳаларида кенг тарқалмоқда.

Мазкур мақолада ҳам таълим муассасалари фаолиятини бошқаришни ахборотлаштириш масаласининг ечими қаралади.

Умуман олганда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантириш восита ва шароитларнинг бутун мажмуи бўлиб, тегишли техник базани яратиш; ташкилий – иқтисодий ислохотлар тамойил ва мезонларини ишлаб чиқишни ўз ичига олувчи компьютерлаштиришга кенгроқ ёндашувни назарда тутати. Шу сабабли ҳам эндиги ҳаёт нафақат ахборотлар, ахборот технологиялари, балки ахборот тизимларини ҳам ишлаб чиқишни тақозо этиб қолди ва улардан билимлар базаси, вазифалар, мантиқий хулосаларни шакллантирувчи машина каби хизмат тизимларини ҳам ўз ичига олишини талаб этмоқда.

Демак, инсониятнинг ахборот ишлаб чиқиши бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар, ахборотлашган жамиятнинг интеллектуал салоҳияти сифатини ҳам белгилар экан ва бундай жараёнлар ахборотлаштириш саноатини мунтазам ривожлантиришни таъминловчи илмий – техник асос ҳамдир.

Ахборот технологиялари жараёнларни бошқаришдаги асосий манба бўлиб ҳисобланади. Улар кириш маълумотларини, мавжуд маълумотларни тизим (қисм тизимларига ва керак пайтда айрим тизим элементларигача) ларга ажратиш ва қайта ишлаш ҳамда керакли мақсадлар бўйича қайта ишланган маълумотни узатиш алгоритмларини ўз ичига олади. Бу технологиядан жараёнларни бошқарув фаолиятида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам ахборот технологияларидан оқилона (рационал) фойдаланиш ходимлар меҳнати самарадорлигини оширади.

Ахборот технологиялари асосида бошқарувни ташкил этиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишнинг оптимал йўлини таъминлаб беради:

- манба ва унда кечадиган жараён тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш;
- жараёнлар кечиши ҳақидаги даврий маълумотларни мунтазам олиб бориш ва улар асосида оралиқ назоратлар олиб бориш;
- ихтиёрий жорий сўровларга ўша пайтнинг ўзида жавоб олиш, расмийлаштириш ва бошқаришга керакли тузатишлар кирита олиш шу қабилар.

Бу бизнинг тадқиқотимиздаги қуйидаги йўналишларда ўз тасдиғини топди:

- умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари фаолияти мақсадларининг турлари ва уларнинг функционал вазифасини асослашга имконият яратилди;
- умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини бошқаришда мақсадни башорат қилиш ва уни амалга оширишнинг ўзаро боғлиқ, алоқадор бўлган жорий ва оралиқ мақсадларини аниқлаш имкониятлари яратилди;
- умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини бошқаришда оптимал бўлган бошқарув қарорларини (эксперт тизимлар ёрдамида) танлаш мезонлари ва тамойилларини ишлаб чиқишга имкон яратилди;
- табақалашган ёндашув асосида умумий ўрта таълим педагогларининг фаолиятини назорат қилиш (касбий профессиограмма, яъни, касбий компитентлик мезонлари ёрдамида) мақсадлари тизими аниқлаш модели ишлаб чиқилди;
- умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини мақсадли бошқаришнинг илмий – методик дастурий таъминоти шакллантирилди;
- умумий ўрта таълим мактабларини ривожлантириш дастурларининг муқобил моделлари ишлаб чиқилди;
- умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини мақсадли бошқаришнинг муқобил технологик харитаси ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ этилди.

Булар таълим муассасалари фаолиятини мақсадли бошқаришнинг педагогик мақсадларини белгилаш ва улар кетма – кетлигини шакллантиришнинг педагогик асосларини шакллантиришда ҳамда таълим муассасалари фаолиятини мақсадли бошқаришда стратегик

қарорлар қабул қилишнинг педагогик шарт – шароитларини тайёрлашга мустаҳкам дидактик асос вазифасини бажарди.

Тадқиқот муаммосини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бошқарув функцияларининг барча асосий шакллари интеграцияси амалга ошириладиган, белгиланган вазифаларни самарали бошқаришни таъминловчи, янгиликларни кенгайтирувчи, ривожлантирувчи, қўллаб – қувватловчи, такомиллаштирувчи ва мувофиқлаштириш имкониятларини таъминловчи, янгиликлар билан бойитилган бошқарувни ахборотлаштиришни такомиллаштириб бориш зарур экан [1 - 5]. Булар умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ахборотли – дастурий асосларини, педагогик жараён субъектлари фаолиятини оптималлаштириш учун зарурий мотивлар ва мотивлаштиришнинг аҳамиятини, умумий эҳтиёжларни ва мавжуд имкониятларни, субъектлар ўртасидаги муносабатларни ҳамда умумий манфаатларни, шунингдек, педагогик мақсадларни ўзига хос жиҳатларини инobatга олган ҳолда бошқарув фаолиятининг бош мезони ҳисобланаётган бошқарув қарорини шакллантириб олишда мустаҳкам – ташкилий – ахборот бўлимлигига доимо эътиборда бўлишликни талаб этади.

Ушбу мавзуда олиб борган изланишларимиз қуйидагидек хулосаларни чиқаришга асос бўлди:

1. Ҳар қандай бошқарув фаолиятида тадқиқот объектига мос ахборотларни тўплашни ва уларнинг истезмолда фойдаланиши оптимал бошқарувда муҳим босқичдир ва у умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини оптимал бошқаришнинг бир асосий вариантини қўлга киритишни кафолатлайди.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини мақсадли бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиб, билимлар банкини ташкил этиш лозим. Бунга сабаб билимлар банки умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини оптимал бошқаришда мустаҳкам интеллектуал дидактик асос бўла олади.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини мақсадли бошқаришда замонавий компьютерлардан фойдаланишга кучли эътибор қаратиш лозим. Бунга сабаб замонавий компьютерларга бошқарувдаги қарорлар қабул қилишни вариант тарзда амалга оширишга кенг имкониятлар бор.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Турдиева Ш. – Бухоро ВХТХКТ ва МОИ

Республикамизда миллий таълим тизимини янгилаш ва такомиллаштириш жараёнида кадрларнинг назарий ва амалий тайёргарликлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг касбий – педагогик йўналишида тайёрланадиган мутахассисларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш, меҳнатга ижодкорлик нуқтаи - назаридан ёндашиш, ҳис – туйғуларини тарбиялаш, уларни халқ, Ватан олдида бурчли, маъсулиятли қилиб тайёрлаш ҳамда касб - кор малакаларини доимий такомиллаштиришга ўргатиш каби масалалари кўйилмоқда. Бу масалани ҳал этишда ўқув юрти остонасидаёқ ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини уйғотиш муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кун билан ҳамнафас замон талабига асосан барча илм масканларида ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, ҳар бир илм олаётган ўқувчиларга замонавий талаб даражаларида таълим бериш ҳар бир ўқитувчи, педагог олдида қўйиладиган биринчи талабдир.

Педагогик инновация педагогиканинг соҳаси сифатида таълимнинг турли соҳаларида инновацион жараённи назарий асослаб, юзага келаётган янгиликларни ўзлаштириш бўйича амалий маслаҳатлар беришга интилади. Инновацион жараёнларни бошқариш-масалаларини таҳлил қилади.

Тадқиқотчилар Л.Н.Седова, Е. В.Редькина, О.Б.Капичниковалар педагогик инновациялар яратиш ва ўзлаштириш жараёнини инновацион педагогик фаолият деб атайдилар. Инновацион педагогик фаолият мазмуни сифатида улар давр талаби билан

замонавий мактаб олдига қўйилган долзарб муаммоларни хал этиш самарали йўлларини излаш учун алоҳида педагоглар ва бутун ижодий жамоалар яратадиган ўқитиш ва тарбиялаш амалиётини тушунадилар. Инновацион фаолиятни турларга ажратиш алоҳида эътиборга лойиқдир. Тадқиқотчи К.Ангеловски "педагогик инновацияларни аниқ турларга ажратиш мумкин эмас, чунки ҳар қандай турлашда схематизм мавжуд, етарлича тўла ва кетма — кетлик тартибига эга бўлмайди" деб таъкидлайди. В.С.Лоренсов, М.М.Потишник, О.Т.Хомерлар инновацион педагогик фаолиятга доир таснифлари қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Ўқув—тарбиявий жараённинг у ёки бу қисми билан алоқадорлиги бўйича:

- таълим мазмунида;
- ўқув — тарбиявий жараённинг методикалари, технологиялари, шаклида, метод, усуллари, воситалари, услубларида;
- ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этишда;
- мактабни бошқариш тизимида;

2. Қайта тузиш ҳажми асосида:

- алоҳида (локал, ягона бўлган) боғлиқ бўлмаган;
- модулли (алоҳидалар тўплами), боғлиқ бўлган;
- тизимли, бутун мактабни ўз ичига олувчи.

3. Фаолиятнинг инновацион имкониятлари асосида:

- модификацион, оммавий амалиётда мавжуд бўлганни рационализациялаш, такомиллаштириш билан болиқ.
- комбинаторлик, турли хил педагогик технологиялардан элементларни бирлаштиришга асосланган;
- радикал, умуман янги, илгари қўлланилмаганни яратишга қаратилган.

4. Ўзидан аввалгиларга муносабати асосида:

- ўрнини босувчи, эскириб қолгани ўрнига янги воситани киритишга асосланган;
- алмашув фаолиятини яқунлашга асосланган;
- очиб берувчи, янгини ўзлаштиришга қаратилган;
- эскисини киритиш, яъни эсдан чиққан эскисидан фойдаланиш.

К.Ангеловски, Роджерс, Майле (АҚШ) Броинсуик, Болен (Франция), Найхоф, Марклунд (Англия), Н.Потконяк, М.Мандис (Югославия) ва бошқа тадқиқотчилар инновацион педагогик фаолиятни турларга ажратиш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Бу ишларга қуйидаги мезонлар асосида инновацион педагогик фаолиятнинг турлари берилади:

1) тарқатилиши доирасига қараб:

- таълим мазмунида;
- ўқитиш ва тарбиялаш технологияларида;
- таълимни бошқариш тизимларида;
- экологик таълимда.

2) янгини амалга ошириш усулига қараб:

- мунтазам, режалаштирилган, олдиндан тайёрланган;
- тўсатдан, тайёргарликсиз, тасодифий;

3) новаторлик тадбирлари кенглиги ва чуқурлашишига қараб:

- оммавий, фундаментал;
- қисман, кичик,

4) янгининг юзага келиши характерига қараб:

- ташқи, ўқитиш ва тарбиялаш шаклларига тааллуқли;
- ички, ўтқитиш ва тарбиялашнинг мохиятига тааллуқли.

Инновацион педагогик фаолият бўйича баъзи педагогик тадқиқотлар бу фаолиятни қуйидагиларга асосланиб турларга ажратади:

1. Янгилик амалга ошириладиган доирага алоқадор:

- ўқитишнинг мазмуни ва тузилиши;
- ўқитиш технологияси;
- ўқитиш, дарс ўтиш ва билим бериш жараёнини ташкил этиш;

- ўқитиш воситалари;
 - ўқув тарбиявий жараёни бошқариш тизимига.
2. Янгилик киритишни амалга ошириш усулига қараб, бу қуйидагиларни ажратиб кўрсатишга имкон беради:
- мунтазам, режалаштириш (кўзда тутилган), олдиндан ўйлаб олинган;
 - тўсатдан, тайёргарликсиз, тасодифий.
3. Инновациялар чуқурлиги ва тўлалигига қараб:
- оммавий, катта, глобал, стратегик, муҳим, чуқур ва бошқалар;
 - кичик, майда, қисман ва бошқалар.
4. Инновацион фаолиятнинг боришига қараб:
- ташқи (ўқитиш ва тарбиялашнинг ноанъанавий технологиялар, методлар, шакл ва воситалари. Ўқувчиларнинг ҳаёт тартиби бошқа ролининг, муассасанинг ишчан янги шароитлари ва бошқалар);
 - ички, маълум вақт давомида эришилган ўқитишнинг анча юқори натижаларини берувчи (билимлари сифати ва мустаҳкамлилиги, билимлар тизимини ўзлаштириш даражаси, ўрганиш ва тадқиқотчилик амалларининг, интегратив ва умумлаштирилган малакаларнинг шаклланганлиги).

Л.Н.Седова, Е.В.Редькина, О.Т.Капичниковалар инновацион педагогик фаолиятга қуйидагича ёндашиб, улар инновацион педагогик фаолиятни қуйидагича тушунадилар:

- шаклланаётган шахсга таъсир кўрсатиш шахсга йўналтирилган усуллари ташкил этиш;
- ўқитиш ва тарбиялашнинг янги методлари, усул, шакл ва воситаларини ўзгартириш;
- инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитувчи ишлари тизимидан фойдаланиш;
- инновацион таълим муассасаларининг фаолияти.

Шундай қилиб, инновацион жараёнларнинг педагогик асосларини, уларнинг вазифалари, ривожланиш қонуниятларининг механизми ва уларни амалга ошириш технологияларини таҳлил қилиш, ўқув жараёнини дунё стандартлари даражасида ва педагогик — психологик фанларнинг ютуқларини ҳисобга олиб ташкил этиш имконини беради.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Усмонов М. – Жиззах Давлат Педагогика институти ўқитувчиси

Хусанов Х. – Жиззах Давлат Педагогика институти катта ўқитувчиси

Эшбоева М. – Жиззах Давлат Педагогика институти талабаси

Бугунги кунда эркин шахсни шакллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни замонавий инновацион технологиялар асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этади. Бу жараён осон кечмаслиги маълум, лекин жорий этилаётган узлуксиз таълимни қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак.

Инновацион педагогик технология шундай билимлар соҳасини, уларнинг воситасида янги минг йилликда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз беради, педагог фаолияти янгиланади, ўқувчи-талабаларда ҳурфикрлилик, инсонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Замонавий жамиятнинг ривожланиш босқичлари унга инновацион-компьютер технологияларининг кучли таъсири билан характерланади. Илмий-педагогик фаолиятни ажралмас ва муҳим қисмларидан бири таълим жараёнида инновацион-компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини мукамал ташкил этишдир. Ҳозирда ушбу йўналишда бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар таълим жараёнида янги методлар ва инновацион технологияларининг қўлланишида ўз аксини топмоқда. Чунки, компьютер ва мультимедия технологиялари асосида интерфаол электрон ўқув курсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга имкон берувчи асосий восита сифатида қаралмоқда. Ҳозирда ёшлар орасида компьютер ва мультимедия воситаларидан фойдаланишни биладиганлар сони сезиларли даражада ошди.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларида ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак

маънавийт ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш, уларнинг моддий–техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш вазифалари кўндаланг кўйилган. Шунингдек таълим узлуксизлигини таъминлаш, илмий–педагогик кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, таълим тизимини мазмунини ислоҳ қилиш, маънавий–ахлоқий, тарбия ва маърифий ишлар, иқтидорли ва истеъдодли ёшлар билан ишлаш, таълим тизимини бошқариш замонавий ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, таълим хизматлари кўрсатиш бозорини ривожлантириш, ишлаб чиқариш билан интеграция, халқаро алоқаларга тааллуқли тадбирлар ўз аксини топган. Бунда таълим ва унинг сифати бош мезон сифатида намаён бўлади. Бу икки кўрсаткични ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган сифат ўзгаришлар бевосита таълимнинг мукаммалашувига асос бўлади. Таълим узлуксизлиги таъминланган ушбу даврда унинг иккинчи томони-узвийликка эришиш лозим бўлади. Бу борада эришилган ҳар қандай натижа таълим сифатини янада кўтаришни таъминлайди. Узвийликка эришишнинг ташкилий томонларига алоҳида эътибор бериш лозим. Таълим узвийлик деганда, бир таълим тури фанлари дастурларининг кейинги таълим турига ўтганда мутаносиб равишда ўзгартириб, соддадан мураккабга қараб тўлдиририб борилиши тушунилади. Олий ўқув юртларида узвийликни таъминлаш мақсадида ўқув режалари 4 та блокка ажратиб тузилган. Бунда ҳар бир блокдаги фанларнинг узвийлиги ҳам ҳисобга олинган. Фанлараро тўла узвийликка эришиш мураккаб жараён ҳисобланади.

Бунинг учун фанлараро алоқаларни кучайтириб бориш ва ўқув–услугий кенгашлар ишини янада такомиллаштириш зарур. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқиганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади. Талабаларда ҳосил бўладиган билим эса ҳар хилдир. Шу билан бирга унинг сифати ҳам турлича бўлади. Таълим сифати талабалар томонидан олинган билимга асосланган бўлади. Таълим натижасини кўрсатиб турувчи кўрсаткичлардан бири талабалар билимидаги сифатидир. Муайян фандан ўтказилган назоратлар натижасида аниқланган баҳолар олиб қараладиган бўлса, 71 фоиздан юқори кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Билимнинг бу кўрсаткичи ўз навбатида, таълим сифатини аниқлашга ҳам хизмат қилади.

Иқтидорли талабалар сонининг ортиб бориши, талабалар ижодкорлигининг кўтарилиши, илмий–педагогик йўналишларда талабалар фаоллигини ошириш, “аъло” ва “яхши” баҳога ўқийдиган талабаларнинг кўпайиб бориши таълимнинг сифати яхши эканлигидан далолат беради. Лекин кўп ҳолларда талабаларни объектив баҳоланишини бузилиши натижасида сунъий “яхши” ва аъло” баҳоларни кўпайишига сабаб бўлмоқдаки буни олдини олиш учун барча олий таълим муассасаларда бундай ҳолатга қарши қатъий чоралар кўриш даври келди деб ҳисоблаймиз.

Бундай баҳолаш мезони эса таълим сифатига таъсир этмасдан қолмайди. Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш учун ҳозирги шароитда билим сифатини оширишнинг энг асосий усулларида талаба билан кўпроқ ишлаш (амалий машғулотда, лаборатория машғулотларида семинарларда, индивидуал тарзда), талаб қилиш талабани мустақил фикрлашга мажбур этиш, эркин фикрлашга ўргатиш, бажарган ишларга ҳолисона баҳо бериш ва камчиликларини кўрсатиш, уни бажаришга йўналтириш, китоб устида мустақил ишлашга ўргатиш ҳисобланади. Илмий даражали ва таълим сифатини кўтаришда унвонли профессор-ўқитувчиларнинг кўпайишига доимо эътибор бериш лозим. Шу йўналишда бу йилдан бошлаб илмий ишга лаёқати бор ёшларни стажер-тадқиқотчи лавозимига қабул қилиниб уларга ўқитувчилар маошини берилиши эътиборга лойиқдир. Шунингдек ўз мутахассислигини мукаммал билладиган, севадиган, юксак маҳорат билан дарс берадиганларга

кўпроқ эътибор бериш лозим. Илмий даражали ва унвонли профессор-ўқитувчилар сифат жиҳатидан фарқлансада, фарқланиш ва уларнинг сифат кўрсаткичлари ҳақида фикрлар вақти-вақти билан таҳлил қилиб турилиши лозим.

Ҳозирги кунда таълимда кексариш жараёни давом этмоқда. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига бизнингча турли объектив ҳолатлар, сабаблар мавжуд. Бу борада институт маъмурияти томонидан қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, ёши улуг ва нафақадаги профессор-ўқитувчилар салоҳиятидан фойдаланишга алоҳида урғу берилмоқда. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ёзиш, талабаларнинг амалиётига битирув малака ишларига раҳбарлик қилиш, тарбиявий ишларга жалб этиш каби вазифаларни бажаришда улардан фойдаланиш катта самара бермоқда. Ёши улуг ва нафақадаги профессор-ўқитувчилар учун компьютер, ахборот технологияларидан дарслар ташкил этилиши ҳамда янги педагогик технологиялар бўйича амалий семинарларнинг мунтазам ташкил қилиниши улар салоҳиятини янада ортишига кўмак бермоқда. Бу тадбирлардан, энг аввало институт талабалари катта муваффақият кўрмоқда. Қолаверса, катта ёшдагилар учун таълимни ташкил қилишга ҳам институтда мазмунан теран асос солинди.

Хулоса қилиб айтганда, олий ўқув юртида яратилган шароит ва муҳит талабанинг дунё қарашига, юриш-туришига, онгига катта таъсир қилади. Шинам ўқув хоналари, компьютер синфлари, жиҳозланган лабораториялар, талабалар уйларидаги яшаш учун яратилган қулайликлар, спорт иншоотлари, кутубхоналар, ўқув заллари, клублар, ҳар хил тугараклар, турли маънавий тадбирлар, концертлар, дискуссиялар-буларнинг барчаси таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Таълимда XXI асрни ахборотлар билан тўлдирилган мураккаб жараёндир. Ялпи ахборотлаштириш жараёни жамият олдига маълум масалаларни қўяди. Бу муаммолардан бири таълим соҳасини ахборотлаштиришдир. Инновацион таълим беришда ахборот–коммуникация технологиялардан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Жўраева З. – Қарши “Иқтисодийёт” коллежи катта ўқитувчиси

Ҳозирги компьютерлашган асрда инсоният хилма-хил ахборотлар куршовида, ёшлар шуларнинг таъсири остида улғаяптилар. Бу ахборотлар орасидан фойдали ва кераклисини ажратиб олиши учун эса ташқи муҳитнинг, педагогларнинг роли ниҳоятда катта. Замонга мослашди ёки замон талабига жавоб берди дегани фақатгина керакли маълумотларни саралаб олиш дегани эмас, балки уларни ҳаётга тўғри татбиқ эта олиши муҳим ўрин тутиши барчамизга маълум. Бунда бевосита замонавий педагогик технологияларга мурожаат этилади. Бундай технологиялар таркибига масофавий таълим, кредит технологияси, муаммоли таълим, кейс технологияси, интерактив усуллар, техник воситалар, кўргазмали куроллар, дидактик воситалар орқали таълим бериш кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг аҳамиятли эканини қуйидаги маълумотдан билиш мумкин. Ёшлар хотирасида машғулотларнинг қайси усуллар билан ўтилганига қараб ахборотлар маълум фоизлар билан сақланиб қолар экан. Тадқиқотларга қараганда, ёшларнинг билим олиши учун ўқиладиган маърузалар уларнинг хотирасида ўқув материалнинг бор-йўғи 5 фоизинигина сақлаб қолинишида роль ўйнарган. Мустақил мутолаа эса 10 %, ўқув қўлланма, кўргазмали куроллар ёрдамида ўқитиш 20%, намоиш (демонстрация) кўринишидаги машғулотлар 30%, гуруҳлардаги муҳокама 50 %, ишлаб чиқариш амалиёти 75 % ва ниҳоят олган билимларини бевосита қўллаб бошқаларни ўқитиш ёки бу жараёнда бевосита иштирок этиш 95 % ли кўрсаткични беради. Айнан 95 % ли эслаб қолиш даражасига ўқитиш, олинган билимларни қўллашда эришилади. Чет эл тажрибасидан худди шу пунктга замонавий педагогик технологиялар самарали таъсир қилаётгани кўзга ташланади.

Ўқитувчи-педагоглар қайси фандан дарс бермасин, “мен қандай ўқитишим керак?” деган саволни ўз-ўзига доим бериши керак. Бу саволга жавоб бериш учун эса замонавий технологияларни қўллай олиши ёки педагогнинг маҳоратига боғлиқ деган, хулосага келиш мумкин. Шунингдек, педагогик технологиялар ҳар қандай фанни: аниқ фанлар, табиий фанлар,

ижтимоий фанларни ўқитишда ҳам яхши самара беради. Хусусан, физика фанида “Механика”, “Молекуляр физика ва термодинамика”, “Электродинамика”, “Магнит майдон”, “Оптика”, “Атом ва ядро физикаси” бобларида берилган мавзуларни ёритиб беришда талаба-ёшлар учун замонавий технологиялар, айниқса – кўргазмалилик муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, зарядлар, ионлар, молекулаларни кўргазмали ва дидактик воситалар орқали тушунтирилмаса, болада тасаввур бўлмайди, натижада эса эслаб қолиш қобилияти сусаяди. Ёки линзани қўли билан ушлаб кўрмаса, оптика нима эканини тасаввур эта олмайди. Шундай вазиятларда таълимнинг кўргазмали технологиялар қанчалик аҳамиятли эканини кўрамиз. Ўқувчи-ёшларда билим, малака, кўникмаларни ҳосил қилиш учун албатта дарсларнинг технологик харитаси асосида, педагогик технологияларни тўғри қўллаган ҳолда дарс ўтилиши муҳим. Дарсларнинг қизиқарли бўлиши учун илмий маърузалардан фойдаланган яхши, лекин маърузани тўлдириш учун албатта амалий машғулотларда қўлланадиган технологиялардан фойдаланиш самаралироқдир. Дарс давомида энержайзинг ўйинлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу диққатни жалб этишга ёрдам беради.

Таълим технологияларининг асосий мақсади таълимнинг мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, шахсни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш интеллектуал аср учун энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таълим технологиялари ўз ичига ўқитиш методларини қамраб олади. Ўқитиш методлари қуйидагича:

- Баён қилиш (буни назарий метод деб ҳам аташади);
- Сухбат (педагог ва ёшлар ўртасида ўзаро ишонч ҳосил қилади, боланинг нутқини ўстиради);
- Маъруза (назарий метод);
- Мунозара (ўқувчи-ёшларда баҳслашиш, ўз фикрларини ҳимоя қила олиш қобилиятини шакллантиради);
- Намойиш этиш (демонстрация), бунда кўргазмалилик (слайдлар, таркатма материаллар, презентация (такдимот) қилиш) асосида билимлар шакллантирилади.
- Видеокўргазмалилик (фильмлар орқали);
- Машқлар ва лаборатория ишлари (айниқса, юқоридаги физика фанидаги мавзуларни мустаҳкамлаш учун зарур);
- Билиш ўйинлари (дидактик ўйинлар) – бунда диққатни жалб қилиш, масалан, физикада “Кубиклар”, “Заиф бўғин”, “Атом ва молекулалар” ўйинларидан фойдаланиш яхши натижа беради.
- Вазиятлар методи (кейс-стадилар), муаммоли технология тури, бунда ўқувчи-ёшлар муаммоли вазиятларни ечиш учун мустақил ҳаракат қиладилар.

Фикримиз сўнгида юқорида саналган методлардан бири - кейс-стадиларга таъриф ва тушунчалар берамиз.

Кейс бу (инг. “case” – вазият) – ўз ичига ечилиши зарур бўлган муаммони олган реал вазият тасвири, менежерлар нуктаи назаридан олинган, тингловчиларга ҳавола этиладиган муаммолар ечимига тайёр менежерлар ҳолатини ифодаладиган вазиятдир. Кейслар ҳикоя тарзида тузилган бўлиб, бир бетдан юз бетгача бўлиши мумкин. Уларнинг таркиби билан ҳар бир талаба индивидуал равишда танишиб чиқиши мумкин ва бу жараёнда қизиқарли маълумотларга эга бўлиши аниқ. Кейслар билан ишлаш тартиби қуйидагича:

- асосий муаммони ажратиб олиш;
- асосий муаммога бошқа турли факторлар таъсир даражасини аниқлаш;
- асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш;
- муаммони ечишнинг муқобил йўлини топиш.

Ўқувчи-ёшлар баҳс-мунозарадан кўп нарсаларни ўрганишади, шуларни ҳисобга олиб, кейсни муҳокама қилишда бир қанча жиҳатлар белгилаб берилган: қаралаётган кейснинг асосий мақсадини аниқлаш; аудитория учун тушунарли бўлмаган ёки у томонидан нотўғри тушунилган маълумотларни аниқлаш; кейсда келтирилган муаммо ечимида асосий маъно касб этадиган маълумотни аниқлаш; кейсда такдим этилган асосий муаммони ечишнинг босқичларини ажратиш; муаммонинг муқобил ечимларини топиш ва ҳ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биргина кейс усули билан барча педагогик муаммоларга ечим топиб бўлмайди, албатта. Лекин кейсга ўхшаш янги педагогик технологиялар муаммолар ечимига туртки бўлса, ажаб эмас.

DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O`RNI

Aliyev T., Ergasheva N., Akobirov Sh. – Navoiy viloyati XTXQTMOI

O`quvchilarning bilim saviyasi va malaka ko`nikmalarini chuqurlashtirish, darslarga qatnashish intizomini yaxshilash va fanlarni yaxshi o`zlashtirishlari uchun yangi pedagogik texnologiyalarning turli xil usullari ishlab chiqilmoqda.



Yangi pedagogik texnologiya asosida dars olib boradigan o`qituvchi tinib tinchimasligi, o`z ustida muntazam ishlashi, yangi adabiyotlar, maqolalar va tajribalar bilan doimiy ravishda tanishib borishi, izlanishi zarur bo`ladi. U o`quvchini faollashtiradigan usul va yo`llarni, o`qitish shakllarini va vositalarini izlashi hamda shu asosida dars davomida o`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatib boradi.

Bugungi kundagi zamonaviy dars usullaridan asosiysi innovatsion va interaktiv usullardir. Bu usullarning afzalligi shundaki, o`quvchini mustaqil fikrlashga, muammoni o`zaro muloqotda va bahs-munozarada hamjihatlikda hal etishga o`rgatadi.

Misol tariqasida "Kimyokentga sayohat" bekatlararo sayohat usulini "Kimyoning asosiy tushunchalari va qonunlari mavzusiga qo`llab ko`ramiz".

- *1-bekat- Barchasi kimyo haqida;
- *2-bekat- Tezkor savollar;
- *3-bekat- Katakalar ortidagi ma'lumotlar;
- *4-bekat- Test aqlni charxlaydi;
- *5-bekat- Har yon kimyo;
- *6-bekat- Masalalar yechish;

1-bekat: Barchasi kimyo haqida..... bu bekatda guruhlar kimyoviy moddalar va ularning ishlatilish sohalari haqida bilgan ma'lumotlarini keltirishadi. Qaysi guruh ko`proq ma'lumot keltirsa, bekat g`olibi hisoblanadi.



Etilen va uning brikmalarining ishlatilishi

- 1.Oktan soni yuqori bo`lgan yoqilg`i olish;
- 2-plastmassalar olishda;
- 3,4-turli portlovchi moddalar olishda
- 5-antifrizlar olishda;
- 6,8-turli erituvchilar olishda ;
- 9-asetaldegid;
- 10-sintetik kauchuk olishda.

2-bekat:

Xlor va uning brikmalarining ishlatilishi.

- 1.Suvni xlorlashda ;2.fosgen (COCl) olishda
- 3.tutun parda hosil qilish uchun,qalay (IV)-xlorid va titan (IV)-xlorid olishda
- 4.dori moddalar olishda ;5.bo`yoqlar tayyorlashda
- 6.erituvchilar va sovituvchilar olishda
- 7.sintetik kauchuk olishda ;8.sintatik tolalar olishda
- 9.o`simliklarni himoya qilish vositalari tayyorlashda
- 10.plastmassalar tayyorlashda ;11.galogenlar olishda;
- 12.xlorid kislotasi olishda;
- 13.dezinfektsiyalash moddalari olishda;
- 14.gazlamalarni oqartirishda;
- 15.qog`ozni oqartirishda;

Tezkor savollar.

- 1.Kimyofani nimani o`rganadi?
- Moddalar,moddalarning xossalari va ularning bir-biriga aylanishini o`rganuvchi fandır.
- 2.Jismlar nimalardan tashkil topgan?(moddalar).
- 3.Fikrni davom ettiring. Tajriba davomida termometr sinib qolsa.....
- (undagi simobni maxsus usullar bilan tezda yig`ishtirib olib va simob to`kilgan joyga oltingugurt sepish kerak.)
- 4.Alanga necha qismdan iborat va uning eng issiq qismi? (Uch qismdan;yuqori)

3-bekat:

5-bekat:

Birinchi guruh ;

1. Prujinaning tortilishi.....
2. Shakarning erishi.....
3. Suvning parchalanishi.....
4. Qog`ozni yirtish.....
5. Gugurtni yoqish.....
6. Gazni yoqish.....
7. Tuzning to`kilishi.....
8. Yog`ochning bo`linishi.....
9. Daryoning qurishi.....
10. Yog`ochni arralash.....

Ikkinchi guruh ;

1. Missimning qayrilishi.....
2. Sutning achishi.....
3. Pichoqning zanglashi.....
4. Muzning erishi.....
5. Ko`mirning yonishi.....
6. Qog`ozning yonishi.....
7. Magnitgatemirning tortilishi.....
8. Tuxumning pishishi.....
9. Shamning yonishi.....
10. Tuzning suyuqlanishi.....

6-bekat:

Namunaviy masalalar.

1.30 gr ammiak va 4 g vodoroddan iborat gazlar aralashmasining hajmini toping.

Yechish: Har qanday gazning bir moli n.sh.da 22.4 l hajmini egallashini nazarda tutib 30 gr ammiakni va 4 gr vodorodning hajmini topamiz.

$$1) M(\text{NH}_3) = 17 \text{ gr}$$

$$17 \text{ gr NH}_3 \text{-----} 22.4 \text{ litr}$$

$$30 \text{ gr NH}_3 \text{-----} x \text{ litr}$$

$$x = \frac{30 \cdot 22.4}{17} = 39.5 \text{ litr}$$

$$2) M(\text{H}_2) = 2 \text{ gr}$$

$$2 \text{ gr H}_2 \text{-----} 22.4 \text{ litr}$$

$$4 \text{ gr H}_2 \text{-----} x \text{ litr}$$

$$x = \frac{4 \cdot 22.4}{2} = 44.8 \text{ litr}$$

$$3) 39.5 \text{ litr NH}_3 + 44.8 \text{ litr H}_2 = 84.3 \text{ litr} \quad \text{Aralashmaning hajmi topildi.}$$

2.189 g nitrat kislota necha mol bo`ladi?

Yechish : Nitrat kislotaning molekulyar massasini topamiz:

$$M(\text{HNO}_3) = 1(1) + 14(1) + 16(3) = 63 \text{ gr}$$

Demak, 63 gr nitrat kislota 1 mol bo`ladi. Shunga ko`ra:

$$63 \text{ gr HNO}_3 \text{-----} 1 \text{ mol}$$

$$189 \text{ gr HNO}_3 \text{-----} x \text{ mol}$$

$$x = \frac{189 \cdot 1}{63} = 3 \text{ mol HNO}_3$$

3. Normal sharoitda 2.8 litr CO₂ ning massasini hisoblang.

Yechish : Har qanday gazning bir moli n.sh.da 22.4 l hajmini egallashini bilgan holda, CO₂ ning massasini topib olamiz.

$$M(\text{CO}_2) = 12 + 16(2) = 44 \text{ gr}$$

$$22.4 \text{ litr -----} 44 \text{ gr CO}_2$$

AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA DIDAKTIK O`YINLAR

Qorayev Z., Ro`ziyeva G. – Navoiy viloyat XTXQTMOI katta o`qituvchilari

Boshlang`ich sinf o`quvchisi o`zining xulq-atvori, dunyoqarashi, olamni uyg`un va obrazli tarzda ifodalashga moyil tafakkur tarzi, o`yinlarga asoslangan ta`lim texnologiyalariga beriluvchanligi bilan ajralib turadi.

O'yinlarga asoslangan ta'lim texnologiyasi zamirida o'quvchini o'qituvchi ko'rsatmalarini aynan takrorlashdan xalos etish, uni ta'lim jarayonining faol subyektiga aylantirish g'oyasi yotadi.


Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim tizimida, o'yinlarni uchta asosiy didaktik, tarbiyaaviy va rivojlantiruvchi guruhlarga bo'lish mumkin. Shulardan didaktik o'yinlar alohida ajralib turadi.

Didaktik o'yinlar asosida o'qitish faoliyatiga xizmat qilgani holda bolalar e'tiborini o'zida jalb eta borib jarayonni qiziqarli, maroqli, tushunarli darajaga olib chiqadi.

Darsda didaktik o'yin unsurlarini qo'llash o'quv materialini o'zlashtirishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etadi.

Quyida shartli ravishda "Hisoblash mashinasi" deb nomlangan didaktik o'yin haqida so'z yuritmoqchimiz. Bu o'yinni matematika darslarida qo'llash o'quvchilarning hisob malakalarini shakllantiribgina qolmay, balki informatika ta'limida qaraladigan "algoritim", "bloksxema" va "kompyuter" kabi terminlar haqida o'rgatib borish uchun ham dastlabki zamin bo'la oladi.

Boshlang'ich informatika ta'limidan maqsad o'quvchilarda kompyuterning tuzilishi va ishlashi haqida ilk tasavvurlar hosil qilish va fanlarni o'rganish jarayonida ulardan foydalanishning dastlabki ko'nikmalarini o'rgatishdir. Bunda kompyuter vosita sifatida ishlatilishi, informatikaga oid tushunchalarni bilvosita o'rganish maqsadga muvofiqdir



“ Hisoblash mashinasi ” o'yini

O'yinda ikkita o'quvchi ishtirok etadi. O'yin uchun kerakli jihozlar: yetarli miqdordagi sonli kartochkalar. Bunda 1 dan 10 gacha yoki 10 dan 100 gacha kartochkalar tayyorlanadi va quyidagi shakllardan (a,b, v) biri aks ettirilgan rasm varag'i bo'lishi shart.

O'yin ishtirokchilaridan biri “ Hisoblash mashinasi ” rolini bajarsa, ikkinchisi unga ishtirokchi sifatida misollar bilan murojaat qiladi.

“ Hisoblash mashinasi ” ni yo'nalish chiziqlari bilan ishlaydigan, “ Kiritish ” va “ Chiqarish ” qismlari bo'sh bo'lgan va oraliqdagi qismlarga bajarilishi shart bo'gan amallar yozilgan sodda blok-sxemadan iborat deb qaraymiz. “ Kirish ” va “ Chiqish ” qismlarini ajratib turish uchun ularni turli

ranglarda berish mumkin. O`yin tartibi quyidagicha: “ Hisoblash mashinasi ”ga misol orqali murojaat qilayotgan ishtirokchi qo`lida yozilgan sonli kartochnalardan birini, yuqorida keltirilgan shakllardan (tanlangan shakl va orliqdagi qismlarga yozilgan bajarilishi shart bo`lgan amallarni ixtiyoriy tanlash mumkin) biri aks ettirilgan rasm varag`idagi “ Hisoblash mashinasi ”ni “ Kiritish ” qismiga qo`yadi, “ Hisoblash mashinasi ” rolini bajaruvchi ishtirokchi esa yo`nalish chiziqlari bo`yicha harakatlanib, amallarni ketma-ketlikda bajarib, “ Chiqish ” qismiga amallar javobi yozilgan sonli kartochnani qo`yadi yoki javobni og`zaki aytishi ham mumkin.

O`yinda ishtirokchilar o`z vazifasiga ko`ra o`rinlarini almashtirishlari mumkin. Qaysi ishtirokchi kam xatoga yo`l qo`ysa, u g`olib hisoblanadi.

O`yin bolada shaxsga xos ijobiy sifatlarni tarbiyalashga katta ta`sir ko`rsatadi, jamoadoshlariga nisbatan do`stlik, o`rtoqlik hislarini tarbiyalaydi.

Shuningdek, bolaning muhim sifatlarini rivojlantirib borishga undaydi. Ayni chog`da o`qituvchi ham bolaning ayrim kamchiliklarini yanada yaxshiroq bilib oladi va o`quv jarayonida shu asosda ish ko`rishga imkon yaratadi.

Bir so`z bilan aytganda, bunday darslarning tez-tez o`tkazilishi o`quvchining bilim, ko`nikma va malakalarini oshirish bilan birga, o`qituvchilarning dars turlarini boyitishga ham sharoit yaratadi. Shuningdek, dars samaradorligiga va sifatiga ijobiy ta`sir ko`rsatadi.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 4732 SONLI FARMONINING PROFESSOR-O`QITUVCHILARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDAGI AMALIY AHAMIYATI

Xalilova M. – p.f.n. NavDPI pedagogika-psixologiya kafedrasida katta o`qituvchisi

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 4732 sonli farmoni Oliy o`quv yurtlari professor-o`qituvchilarining kasb darajasi va malakasini muttasil oshirib borish, ularni zamonaviy talablarga muvofiq muntazam qayta tayyorlashning takomillashtirilgan tizimini joriy etish asosida yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan oshirishga qaratilgan bo`lib ushbu farmon qo`yidagi talablarni o`z ichiga qamrab oladi.

Oliy o`quv yurtlari professor-o`qituvchilarining pedagogik va kasb darajasini muntazam oshirish asosida ularning qonunchilik normalari, nazariya, ilmiy va amaliy tadqiqotlar, texnologik taraqqiyot va o`qitilayotgan fanlar bo`yicha innovatsiyalar, shuningdek o`quv jarayonini tashkil etishning zamonaviy uslublari sohasidagi so`nggi yutuqlarni chuqur o`rganish;

yuqori samarali zamonaviy ta`lim va innovatsiya texnologiyalari, ilg`or xorijiy tajribalarni keng joriy etgan holda, oliy o`quv yurtlarining pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish bo`yicha malaka talablari, o`quv rejaları, dastur va uslublarini tubdan yangilash;

oliy o`quv yurtlari o`qituvchilarining global Internet tarmog`i, multimedia tizimlari va masofadan o`qitish usullaridan foydalangan holda, zamonaviy innovatsion pedagogika, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini egallashi va ularni o`quv jarayoniga faol tatbiq etishi;

oliy o`quv yurtlari pedagog kadrlarining chet tilini amaliy o`zlashtirish darajasini oshirish va undan o`z kasb mahorati, pedagogik va ilmiy faoliyatini muttasil oshirib borishi uchun keng foydalanishi bugungi kunda professor-o`qituvchilar oldiga o`z ustida zamonaviy talablar asosida iahlashni har qachongidan ham dalzarb va kechiktirib bo`lmaydigan vazifalarni bajarishni talab etmoqda.

Shu nuqtai nazardan bugungi oliy o`quv yurtlarining rahbar va pedagog kadrlarini qayta tayyorlash kursi o`quv rejasining yangilangan namunali tuzilmasi asosida ishlab chiqilgan 288 soatlik maxsus dasturlar bo`yicha ikki oy davomida ishdan ajralgan holda amalga oshiriladigan o`qitishning modul tizimi yaratilganligi va har bir modul tugagandan so`ng professor-o`qituvchilarning olgan bilimlari xolisona baholanishi ham buning yaqqol daliidir.

Darhaqiqat kurslar yakunida tinglovchilar har bir tayanch oliy o`quv yurtida tashkil etiladigan oliy o`quv yurti rektori yoki fan doktori ilmiy darajasini berish bo`yicha ilmiy kengash raisi rahbarligidagi ilmiy kengash a`zolari, o`quv-uslubiy ishlar sohasidagi yirik mutaxassislardan tashkil topgan kamida

7 kishidan iborat Attestatsiya komissiyalari tomonidan o`tkaziladigan attestatsiyadan o`tkazilshi va unga beriladigan kafolatlarni davomi sifatida professor-o`qituvchidan faoliyat jarayoniga zamonaviy tarzda yondashishi bilan birgalikda, kasbiga bo`lgan mas`uliyatni yanada takomillashirishni talab etadi.

Albatta bugungi kun o`qituvchisi kasb darajasini muntazzam oshirishi natijasida ularning qonunchilik normalari, nazariya, ilmiy va amaliy tadqiqotlar, texnologik taraqqiyot va o`qitilayotgan fanlar bo`yicha innovatsiyalar, shuningdek o`quv jarayonini tashkil etishning zamonaviy uslublari sohasidagi so`nggi yutuqlarni chuqur o`rganishi barkomol avlodni shakllantirishning asosiy omillaridan biri hisoblanadi. Shundagina o`qituvchida kasbiy kompetensiya shakllanib boradi.. Kompetensiya mutaxassislik bilimlarini doimo boyitib borishni, yangi axborotlarni o`rganishni, muhim ijtimoiy talablarni anglay olishni, yangi ma`lumotlarni izlab topish, ularni qayta ishlash va o`z faoliyatida qo`llay bilishni taqozo etadiyu

Professor-o`qituvchilar kasbiy mahoratlarini shakllantirishda bugungi kundagi malaka oshirish tizimida O`zbekiston respublikasi prezidentining 4732 sonli farmonining bajarilishi kasbiy kompetentlikni oshirish uchun asosiy huquqiy normalardan sanaladi.

Kompetentlik quyidagi holatlarda yaqqol namoyon bo`ladi:

-murakkab jarayonlarda;

- noaniq vazifalarni bajarishda;

- bir-biriga zid ma`lumotlardan foydalanishda;

- kutilmagan vaziyatda harakat rejasiga ega bo`la olishda

Shu nuqtai nazardan kasbiy kompetentlik sifatleri qo`yidagi ko`rinishlarda professor-o`qituvchilar faoliyatida o`z aksini topadi.

1. Ijtimoiy kompetentlik.

2. . Maxsus kompetentlik (psixologik, metodik, informatsion, kreativ, innovatsion va kommunikativ kompetentlik).

3. SHaxsiy kompetentlik.

4. Texnologik kompetentlik.

5. Ekstremal kompetentlik.

Prezidentning 4732 sonli farmonida e`tirof etilganidek;- oliy o`quv yurtlari o`qituvchilarining global Internet tarmog`i, multimedia tizimlari va masofadan o`qitish usullaridan foydalangan holda, zamonaviy innovatsion pedagogika, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini egallashi va ularni o`quv jarayoniga faol tatbiq etishi;

Oliy o`quv yurtlari pedagog kadrlarining chet tilini amaliy o`zlashtirish darajasini oshirish va undan o`z kasb mahorati, pedagogik va ilmiy faoliyatini muttasil oshirib borishi uchun keng foydalanishi kasbiy kompetentlikni rivojlantirish bilan birga uning normalarini talab darajalarini qonuniy asosini tashkil etadi.

Ijtimoiy kompetentlik – ijtimoiy munosabatlarda faollik ko`rsatish ko`nikma, malakalariga egalik, kasbiy faoliyatda sub`ektlar bilan muloqotga kirisha olishda yaqqol namoyon bo`ladi;

Maxsus kompetentlik – kasbiy-pedagogik faoliyatni tashkil etishga tayyorlanish, kasbiy-pedagogik vazifalarni oqilona hal qilish, faoliyati natijalarini real baholash, bilim, ko`nikma va malakalarini izchil rivojlantirib borish. Ushbu kompetentlik negizida psixologik, metodik, informatsion, kreativ, innovatsion va kommunikativ kompetentlik ko`zga tashlanadi.

Ekstremal kompetentlik – favqulotda vaziyatlar (tabiiy ofatlar, texnologik jarayon ishdan chiqqan)da, pedagogik nizolar yuzaga kelganda oqilona qaror qabul qilish, to`g`ri harakatlanish malakasiga egalik tushiniladi.

Kasbiy kompetensiyaga ega mutaxassis;

- davr talablarini chuqur anglaydi;

- o`z bilimlarini izchil boyitib boradi;

- yangi axborotlarni izlab topadi va ularni o`zlashtiradi;

- yangi bilimlarni qayta ishlaydi va o`z faoliyatida samarali qo`llaydi

Darhaqiqat har bir professor-o`qituvchi o`z kasbiy malakalarini oshirib borish maqsadida individual rivojlanish dasturini ishlab chiqishi va unga qat`iy amal qilishi kompetentlikni

rivojlanishiga zamin yaratadi. Individual rivojlanish dasturida – har bir shaxs yoki mutaxassisning o`zida ma`lum sifat, bilim, ko`nikma, malaka kasbiy kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirish ehtiyojlari egaligi bilan ajralib turadi.

Individual rivojlanish dasturida kasbiy faoliyatni tashkil etish uchun zarur bo`lgan BKM hamda kasbiy kompetentlik sifatlarini shakllantirish va rivojlantirish muddatlari belgilanadi.

Albatta ushbu muddat talablari o`z vaqtida bajarilib borilsa professor-o`qituvchi faoliyati adolatli ijobiy holga keladi.

Bugungi zamonaviy global ta`lim tizimida o`zining sifat ko`rsatkichlarining yuqoriligi bilan ajralib turadi.

Har bir professor-o`qituvchining o`z-o`zini rivojlantirishi – o`zida kasbiy tajriba, malaka va mahoratni takomillashtirish yo`lida aniq maqsad va puxta o`ylangan vazifalar asosida mustaqil ravishda tashkil etishi pedagogik kompetentlikning nazariy asoslarini tashkil etib amaliyotda o`ziga xos yangilanishlarga olib keladi.

Oqituvchining o`z ustida ishlashi qo`yidagi faoliyat sifatlarida o`z aksini topadi:

kasbiy BKMni takomillashtirib borish;

- faoliyatga tanqidiy va ijodiy yondashish;
- kasbiy va ijodiy hamkorlikka erishish;
- ishchanlik qobiliyatini rivojlantirish;
- salbiy odatlarni bartaraf etib borish;
- ijobiy sifatlarini o`zlashtirish

Pedagogning o`z ustida ishlash bosqichlari:

1-bosqich. O`z faoliyatini tahlil qilish asosida yutuq va kamchiliklarini aniqlash.

2-bosqich. Yutuqlarini boyitish va kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan aniq qarorga kelish.

3-bosqich. Ushbu qaror bo`yicha amaliy harakatlarni samarali tashkil etish yo`llarini izlash

4-bosqich. Xato va kamchiliklarni takrorlamaslikka intilish.

5-bosqich. Qabul qilingan qarorning izchil bajarilishini doimiy nazorat qilib borish

Xulosa qilib aytganda prezidentimizning 4732 sonli farmoni bugungi kun talabining huquqiy asoslarini belgilab, har bir ustoz-murabbiyning o`z ystida tinimsiz ishlab kasbiy kompetentligini rivojlantirishni talab etadi.

Shundagina bizning yoshlarimiz jahon maydonlarida yanada shaxdam qadamlar tashlab, jamiyatimiz tamonidan beriladigan har bir savolga labbay deb javob berib, o`zining aqlu salohiyati bilan, dunyoviy bilimlarga va tafakkurga erishadilar. Kelajagimiz poydevori bundanda mustahkam va boqiy bo`lishini ta`minlab, prezidentimiz ishonchini ko`zlangandan ham yuqoriroq qilib Vatan oldidagi farzandlik burchini oqlaydilar.

KO`ZI OJIZ FOYDALANUVCHILARNING ELEKTRON POCHTADAN FOYDALANISHI

Xamidov S. – 24-MMI o`qituvchisi

Kamalova N. – BVPKQTMOI “Tabiiy fanlar” kafedrasida o`qituvchisi

Hozirgi kunda ko`zi ojiz foydalanuvchilar ham kompyuterda ishlashni juda katta mahorat bilan amalga oshirib kelmoqdalar. Bu gap ko`pchilikni qiziqtirib qo`yadi, albatta. Shuni eslatib o`tamizki, kompyuterda bajariladigan har bir ishni kamida 3-4 xil yo`l bilan amalga oshirish mumkin. Misol uchun “MS Word” dasturida hujjatni chop etishga tayyorlashni файл->печать amallarini bajarish orqali hamda ctrl+P klavishlar birikmasi orqali amalga oshirish mumkin. Bu ro`yxatni juda ko`p davom etirish mumkin. Ko`zi ojiz foydalanuvchilar sichqoncha bilan bajariladigan ishlarni shu kabi kodlar bilan amalga oshiradilar.

Quyida ko`zi ojiz foydalanuvchilarning internet pochtasidan xat jo`natish tartibini yoritib beramiz. Shuni eslatib o`tamizki ko`zi ojizlar uchun maxsus JAWS va NVDA kabi qo`shimcha dasturlar yaratilgan bo`lib, ular har bir bajarilgan amalni, bosilgan klavishlarni va ekrandagi yozuvlarni o`qib, eshittirib beradi.

Bu esa ekranni ko`rmay ishlash imkonini beradi.. Ushbu dasturlarni kompyuterga o`rtatilishi talab qilinmaydi, ular to`g`ridan-to`g`ri flesh xotiradan ishlaydi.

Biz electron pochta da ishlashni JAWS dasturi orqali amalga oshirish yo`lini ko`rib chiqamiz. Veb sahifa elementlarini (tugmalar, yozuv maydonlari tanlagichlar va hokazolar) ko`zi oqiz foydalanuvchilar tab klavishi orqali o`qib eshittirishi va kerakli amallarni bajarishi mumkin. Sayt elementlarini tanlashning yana bir yo`li bu – Insert+F5 klavshlari yordamida “Выбор поля формы” muloqot oynasini faollashtirishdir. Ushbu oynada sahifadagi kiritish maydonlarining, tanlash maydonlarining va tugmalarning nomi ro`yxat kabi joylashtirilgan. Yo`nalish klavishlari yordamida ro`yxat elementlari tanlansa, JAWS dasturi ularning nomini o`qib eshittiradi. Sahifadagi qolgan ssilkali ya`ni havolali bo`limlarni faollashtirish uchun insert+F7 tugmalar birikasi tanlanadi.

JAWS ishga tushirilganidan keyin, biron bir brauzer ishga tushiriladi. F6 klavishi bosilsa, manzillar satri faollashadi. Unda www.inbox.uz manzili kiritiladi. Insert+F5 klavshlari yordamida “Выбор поля формы” ochiladi, undan “редактор” bo`limiga kirib foydalanuvchining pochta manzili kiritiladi, “Tab” klavishi orqli “редактор пароли” bo`limiga o`tiladi va foydalinuvchi o`ziga tegishli maxfiy parolni kiritib Enter klavshi bosiladi. Login va parollar to`g`ri kiritilgan bo`lsa, foydalanuvchi quttisi faollashadi. Yangi xatni yozish uchun, Isert+F7 kalvshlar birikmasi bosiladi natijada “список ссылок” yangi muloqot oynasi faollashadi. Bu yerdan “написать письмо” bo`limi tanlanadi. Insert+F5 klavshlari bosiladi va “Выбор поля формы” oynasidan “Кому” bo`limiga kiriladi. Ushbu maydonda xat jo`natiladigan pochta manzili kiritiladi. So`ng “Тема” maydoniga xat sarlavhasi qo`yiladi. “Редактор” maydoniga xat mazmini kiritib “отправить” tgmasi bosiladi. Natijada xat ko`rsatilgan manzilga jo`natiladi.

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОРГАНИЗАЦИИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

Ахмедов Б. – Бухарский областной институт переподготовки работников народного образования и повышения их квалификации

Эффективность образования, основанного на современных информационных технологиях, часто зависит не столько от типа используемых технологий, сколько от качества педагогической работы по применению для решения образовательных задач.

Инновации в системе образования приводят к расширению педагогических методов и приемов, которые существенно влияют на характер преподавательской деятельности, тем самым оказывает воздействие на развитие педагогической подсистемы. Использование новых технологий в учебном процессе приводят к развитию новых педагогических методов и приемов, изменению стиля работы преподавателей и структурным изменениям в педагогической системе. Это ставит специфические задачи по организации и управлению педагогическим процессом.

Для того, чтобы выявить характерные черты такого управления учебным процессом, которые ведет к повышению эффективности образования коротко охарактеризуем некоторые основные педагогические методы, используемые в центре дистанционного обучения Бухарского областного института переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров.

Всю совокупность методов преподавания и обучения на базе современных компьютерных технологий по типу коммуникации между обучаемыми и преподавателем условно можно разбить на четыре группы:

1. Методы самообучения
2. Педагогические методы «один – одному»
3. Преподавание «один – многим»
4. Обучение на базе коммуникации «многие – многим»

Кратко охарактеризуем вышеперечисленные методы. *Методы самообучения.* Если в традиционной образовательной системе самообучение происходило путем чтения книг, то новые технологии привели к развитию таких методов, при которых обучаемый взаимодействует с образовательными ресурсами при минимальном участии преподавателя. Для самообучения на базе современных технологий характерен мультимедийный подход, при котором образовательные ресурсы разрабатываются на базе множества средств, таких как

печатные материалы, аудио и видеоматериалы, компьютерные обучающие программы, электронные журналы, интернетные базы данных, другие учебные материалы, доставляемые по компьютерным сетям. Особое значение в новой образовательной системе имеют материалы учебного портала «ZiyoNet», «txt.uz», «megabook.uz».

Каталоги библиотечных услуг, работа с которыми возможна через Интернет, насчитывает сотни страниц. Слушатели курсов и преподаватели имеют доступ к множеству библиотек и целому ряду баз данных через Интернет. Предоставление доступа к внешним базам данных с целями самообучения является наиболее простым и часто применяемым, но единственным способом их использования в учебном процессе. На основе этих внешних баз данных разрабатываются локальные базы данных, ориентированные на их использование как слушателями, так и преподавателями.

Все чаще в качестве источников информации при самообучении используются электронные учебники и учебные пособия, научно-методические периодические издания, распространяющиеся среди подписчиков через компьютерные сети. Если в XX веке несколько десятков периодических изданий в мире предпринимали ту или иную попытку издания электронных версий, то сейчас их уже тысячи. Слушатели курсов дистанционного обучения часто подписываются на электронные журналы с целью использования их как неотъемлемой части курса или как дополнение к работе.

II. Педагогические методы «один – одному», т.е., методы индивидуализированного преподавания и обучения, для которых характерны взаимоотношения одного обучаемого с преподавателем или с другим обучаемым, развиваются в современном мире не только на основе непосредственного контакта, но и посредством таких технологий, как телефон, голосовая почта, электронная почта. Особенно важным является развитие теленаставничества, опосредованного компьютерными сетями.

III. Преподавание «один – многим», в основе которого лежит представление преподавателем учебного материала перед обучаемыми, не играющими активной роли в коммуникации, свойственно традиционной образовательной системе, но оно получает новое развитие на базе современных информационных технологий.

Лекции, характерные для традиционного образования, а также записанные на аудио- или видеокассеты, читаемые по радио или телевидению, дополняются в современном образовательном процессе так называемыми «лекциями» (электронными лекциями), т.е., лекционным материалом, распространяемым по компьютерным сетям. Электронная лекция может представлять собой не традиционный лекционный текст, а подборку статей или выдержек из них, а также учебных материалов, которые готовят обучающихся к будущим дискуссиям.

IV. И последняя группа методов, выделенная по типу коммуникации в ходе учебного процесса – это методы, для которых характерно активное взаимодействие между всеми участниками учебного процесса (обучение «многие-многим»). Значение этих методов и интенсивность их использования существенно возрастает с развитием обучающих технологий. Интерактивные взаимодействия между самими обучающимися, а не только между преподавателем и обучающимися, становятся важным источником получения знаний.

Развитие таких методов связано с проведением учебных коллективных дискуссий и конференций. Особую роль в учебном процессе играют компьютерные конференции, которые дают возможность всем участникам дискуссии обмениваться письменными сообщениями как в синхронном, так и в асинхронном режиме, что имеет большую дидактическую ценность.

Компьютерно-опосредованные коммуникации позволяют активнее использовать такие методы обучения, как дебаты, моделирование, ролевые игры, дискуссионные группы, мозговые атаки, методы Дельфы, методы номинальной группы, форумы, проектные группы и др.

Особенность современного педагогического процесса состоит в том, что в отличие от традиционного образования, где центральной фигурой является преподаватель, центр тяжести при использовании новых информационных технологий постепенно переносится на студента,

обучающегося, который активно строит свой учебный процесс, выбирая определенную траекторию в развитой образовательной среде. Важная функция преподавателя – поддержать обучающегося в его деятельности: способствовать его успешному овладению учебной информацией, облегчить решение возникающих проблем.

Предоставление учебного материала, предполагающее коммуникацию преподавателя и обучаемых, требует в современном образовании более активных и интенсивных взаимодействий между ними, чем в традиционном классе, где преобладает как бы обобщенная обратная связь учителя со всем классом, а взаимодействие учителя с отдельным учеником довольно слабое. Современные коммуникационные технологии позволяют сделать такое взаимодействие намного более активным, но это требует от преподавателя специальных дополнительных усилий.

Таким образом, в связи с применением современных компьютерных и информационно-коммуникационных технологий в сфере образования происходят существенные изменения в преподавательской деятельности, месте и роли преподавателя в учебном процессе, его основных функциях. В качестве первостепенных можно отметить следующие изменения: усложнение деятельности по разработке курсов, необходимость специальных навыков и приемов разработки учебных курсов, усиление требований к качеству учебных материалов, возрастание роли обучаемого в учебном процессе, возможность обратной связи преподавателя с каждым обучающимся.

СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШДА ПЕДАГОГИК ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ШАКЛЛАРИ ВА ЎҚИШГА МЕХР СИНГДИРИШ

Ахмедова Ш. – АВХТХҚТУМОИ “Табиий ва аниқ фанлар таълими” кафедраси

“Информатика” фани ўқитувчиси

*Абиджанова Д. – Андижон вилояти Андижон тумани 28-умумтаълим мактаби,
бошланғич синф ўқитувчиси*

Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқишга кичик ёшдаги ўқувчиларни она тилини пухта ўзлаштиришга тайёрлашнинг ажралмас қисми, таълим жараёнида уларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида қаралади. Синфдан ташқари ўқишнинг мақсади кичик ёшдаги ўқувчиларни болалар адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг хилма-хил намуналари билан таништириш, уларда китобхонлик маданиятини тиклашдан иборатдир.

Синфдан ташқари ўқиш дастурининг мазмунига кўра таълимнинг ҳар бир босқичида икки-асосий бўлимга ажратилади.

1-босқичда ўқиш доираси, яъни ўқитиладиган китоблар ва уларни қайси тартибда ўқиш билан таништириш юзасидан ўқувчиларга кўрсатма берилади.

2-босқичда шу ўқув материаллари асосида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат стандартлари ва ўқув дастурига кўра 1-синфда синфдан ташқари ўқиш машғулотларида савод ўргатиш дарсларида ҳосил қилинган кўникма ва малакалар асосида болаларнинг она ватан, истиқлол, миллий қадриятлар ҳақидаги тасавурлари кенгайтирилади, бойитилади.

Синфдан ташқари ўқиш 1-синфда ҳафтада 1 марта савод ўргатиш дарсларининг 20 дақиқасида болалар бадиий адабиёти билан таништирилади. Мақсад кичик ёшдаги болаларда китобга меҳр уйғотиш, мустақил ўқувларини пайдо қилишдир. Асосан бу синф ўқувчиларига китоб билан муамола қилиш, китоб ўқиш қолидлари, китобни асраш, асар қўрамларининг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш, ижобий тамонларни ўргатиш, образли қилиб қайта ҳикоя қилиб бериш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдир. Бу синф ўқувчилари учун асосан расмларга бой китоблар олинади. Ўқитувчи болаларнинг ҳис-туйғуларини ўстирадиган китобларни ўқиб бериш орқали мустақил мамлакатимиз, унинг гўзал шаҳарлари, кишлоқлари, миллий урф-одатлари, қадриятлари, ўтмиши, инсонларнинг орзу-истаклари билан таништиради. Уларда билимга ҳавас уйғотади.

2-синфда ўқувчилар кичик ҳажмдаги асарларни ўқитувчининг ёрдами ва топширриги асосида мустақил ўқишга ўтадилар. Бу синфда 2 ҳафтада бир марта синфдан ташқари ўқиш дарлари ўтказилади. Она-Ватан ва ота-боболар жасорати, ўсимликлар, қушлар ҳамда ҳайвонлар ҳақидаги асарларини ўқитувчи топиб, танлаб ўқувчиларга ўқиш учун тавсия қилади.

3 ва 4-синфларда синфдан ташқари ўқиш машғулотида ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун кишиларнинг ҳаёти, ёрқин тасвирлардан, уларнинг маънавий-ахлоқий турмуш тарзи акс эттирилган бадиий ва илмий-оммобоп асарлар тавсия этилади. 3-4 синфларда синфдан ташқари ўқиш дарслари икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Бу синфларда ўқитувчи синф кутубхонасида керакли бўлган ўқувчилар ёшига мос китобларни ўқиш дарслари икки ҳафтада бир марта ўтказилади. Бу синфларда ўқитувчи синф кутубхонасига керакли бўлган ўқувчилар ёшига мос китобларни тўплашни давом эттиради. Синфдан ташқари ўқиш бурчаги турлича безатиши мумкин. Бунда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Бадиий ва илмий-оммобоп асарлар мустақил равишда ва изчил ўқиб борилсагина, ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтиришга, шакллантиришга хизмат қилади. Синфдан ташқари ўқиш болаларда эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотиш, боғланишли нутқни ўстириш, адабий-эстетик тафаккурларни юксалтиришга хизмат қилади. Болалар адабиёти аввало ўзининг қизиқарли мазмуни, бадиий образларнинг гўзаллиги, тилнинг ифодалилиги, шеърини сўзларнинг мусиқавийлиги билан болаларга қувонч бахш этади. Айни вақтда у болаларга тарбиявий таъсир ҳам кўрсатади. Болалар адабиёти ўқувчиларга жонажон ўлка, табиати, кишиларнинг меҳнати, ҳаёти, уларнинг қилаётган ишлари ва кўрсатаётган қаҳрамонликлари, болалар ҳаётдан олинган воқеликни, болаларнинг ўйинларини тушунишга ўргатади.

Халқимизнинг тарихи, унинг урф одатлари, моддий ва маънавий бойликлари, барча орзу истаклари йиллар давомида яратилган эртақларда сақланиб келмоқда. Кишилар ўз орзу ҳавасларини ёш авлодларда илдизларида кўришни истайдилар. Шу сабабдан ҳам ўқувчиларга эртақларни ўқишга тавсия қилинади. Эртақ ўқиган болалар қийинчиликни енгишга, ботир, жасур бўлишга интиладилар. Ўқувчилар ер юзидаги барча инсонларнинг мен бир бўлагиман, мен ўз халқимга қилаётган ишларим билан уларга муносиб бўлиб улғайишим керак десаларгина ўз халқини муносиб фарзандлари бўла оладилар. Эртақлар ёш авлодни ана шу руҳда тарбийлайдиган байналминал бадиий қуролидир. “Уч оғайни ботирлар”, “Зумрад ва Қиммат”, “Эгри ва Тўғри” каби бир қатор эртақлар ўқувчиларнинг севимли эртақларидир. Ўқувчилар бу эртақлардан киши ўз меҳнатига ишониб яшашни кераклигини, бировнинг бойлигига ҳасад билан қарамаслик керак деган ҳаётини хулосаларни ўқитувчи ёрдамида тушуниб етадилар. “Ур тўқмоқ” эртақининг бола характерининг шаклланишида алоҳида ўрни бор: эртақ яхшига-яхши, ёмонга-ёмон бўлиш керак деган муҳим қоида ўртага ташлайди. Ҳақиқатдан ҳам халқимизнинг “Қайнар хумча”, “Очил дастурхон”ларини зўровонлик билан тортиб оладиган шахсларга нисбатан “Ур тўқмоқ”ларни ишлатиш зарурлигини уқтиради.

Синфдан ташқари ўқиш машғулотида ўқиш дарслари билан боғлаб олиб борилади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлиги остида аввал мавзуга оид бир неча китоб билан танишсалар, сўнгра болаларнинг қизиқишларига яқин ҳар хил муаллифларнинг бир мавзуга доир китобларини мустақил танлаб олишга ўтадилар. Бунга асосан ўқитувчи ўқувчилар билан мактаб кутубхонасига, 3-4- синфлардан бошлаб туман ёки шаҳар кутубхонасига саёҳат уюштириб, болалар адабиёти билан мунтазам таништириб бораради. Шунингдек болалар газета ва журналлари ҳам ўқувчиларга эртақ, ҳикоялар ўқишга ёрдам беради. Синфдан ташқари ўқиш дарслари, ўқиш самарадорлигини ижобий томонга таъсир қилишнинг энг қулай усулидир. Синфда ва синфдан ташқари ўқиш дарслари бошланғич синфларда ўтиладиган барча предмет дастурларининг бўлимлари билан бевосита боғлиқ. Ўқиш дарсларида ўтилган мавзулар асосида бадиий китоблар ахтариш, асар қаҳрамонларининг номларини ёзиш, уларни тасвирлаб бериш, ижодий расм ишлаш, фикрни яқунлаш учун мос мақоллар ёд олиш ўқувчини ижод қилишга ундайди. Ҳар бир синфда синфдан ташқари ўқилган барча асарларни ўқувчиларга мос равишда бирор воқеани саҳналаштириш мумкин. Бу боладаги нутқни ривожлантиришга, луғат бойлигини оширишга ёрдам беради. Шунингдек саҳналаштирилган

асарни томоша қилган ўқувчиларнинг диққатилари ошиб хотираларида сақлаш қобилияти ўсади. Ҳатто сахналаштириш ўқувчини ҳар томонлама йўналтиради, яъни актёрлик қобилиятини ривожлантиради, суҳандонлик, режиссорлик каби касбларда илк тасаввурларни ўргата бошлайди. Асарни сахналаштиришга даврида албатта ўқитувчи раҳбарлик қилади. Ўқувчилар ифодали ўқишлари ўқувчиларда завқ-шавқ уйғотиб китобга, бадиий асарга ҳавас, уни ўқиб ўрганишга интилиш уйғотади. Синфдан ташқари ўқиш дарсларида ўқитувчи ўқувчиларни болалар ёзувчилари ва шоирлар билан таништириб бориши лозим. Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин, З.Диёр, А.Обиджон, Худойберди Тўғтабоев, Болтажон Содиқов каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳар бир мактаб, таълим муассаси ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда ижод аҳли бўлган шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиб туришлари керак. Бундай учрашувлар ўқувчиларни ватанни мадҳ қилишга уни севиб ардоқлашга чақиради. Китобни, асарни қандай пайдо бўлишини, уни ҳурмат қилиш, асраб-авайлашни ўргатади. Шундай қилиб бадиий адабиёт, болалар адабиёти воқеликни ҳаққоний акс эттириш, ёрқин образлар яратиш билан болаларда эстетик дид ва ахлоқий сифатларни мужассамлаштиради. Уларда ҳаёт гўзаллигини идрок этишга ўргатади. Сўз санъати бадиий асарда ўз ифодасини топади. Халқ бадиий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги куч-қудрати ва жозибасига қадим замонларданок эътибор бериб келинган. Бадиий сўз халқнинг барча маданий бойликларини абадийлаштиради. Бунинг учун эса ўқувчи албатта оғзаки халқ ижодни яқиндан ўрганиши лозим. Эртақлар-яхшиликка етаклар деганларидай ўқувчи эртақлар билан танишар экан мард, жасур, ватанпарвар, меҳрибон бўлишга, топишмоқлар ўқир экан, топоғон, билимдон, зукко бўлишга интилади. Шу билан бир қаторда синфдан ташқари ўқиш дарсларини самарадорлигини ўстиришда “Синфдан ташқари ўқиш” бурчагини юритиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ишлар ўқувчиларнинг педагогик маҳоратига ва ижодкорлигига боғлиқдир. Дарслар жараёнида ўзгарган халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, тез айтишлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстиришга эга бўладилар. Синфдан ташқари ўқишга раҳбарликнинг асосий формаси махсус синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарслари ҳисобланади. Синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарсининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, синфда ўқишсизлик даражаси дарсларидан принципиал фарқ қилади. Синфдан ташқари ўқиш дарслари эркин дарс ҳисобланади; бундай махсус дарсларда болаларнинг китобхонлик қизиқишлари, билим доираси, эстетик таассуроти, бадиий образларни идрок этиши, ижоди ривожланади; актив китобхонлар ушун зарур кўникма ва малакалар шаклланади. Синфдан ташқари ўқиш дарслари ўқувчиларнинг активлигини оширишга қаратилади, шунинг учун уларнинг қурилиши жуда хилма – хил бўлади. Ҳар бир дарс ўқитувчи билан ўқувчининг ижоди ҳисобланади; дарсда қанчалик хилма – хилликка, ҳаётийликка эришилса, ўқитувчи ўз синфида шунчалик катта муваффақиятга эришади. Шуларга қарамай, синфдан ташқари ўқишсизлик даражаси дарслари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун маълум талабларга буйсунади. Ҳар бир дарсда болалар ўқиган китоблар ҳисобга олинади. Улар ўқиган ёки ўқийдиган китобларини синфга олиб келиб кўрсатадилар, икки-уч ўқувчи ўқиган китоблари ҳақида қисқача гапириб беради. Ўқитувчи дарсда ўзаро фикр алмашиш ҳолати яратади, дарсдан ташқари вақтда ҳам фикр алмашиш давом этиши мумкин. Ҳар бир дарсда янги китоблар тавсия қилинади. Тавсия формалари турлича бўлиб, улар фикр алмашув, китобни кўрсатиб, тўғридан – тўғри тавсия қилиш, синфда кичик тематик ёки авторга тегишли кўргазма ташкил этиш, ўқувчиларни қизиқтириш учун тавсия қилинадиган китобдан бирор парчани ўқиб бериш, расм кўрсатиш, диапозитив ёки парчасини намойиш қилишдан иборат. Ҳар бир дарсда ўқувчилар ҳикоя, эртақ, шеър ўқийдилар; ҳажми кичик асарни яхлит, ҳажми катта булса, икки – уш дарс давомида ўқийдилар, синфдаги барда ўқувчилар ўқиган китобидан бирор парчани ўқиб берадилар. Кўпроқ овоз чиқариб ўқийдилар, бундан ташқари, дарсда ичида ўқишдан ҳам, шеър ёдлашдан ҳам, ролларга бўлиб ўқишдан ҳам фойдаланилади.

Синфдан ташқари берилган ўқиш дарслари, ўқувчиларни визуал(кўз хотирани), ақл-заковати, хотирасини кўчайтириш виртуал кутубхоналардан ва АРМдан фойдаланишларни ўргатиш ҳам фойдалидир. Юқорида айтилганидек мультимедиа дарсликлар ва “Интернет” сайтларидан оқилона (kitob.uz ziyonet.uz fikr.uz - таълим порталидан) фойдаланилса, ҳар бир китобни ўқишда ва ўқиб ёдлашда кўникма бўлади деб ўйлаймиз. Инновация бу ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, педагогларни олдига катта маъсулият қўйилган. Ҳар бир дарсларни қизиқтириб ўтиш, дарснинг мазмун-моҳиятини етказиб бериш ва мустаҳкамлаш педагогларни меҳнатини ҳосилини кўриш АКТ, такдимот(слайд)лардан фойдаланилса ижобий натижага эришади ва келажак авлодга керакли даражада она тили ва адабиёт фанларидан билимларини янада оширади, сўз бойлигини кўпайтиради. Ўқитувчи ҳозирги кунда “Компьютер саводхонлиги”, “Интернет” тармоғида ишлашни билишлари шарт. “Компьютер саводхонлиги” мавзулари бўйича “MS Office” – “MS Word” матн муҳаррири, “MS Excel” жадвалли ва “MS Power Point” такдимотлар яратиш дастурларида ишлашни билишлари керак. “Интернет” тармоғида эса браузер, сайт, веб-саҳифа, домен, гипперсылка, электрон почта(логин, парол) тушунчаларига эга бўлишлари керак. Ўзини фани бўйича сайт яратиш дастурларини ўзлаштириш керак ва сайт яратиш, керакли маълумотларни юклаш ва тортиб олиш кўникмасини бажаришни билишлари керак. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кадрлар тайёрлаш тизимига ва уларнинг салоҳиятини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эътиёжларидан, фан, маданият, техника ҳамда технологияларининг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришга сарфлайдиган мутахассислар даражасига кўтариш назарда тутилади.

Жаҳонда информатика ва ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб, такомиллашиб бораётган соҳадир. Умумий ўрта таълимда “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фанининг ўқитилишидан асосий мақсад: ўқитувчиларга ахборотларни қайта ишлаш технологиялари, улардан фойдаланиш жараёнлари ҳақида пухта билим бериш, ўқув ва кейинги иш фаолиятларида компьютерлардан оқилона фойдаланиш кўникма ҳамда малакаларини оширишдан, шунингдек, янги ахборот технологияларининг мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссаси тўғрисида тасаввур қилишдан иборатдир.

ИННОВАЦИОН ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ БЕРИШДА ЎРНИ

Ахмедова Ш. – АВХТХҚТУМОИ информатика фани ўқитувчиси

Умарбоева Н. – Андижон вилояти Бўз тумани 5-мактаб ўқитувчиси

Инновацион ва педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътиборга олинган бўлиб, педагог модернизацияланган фикрлари билан, дарсларини инновацион технологиялар асосида ўтилиши ва компетенцияни(билим, кўникма, малака) сингдириши асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўқув – тарбия жараёнида инновацион технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса ўқувчидан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув –тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлиқ. Педагогик технология асосида ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуктаи назарларини асослашга имконият яратади. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, ўқитувчини тажрибаси ва маҳорати ўқувчиларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Инновацион педагогик технологиялар таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга кафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳар бир ўқитувчи дарс, режа ишланмаси тузаётганда инновацион педагогик технологиянинг барча элементларини оқилона қўллаши юқори самара беради. Инновацион

технология таълим тизимининг рационал йўллари ишлаб чиқарувчи жараён бўлиб, унда ўқитувчи асосий маъсул шахс ҳисобланади. Чунки унинг асосий вазифаси ахборотни ўқувчиларга тез, аниқ ва тушунарли тарзда етказиб беришидан иборатдир. Ўқувчиларни янгиликларни қабул қилишлари ва бунга мойилликлари ҳамда феъл-атвори ҳар-хил бўлишига қарамай ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиши лозим. Таълим тизимида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малакаларини бериш билан бир қаторда, ёшларимизни ўзига ва бошқа инсонларга, жамиятга, давлатга, табиатга нисбатан ўзгаришини, ватанпарварлик ғояларини онгига ва қалбига сингдиришини ҳам кўзда тутати.

Мавзу: Инсон одоби билан.

Дарснинг мақсади: Одоб инсон кўрки эканлиги, одобли бола элга манзур бўлишни бир сўз билан айтганда, одоб хулқ атворлар йиғиндиси эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш ва шу орқали уларни одобсизликдан, ноўрин хатти-ҳаракатлардан ўзларини сақлашга ўргатиш.

Дарсни жиҳозланиши.

1. Алишер Навоийнинг рангли расми ва тақдимот(слайд)лар.

2. Плакат ва кўргазмалар. Китоб журналлардаги одобли болаларнинг суратлари, ноутбук, видеопроектор ёки “Интерактив доска”, мультимедия воситалари, мультимедиа дарсликлари.

3. Халқ мақолларидан намуналар.

Дарснинг методи: ўйин технологияси.

Дарснинг бориши:

Ўқувчи: слайд1

Одоб инсоннинг олий фазилатидир. Хазрат А.Навоий ҳам ўз асарларида шу жумладан “Ҳайратул аброр” достонида одобни тўла тушинтириб беради. Ёши улугларга самимий ҳурмат-иззат келтириш ҳар кимнинг ҳолатига қараб бўлиши керак. Агар ёш болага илқ туриб салом беришса, уни одоб демайдилар. Гадонинг олдида сажда қилиш керак эмас. Унга бир тийин берилса шу қарам бўлади. Болалар Навоий бобомиз ниҳоятда камтар бўлганлар.

Ҳозир синфдошларингиз Алишернинг одобли билан боғлиқ бир воқеани намоиш қилишади. (Олдиндан тайёрланган 7 нафар, бири Ш.А.Яздий ролида бири Алишер, қолганлари унинг ўртоқлари қиёфасида чиқишади.)

Ўқувчи (изоҳ беради) слайд2:

А.Навоий 1947 йили Тафт шаҳрида машхур тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий билан учарашиб қолибди. Шаҳада бир мўсафид хаёлга чўмиб ўтиради. Шу пайт бир тўда (5-6) нафар болалар қувалашиб ўйнай бошлайдилар. Уларни кузатиб ўтилан мўсафид болаларни ёнига чорлайди.

-қани болаларим буёққа келинларчи, болалар мўсафиднинг овозини эшитиб тарқаб кетишади. Фақат 5-6 ёшлар чамасидаги бола қолади. Унинг бошида оқ саллача, эгнида юпка матодан тикилган ихчам камзул, оёғида этикча. У югириб келиб, қолларини кўксига кўйганча салом беради.

-Ўғлим отинг недур? -деб сўради мўсафид.

-Алишер-деди бола.

-Мақтабга қатнайсамми?

-қатнайман. қуръоннинг таборак суръасигача ўқиганман.

-Мен чакирганимда ўртоқларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг. Сўроқларимга яхши жавоб қилдинг. Шунинг усун сенга раҳмат. Умрнг узок, бошинг омон бўлсин. Олим, фозил бўлибъяхши ўбруға эришгайсан, -мўсафид уни дуо қилди.

Бу сахна кўринишидан кейин бўлиб ўтган воқеалар болалар билан таҳлил қилинади. Алишернинг ёши улуг кишиларга салом бериши, ўзини тутиш, одобли эканлиги ҳақида уқтирилади.

Шунингдек, инсонга ҳос одатларидан бири кулги ҳақида ҳам А.Навоийнинг

фикрларидан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчи: Кулги инсонга хос одатлардан бири, бошқача айтганда, кулги орқали одамнинг қандай эканлигини билиш мумкин. Ҳозир тенгдошларингиз бу ҳақда Навоий ижодидан намуналар келтиради.

1-ўқувчи слайд3:

Бўлмас одобсиз кишилар аржуманд,

Паст этар ул хайлини шахси баланд.

Ўқувчи: (изоҳ беради). Ҳар бир кишининг иззат ҳурмати одоби орқали келади.

2-ўқувчи слайд4:

Тарки одобдин бири кулгу дурур,

Кулгу одоб таркида белгу дурур.

Ўқитувчи: Адабсизликнинг бир кўриниши ноўрин ва беўхшов кулгидир. Демак, бўлар-бўлмасга иржайиш ёки бўлмаса ҳўмрайиб юриш инсоннинг зеби-зийнати эмас.

3-ўқувчи слайд5:

Ҳаддан ортиқ доғл марғуб эмас,

Ўқитувчи: Ўзга кишилар тўғрисида кичикка шавқатда бўлиши керак. Ўрта кишиларга эса ўртача муомала қилиш лозим дейди. Дарвоқе, болалар Пайғамбаримиз Расулulloҳ Алайҳис Салом Ҳадисда “Кўп кулманг, кўп кулиш дилни ўлдиради” деб насиҳат қилган эканлар.

Энди болажонлар мана бу расмга (А.Навоий портретига ишора қилиб.) қаранглар ундан дандай маъно уқяпсиз?

4-ўқувчи слайд6: Бобомизнинг юзлари тиниқ экан.

5-ўқувчи слайд7: Юз-кўзларидан одобли эканликлари билиниб турибди.

Ўқитувчи слайд8: Баракалло, жуда ҳам тўғри англадинглар. Демак, биз одобни кўпроқ кимдан ўргансак бўлар экан?

Ўқувчилар слайд9: Навоий бобомиздан. Шундан сўнг машғулот яқунланади. Навбатдаги мавзу эълон қилиниб, оқувчиларга одоб-ахлоққа оид 4-5 мақолларни ўрганиб келиш топширилади ва экранда ғазаллар баланд овозда қарнайлар орқали болаларга эшитириб берилади.

Келажакимиз бўлган ёш авлодни миллий кадриятларимизни билган ҳолда ақлан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш биз мураббийлар, устозлар зиммасидадир. Шундай экан машаққатли, аммо шарафли касбимизни бажаришда изланувчан ижодкор бўлишимиз зарурдир. Чунки Юртбошимиз айтганидек, **”Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”**.

“ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АФЗАЛЛИКЛАРИ”

*Ахмедова Ш – АВХТХҚТУМОИ “Табиий ва аниқ фанлар таълими” кафедраси
“Информатика” фани ўқитувчиси*

Компьютернинг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти беқиёс. У таълим тизимини маъмурий бошқаришдан тортиб алоҳида мактаб фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишгача, ўқув фанларини ўрганишни ташкил қилишдан тортиб ўқувчиларнинг индивидуал машғулотларини ташкил этишгача бўлган муаммоларни қамраб олади. Компьютер маълумотларни сақловчи, уларни қайта ишловчи, турли шакл ва усулларда ўқувчиларга етказувчи ўта қулай восита сифатида тан олинмоқда. Таълим-тарбия ишига компьютерларнинг татбиқ қилинишини инсоният тарихида китобнинг пайдо бўлиши, унинг ўрни ва аҳамиятига қиёслаш мумкин. Зеро, китобдан маълумотларни сақлаш ва тарқатиш мақсадида фойдаланилса, компьютердан дарс жараёнида ўқувчиларга билим беришда фойдаланилади. Компьютернинг таълим беришдаги вазифаси дарс жараёни билан чегараланмайди. Ўқувчилар у билан мустақил ишлаб, ҳатто уйда ҳам билим олишлари мумкин. Компьютер тармоқларидан фойдаланиш, масофадан ўқитиш ҳозирги кун учун орзу

бўлмай қолди. Бу ногирон болалар учун таълим олишнинг ягона имконияти, иқтидорли, ўта қизиқувчан талабалар учун мустақил таълим олиш воситаси.

Компьютерли ўқитишнинг афзалликлари жуда кўп: ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқаради; машқ қилинадиган топшириқлар сони ошади; ўқувчиларнинг ишлаш суръати жадаллашади; компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланади; ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намоиш қилиш имконияти ҳосил бўлади; коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда дарсни узоқдаги манбалар билан таъминлаш имконияти ҳосил бўлади; компьютер билан мулоқот дидактик ўйин характерини олади ва бу билан ўқувчиларда ўқув фаолиятига мотивация кучаяди ва ҳоказо. Таълимни компьютерлаштириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилишда кўплаб ютуқларга эришилганлигини қайд қилган ҳолда бу соҳада ечимини қутаётган масалалари кўп эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Таълимни компьютерлаштиришга бир неча йил олдин киришилган ва қатор ишлар қилинган бўлса-да, кўпчилик учун бу таълимни ташкил қилишнинг янги, ноанъанавий шакли сифатида таассурот қолдириб келмоқда. Албатта, компьютер таълим сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятига эга, бунинг учун сифатли педагогик дастурлар ва мукамал услубиятдан фойдаланиш лозим. Таълим жараёнида фойдаланишга мўлжалланган кўплаб электрон ўқув материаллари яратилганки, унга электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, ўргатувчи дастур воситалари кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улар ўзида бошқарилиш имконияти, интерфаол услублар, сунъий интеллект элементлари, ҳиссий мослашувчанлик каби хусусиятлар мувжудлигига кўра таълимда маълум самарадорликни таъминлайди. Бироқ мавжуд воситаларнинг аксариятида ўқув материали мазмунини ўзгартириш имконияти берилмаган, деярли барчасида дарснинг маълум босқичи ёки тури назарда тутилган, ҳеч бирида синф-дарс тизимидаги дарс босқичларининг барчасини ўзида мужассамлаштириб уларнинг маълум кетма-кетлигидан танлов асосида фойдаланиш имконияти берилмаган.

Компьютерли таълимда ўқитиш ва ўқиш фаолиятининг таҳлил қилиниши ҳамда умумий ўрта таълимда компьютерли таълимнинг ишлаб чиқилган концепция ва принциплари, тизимлаштирилган воситаларидан турли фанларни ўқитишни компьютерлаштиришда, ўқитувчилар малакасини оширишда, компьютерли таълимга оид дарслик ва қўлланмаларни ёзишда фойдаланиш мумкин. Ўқув техник воситаларини таълимда қўллаш ўқитувчининг таълимдаги янги ахборот технологияларига мослашиши учун хизмат қилади ва ижодий ташаббускорлигини оширади.

Информатика воситалари жамиятимизнинг барча жабхаларига кириб бораётгани, ахборотларни тез ва сифатли қайта ишлаш малакаси ушиб келаётган ҳар бир ёшнинг турмуш талабига айланишини курсатиб бермоқда. Ахборотларнинг кимматбаҳо товарга айланиб бораётгани, информатика фанининг нуфуз ва ахамиятини ушиб бораётганидан далолатдир. Ҳозирги ёшларимизни баркамол ва интеллектуал ривожланиши учун таълим соҳада ишлаётган барча педагоглар, кучли эътиборни тарбия орқали ва таълимга бўлган сифати билан самарадорлигига ғайратини аямасдан сингдириш керак.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Сакиева О., ТермДУ, ўқитувчи

Бугунги кунда республикаimiz олий таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар таълим тизимини тўлиқ ахборотлаштиришни, анъанавий ўқитиш мазмунини қайта кўриб чиқишни, ўқув фанларини интеграциялашни, ўқитишда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

2012 йил декабрь ойида мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб бориш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида олий таълим муассасасида ягона ахборот муҳитини шакллантириш, ахборотлар базасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш, мутахассисликликка оид ўқув меъёрий хужжатларни фанлар интеграцияси асосида такомиллаштириш заруриятини туғдиради.

Интеграциялаш бизнинг тушунишимизча, фақат предметлар бўйича билимлараро алоқадорлик нуқтаи назаридан эмас, балки ўқитиш шакли ва усуллари технологияларини интеграциялашни кўзда тутаяди. Шунинг учун ўқув фаолиятида қабул қилишнинг турлигини ҳисобга олиб, предметлар бўйича билимлар ва ўқитиш технологияларини интеграциялаш усуллари топиш ва қўллаш зарурдир.

Ўқитишда интеграцион жараёнларни олий таълим тизимида барча йўналишларда ва барча фанларни ўрганишда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Қуйида биз олий математиканинг текисликда геометрия бўлимини ўрганишда интеграллашган ўқитишни кўрамыз. Интеграллашган ўқитишда предметлараро боғланишлар кенг қўлланилади.

Машғулот тури: янги билимларни шакллантириш;

Янги билимларни шакллантириш шакли: маъруза дарси;

Машғулот босқичлари: ташкилий, мақсаднинг қўйилиши, билимларни актуаллаштириш, билимларни киритиш, дастлабки мустаҳкамлаш ва билимларни тизимлаштириш, ўқитиш натижаларини хулосалаш;

Билимларни шакллантириш машғулотини мақсади – ўқув дастурида кўзда тутилган тушунчалар, илмий фактлар бўйича ишни ташкиллаштириш;

Масалалар:

таълимий: таништириш; тасвирлаш; билиш даражасини активлаштириш; типик хусусиятларини очиш ва ҳ.к.

тпрбиявий: талабаларни чет тилларида замонавий фикрлашга тайёрлаш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўз юртига нисбатан фахр туйғусини уйғотиш; эстетик маданият ва б.к

ривохлантириш: таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш қобилиятини ўстириш, асосийни ажратиш, боғлиқликларни топиш, мисоллар келтириш, жадвал, схемалар билан ишлаш қобилиятини шакллантириш, берилган мавзу бўйича инглиз тилида эшитиш ва ўқиш малакасини ошириш ва б.к.

Машғулотнинг ўқув воситалари: ўқиш учун матн “Ellipse, Parabola, Hyperbola”, презентация слайдлари, инглиз тилида тестлар

Дарснинг бориши: **Ўқитувчи:** Бугун бизнинг дарсимиз “Иккинчи тартибли эгри чизиклар” мавзусида бўлиб, дарснинг ноанъанавийлиги – унинг икки тилда, яъни ўзбек ва инглиз тилида олиб борилишидир.

1. “Ellipse, Parabola, hyperbola” матни билан ишлаш. Матн билвн ишлашдан олдин гуруҳни 3 қисмга бўлиб, уларни 3 та иккинчи тартибли эгри чизиклар номи билан, яъни: Эллипс, гипербола, парабола деб номланади. Ҳар бир матн тегишли гуруҳга берилади ва топшириқлар берилади.

Ўқитувчи: Now you should read the text “Ellipse, Parabola, hyperbola.” You must understand the text and be ready to answer some questions.

The ellipse - is the locus of a point which moves so that the sum of its distances from two fixed points called the foci is constant. This constant will be denoted by $2a$, which is necessarily greater than the

distance between the focal distance(foci). The line through the foci is the principal axis of the ellipse; the points in which the ellipse cuts the principal axis are called the vertices of the ellipse. If the centre of the ellipse is its the origin but the foci are the y-axis its equation is

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$$

Where a and b represent the lengths of its semimajor and semiminor axes.

Here the origin of coordinates is a center of symmetry of ellipse, and the coordinate axes are its axes of symmetry. At $a > b$ focuses of ellipse are placed on axis OX, at $a < b$ focuses of ellipse are placed on axis OY, and at $a = b$ an ellipse becomes a circle (in this case focuses of ellipse coincide with a center of circle). Thus, a circle is a particular case of an ellipse.

The hyperbola is the locus of a point which moves so that the difference of its distance from two fixed points is a constant $2a$. Its equation is

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$$

This equation shows that the hyperbola is symmetric with respect to both coordinate axes and also the origin. It intersects the axis but does not cut the $-$ axis. Hence, the curve is not contained in a bounded portion of a plane. The curve consists of two branches. The line segment joining the vertices is called the transverse axis of the hyperbola; its length is $2a$. The point midway between the vertices is a geometrical centre and is called the centre of the hyperbola.

The parabola is the locus of points which are equidistant from a fixed point and a fixed straight line. The fixed point is the focus, the fixed line is the directrix. The line perpendicular to the directrix and passing through the focus is the axis of the parabola. The axis of the parabola is, obviously, a line of symmetry. The point on the axis halfway between the focus and directrix on the parabola is the vertex of the parabola. The parabola is fixed when the focus and the directrix are fixed. The equation of the parabola, however, depends on the choice of the coordinate system. If the vertex of the parabola is at the origin and focus is at the point $(0, p)$ its equation is $y^2 = 2px$ or $x^2 = 2py$

Матнни тушунганлигини назорат қилиш учун қуйидаги топшириқларни берамиз:

1) Answer the following questions:

1. What is called a focal length, a large and a small axes of ellipse?
2. What means the number $e = c/a$ for $e < 1$?
3. Can you describe the tangent to ellipse?
4. What are the real and the imaginary axes of hyperbola?
5. Can you describe the tangent to hyperbola?
6. Can you describe the tangent to parabola?
7. What is the asymptotes of hyperbola?.

2) Иккинчи тартибли эгри чизиқлар моделининг слайдлари тақдироти ва матнни баён қилиш.

3). Инглиз тилидаги матнни ўзлаштириш назорати.

Ўқитувчи: At the lesson you were given a list of vocabulary units to the topic ‘‘Ellipse, Parabola, hyperbola’’. You were asked to learn all of these words and now you will do a vocabulary test

Мослиқларни топинг:

- | | |
|-----------------------|----------------------|
| 1. Semi major | a. Тўғри чизиқ |
| 2. Semi minor | b. Координата тизими |
| 3. The focal distance | c. Кичик ярим ўқи |
| 4. Coordinate system | d. Катта ярим ўқи |
| 5. Straight line | e. координата ўқлари |
| 6. Plane | f. кесди |
| 7. Circle | g. марказ |
| 8. Centre | h. Фокал масофа |
| 9. Intersect | i. текислик |
| 10. Coordinate axis | j. айлана |

Интеграциялаш бизнинг тушунишимизча, фақат предметлар бўйича билимлараро алоқадорлик нуқтаи назаридан эмас, балки ўқитиш шакли ва усуллари технологияларини интеграциялашни кўзда тутади. Шунинг учун ўқув фаолиятида қабул қилишнинг турлилигини

ҳисобга олиб, предметлар бўйича билимлар ва ўқитиш технологияларини интеграциялаш усулларини топиш ва қўллаш зарурдир. Ўқитишдаги муваффақият, яъни ўқитишнинг сифати айнан шунга боғлиқ бўлади.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИНТЕРФАОЛ ДАРСЛАР ОЛИБ БОРИШ МАҲОРАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Олимов Т. – БухМОИ ўқитувчиси.

Эргашева Г. – СамМОИ ўқитувчиси.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълимини такомиллаштиришнинг Давлат умуммиллий дастурининг сўнги босқичи бошланди. Республикамиз таълимида сифат ва самарадорликни таъмин этишда маъсулиятли давр бошланди. Президентимиз И.А.Каримов сўзи билан айтганда таълимимизда ижобий маънодаги “портлаш эффекти” содир бўладиган давр бошланди. Мактабларимиз дарсликларининг янги авлоди, модернизация қилинган дастурлар, тажриба – синовлардан ўтган, такомиллаштирилган стандартлар билан таъминланди.

Мактабларнинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Янги мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, замонавий асбоб – ускуналар, техника воситалари билан таъминлаш, компютерлаштириш, ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари дастурлар, режалар асосида олиб борилмоқда.

Мактабларнинг моддий базаси қанча ривожланмасин, дарслик, дастур, стандартлар такомиллаштирилмасин, ўқувчига пухта ва чуқур билим бериш, уни эркин ва ижодий фикрлашга ўргатиш бугунги битирувчи ўқитувчининг касбий маҳорати, билимдонлиги, замонавий дарсларни, илғор технологияларни қай даражада ўзлаштирганлиги, интерфаол дарсларни ташкил эта олиш кўникма, малакаларига боғланиб қолаверади.

Умуман бугунги педагогик олий таълим битирувчиси янгича шароитда, янгича усулларни қўллаб дарсни ташкил эта оладими?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошланғич таълим тизимида малакали ўқитувчиларни жалб этиш ушбу босқичда таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган чора – тадбирлардан бири эканлигига эътиборни қаратиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “... боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантикнинг ўзи талаб этади”.

Таълим сифати ва самарадорлигини таъминловчи омиллардан бўлган инновацион технология, янги педагогик технология, жумладан интерфаол таълимни ўқув жараёнига жорий этиш шу куннинг заруриятига айланмоқда.

Бу эса ўз навбатида, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, либерализация қилиш (эркинлаштириш), демократлаштириш, болага дўстона муносабатда бўлиш, ҳамкорлик ва ҳамижодкорликда ташкил этишни тақозо этмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, ўқув жараёни марказида ўқувчи бўлмоғи лозим. Ўқув жараёни ўқувчига қаратилган ва йўналтирилган бўлиши талаб этилмоқда.

Шахсга қаратилган таълим ўқувчининг ўқув – билув меҳнатини ташкил этишни ҳаракатлантирувчи, қизиқиш, хоҳиш, талаб – истакларни рўёбга чиқарувчи куч бўлиб хизмат қилади. Яъни таълим жараёнига индивидуал ёндашув деганда нимани тушуниш керак?

Ўқувчи шахсига қаратилган таълим:

Таълим жараёнида:

- Ўқувчи фаоллигини ошириш;
- Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш;
- Ўқувчини ижодий фикрлашини ташкил этиш;
- Ўқувчини мустақиллиги, эркинлигини таъмин этиш;
- Ўқувчиларни қизиқишлари асосида иш юритиш (мотивация);
- Ўқувчини имкониятларини ишга солиш;

- Ўз қизиқишлари орқали қўшимча таълим олишга йўллаш (синфдан) мактабдан ташқари таълим олишга йўллаш;

Ўз-ўзини ривожлантириш, тарбиялантириш.


Юқоридаги келтирилган индивидуал хусусиятларини ривожлантириш асосида ўқувчини **муस्ताқил билим олиш кўникма ва малакаси**ни ҳосил қилишдан иборатдир.

Бизга маълумки, педагогика университетларининг битирувчилари бошланғич таълимда ўқитиладиган ўқув предметларини деярли тўла ўзлаштирадilar, аммо замонавий усулда дарсларни режалаштириш, тайёрлаш ва ўтказишда қийинчиликларга дуч келадилар. Қандай қилиб улар талабалик йилларидаёқ замонавий дарс усулларини ўзлаштириб олишлари мумкин? деган саволга дуч келамиз.

Сир эмас ўқув жараёнини ислоҳ этиш дарсни ислоҳ қилишдан бошланади. Дарсни ислоҳ этишни нимадан бошлаш керак?

- дарсга маъсулиятли муносабатда бўлиш;
- дарсга янгича ёндашувни йўлга қўйиш;
- дарсда ўқувчига индивидуал ёндашув;
- дарсни ўқувчини фаоллиги, ҳамкор ва ҳамижодкорлиги асосида ташкил этиш;
- интерфаол, инновацион, илғор технологияларни қўллашдан бошлаш керак.

Анъанавий таълим ва интерфаол таълимларнинг мазмуни, моҳияти ва фарқлари. Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув жараёнлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда.



Пассив усул (анъанавий). Ўқувчи ўқитувчининг сўзидан, айтиб бериши, ҳикоя, баён этишидан ўқув материалларини ўзлаштиради. Уй вазифаларини қўлланма, дарсликлардан ўқиб ўрганайди. Бундай жараёнда ўқувчи ва ўқитувчи орасида қайта алоқалар тизими ўрнатилмаган. Ўқувчи ўз қобиляти даражасида, қизиқиши, истаги, хоҳиш даражасида ўзлаштиради. Унда таълим мазмунини тўла ўзлаштириш кафолатланмайди.

Фаол усул. Анъанавий усулдан кенг фойдаланилади. Ўқитуви таълим мазмунини баён этиш билан бор кучини, маҳоратини ишга солади. Кўргазмали қуроллар, дидактик таркатма маатриаллар ёрдамида таъсирчанлик билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ўқитувчи ўқувчилар биланмавзу юзасидан фикр алмашади, уларни фаоллаштиради. Ижодий ишлар бериш орқали машқлар ечдиришга ҳаракат этади. Уй ишлари, муस्ताқил машқлар ечишга ундайди. Ўқувчилар фаоллигида таълим мазмунини ўзлаштиришда бир мунча юқори кўрсаткичга эришади. Бундай таълим усулида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқатга киришади, айрим муаммоларни ечишга ўқувчиларни жалб этади. Шунинг учун ҳам бу усул ҳамкорлик, ҳамжихатликда кечади. Бу эса ўз навбатида ўқув – билув жараёнида ўқувчини фаоллиги бир мунча ошади.

Интерфаол усул Дарс жараёнини ташкил этишда ўқувчиларга қулай ижодий фикр юритиш учун муҳит яратилади. Бу эса ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмашишларига имкон берилади. Ўзаро ахборот олиш ва бериш учун шароит туғдирилади. Ечими кутилаётган масалаларни ҳамкорлик ва ҳамжихатликда муҳокама этадилар, ечим топадилар. вазиятдан чиқишда ҳам ҳамижодкорликда ечадилар. Олган ахборотлари асосида

билимларини бир-бирларига намойиш этадилар. Бир – бирларидан илҳомланиб, руҳий кониқиш ҳосил қиладилар. Бир – бирларини тушуниш уларда қизиқиш пайдо қилиб, вақт ўтганини билмай қоладилар. Ҳар бир иштирокчи таълим мазмунини муаллифларидек ҳис қиладилар. Таълим мазмунини тўла ўзлаштиришга ва сифат-самарадорликка эришадилар.

Интерфаолликда ташкил этилган дарслар шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ҳам ўқувчи четда қолмай, яъни улар эшитган, ўқиган, кўрган, билган фикр - мулоҳазаларини очик – ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар.

РАЗВИТИЕ КОМПЕТЕНЦИЙ У УЧАЩИХСЯ – ЗАЛОГ УСПЕШНОЙ РАБОТЫ ПЕДАГОГОВ.

*Ураимова М., старший преподаватель АОИППКРНО
Ураимова Д., методист Жалақудукского РОМО и ОДОУ*

За прошедшие годы независимости в жизни нашего общества наметилась тенденция роста и стабильного развития всех сфер жизнедеятельности человека. В частности, в сфере образования были проведены коренные реформы, которые привели к росту авторитета отечественной системы образования и её признания на мировом уровне.

Нам известно, что дело построения великого государства с великим будущим связано, в первую очередь, с овладением молодёжью позиций активных граждан, являющихся непосредственными инициаторами и участниками реформ, владеющими всеми достижениями науки и техники, новейшими технологиями, профессиями и специальностями. В целом, воспитание всесторонне развитого поколения в Узбекистане является важной приоритетной задачей, требующей участия каждого гражданина, уважающего себя и общество, в котором он живёт.

Интерес к системе образования нашей страны обусловлен тем, что в мире нет её аналогов. Поэтапное претворение в жизнь всех реформ, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «Об образовании» и «Национальной программой по подготовке кадров» укрепляет всю систему в целом. Каждое звено образования работает эффективно и во взаимодействии друг с другом.

Одной из актуальных задач сегодняшнего дня является формирование у молодого поколения активной жизненной позиции, умения отстаивать свою точку зрения, уважать мнение собеседника, правильно, чётко и лаконично формулировать свои мысли. В своих выступлениях глава нашего государства неоднократно указывает на необходимость привития молодёжи нестандартного мышления: «... чтобы найти истину, давайте выскажем свои разные мнения и обсудим их. Пусть студенты, молодая интеллигенция сами делают вывод».

ТАЪЛИМНИ МОДЕРИНАЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ҚАДРИЯТЛИ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ЛОЙИХАЛАШ ИМКОНИАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ПРИЦИПЛАРИ

Маъмуров Б., БухДУ Жисмоний маданият факультети декани п.ф.н.

Модериназациялашган олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни ўқув-тарбия жараёнини лойихалашга ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Лойихалаштириладиган ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларни ривожлантириш имкониятига эга бўлиши, бўлажак ўқитувчи эса мазкур жараёнини лойихалаш ва ташкил этишга ҳар томонлама тайёр бўлиши.

2. Ўқув тарбия жараёнининг лойихаси шахсга йўналтирилган таълимнинг концептуал асосларига мувофиқ келиши.

3. Ўқув-тарбия жараёни лойихасида ўқитувчининг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга оид фаолият йўналишлари аниқ ифодаланган бўлиши кабилар.

Бўлажак ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг концептуал асосларини ўзлаштирганликларини қуйидагилар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

1) Технология 2) Фикрий- қадриятли 3) Билиш фаолияти йўналишлари орқали. Бўлажак ўқитувчиларнинг ҳар бир йўналиш бўйича ўзлаштирган фаолият кўникмаларини аниқлаш учун профессор-ўқитувчилар ташхислаш методикасидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бундай ташхислашдан кўда тутилган мақсад - ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойихалаш ва ташкил этиш фаолиятига тайёрлик даражасини аниқлашдан иборат. Ташхислашнинг биринчи йўналиши бўлажак ўқитувчининг касбий-шахсий сифатлари, педагогик маҳоратини аниқлашга қаратилиши лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор берилади:

- Бўлажак ўқитувчи педагогик тафаккурининг ўқувчи шахсини комплекс ривожлантиришга йўналтирилганлиги;
- Бўлажак ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига бўлган ижобий, ижодий муносабати;
- Бўлажак ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини таълим ислохотлари, Давлат таълим стандартлари талабаларидан келиб чиққан ҳолда шакллантиришга интилиши;
- Бўлажак ўқитувчининг ўз касбий ривожланишини таъминлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга интилиши кабилар.

Худди шу мақсадда талабалар билан сўровномалар, анкеталар, савол-жавоблар кузатишлар ўтказилди. Бунда уларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойихалаш кўникмаларини эгаллаш орқали касбий ривожланишга интилаётганликларини гувоҳи бўлдик. Бунда асосий натижалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти ва ўқувчиларнинг ривожланиш динамикасини назорат қилиш асосида қўлга киритилади. Ўқув-тарбия жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун бўлажак ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълимнинг концептуал асосларини ўзлаштирган бўлишлари керак. Профессор-ўқитувчилар талабалар шахсга йўналтирилган таълимнинг концептуал асосларини ўзлаштирилганликларини назорат қилиб боришлари лозим. Бундай назорат бўлажак ўқитувчининг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш асосларини эгаллаш соҳасидаги масъулиятини оширади. Бўлажак ўқитувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишда профессор-ўқитувчилар очиқлик, инсонпарварлик, узвийлий, узлуксизлик, чакқонийлик, демократия принципларига амал қилишлари лозим. Бунинг учун биринчи навбатда бўлажак ўқитувчининг ҳаётий, касбий қадриятларини эгаллаш соҳасидаги билимларини аниқлаш талаб этилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойихалаш ва ташкил этишга бўлган муносабатлари, уларнинг ўз касбий фаолиятларига оид билимлари ва маҳоратларини бойитишга интилишга, ўқувчилар учун ҳар томонлама қулай бўлган педагогик шарт-шароитларини вужудга келтириш маҳоратини ўзлаштиришлари муҳим аҳамиятга эга.

Шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини лойихалаш ва ташкил этишга бўлажак ўқитувчиларнинг ўзларининг касбий ривожлантиришга бўлган эҳтиёжлари муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда профессор – ўқитувчилар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишларини таъминлашга қаратилган педагогик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишлари керак.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина талабалар ўзларининг билимларини амалда мавжуд бўлган даражасига нисбатан юқорироқ баҳолайдилар. Касбий педагогик таълим самарадорлигини таъминлаш учун профессор-ўқитувчилар таълим жараёни самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини қўллашлари, талабалар билан вужудга келадиган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларини ўз вақтида бартараф эта олишлари, уларнинг педагогик амалиёт жараёнидаги фаолиятларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бундай ёндашув гуруҳдаги талабалар орасида улар, муваффақиятли ўқув ҳамда ижтимоий педагогик муҳитни вужудга келтиради. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар ҳам ўзларининг касбий, педагогик фаолиятларини мунтазам такомиллаштиришлари, талабаларни шахсга йўналтирилган таълим технологиялари билан қуроллантиришга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Профессор – ўқитувчилар эътибор қаратишлари лозим бўлган муҳам масалаларда яна бир – шахсга йўналтирилган ўқув – тарбия жараёнини лойихалаш ва ташкил

этиш соҳасида турлича даражадаги тайёргарликка эга бўлган талабаларни аниқлаш ва улар касбий компитэнтцияларини ривожлантириш учун педагогик ёрдам ва қўллаб – қувватлашдан иборат.

Олий педагогик таълим тизими модернизациялашнинг муҳим вазифаларидан яна бири – бўлажак ўқитувчиларнинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини лойихалаш ва ташкил этишга қай даражада тайёрлигини аниқлаш ва унинг бу соҳадаги компитэнтцияларини ривожлантиришга педагогик ёрдам кўрсатишдан иборат. Бўлажак ўқитувчиларни шахсига йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини лойихалашга тайёрдлашда бир қатор принципларга таяниш талаб этилади. Улар қуйидагилар:

- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда бўлажак ўқитувчилар фаолиятининг мунтазам ўзгарувчанлиги, ривожланувчанлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятида инсонийлик, қадриятлар устуворлиги, фикрий барқарорлик, кретаивлик, масъулиятлилик ва ўз компитэнтцияларини намоён қила олишнинг ифодаланишига эришиш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга тайёрлигини нафақат уларнинг билимлари ва кўникмалари, балки педагогик амалиётда намоён бўлишани ҳам таъминлаш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини лойихалаш соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларига берилган баҳо нафақат улар бажарадиган маскур педагогик вазифа, балки касбий компитэнтциялар, хатти – ҳаракатларига ҳам тааллуқли бўлишини таъминлаш кабилар.

Маскур принципларга эришишни таъминлаш орқали олий педагогик таълим самарадорлиги ва тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий компитэнтлигини янги сифат босқичига кўтариш имконияти вужудга келади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА КОМПЛЕКС ЁНДАШИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Нажмиддинова Г. – БВХТХКТМОИ Тил ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси

Асланова Н. – БВХТХКТМОИ услубчиси

XX аср охирига келиб илмий-техник тараққиёт фақатгина ишлаб чиқаришни технологиялаштиришга олиб келиб қолмай, балки маданият доираси, билимлар гуманитар соҳаларига ҳам кескин кириб келди.


“Технология” тушунчаси техник тараққиёт сабабли юзага келди ва луғатлар талқини бўйича (techne санъат, хунар, фан; logos – тушунча, таълимот) материалларга ишлов бериш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар тўплами демакдир. Технология шу билан бирга жараённи билиш санъатини ҳам ўз ичига олади. Технологик жараён ҳар доим зарур воситалар ва шароитлардан фойдаланиш билан операциялар маълум кетма-кетлигини кўзда тутди. Технология процессуал мазмунда “қандай қилиб, нимадан ва қайси воситалар билан бажариш керак?” деган саволга жавоб беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизимининг миллий моделига алоҳида эътибор қаратилган. Бу модел 5 таркибий қисмдан иборат: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш. Бу ерда таълим миллий моделининг асосий таркибий қисми - «шахс» биринчи ўринда туради. Бошқача айтганда, бутун таълим тизими, шу жумладан, ўқитиш шахсга йўналтирилган бўлиши лозим.

Шунинг учун замонавий технологияларда педагогик жараён, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим. Умумтаълим мактабларида олиб борилаётган дарсларни унумли ташкил этиш, укувчиларимизга замонавий

усулдаги дарсларни ташкиллаштириб бериш, яъни уларга киска вақтда купрок маълумотлар беришда замонавий технологияларнинг урни бекиёс. Хусусан, бошлангич таълимда укувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш, уларда чиройли ёзув куникмаларини шакллантириш, уларнинг саводхонлигини оширишда вақтдан унумли фойдаланишда педагогик технологияларнинг баъзи усулларидан фойдаланиш уринли. Масалан, Кластер, Венн диаграммаси, Т чизмаси, Синквейн, Лабиринт усули, Чархпалак каби методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мисол тарикасида атрофимиздаги олам дарсида мавзуну мустахкамлаш босқичида Венн диаграммаси усулидан фойдаланишни куриб утамиз. Унда мувалар ва сабзавотларни таккослаш, уларнинг умумий ва алоҳида хусусиятларини шу диаграмма асосида таккослаймиз.



Замонавий таълим-тарбия технологияси ҳар томонлама (комплекс) ёндашувни амалга ошириши зарур ва бунда:

Укувчиларга уч йўналиш бўйича - тафаккури, сезгилари ва хулқига таъсир этилади. Тарбия (ташқи педагогик таъсир) ва ўз-ўзини тарбиянинг узвийлиги туфайли ижобий натижага эришилади. Шуни унутмаслигимиз керакки, таълим жараёнида миллий менталитетимизга хос жихатларни ҳам тарғиб этиш, укувчиларга маънавий, ижобий фазилатларни сингдиришни дарслар давомида тарбиялаб боришимиз муҳим. Зеро, миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик ғоя ва маданияти, умуминсоний кадрятлар, кўп миллатли халқимиз анъаналаридан айрим ҳолда тиклаб бўлмайди. Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги - айнан шулардан маънавиятга эришиш ва уни ривожлантириш бошланади.

ТА'ЛИМ ТИЗИМИНИ MODERNIZATSIYALASHTIRISHNING NAZARIY ASOSI

Toshpulatova SH. – Navoiy davlat Pedagogika instituti Fizika va astranomiya o'qitish metodikasi kafedراسи

Toshtemirov O., Abduxalimova F. – Navoiy Madaniyat va san'at kolleji o'qituvchisi

Илм-фан, техника, ишлаб чиқарish va texnologiya sohalarining mavjud taraqqiyoti zamonaviy jamiyat qiyofasini belgilab bermoqda. Zamonaviy jamiyatning eng muhim xarakterli jihati uning barcha sohalarida globallashuvning ko'zga tashlanayotganligidir. Gloaballashuv o'z-o'zidan tezkor harakatlanish, zarur axborotlarni zudlik bilan qo'lga kiritish, ularni qayta ishlash va amaliyotga samarali tatbiq qilishni taqozo etadi. Bu tarzda harakatlanish imkoniyatiga o'z sohasining bilimdoni bo'lgan, kasbiy malakalarni yuqori darajada egallay olgan, boy tajriba va mahoratga ega kadrlargina ega bo'ladilar. Shunday ekan, oliy ta'lim muassasalar(OTM)ida kadrlarni tayyorlash jarayonida davrning mazkur talabini inobatga olish maqsadga muvofiqdir. Malakali kadrlarni tayyorlashda esa ushbu jarayonning asosiy ishtirokchilari bo'lgan – OTM

pedagoglarining kasbiy kompetentlik hamda kreativ qobiliyatga egaliklari alohida dolzarblik kasb etadi. OTM pedagoglarining kasbiy kompetentligi, kreativ qobiliyatga egaligi mehnat bozorida yuzaga kelgan kuchli raqobatga bardoshli kadrlarni tayyorlashda inson omilining ustuvor o'rin tutishini tasdiqlaydi. Shunday ekan, OTMning pedagoglari kasbiy faoliyatni tashkil etishda kompetentlik sifatleri va kreativlik qobiliyatini izchil o'zlashtirib borishga alohida e'tibor qaratishlari zarur. Pedagoglarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimida "Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari" moduli o'qitilishining yo'lga qo'yilishi esa OTM pedagoglarining kasbiy kompetentlik, shuningdek, kreativlik mohiyati, pedagogik kompetentlik hamda kreativlik sifatleri har bir pedagogning o'zida pedagogik kompetentlik sifatlerini samarali rivojlantirib borish tamoyillari, yo'llari, metodlari, bosqichlari va natijani tahlil qilish malakalarini puxta o'zlashtirishga xizmat qiladi. Innovatsion ta'limning asosiy maqsadi ta'lim oluvchilarda kelajakka mas'uliyat hissini va o'z-o'ziga ishonchni shakllantirishdir.

Yangilikni joriy qilish esa birmuncha mushkul vazifa hisoblanadi. Bu borada bizga innovator o'qituvchilar, ya'ni yangilik kiritishga mas'ul o'qituvchilarimiz katta yordam beradi. Demak, innovator o'qituvchi deganda fanning turli sohalariga yangilik olib kiruvchi insonlarni tushunamiz. Bunday o'qituvchilirimiz ilm-fanning rivojlanishiga o'zlarining beqiyos hissalarini qo'shadilar. Ular joriy qilayotgan yangilik fanning shu sohasini rivojlanishida juda katta foyda beradi. Innovator o'qituvchi zimmasiga hm bir necha mas'uliyatlar yuklanadi, ya'ni joriy hilinayotgan yangilik nechog'lik samara beradi yoki bu yangilikni olib kirib qanday yutuqqa erishish mumkin. Shu kabi savollarga yangilikdan olingan natija ijobiy javob berishi mumkin. Shundagina o'qituvchi o'zi ko'zlagan maqsadga erishadi. Bu esa innovator o'qituvchining ish faoliyatini rivojlanishigi kata yordam beradi. Innovatsionlik pedagogik jarayonni ifodalab, nafaqat uning didaktik qurilmasiga, balki o'qituvchining ijtimoiy, mohiyatli natijalari va ruhiy qiyofasiga ham taalluqlidir. O'qituvchi faoliyatidagi kreativlikning bir necha bosqichlarini belgilash mumkin:

Birinchi bosqichda tayyor metodik tavsiyanomalar tuzukkina ko'chiriladi; ikkinchi bosqichda mavjud tizimga ayrim moslamalar (modifikatsiyalar), metodik usullar kiritiladi; uchinchi bosqichda g'oyani amalga oshirish mazmuni, metodlari, shakli to'la ishlab chiqiladi; to'rtinchi bosqichda o'qitish va tarbiyalashning o'z betakror konsepsiyasi va metodikasi yaratiladi.

O'qituvchining innovatsiya faoliyati tuzilmasidagi eng muhim komponent bu refleksiyaadir.

Refleksiya o'qituvchining o'z ongi va faoliyatini belgilash va tahlil qila olish, o'z fikri va harakatlariga tashqaridan nazar solish deb qaraladi.(V.A. Slastenin).

Oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayoniga innovatsion ta'lim texnologiyalari asosida ta'lim sifatini yanada takomillashtirish mumkin, agarda:

- innovatsion ta'lim texnologiyalari sharoitida Oliy ta'lim o'qituvchisining metodik tayyorgarligini shakllantirish, muayyan pedagogik shart - sharoitlarga asoslangan holda amalga oshirilsa;

- innovatsion ta'lim texnologiyalariga asosan mazmunan yangilangan o'quv dasturi, didaktik va tarqatma materiallar, metodik tavsiyalar bilan ta'minlansa;

- Oliy ta'lim muassasalari o'qituvchisini metodik tayyorgarligining tarkibiy qismlari e'tiborga olingan holda ularni shakllantirishga oid bilim, ko'nikma va malakalarning egallanishi, ta'lim-tarbiya jarayonining ajralmas qismiga aylantirilsa;

- Oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayoni aniq shakl, usul va vositalar yordamida amalga oshirilsa, bilim, malaka va ko'nikmalarning shakllanganlik darajasini belgilovchi mezonlar ishlab chiqilsa, talabalarning metodik tayyorgarligini shakllantirish darajasi ortadi.

МАЪРУЗА ШАКЛИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Саттарова С. – Бухоро давлат университети қошидаги 4-сон академик лицей ўқитувчиси.

Маъруза, маъруза вазифалари, маъруза дарсларнинг самарадорлиги, техник воситалар, ёрдамчи таълим воситалари, фаол таълим усуллари, муаммоли маъруза, кўргазмали маъруза, бинар маъруза, анжуман маъруза, маслаҳатли маъруза.

Бугунги кунда педагоглар олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири – дарс ўтишда “бир хиллик” қолипидан чиқиш, янги ноанъанавий дарс усуллари излаб топиш, мавжуд янги усулларни амалда қўллаш, ўқувчиларни фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириш, қўшимча адабиётлардан мустақил фойдаланишга ўргатиш ва билимни онгли эгаллашга йўллашдан иборат.

Маъруза – таълимни ташкиллаштиришнинг асосий шакли бўлиб, таълим бериш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-Йўналтирувчи – ўқувчиларга ўқув материалининг келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини англатади.

-Ахборотлилиқ – мавзуда асосий илмий далиллар ва хулосалар моҳиятини очади.

-Методологик – ўқитишнинг энг мақбул усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади.

-Тарбияловчилик – ўқувчиларга тарбиянинг турли шакллари берилади.

-Ривожлантирувчанлик – мантиқий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиради.

Маъруза дарсларнинг самарадорликка эришишининг бешта муҳим шарти бўлиб,булар қуйидагилардан иборат.

1.Таълим бериш воситаларидан унумли фойдаланиш. Техник воситалар – графопроектор, видеопроектор, доска-блокнот, флипчарт, видеофильмлар ва ёрдамчи таълим воситалари – модел, муляжлар, график-диаграммалар, чизма, схема ва бошқаларни ҳар бир маъруза дарслаида қўллаш.

2. Фаол таълим усуллари- муаммоли маъруза, анжуман маъруза, бинар маъруза, маслаҳатли маъруза, мунозара маъруза ва бошқа маъруза усуллари режали ва керакли вақтда қўллаш. Фаол маъруза усуллариининг ўзига хос хусусиятлари:

- Муаммоли – муаммоларни аниқлайди ва уни ўқувчилар билан ечади.
- Кўргазмали – маълумотни техникавий воситалар ёрдамида беради.
- Бинар - икки киши яъни(икки ўқитувчи, мактаб вакиллари, олим ва амалиётчи, ўқитувчи ва талаба) икки томон нуқтаи- назарларини таққослаб ёритади.
- Олдиндан кўзланган хатоликлар – онгли равишда ўқитувчи томонидан йўл қўйилган мавзудаги илмий тушунчалардаги хатоларни талабалар таҳлил қилиб боради.
- Анжуман – ўқитувчи томонидан тайёрланган дастур миқёсида олдиндан белгиланган муаммолар билан илмий-амалий машғулот олиб боради.
- Маслаҳатли - савол-жавоб, мунозара билан янги маълумотлар беради.

3. Дидактик талабларни бажариш. Яъни:

- Маърузанинг батафсил режасини тузиш; таълим олувчилар учун аниқ тузилмага келтирилган машғулот (кириш, асосий саволлар, асосий жойлар, яқун ва хулосаларни ажратиб кўрсатиш);
- Мустақил ўқиш учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни,интернет манбаларини маълум қилиш;
- Режанинг ҳар бир қисмидан сўнг умумлаштирувчи хулосалар қилиш;
- Маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- Ёзиш зарур бўлган жойларни: асосий тушунча, ифода, вақт, далиллар ва бошқаларни айтиб туриш.

4. Педагогик техникани қўллаш:

- Ҳамма вақт бир жойда турмасдан, аудитория бўйича ҳаракатланиш, меъёридан оширмасдан имо-ишорадан фойдаланиш.
- Материални содда ва тушунарли тилда, таққослаш ва мисоллар орқали баён қилиш.
- Ўз фанига бўлган қизиқишни ва ўқувчилар нимани қандай ўзлаштиришларига бефарқ эмаслигини ўқитувчи кўрсатиши лозим.
- Ўқув материални баён қилишнинг мақул суръати (темп)ни танлаш лозим: у таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаларига мос келиши ва маърузанинг асосий ҳолатларини ёзиб олишга имкон бериш учун жуда тез бўлиши керак эмас.

5. Маърузага ўқувчиларнинг иштирок этиш фаолиятига киритиш:

- Саволлар бериш ва ўқувчилар жавобларидан фойдаланиш, бунда саволларнинг аҳамиятини кўрсатиш.
- Вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат бериш (бу зўриқишни пасайтиради ва ҳиссий куч беради).
- Аниқ ҳолатларни, жумладан муаммоли вазиятларни аниқлаш, ҳар кунги ҳаётдан мисоллар келтириш.
- Билим олувчиларда саволлар беришга қизиқишни уйғотиш
- Аввал ўрганганлари билан янги ҳолат ва далилларни таққослаш.
- Ўқув материални ўрганишдан нима мақсад эканлигини аниқловчи саволлар бериш.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий таълимни жаҳон талаблари даражасида ташкил этиш, ахборот коммуникацион воситалар ёрдамида такомиллаштириш, таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда анъанавий маъруза дарсларида фаол таълим усуллари қўллаш муҳимдир. Бу ўқувчиларда фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттиради, мустақил адабиётлар устида ишлаш кўникмаларини ривожлантиради, масала ва муаммолар ечимларини излашга жалб қилиб, таълимнинг самарадорлигини оширади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ АХБОРОТ САВИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ниёзов Э.Д., Ширинов Ф.Қ., Назаров Н.И. БухДУ т.ф.н доц

Таълим системаси олдида турган муаммолардан бири инсонни ахборотлашган жамиятдаги фаолиятга тайёрлаш, барча билим соҳасида ахборот технологияларидан хабардор мутахассисни шакллантиришдир. Келажакдаги мутахассис ахборотни сақлаш, уни қайта ишлаш ва узатиш воситалари билан тўйинган жамиятда яшаши ва фаолият кўрсатиши, янги ахборот технологиялари тақдим этаятган барча имкониятларни онгли ва маданий равишда қўллаш олиши зарур.

Ахборот савияси деганда ўқув жараёнида турли ахборот манбаларидан оқилона фойдаланиш қобилияти тушунилади. Шу сабабли талабаларнинг ахборот савиясини шакллантириш олий таълим муассасаларида асосий мақсадлардан бири бўлиши керак.

Ахборот савия ўз ичига қуйидагиларни олади:

- мутахассислик вазифаларини сифатли бажариш учун зарур бўлган ахборотни мустақил қидириш вай қайта ишлаш қобилияти;
- мақсаджга эришиш учун замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланган ҳолда жамоавий фаолият кўрсатиш ва ҳамкорлик қилиш қобилияти;
- доимий малака ошириш ва меҳнат фаолиятида ўзини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот технологиялар соҳасида ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти.

Талабалар ахборот савиясининг самарали шакллантирилиши қуйидаги шароитларда содир бўлиши мумкин:

- талабаларда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш бўйича турли-туман мустақил фаолият турларини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш учун қаратилган методикаларни яратиш ва қўллаш;

- эксперимент натижаларини қайта ишлаш жараёнларини автомат-лаштириш воситалари асосида талабаларнинг тадқиқотчилик ва экспериментлик фаолиятини ташкил қилиш;

Бундай шароитларни яратиш учун тез ривожланаятган замонавий ахборот, хусусан, мультимедиали технологияларни самарали қўллаш мумкин. Бундай технологияларнинг ОТМлар ўқув жараёнидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда ва таълим жараёнини қайта кўриб чиқиши тақозо этмоқда. Равшанки, бугунги кунда ўқув жараёнининг самарадорлиги бу технологиялар анъанавий ўқитиш технологиялари билан қанчалик чуқур интеграллашувига боғлиқ бўлади.

Барча талабалар янги билимларни турлича ўзлаштирилади: баъзилари дарсликларни ўқиб, бошқалари маърузаларони дарсда эшитиб, ўқув материални осонроқ хотирасида сақлайди. Табиийки, агар етказилятган маълумотлар бир вақтнинг ўзида барча сеги органлари билан қабул қилинса, энг яхши натижага эришилади ва бундай имкониятни мультимедиали технологиялар тақдим этади.

Мультимедиа воситаларидан ўқитиш жараёнида фойдаланиш ўқитиш сифатини ва самарасини оширишнинг энг қулай усулларидан бири ҳисобланади. Мультимедиа воситалари ёрдамида олиб борилган дарс ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини ва билим олиш савиясини оширади.

Мультимедиа воситалари ўқувчига якка тартибда ёндашиш имконини беради. Ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ҳам ўқувчи материални ўзлаштириши мумкин бўлади. Ҳозирда мультимедиа деган сўз кундалик фаолиятимизда жуда кўп ишлатилмоқда. Таълимда мультимедиа технологияларини тадбиқ этиш учун дастлаб «Мультимедиа нима ўзи?», деган савол туғилади. Кўпгина мутахассислар бу атамани турли хил изоҳламоқдалар. Уларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда мультимедиага шундай таъриф бериш мумкин:

Мультимедиа (лотинча *multum* – кўп, *medium* – муҳит, восита) – бу дастурий ва техник воситалар ёрдамида ахборотнинг анъанавий ва оригинал турлари асосида ўқув материалларини тингловчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўриниши бўлиб, турли маълумотлар (матн, графика, аудио, видео ва бошқалар) билан ягона ахборот муҳити кўринишидаги интерфаол тизимда ишлаш технологиясидир.

Мультимедиа ўзида ахборотнинг турли шаклларини сақлаши ва унинг таркибий қисмларига интерфаол усулда кириш имкониятини яратиб бериши мумкин. Модомики, ахборот турли шаклларда тақдим этилар экан, мультимедиа технологиялари фойдаланувчанлик тажрибасини оширади ва ахборотни тезроқ ўзлаштиришга имкон беради.

Бундай технология тадқиқот объектини турли манзараларда кўриб чиқишга, турли жараёнларни моделлашга имкон беради. Масалан, ўқитувчи ёки талаба мультимедиа воситалари ёрдамида ўрганилятган жараённинг математик модалини яратиши ва янги билимларни олиш мақсадида уни бошқариб туриши мумкин.

Баъзи мультимедиали воситалар фойдаланувчиларга фақат маълумот олувчилар сифатида эмас, балки унинг бевосита фаол иштирокчиси сифатида қатнишишга имкон беради.

Мультимедианинг бундай шакли “диалогли мультимедиа” деб номланади. Мультимедиа муҳити анъанавий ахборот турларини: матн, жадвал, турли хил безаклар ҳамда оригинал ахборот турларини: нутқ, мусика, телекадрлар, видеофильмлардан лавҳалар, анимация кўринишидаги ахборотларни ўз ичига олади. Шунингдек, “инсон-компьютер-инсон” интерфаол мулоқотнинг янги даражасини таъминлайди, мулоқот жараёнида эса фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни олишга эришади.

Мультимедиа воситалари талабалар томонидан турли билим соҳаларини ўзлаштириш жараёнида жуда фойдали кўмак бўлиши мумкин. Бу технологиялар эвазига ўрганилятган материал кўргазмали, “жонли” бўлиб қолади, бир маротаба кўрилган нарса эса, талабанинг хотирасида узоқ сақланади. Бежизга айтилмаганку: юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўриш афзал.

Демак, ўқув жараёнида мультимедиа технологияларининг қўлланилиши қуйидагиларга имкон яратади:

- жараён ва ҳодисаларнинг виртуал макетини кўриш;
- қимматбаҳо ускуналар ёки ўтказилиши узоқ вақтни талаб қиладиган тажрибаларни моделлаштириш;
- талабалар томонидан ўзларининг билимларини назорат қилиш.

Юқорида санаб ўтилган имконлар талабаларнинг ахборот савиясини шакллантиришда мультимедиа технологиялар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Талабаларнинг ахборот савиясини шакллантиришга йўналтирилган ўқув курсига қўйиладиган куйидаги асосий талабларни кўрсатиш мумкин:

- ўқув курси мазмунига қўйиладиган талабалар – курс ўқув ва касбий фаолиятда ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш методларини қўллашга қаратилган бўлиши керак;
- амалий машғулотларга қўйиладиган талаблар – ахборот савиянинг ривожланиши амалий машғулотлар чегарасида касбий машғулотларнинг баъзи жиҳатларини моделлаштириш жараёнида амалга оширилиши керак, шунинг учун курснинг амалий қисми компьютер воситалари ёрдамида касбий фаолиятни апробациядан ўтказиш бўйича келажакдаги мутахассиснинг мустақил фаолиятига бағишланган бўлиши керак;
- коммуникацион талаблар – фан ўқитувчиси талабалар ахборот савиясининг даражасини мазмунли аниқлаши ва шу ахборотни амалий машғулотлар чегарасида талабаларга маслаҳат бериш жараёнида инобатга олиши керак;
- баҳоловчи талаблар – тайёрлов босқичи талабаларнинг мустақил таълим олишига ва доимий малака оширилишига қаратилган бўлиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, компьютер – бу маълумотларни қайта ишлаш воситаси сифатидаги анъанавий қарашлардан воз кечиш вақти етиб келди. Ўргатувчи дастурларда мультимедиа имкониятлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Мультимедиа маърузалар ҳар қандай ўрганилаётган фаннинг марказий қисми бўлиши мумкин. Замонавий компьютерлар методик мақсадларга эришиш имконини берувчи учун жуда кўп техник ва тасвирий воситаларга эга. Шу сабабли ўргатувчи дастурлардаги презентацион – тасвирий технологиялар ахборотни сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ анъанавий технологияларга нисбатан аҳамиятлироқ бўлиши керак. Талабалар томонидан шунчаки ахборотнинг эмас, балки тимсоллар шаклидаги ахборотнинг қабул қилиниши чуқур ва мукамал билимларнинг олинишини таъминлайди.

ФОРМИРОВАНИЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ У УЧЕНИКОВ - КАК ЗНАЧИМЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

Р. Усманова – старший преподаватель НИПИПКРНО

Ф. Сатторов – преподаватель психологии.

М. Тураев – старший преподаватель БИПИПКРНО

“Мы слишком часто даем детям ответы, которые надо выучить, а не ставим перед ними проблемы, которые надо решить”.

Роджер Левин

По результатам проведённого международного контроля уровня подготовки школьников в умении чтения и восприятия текста, решения практических задач по математике и естественным наукам были выявлены следующие причины являющиеся основанием в отсутствии полноценных навыков и умений в решении выше указанных задач.

1. Предметные цели обучения доминируют над интегрированными.
2. Элементарные умения и навыки вытесняют деятельностный подход.
3. Отсутствует компетентностный подход в обучении.
4. Авторитаризм в отношениях между учащимися и учителем не уступают место сотрудничеству, партнёрству в учебной деятельности.

Идеальный выпускник – это не эрудит с широким кругозором, а человек, умеющий ставить перед собой цели, достигать их, эффективно общаться, жить в информационном и

поликультурном мире, делать осознанный выбор и нести за него ответственность, решать проблемы, в том числе и нестандартные, быть хозяином своей жизни.

А ведь сегодня главной задачей является подготовка выпускника такого уровня, чтобы попадая в проблемную ситуацию, он мог найти несколько способов её решения, выбрать рациональный способ, обосновав своё решение.

В связи с этим в современном педагогическом процессе существенно возрастает роль профессионально компетентных педагогов к организуемой ими учебной деятельности учащихся.

Рассматривать вопрос формирования компетентностей начнём с определений:

Компетенция – Это определённая область (сфера) окружающей действительности или деятельности.

Например: образовательная компетенция учащихся, педагогическая компетенция учителя, медицинская компетенция врача и т.д.

Способность, умение (или потенциал) осуществлять действия в этой области или различных областях окружающей действительности на основе опыта, имеющихся знаний, постоянного самообразования называется **компетентностью**.

Другими словами, компетентность – это способность установить и реализовать связь между “знанием – умением” и ситуацией.

В связи с этим перед школой ставится задача сформировать компетентность у учащихся. Но компетентности бывают разные: ключевые, межпредметные, предметные. Компетентности, являющиеся важнейшими для жизни в современном мире, называются «ключевыми».

Выделяют семь ключевых образовательных компетенций:

1.Ценностно-смысловая компетенция. Это компетенция в сфере мировоззрения, связанная с ценностными представлениями ученика, его способностью видеть и понимать окружающий мир, ориентироваться в нём, осознавать свою роль и предназначение, уметь выбирать целевые и смысловые установки для своих действий и поступков, принимать решения.

2.Общекультурная компетенция – круг вопросов, в которых ученик должен быть хорошо осведомлён, обладать познаниями и опытом деятельности. Это особенности национальной и общечеловеческой культуры, духовно-нравственные основы жизни человека, их влияние на мир, компетенции в бытовой и культурно - досуговой сфере.

3.Учебно-познавательная компетенция. Это совокупность компетенций ученика в сфере самостоятельной познавательной деятельности, включающей элементы логической, методологической, общеучебной деятельности, соотнесённой с реальными познаваемыми объектами. Сюда входят знания и умения целеполагания, планирования, анализа, рефлексии, самооценки учебно-познавательной деятельности.

4.Информационная компетенция. При помощи реальных объектов (телевизор, магнитофон, телефон, факс, компьютер, принтер, модем, копир) и информационных технологий (аудио- и видеозапись, электронная почта, СМИ, Интернет), формируются умения самостоятельно искать, анализировать и отбирать необходимую информацию, организовать, преобразовать, сохранить и передать её. Эта компетенция обеспечивает навыки деятельности ученика с информацией, содержащейся в учебных предметах и образовательных областях, а также в окружающем мире.

5.Коммуникативная компетенция включает знание необходимых языков, способами взаимодействия с окружающими и удалёнными людьми и событиями, навыки работы в группе, владение различными социальными ролями в коллективе. Ученик должен уметь представить себя, написать письмо, анкету, заявление, задать вопрос, вести дискуссию и др.

6.Социально-трудовая компетенция означает владение знанием и опытом в гражданско-общественной деятельности (выполнение роли гражданина, наблюдателя, избирателя, представителя), в социально-трудовой сфере (права потребителя, покупателя, клиента, производителя), в области семейных отношений и обязанностей, в вопросах экономики и права, в профессиональном самоопределении.

7. Компетенция личностного самосовершенствования направлена к тому, чтобы осваивать способы физического, духовного и интеллектуального саморазвития, эмоциональную саморегуляцию и самоподдержку. Реальным объектом здесь выступает сам ученик. Сюда же входит комплекс качеств, связанных с основами безопасной жизнедеятельности.

Перед образованием стоят вопросы:

- в каких условиях могут формироваться, быть приобретены эти способности, т.е. ключевые компетенции?

- каким требованиям должно соответствовать образовательное пространство урока, школы, чтобы ученик мог овладеть ключевыми компетенциями?

Овладение ключевыми компетенциями учащимися школы возможно при соблюдении целого ряда требований:

1. Дидактические требования:

Чёткое формирование образовательных задач

Выбор наиболее рациональных методов, приёмов, средств обучения, стимулирования и контроля

Реализация на уроке всех дидактических принципов.

2. Психологические требования:

Определение содержания и структуры урока в соответствии с принципами развивающего обучения

Организация познавательной деятельности

Организация деятельности мышления и воображения учащихся в процессе формирования новых знаний и умений

Учёт возрастных особенностей

3. Требования к технике проведения урока:

Полный контакт учителя и учащихся.

Темы и ритм урока должен быть оптимальным

Обеспечение активного учения каждого ученика.

Таким образом можно сделать вывод, что при условии соблюдения и организации всех вышеуказанных требований к уроку могут быть сполна сформированы и приобретены ключевые компетенции у учащихся.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМДА СИФАТ ЎЗГАРИШЛАР

Бердибеков П., Фозилова Д., Шакирова М., Жиззах ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари

Аввалдан саводхонликни чиқаришда аждодларимиз қайси бир жамиятда яшашидан катъий назар вақтлар ўтиши билан таълим жараёнини сифат жиҳатдан ўзгартиришга ва ривожлантиришга ҳаракат қилганлигини гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Тўғриси айтганда ҳалигача таълим жараёнида аввалдан қўлланиб келган услублардан ва усулларнинг кўпчилигидан воз кечганимиз йўқ, кечаолмаймиз ҳам чунки, дарс жараёнида доскадан фойдаланиш, ёзув-чизув қуролларидан фойдаланиш ҳозиргача таълим тизимида ўз ўрнини топиб келмоқда. Бугунги ахборот эртагаёқ ўзгаради. Ўқувчиларга бериладиган билим эса фундаментал асосга эга бўлиб, ҳар қандай ахборотларни таҳлил қила оладиган, мантиқий тўғри хулоса чиқарадиган кучга эга бўлиши шарт. Ўқувчиларни ана шундай интеллектуал билим олишда замонавий техник воситалардан оқилона фойдаланиш таълим тизимида сифат ўзгаришга олиб келишида ҳеч шубҳамиз йўқ.

Шундай экан, таълим тизимидаги ходимларнинг зиммасига таълим мазмунини сифат жиҳатдан ривожлантириш борасида долзарб вазифалар турибди. Бу эса ўқитувчилар билан бирга таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига бажариладиган ва кечиктирилмайдиган вазифаларни юклайди. Чунки, замон шиддат билан ривожланаяпти. Бу борада ҳукуматимиз томонидан таълим тизимини ислоҳ қилишда ўзи бош ислоҳатчи бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонун ҳужжатлари асосида таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, у ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла холос бўлди ва юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизими яратилди.

Таълим тизимида ислоҳатларни амалга оширишда ва ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан йилига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи сарфланди, бу давлат бюджетининг 35 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-4 фоиздан ошмайди. Ваҳоланки 2015 йилда Давлат бюджетининг 60 фоиздан зиёдроғи ижтимоий соҳага ажиратилгани, шуни ўзи таълим тизимида ўзгариш бўлганининг гувоҳи бўламиз. Ана шунинг ҳисобидан жорий йилда ўқитувчиларнинг маоши 22 фоиз оширилди. Давлатимиз томонидан таълим тизимида кўрсатаётган хизматлар ва эътибори йилдан-йилга ошиб бомоқда.

Таълим тизимида йил сайин ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг таълим тизимида кириб келиши, таълим жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлиги барчамизга маълум. Айниқса, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, технология, ахборот, компьютер, мултимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда. Шу ўринда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш, берилаётган билимларни тушуниш даражаси, хотирада сақлаш ва уни қўллаш имкониятларини юксалтириш мақсадида интерфаол электрон доскалардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишда кўл келади. Бунда фойдаланаётган технологияларни барча имкониятлари мужассамланади. Бошқача айтганда ёзилаётган матн, чизма, жадвал ва чизма тезда компьютер экранида пайдо бўлади. Электрон досканинг афзалликлари жумладан, маълумотни тахрирлаш, қўллашнинг кенглиги, натижалардан нусха олиш, электрон почта орқали жўнатиш, компьютер хотирасида сақлаш имкониятларининг борлиги, фойдаланувчиларга қулайлик яратади. Жумладан, мазкур доска орқали матн, товуш, анимация, графикадан биргаликда фойдаланса бўлади. Ундан ташқари виртуал аудитория яратиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бу ўқувчилар билимини самарадорлигини ошириш, маълумотларни хотирасида узоқ муддатга сақлашга шароит яратади. Ҳозирги кунда бу доскалар ҳар хил технологияларда ишлаш имкониятини яратади. Масалан, сенсорли ултратовушли ва инфракизил нурли технологияларни келтиришимиз мумкин.

Яратилган технологиялар эса айниқса ноанъанавий дарслар ўқув семинарлари дарсдан ташқари машғулотларни олиб боришда, жонли мулоқатлар ташкил этиш, фикрларни янгилаш йўналишида алмашишида ас қотади.

Машғулотларни олиб бориш, катта сенсорли ва мултимедиа проектор ва компьютерда амалга оширилади. Бунда матнли ахборотлар, файллар алмашиш имконияти яратилади. Ундан ташқари бир доскага чизилган тасвир бошқа хоналардаги доскаларда ҳам намоён бўлади. Дарс жараёнида видеокамера автоматик тарзда савол берувчи ва маърузачига қаратилади.

Вақтлар ўтиши билан такомиллашган янги технологик имкониятларга эга бўлган электрон доскалар IPBOARD яратилди.

Мазкур доскалар орқали электрон тестлардан фойдаланган ҳолда интерфаол дарс машғулотларини ташкил этиш лойиҳаларини режалаштириш, интернет сайтлари, юридик ҳужжатлар, графиклар ва шунга ўхшаш маълумотларни яратиш мумкин. Шундай қилиб қатор имкониятларга эга бўлган электрон доскалар дарс жараёни сифатли самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб ахборот технологияси фақатгина таълим тизимида кириб келмасдан шу соҳанинг барча бўғинларини бошқариш, ташкил қилиш, ахборот ресурслари билан таъминлаш, иш юритиш ҳужжатларини тезлик билан йўлга қўйиш, молиявий тизимини йўлга қўйиш каби муҳим ишларни амалга оширишда хизмат қилади.

Айни чоғда интернет тармоғининг тараққий этиши халқ таълим бошқарув идоралари ўртасида маълумот алмашунивини соҳага таълуқли бўлган қарор ва буйруқлар ижроси назорати бўйича самарадорликни таъминловчи тизим корпоратив тизими жорий этилди. Ундан ташқари ахборот ресурс базасини кенгайтириш мақсадида “Электрон кутубхона”, алоҳида алгоритм ечимлари орқали “Компьютер-таржимон” фанлар кесимида “Электрон

дарслик” дастурлари, компьютердаги машғулотларни бирдан иккинчисига ўтказиш ҳамда ахборот алмашинувларини яхши йўлга қўйиш учун “Симсиз алоқа технологияси” дастури яратилди, метрнинг миллиарддан бир улушига тенг бўлган нанометр даражасидаги “Нанотехнология” технологик қурилмалар вужудга келди. Хужжатлар айланишини таъминлаш мақсадида “Электрон рақамли имзо”, “Электрон хужжат” айланиши дастурлари пайдо бўлди.

Бу ривожланишнинг тараққиёт, халқаро интеграция ва кооперация, таварлар хизматлар ва сармояларнинг бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишини таъминлайди.

Шундай қилиб замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимига кириб келиши, таълимнинг замонавий шароитда ривожланиши учун хизмат қилади.

МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ СИФАТ ЎЗГАРИШ ОМИЛИДИР

Баташов И., Рахимов А., Қарии ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари

Мамлакатимизда таълим тизими ривожланиши мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ҳукуратимиз эътиборидан четда қолмади. 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш тўғрисидаги” 3080–сонли Фармони қабул қилинди[1]. Ушбу Фармонга биноан ахборотлаштиришнинг миллий тизими шакллантирилди, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари оммавий равишда жорий этилди ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилди.

Давлатимизда нафақат ижтимоий ва иқтисодий соҳаларимизни юксалишида, қолаверса фан ва таълим муассасаларида турли соҳаларга оид зарур ахборотларни тезкорлик билан етказишда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

2006 йил Августдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг “2006–2007” ўқув йили “Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили” деб номлаш тўғрисидаги 6/5 – ХБ сонли буйруғи асосида кўплаб ишлар амалга оширилди[2].

Ҳаммамизга маълумки таълим муассасаларига доимий равишда минглаб ўқувчилар, талабалар, тингловчилар ўзларига керакли бўлган ахборотларни оладилар. Дарс жараёнида ахборотларни етказиш ва сингдириш йўллари кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бу таълимотларни фақат устозлар орқали олиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир устоз замонавий ахборот технологияларидан хабардор бўлиши шарт. Ана шундай устозларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида дарс жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ишларини йўлга қўйиш, уларнинг компьютер саводхонлигини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда педагог кадрларни таълим технологияларидан фойдаланиши дарснинг мазмунли ташкил этилишига ҳамда тингловчилар ўзлаштиришнинг сифат ва самарадорлигини ошишига олиб келади.

Таълим тизимидаг ислохотлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишда айрим хусусиятларини кўриб чиқиш лозим бўлади:

- Малака ошириш тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши, бозор муносабатларининг такомиллашуви муносабати билан ўқув режалари ва ўқув дастурларни замон талаблари даражасида янгилаб бориш;
- Педагог кадрларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий ўқитишни кенг жорий қилиш, янги ўқув методик таъминотини яратиш, бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш ва амалда бажарилишини таъминлаш орқали таълим сифатини ошириш;

- Курс тингловчиларини қобилияти ва билимига кўра гуруҳларга ажратиб ўқитишда ахборот технологияларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

Ана шу йўналишлар бўйича тизимли ишларни йўлга қўйган ҳолда амалда синаб кўрилса, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда яхши натижаларга эришиш мумкин. Ундан ташқари компьютер технологиялардан фойдаланиб таълимнинг самарадорлигини оширишнинг асосий воситалари сифатида ўқув ва амалий дастурлар, мультимедиа технологиялари, электрон ўқув адабиётлари, масофадан ўқитиш тизимлари, интернет тармоғи ҳамда амалий дастурлар пакетидан фойдаланиши мақсадга лойиқдир.

Малака ошириш тизимида педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида бой ва мазмунли маъруза матнларидан фойдаланиш, амалий лобаротория ва семинар машғулотларини замонавий ўқув дастурларидан фойдаланиб мустақил билим олиш ва такрорлаш, назорат қилиш, олган билимларини ва ўқув жараёнини мустақамлашда муҳим асос яратади.

Педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида электрон қўлланмалардан фойдаланиш билан ўқитувчиларни ягона электрон католог тизим орқали уларнинг иш фаолияти энгиллаштириш билан биргаликда таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини ошишга кўмак бўлади.

Шундай қилиб педагог кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида таълим сифати ва самарадорлигини оширишда барча имкониятларни ишга солиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш баркамол авлодни равнақида ва турмушнинг яхшиланишида муҳим рол ўйнайди.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Гадоева М.М. БВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Гадоева М.М. – Бух.МТИ қошидаги 1-сон академик лицей, ўқитувчи

Ҳозирги вақтда педагогик технология «ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир»

Ўқув жараёни ўқиш ва билиш фаолиятига ўзгартиришнинг имкониятларидан бири муаммоли ўқитиш технологиясини татбиқ этишдан иборат. Чунки муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам ўзларининг интеллектуал, жисмоний, маънавий имкониятларини ўқув ва амалий муаммоларни ечиш учун доим синовдан ўтказадилар. Бу жараёнда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар ахборот жамияти шароитларида яшаш учун зарур сифатларни шакллантиришга олиб келади.

Инсон тафаккури муаммоли вазиятларни яратиш, муаммони қўйиш ва уни ечишдек ноёб қобилиятга эга бўлганлиги сабабли инсоният томонидан илмий-техникавий кашфиётлар амалга оширилган.

Педагогик тафаккурни ўқув жараёнида муаммоларни ечишга йўналтириш, яъни таълим жараёнига муаммоли ўқитишни жорий этиш Тингловчиларига тайёр билимларни ўзлаштиришдан аста-секин мустақил фаолиятга ўтиш имкониятини беради.

Муаммоли ўқитишни чуқур ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган бўлиб, унинг асосида “Тафаккур- муаммоли вазиятдан бошланади”-деган ғоя ётади ва муаммоли вазиятда билиш фаолиятининг кетма-кетлиги қуйидагича кўринишга эга бўлади:

•муаммоли вазият; •муаммони ечиш йўллари ишлаш; •муаммонинг ечими.

Анъанавий таълим тизимида ўқитувчи ва дарслик билимнинг асосий манбаси бўлса, муаммоли ўқитишнинг фалсафаси ва методологиясида ўқитувчи Талабаларнинг изланиш-тадқиқотчилик фаолиятининг ташкилотчиси, мутасадди маслаҳатчиси ва ёрдамчиси сифатида кўради. Бу роль анъанавий ўқитишдаги ролдан анча мураккаб бўлиб, у ўқитувчидан юқориқроқ маҳорат талаб қилади.

Муаммоли ўқитиш концепциясида муаммоли вазиятнинг биринчи шarti ўқитувчи ўзи ечиши лозим бўлган зидликни кўришидан иборат эканлигини таъкидлайди.

Муаммоли ўқитиш асосида америкалик психолог, файласуф ва педагог Ж. Дьюи ғоялари ётади. У 1894 йилда Чикаго шаҳрида ўқитиш асосини ўқув режаси эмас, балки ўйинлар ва меҳнат фаолияти ташкил этган тажриба мактабини ташкил қилган. Ўқиш, ҳисоблаш, ёзиш бўйича машғулотлар болаларнинг физиологик балоғатига қараб, ўз- ўзидан пайдо бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ўтказилган.

Муаммоли ўқитишни чуқур ўрганиш XX асрнинг 60 йилларида бошланган.

Муаммоли ўқитиш – ўқувчининг муаммоли тақдим этилган таълим мазмуни билан фаол ўзаро боғланишини ташкил этади.

Муаммоли ўқитиш ижодий фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу жараёнда ўқувчилар ижодий фикрлашининг ривожланиши анъанавий ўқитишдагига нисбатан жадалроқ бўлади, лекин муаммоли ўқитишнинг бу функцияси ошиши учун ўқув жараёнига муаммоларнинг тасодифий мажмуасини киритиш етарли эмас. Муаммолар тизими билимнинг мазкур соҳасига хос муаммоларнинг асосий турларини қамраб олиши керак. Муаммоли ўқитишнинг якуний мақсади – ўқувчиларни муаммоларни кўриш ва ечишга ўргатишдан иборат бўлиб, бу фақат фикрлаш фаолияти жараёнида амалга оширилади.

И ШЎБА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАҲЛАР ВА ТИЛ АДАБИЁТ ТАЪЛИМИДА
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

INNOVATION PEDAGOGIK FAOLIYAT TUZILMASI TAHLILIDA AKMEOLOGIK
YONDASHUV

Ibragimov X. – N avoiy davlat pedagogika instituti rektori, p.f.d., professor,

Ibragimov F. – Toshkent davlat moliya instituti katta o`qituvchisi

Asrimizning eng umumiy tavsifnomasini ikkita so`z bilan ifodalash mumkin-bu texnologiyalar va innovatsiyalar davri. Bu butun jamiyat hayotidagi o`zgarishlar bo`lib, yaqin ikki asrga insoniyat taqdiri rivojlanishini belgilab beradi. Aynan shunday tub o`zgarishlar davrida insoniyat uchinchi mingyillik bo`sg`asiga qadam qo`ydi. Jamiyat kundalik hayoti va dinamikasining barcha odatiy jihatlari o`zgarmoqda. Dunyo tanib bo`lmas darajada o`zgarib, butun avloddan boshqacha fikrlash tarzini talab qilmoqda. Jamiyatning barcha sohalariga innovatsion yondashuvda uzoq muddatli strategiyani tanlash va amalga oshirish jamiyatni yanada rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Bugungi kunda ta`lim-tarbiya samaradorligiga erishish uchun pedagogik faoliyatga innovatsion yondashuvni davrning o`zi taqozo etmoqda. Innovatsion faoliyat - jamoani harakatga keltiruvchi, olg`a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuchdir.

Ilmiy adabiyotlarda innovatsion pedagogik tushunchalarga quyidagicha ta`riflar berilgan: “Innovatsiya”-(ingliz tilidan olingan “Innovation” yangilik kiritish)- tizim ichki tuzilishni o`zgartirish amaliyot va nazariyaning asosiy qismi. Innovatsion jarayonning mazmuniy tamoni o`z ichiga oladi (ilmiy g`oyalari va ularning texnologiyalarni amaliyotga kiritish). “Innovatika”-yangilikni yaratish qonuniyatlarini o`zlashtirish va targ`ibotini o`rganadigan fan. “Innovatsion jarayon”-yangilikni kiritilishi va shart-sharoitlari, tizimini yangi sharoitlarga ko`rsatkichlarga muvaffaqiyatli o`tishini ta`minlovchi o`zgarishlardir.

Yuqorida keltirilgan tushunchalarni bir qator pedagog olimlar quyidagicha tavsiflaydi. Jumladan, R.H. Djo`rayevning fikricha, innovatsiya - maqsadga yo`naltirilgan o`zgartirishlar bo`lib, ma`lum bir ijtimoiy borliqqa -muassasa, uyushma, jamoa va guruhlariga yangi, nisbatan barqaror bo`lgan elementlarni, umumiy holda xalqning ma`naviy-madaniy munosabatlari va mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi bilan uzviy bog`liq bo`lgan yangiliklarni kiritishdir. Innovatsiyalarning asoslanganlik darajasini S.T.Turg`unov, B.X. Daniyarov, D.M. Otajonovlar quyidagicha izohlaydi:“Innovatsiyalarning asoslanganlik darajasi o`qituvchilarda yangi sifatli o`zgarishlarning miqdori bilan ifodalanadi. O`qituvchilar tomonidan qo`llanilayotgan ta`lim usullaridan innovatsiya qanchalik ko`p farq qilsa, uning o`zgartirish salohiyati va asoslanganlik darajasi shuncha yuqori bo`ladi”

Innovatsion faoliyatning tuzilishini o`rganib chiqqan olimlardan biri V.A.Slastenin uni quyidagicha tuzilishga ega deb ko`rsatib o`tadi: “Innovatsion faoliyatning tuzilishi - ijodiy yondashuv, ijodiy faollik, yangilikni kiritishga texnologik va metodologik tayyorgarlikdir”.

«Innovatsion faoliyat - bu yangi ijtimoiy talablar bilan an`anaviy me`yorlarning mos kelmasligi yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me`yoring mavjud me`yor bilan to`qnashuvi natijasida vujudga kelgan majmualar muammolari hal etishga qaratilgan faoliyatdir», deb ta`kidlagan edi V. I. Slobadchikov.

Yangilik kiritishning tizimli konsepsiyasi mualliflari A.I.Prigojin, B.V. Sazanov, V.S.Tolstoy innovatsion jarayonlarning ikki muhim shaklini farqlaydilar. Birinchi shaklga innovatsiya oddiy ishlab chiqarish sifatida kiritiladi. Bu ilk bor mahsulot o`zlashtirgan tashkilotlarga taalluqlidir.

Ikkinchi shaklga yangilikni keng ko`lamda ishlab chiqish taalluqlidir.

Innovatsiya har qanday faoliyat sohasida kiritiluvchi ilmiy yangiliklardir. Jumladan:

✓ fan-texnika sohasida bu ilmiy-texnik innovatsiyalar -kompyuter, lazer, mikroto`lqinli yarim o`tkazgich texnologiyalari, Nanotexnologiyalar, elektron pochta, uyali aloqa va internet global tarmoqlari;

✓ energetika sohasida-atom energiyasi, sintetik yoqilg`i, oziq-ovqat mahsulotlarini olish texnologiyalari;

✓ tibbiyot sohasida-gen muhandisligi;

✓ pedagogika sohasida-akmeologiya, aksiologiya, andragogika, kreativlik, refleksiya...

Ta`lim muassasasida innovatsion faoliyatning sub`ekti o`qituvchi, uning shaxsiy imkoniyati hisoblanadi. Bunda o`qituvchi shaxsining ijtimoiy-madaniy, intellektual va axloqiy imkoniyatlari yuksak ahamiyatga molik bo`ladi.

O`quv jarayonini insonparvarlashtirish, demokratlashtirish, liberilizatsiya etishni innovatsion holat deb qaraladi. Xususan, o`qituvchi ta`lim-tarbiya jarayonini insonparvarlik tamoyiliga asoslanib tashkil etsa yuqori samaradorlikka erishadi va kutilgan natijani qo`lga kiritish imkoniga ega bo`ladi.

Darsni insonparvarlashtirish o`z ichiga quyidagilarni oladi:

- ijodiy muhit;
- o`zini – o`zi rivojlantirishga muhit yaratish;
- psixologik sog`lom muhit yaratish;
- o`zaro hurmat;
- do`stona munosabatda ish yuritish;
- qalbga yo`l topa olish;
- talaba extiyoji, qiziqishi, shaxsiy fazilati, iqtidorini ishga solish;
- o`zaro hamkorlik;
- qobiliyatlarni ro`yobga chiqarish.

Innovatsion faoliyatga aksiologik yondashuv insonning o`zini yangilik yaratish jarayoniga baxshida qilishi, uning tomonidan yaratilgan pedagogik qadriyatlar jamini anglatadi. Aksiologiya insonga oliy qadriyat va ijtimoiy taraqqiyotning birdan-bir maqsadi sifatida qaraydi.

O`qituvchining innovatsion faoliyatiga yaratuvchilik jarayoni va ijodiy faoliyat natijasi sifatida qaraladi.

O`qituvchining innovatsion faoliyatini tuzishda V.A.Slastenin unga akmeologik jihatdan yondashadi. Innovatsion pedagogik faoliyat tuzilmasi tahlilida akmeologik yondashuv o`qituvchining kasbiy mahorati cho`qqilariga erishuvda uning shaxsi rivojlanish qonuniyatlarini ochish imkonini beradi.

B.G. Ananov, N.V.Kuzmina, A.A.Derkach va boshqalar kasbiy faoliyatning samarasini oshirish bilan yo`g`rilgan inson hayotining eng ijodiy davrlari, yetuklik bosqichlari to`g`risida fikr yuritadilar. Ular yetuk insonlarning professionalizmi, shaxs rivojlanishining gullagan davridagi psixik qonuniyatlari, professionalizmga yetishdagi balandliklardan o`ta olish masalalari bilan shug`ullanganlar.

V.A.Slastenin akmeologiyaning yuksak professionalizmga, mutaxassisning uzoq ijodiy umr ko`rishiga olib keladigan sub`ektiv va ob`ektiv omillarini asoslab berdi. Ob`ektiv omillarga olingan ta`limning sifatini, sub`ektiv omillari esa insonning iste`dodi va qobiliyatini, ishlab chiqarish vazifalarini samarali hal qila olishidagi mas`uliyati, mutaxassislarga yondashuvini kiritadi.

Yuksak professionalizmga erishishning omillari sifatida quyidagilarni ko`rsatish mumkin:

- *o`ziga nisbatan talabchanlik*
- *Bilimdonlik;*
- *ijodkorlik*
- *uquvlilik;*
- *qobiliyat;*
- *iste`dod;*
- *DTS talablari*
- *AKT egallash;*
- *til bilish;*
- *Texnologik mahorat;*

- davlatimiz tomonidan yaratilgan imkoniyatlar

Akmeologiya ilmiy nuqtai nazardan professionalizm va ijod munosabatida olib qaraladi. Bunda quyidagi kategoriyalar farqlanadi:

- ijodiy individuallik;
- tanqidiy tafakkur qila olish imkoniyati;
- o'zining o'sish va takomillashish jarayoni;
- o'z imkoniyatlarini amalga oshirish sifatidagi kreativ tajribasi.

Innovatsion faoliyat tuzilmasi tahlilida akmeologik yondashuv o'qituvchining kasbiy mahorati cho'qqilariga erishuvida uning shaxsi rivojlanish qonuniyatlarini ochish imkonini beradi.

Demak, o'qituvchi pedagogik innovatsiyalar, yangi pedagogik texnologiyalar, nazariyalar, konsepsiyalarning muallifi, ishlab chiqaruvchisi, tadqiqotchisi, foydalanuvchisi va targ'ibotchisi sifatida namoyon bo'ladi.

Hozirgi jamiyat, madaniyat va ta'lim taraqqiyoti sharoitida o'qituvchi innovatsiya faoliyatiga bo'lgan zaruriyat quyidagilar bilan o'lchanadi:

- ijtimoiy-iqtisodiy yangilanish ta'lim tizimi, metodologiya va o'quv jarayoni texnologiyasining tubdan yangilashni talab qiladi. Bunday sharoitda o'qituvchining innovatsiya faoliyati pedagogik yangiliklarni yaratish, o'zlashtirish va foydalanishdan iborat bo'ladi;
- ta'lim mazmunini insonparvarlashtirish doimo o'qitishning yangi tashkiliy shakllarini, texnologiyalarini qidirishni taqozo qiladi;
- pedagogik yangilikni o'zlashtirish va uni tatbiq etishga nisbatan o'qituvchining munosabati xarakteri o'zgarishi.

Shunday qilib, asrlar va ming yilliklar kesishgan pallada insoniyat tubdan o'zgargan dunyoga yangicha qarashdan tashqari kelajakni oldindan ko'ra bilishni ham nazarda tutadi. Fan va texnologiyalar sohasida davlat siyosati maqsadlarini amalga oshirish ya'ni, tanlab olingan ustuvorliklar asosida mamlakat rivojlanishining innovatsion yo'lini ta'minlash hisoblanadi. Innovatsion faoliyat nazariyalari tabiat, fan-texnika va jamiyat rivojlanishning yangi qonuniyatlarini ochish va ulardan dolzarb global va milliy muammolarni hal etishda foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

INSON HAYOTI FAOLIYATIGA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING IJTIMOIIY PSIXOLOGIK TA'SIRI

*Ro'ziqulov F. – Navoiy viloyat XTXQTMOI rektori, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent
Safarov D. – Navoiy viloyat XTXQTMOI psixologiya fani o'qituvchisi*

Dunyoda keng ko'lamdagi axborot tizimi va telekommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi kishilar hayotining deyarli barcha sohalariga kirib bormoqda. XXI asrda axborot makonining globallashuvi, butun jahon rivojiga ta'sir ko'rsatgan va ko'rsatayotgan omil sifatida e'tirof etiladi. Axborot sohasining rivojlanishi, uning jamoatchilik va davlat hayotidagi turli xil yo'nalishlarida ishlatilishi, yangi bosqichdagi inson taraqqiyotini aniqlab beruvchi muhim omillarning biri bo'la oladi. Biroq shunday ulkan, keng miqyosli va serqirra yutug'idan kim qanday maqsadlarda foydalanayapti? Uni beqiyos va qudratli kuchini nimalarga ishlatayapti? – degan savol ham butun hamjamiyat muammosiga aylanmoqda. Prezidentimiz Islom Karimov: axborot olamidagi ustunlik ko'p narsani hal etadigan bugungi vaziyatda mustaqil ong va mustaqil fikrga ega bo'lgan shaxsni tarbiyalash masalasi nafaqat ma'naviy, kerak bo'lsa, muhim siyosiy ahamiyat kasb etadi. Bu o'ta muhim vazifani amalga oshirishda ta'lim-tarbiya tizimi, ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-mafkuraviy masalalar bilan shug'ullanadigan idoralar, davlat va nodavlat tashkilotlar, siyosiy partiyalar o'z hissasini qo'shishi tabiiy, albatta, lekin bu borada ommaviy axborot vositalarining o'rni va ta'sir kuchi beqiyos, desak, hech qanday mubolag'a bo'lmaydi, deb ta'kidlaydi. Darhaqiqat, bugungi kunda tezkor usullar yordamida u yoki bu voqea, hodisa haqidagi xabar bir zumda dunyoning barcha nuqtalariga yetkazib berilmoqda. Ta'kidlash joizki, axborot xuruji g'arazli geosiyosiy manfaatlarni amalga oshirish yo'lida turli kuchlar tomonidan keng qo'llanmoqda. Bunday holat geosiyosiy kuchlarning dunyoning yirik televediniya va radiokanallariga, internet saytlariga turli siyosiy kuchlarning bosim o'tkazishga intilayotganini, ulardan

o'z manfaatlari yo'lida foydalanishga urinayotganini ko'rsatadi. Bunday sharoitda, axborot uzatish jarayoni dunyo miqyosida demokratik qoidalar asosida amalga oshirilishi zarur. Shu ma'noda yurtboshimiz Islom Karimov "xalqimiz, avvalambor yosh avlodimiz ma'naviy olamining daxlsizligini asrash uchun biz nimalarga tayanib-suyanib ish olib borishimiz kerak, degan savol bugun barchamizni o'ylantirishi tabiiy", deb yozgan edi.

Olib borilayotgan o'rganishlardan ma'lum bo'lishicha, xurujlar aslida turlicha: shaxs, jamiyat va davlatga, ichki va tashqi, katta va kichik, uzoq va yaqin, siyosiy, harbiy, iqtisodiy, madaniy, ekologik, milliy va boshqa xurujlar hisoblanadi. Ayrim, axboriy faoliyatning sub'ektlari sifatida davlat tuzilmalari, ommaviy axborot vositalari, turli katta va kichik tashkilotlarga xizmat qilishi mumkin. Zamonaviy bosqichda, ya'ni, internet paydo bo'lganidan keyin, shunday sub'ekt sifatida alohida shaxslar ham faoliyat ko'rsatib, virtual makonda o'z saytini ochishmoqda. Umuman, quyidagi ikki yondashuv orqali xuruj ob'ektlarini tasniflash mumkin. Birinchidan keng tarqalgan nuqtai nazar bo'yicha bunday ob'ektlar uchta: davlat, jamiyat va shaxs. Ikkinchidan esa, qarashning tarafdorlari fikricha, xuruj ob'ektlari sotsiologik tasniflashga mos tushsa, to'g'riroq bo'ladi. Ya'ni, bunday ob'ektlarga jamiyat, ijtimoiy sinf, katta va kichik ijtimoiy guruhlar hamda shaxslarni kiritish maqsadga muvofiq, deb hisoblanadi.

Ta'sir ko'rsatish yo'llari ta'sir etuvchi tomonidan ob'ektga mos ravishda tanlanadi, barcha ob'ektlar uchun bir xil usul va vositalar to'g'ri kelmaydi. Davlatga ta'sir bir yo'l bilan amalga oshirilsa, shaxsga ta'sir etish uchun boshqacha usul tanlanadi. Shuning uchun ham, zaraming ko'lami va miqdori ham turlicha bo'lishi mumkin, juda katta darajadan uncha ahamiyatli bo'lmagan hajmgacha. Bu esa, o'z navbatida, ta'sir etuvchining maqsadi, moddiy, ilmiy, psixologik va texnik imkoniyatlariga bog'liq bo'ladi.

Axborot xuruji shunday bir universal xarakterga egaki, uning barcha boshqa sohalarga salbiy ta'sir qilish imkoniyati ko'proq, ayniqsa, shaxs dunyoqarashiga, jamiyat barqarorligiga, davlat tinchligiga, jamoatchilik fikrini chalg'itishga va oxiri oqibatda har bir mamlakatning ma'naviy, siyosiy, iqtisodiy, madaniy yuksalishining susayishiga olib keladi. Chunki axborotning jamiyat, tashkilot, oila, shaxs ongiga kirib kelishi uncha ham ko'zga tashlanmaydi. Ijobiy va salbiy axborotni farqlash, yaxshi ma'lumotni o'zlashtirish va zararlisini rad etish uchun inson ongi rivojlangan, uning o'zi esa mustahkam irodali bo'lishi zarur. Har bir mamlakat aholisining asosiy qismi esa bunday imkoniyatga ega emas. Shu sabab axboriy barqarorlikka birinchi o'rinda davlat tuzilmalari xizmatchilari, jurnalistlar, pedagoglar, psixologlar va jamoat tashkilotlar xodimlari axborot tarqatuvchilar ega bo'lishi lozim.

Demak, axborot xuruji tobora avj olib borayotgan, yakka tartibda har bir fuqaro, har bir inson ongiga kuchli ta'sir o'tkazayotgan, keng miqyosda olganda jamiyat taraqqiyoti va millat taqdirini hal qilishga qodir bo'lgan, global miqyosda esa butun insoniyat hayotini kafolatlaydigan, uning taraqqiyoti yoki tanazzulini belgilashga qodir bo'lgan tig'iz axborot tizimini boshqarish, tartibga solish, undan foydalanish me'yorlarini ishlab chiqish hozirgi zamonning eng dolzarb muammolaridan biridir. Axborot sohasida axborot xuruji qizg'in avj olgan bir paytda ayni ana shu xurujlar mohiyatini, uning manbalarini, rivojlanish omillarini, ilmiy til bilan aytganda g'oyaviy-mafkuraviy jihatlarini chuqur ijtimoiy psixologik ahamiyatini o'rganish lozim. Buzg'unchi va hujumkor axborotlar maqsadi, ularning tagida yotgan manfaatlar qanchalik to'g'ri o'rganilsa, ularga shunchalik to'g'ri va ishonchli ta'sir berish mumkin bo'ladi.

Bugungi kunda davlat xavfsizligini ta'minlashda, xalq manfaatlariga zid bo'lgan axborot tarqatilishining oldini olish eng muhim vazifa ekanligini anglab, ayrim mamlakatlarda global tizimga axborot xavfsizligini ta'minlash bo'yicha bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Misol uchun Xitoy mamlakatida maxsus "Vatanparvar xakerlar" deb nomlangan internet xavfsizligini ta'minlovchi tashkilotda 20 mingdan ortiq kompyuter mutaxassislari faoliyat yuritib, ular o'z navbatida mamlakatga xavf soluvchi "noma'qul" axborot xurujlarining oldini olishadi. Hozirda, dunyoning 30 dan ortiq mamlakatida "internet himoyachilar" guruhi tashkil etilgan va "himoyachi"larga 1,5 milliard AQSH dollaridan ortiq mablag' sarflanadi. Bu esa global jarayonda o'z mamlakatida "nomaqbul" axborot olishni cheklaydi. Bundan tashqari, Hindiston davlatining Texnika institutidagi elektron xavfsizlik fakultetining har yili muvaffaqiyatli tugatgan 10 nafar talabalar "internet himoyachilar"i safiga ishga qabul qilinadi.

Axboriy xurujlarga qarshi kurashning eng maqbul yo'llaridan biri – mamlakat o'zini o'zi axborot bilan ta'minlashi. Albatta, bunday axborot to'liq, sifatli va haqqoniy bo'lishi shart, aks holda jamiyat

a'zolari yanada xorijiy manbalarga murojaat etadilar va bunga xech kim to'sqinlik qilolmaydi. Aslida ichki xududni axborot bilan yetarli darajada ta'minlash uncha ham qiyin emas, chunki bugungi kunda axborot texnologiyalari juda keng ishlatilmoqda va axborot tarqatadigan sub'ektlar mamlakatning hamda dunyoning turli burchaklaridan xohlagan ma'lumotlarni olib mamlakat ichida tarqatishi mumkin. Faqat ushbu ishda loqaydlik va o'zi bo'larchilikka yo'l qo'ymaslik kerak deb o'ylaymiz.

Respublikamizda esa avvalo axborot telekommunikatsiya vositalarining texnikaviy bazasini yanada takomillashtirish lozim. Bundan tashqari o'zbek tilida ish yurutuvchi axborot telekommunikatsiya vositalari, xususan internet saytlarini ko'paytirish lozim. Shundagina o'z axboriy chanqoqligini qondirmoqchi bo'lgan yoshlarimiz turli axboriy xurujlardan himoyalansh imkoniga ega bo'ladilar.

Xulosa qilib aytganda axborot psixologik xurujlar bugungi kunda inson hayotining o'zligiga va kelajagiga tahdid solayotgan vositalardan biri ekan, bu xurujlardan himoyalanshning ijtimoiy psixologik yo'llari, usullari ishlab chiqilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Har qanday mamlakat o'z fuqoralarini atrofda bo'layotgan voqea-hodisalarga nisbatan hushyor, e'tiborli, mavjud shart-sharoitlarga nisbatan xolis, mantiqan to'g'ri va aniq baho bera olish qobiliyatlarini shakllantirish tahdidlarga qarshi kurashishda alohida ahamiyatga ega. Shu o'rinda Prezidentimiz I.A. Karimov "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida ta'kidlab o'tganlaridek: "Bugungi kunda zamonaviy axborot maydonidagi harakatlar shu qadar tig'iz, shu qadar tezkorki, endi ilgaridagidek, ha, bu voqea bizdan juda olisda yuz beribdi, uning bizga aloqasi yo'q, deb beparvo qarab bo'lmaydi. Ana shunday kayfiyatga berilgan xalq yoki millat taraqqiyotdan yuz yillar orqada qolib ketishi hech gap emas". Prezidentimizning yuqoridagi fikrlari o'z-o'zidan globallashuv jarayonlari avj olib borayotgan bir pallada axborot olami juda ham katta kuchga ega ekanligidan dalolat berib, kuchli ma'naviyat va ma'rifatga ega barkamol avlodni tarbiyalash har qachongidan ham dolzarb masala bo'lib maydonga chiqadi deb o'ylaymiz.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБУЧЕНИЯ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ И ГЛОБАЛИЗАЦИИ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Сулаймонова Г., научный сотрудник Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук имени Т.Н. Кары Ниязи

Сегодня мир достаточно стабильно движется вперед и в нём продолжают поиски такой парадигмы развития общества, которая бы не только отражала диалектику человеческого развития, но и олицетворяла практическое его осуществление через внимание к каждой человеческой личности, к каждому субъекту, к каждой стране. Поэтому на данном этапе развития всех стран мира каждая из них должна отличаться своей собранностью, деловитостью, энергичностью, рассудительностью, прагматичностью и быть рациональной.

В эпоху информационного общества ни у кого не остается сомнений, что именно по тому насколько широко внедряются достижения научно-технического прогресса, наукоемкие технологии, какова профессиональная подготовленность кадров определяется уровень развития страны, ее успех в той или иной сфере на мировой арене. Именно в этих условиях инновации становятся обязательным условием становления учебного заведения как открытой системы с целью обеспечения учащихся качественными образовательными услугами, что актуализирует проблему их планирования, организации и контроля, то есть управления инновационными процессами.

В республике был разработан «План мероприятий по дальнейшему совершенствованию деятельности специализированных подразделений органов государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах, ответственных за внедрение и развитие современных ИКТ» № 08/02-4-37 от 24 мая 2013 года и реализуется «Комплексная программа развития Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан на 2013-2020 годы» № 01-08/1-417 от 9 июля 2013 года.

Уделяя пристальное и заботливое внимание инновационным технологиям обучения подрастающего поколения, Республика Узбекистан заняла 60-е место в рейтинге самых счастливых стран мира среди 156 стран с индексом 5,623. Об этом говорится в отчете World Happiness Report 2013 под названием «Доклад о мировом счастье», подготовленный по заказу ООН [1].

В республике на внедрение и развитие ИКТ выделяются средства, которые включают:

- внедрение информационных систем и программных продуктов на содержание и материально-техническое обеспечение спецподразделения по ИКТ,
- закупку серверного и компьютерного оборудования на обучение и повышение квалификации кадров в сфере ИКТ,
- организацию доступа к сети Интернет, обслуживания ЛВС и корпоративной сети,
- проведение консалтинговых работ и исследований в сфере ИКТ.

Поэтому, чтобы вывести обучаемого на новый, более высокий уровень готовности к решению важных учебных и профессиональных задач и проблем необходимо расширить информационное поле для повышения уровня образованности молодого поколения. Поставленную задачу можно решить путём активного вовлечения информационных технологий обучения в образовательный процесс учебного заведения.

Под инновационными технологиями обучения понимаются педагогические технологии, использующие специальные способы, программные и технические средства (кино-, аудио- и видеосредства, компьютеры, телекоммуникационные сети) для работы с информацией [2].

Опираясь на современные психолого-педагогические исследования (И.П.Подласый и др.) инновации не могут быть сведены к созданию средств.

Инновации – это и идеи, и процессы, и средства, и результаты, взятые в единстве качественного совершенствования педагогической системы [3].

Исходя из этого, содержание инновационного развития рассматривается как индикатор конкурентоспособности нашего государства на мировой арене. Отметим, что категория конкурентоспособность внесена в список 40 ключевых понятий и принципов, разработанных рядом отраслей научного знания (кибернетикой, системологией, синергетикой и др.) как базовых характеристик научно-технических и организационно-управленческих преобразований конца XX века и начала XXI века. Поскольку конкурентоспособность страны выражается в способности государства достигнуть и поддержать в дальнейшем высокие темпы экономического роста, высокий уровень и качество жизни населения. Поэтому опыт многих стран мира показывает, что вложения в развитие новшеств окупаются, так как они исключительно рентабельны.

Значит, сегодня уровень благосостояния людей все больше измеряется количеством нововведений и степенью их применения. В связи с этим необходимо указать на следующую тенденцию: нововведения требуют организованного, планомерного, массового и общественного к ним отношения.

Системе образования в наступившем тысячелетии присуща инновационность как сущностная характеристика, способствующая пересмотру парадигмальных основ организации системы, формированию инструментов для смены ее целевых, содержательных и процессуальных сторон. Образование, с одной стороны, является объектом реформирования и модернизации со стороны общества, а, с другой, – выступает в качестве субъекта собственного саморазвития. Поэтому реализация стратегий саморазвития системы непрерывного образования возможна через инновационные процессы, которые способствуют совершенствованию цели, содержания, методов и технологий обучения и изменению сущностной парадигмальной основы образования, переходу от «знаниевой» к личностно-ориентированной модели образования.

Система непрерывного образования укрепляет инновационный характер обучения, так как позволяет своевременно обновлять и пополнять полученный в образовательном учреждении запас знаний, адаптироваться к переменам, лучше понимать возникающие проблемы и находить пути их инновационного решения. Исходя из этого, инновационную деятельность педагогов сегодня нужно рассматривать как сущность и глубинный источник саморазвития человека, общества и всей человеческой культуры.

С учетом вышеизложенного можно говорить о том, что инновационные процессы являются сущностной характеристикой системы непрерывного образования.

Психолого-педагогическое направление её включает в себя знания, связанные с:

- организацией образовательного процесса в условиях обучения (сущность, особенности составляющих, методы, средства, организационные формы, критериальный аппарат и т.д.);
- решением различных педагогических задач;
- анализом результатов самостоятельной учебной деятельности обучающихся;
- принятием решений по совершенствованию процесса обучения и самокоррекции учебной деятельности обучающихся;
- интеллектуальной готовностью внесения изменений в модель эмоционально-интеллектуального взаимодействия участников обучения и др.

Эти знания интегрируются со знаниями по психологии, информатике, эргономике и другим наукам.

Технологическое направление обеспечивает формирование способов и приемов деятельности учителей. Ведущие его функции заключаются в обеспечении интеграции смежных научных знаний при анализе и обосновании выбора эффективных путей организации обучения на каждом этапе, в каждой конкретной учебной ситуации, в раскрытии специфических педагогических задач, принципов, содержания, организационных форм и методов обучения конкретной учебной дисциплины или цикла дисциплин.

Технологическое направление включает в себя выработку умений и навыков, связанных с:

- проектированием содержания учебной дисциплины (например, интегрированные технологии, интегрированные курсы, интегрированные дидактические игры и тренинги, целостные компьютеризированные курсы, электронные учебники и др.);
- организацией самостоятельной учебной работы учащихся;
- организацией и поддержкой оптимальной обратной связи с учащимися;
- контролем и своевременной коррекцией их учебной работы;
- осуществлением непрерывного педагогического мониторинга результатов самостоятельной учебной деятельности обучающихся;
- прогнозированием дальнейшего совершенствования образовательного процесса и др.

Техническое направление связано с формированием информационной культуры педагогов. В этой связи предполагается знание основ в сфере информационных технологий и телекоммуникационных средств, в том числе и образовательных возможностей сети Интернет, умение педагогов целенаправленно их использовать в своей профессиональной деятельности.

Использование в электронных изданиях различных информационных технологий (АОС, мультимедиа, гипертекст) дает весомые дидактические преимущества электронному ресурсу по сравнению с «бумажным»:

- создается обучающая среда с ярким и наглядным представлением информации, что особенно привлекательно для школьников;
- осуществляется интеграция значительных объемов информации на едином носителе;
- гипертекстовая технология благодаря применению гиперссылок упрощает навигацию и предоставляет возможность выбора индивидуальной схемы изучения материала;
- на основе моделирования процесса обучения становится возможным дополнить учебник тестами, отслеживать и направлять траекторию изучения материала, осуществляя, таким образом, обратную связь.

Значит, специфика технологий на основе Интернета заключается в том, что они предоставляют и обучаемым, и педагогам громадные возможности выбора источников информации, необходимой в образовательном процессе:

- базовая информация, размещенная на Web- и FTP-серверах сети;
- оперативная информация, систематически пересылаемая заказчику по электронной почте в соответствии с выбранным списком рассылки;
- разнообразные базы данных ведущих библиотек, информационных, научных и учебных центров, музеев;
- информация о компакт-дисках, видео и аудиокассетах, книгах и журналах, распространяемых через Интернет-магазины.

Таким образом, сегодня человечество вступило в стадию построения информационного общества, в основе которого лежат свои специфические технологии, технологические системы и производственные отношения. Для современного общества эту роль играют информационные технологии и инновационная организация различных сфер человеческой деятельности. Её конечным результатом является создание новой формы организации экономики, основанной на знаниях, инновациях, на восприятии новых идей, систем и технологий, на готовности их практической реализации в различных сферах человеческой деятельности, выделяя особую роль знаний и инноваций.

TARIX FANIDAN MUAMMOLI TA'LIM MASHG'LOTLARINI TASHKIL ETISH

Haydarov, Yu. – BVXTXQT va MOI “Ijtimoiy-iqtisodiy fanlar” kafedrasida mudiri tarix fanlari nomzodi, dotsent, Jumaqulov N., katta o'qituvchi

Mamlakatimizda yuksak bilim va intellektual rivojlangan barkamol avlodni tarbiyalash voyaga yetkazish muhim vazifaga aylandi. Buning uchun har bir o'qituvchi o'z fanini o'qitishning eng samarali usuli zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishni puxta bilishi va bu boradagi yangiliklarni uzluksiz o'rganib boorish orqali o'z kasbiy mahoratini muntazam oshirib borishi talab qilinadi.

Ta'lim-tarbiya jarayoni sifati va samaradorligini oshirish kelgusi taraqqiyotimizning asosi ekanligi ma'lum. Bu haqda Prezidentimizning quyidagi so'zlari ibratlidir. "Biz ta'lim-tarbiya sohasidagi keng ko'lamli islohotlarimizni albatta, oxiriga yetkazishimiz, bunday ta'lim dargohlarini nafaqat qurish, ta'mirlash va jihozlash, balki farzandlarimizni zamon talablari asosida kamol toptirish uchun eng yuksak malakali o'qituvchi va domlolarini jalb etish, ularning bilim va tajribasini muntazam oshirib borishga eng muhim, g'oyat mas'uliyatli vazifa deb qarashimiz zarur".

Talim muassalarida ta'lim-tarbiya sifati va samaradorligini yanada oshirishda muammoli ta'lim mashg'ulotlarining o'rni va roli kattadir.

Ma'lumki, muammoli ta'lim texnologiyalari o'quvchini faollashtirishga asoslangan. Muammoli ta'lim texnologiyalardan foydalanish o'quvchilarning ijodiy tafakkuri va ijodiy qobiliyatlarini o'stirishda jiddiy ahamiyatga ega.

Muammoli ta'limning bosh maqsadi o'quvchilarning muammoni to'liq tushunib yetishiga erishish va ularni hal qilishga o'rgatishdan iborat.

Tarix fanidan o'qituvchilar darslar jarayonida muammolari vaziyatlar hosil qilishni va ularni yechish usullarini oldindan belgilib olishlari zaur bo'ladi. Muammoli vaziyat yaratishda tarix fani o'qituvchisi quyidagi usullardan foydalanishi mumkin:

- O'qituvchi o'quvchilarga dars mavzusi bilan bogliq ziddiyatli holatni tushuntiradi va uni yechish yo'lini topishni taklif etadi;
- Bir masalaga oid turli nuqtai nazarlarni bayon qiladi;
- Muammoni yechishga oid ma'lumotlar yetarli bo'lmagan mavzularni tanlaydi va ularni o'quvchilar muhokamasiga qo'yadi;

Masalan, IX sinfda "O'zbekiston tarixi" dan "Rossiya imperiyasining Turkistondagi mustamlakachilik siyosati" bo'limiga kiruvchi "Turkiston general-gubernatorligining siyosiy-ma'muriy boshqaruv tizimi" mavzusi bo'yicha o'qituvchi o'quvchilarga Turkistonda o'rnatilgan boshqaruvning mustamlakachilik tartiblari mazmun-mohiyatini tushuntiradi. Boshqaruv tartiblarining mustamlakachilik xususiyatlarini to'la tavsiflab beradi. So'ngra boshqaruv tartibidagi o'ziga xosliklarini aniqlashni taklif etadi. Bu muammolarning yechimini topish uchun o'quvchilar quyidagi masalalarga javob topishi kerak:

- General-gubernatorlik boshqaruv devoni vakolatlarini tavsiflab berishi;
- Viloyat boshqaruvi va qishloq boshqaruv tizimini atroflicha tahlil qilish;
- Uyezd boshqaruv tizimining mazmun mohiyatini yoritish.

O'quvchilar muammoning yechimini topganlaridan so'ng o'qituvchi ularning fikrini to'ldiradi va xulosalaydi.

Bir masalaga oid turli nuqtai nazarlar mavjud bo'lgan mavzular bo'yicha muammoli mashg'ulotlarni tashkil etishda umumiy o'rta ta'lim maktablarining VII sinfida o'qitiladigan "Jahon

tarixi”dan “Saljuqiylarva Usmonli turklar davlatlari” mavzusi yorqin misol bo’la oladi. Bu mavzu o’quvchilar o’rganishi uchun bir qadar murakkab bo’lishi bilan birga, mavzuga oid tarixiy voqea va hodisalarga turlicha qarashlar mavjud.

O’qituvchi mavzu bo’yicha muammoli vaziyatni tashkil etar ekan, Saljuqiylar davlatining vujudga kelishidagi tarixiy shart-sharoitlar, ijtimoiy tuzumi, Usmonlilar davlatining tashkil topishi, Bolqon yarim orolidagi istilolar haqida so’zlar ekan, o’quvchilarni Usmonli turklar g’alabalari omillarini topishga undaydi. Usmonli turklar davlati tashkil topishi va o’zga mamlakatlar bilan munosabatlari masalasida turli nuqtai nazarlar borligini, ayrim tarixchilar Usmonli turklar olib borgan istilochilik urushlarining ijobiy tomonlarini ko’rsatsalar, ikkinchi guruh olimlar ular olib borgan istilochilik urushlarini qoralaydilar. “Siz bu masalada qanday fikrdasiz?”-deya murojaat qiladi.

O’quvchilar Usmonli turklar olib borgan urushlarining og’ir oqibatlarini birma-bir sanab beradilar.

Ma’lumki, Usmonli turklar XIV asrning o’rtalaridan asirga olingan eng sog’lom va baquvvat xristian bolalaridan sultonning shaxsiy gvardiyasi (jangchilari) tayyorlangan. Yillar o’tib bolalar o’z tili va dinini unutib, sultonning sodiq yanicharlariga aylangan. Oilasi, mol-mulki bo’lmagan yanicharlar sulton uchun jonini ham ayamagan.

O’quvchilarning Usmonli turklar davlatining bunday siyosatiga o’z munosabatlarini bayon etishni talab etadi. O’quvchilar yanicharlarning urushlar va jangu-jadallar uchun tayyorlanganini, albatta, ma’qullamaydilar. Obodonchilik, bunyodkorlik, xalq faravonligi yo’lida fidoyilik ko’rsatish, faqat ezgu ishlarni amalga oshirish insoniyatga foyda keltirishini bayon qiladilar.

Muammoni yechishga oid ma’lumotlar yetarli bo’lmagan mavzularni tanlashda VII sinf “O’zbekiston tarixi”dan “Etnik jarayonlar va o’zbek xalqining shakllanishi” mavzusiga e’tibor qaratish mumkin. Darslikda etnik jarayon va o’zbek xalqining tashkil topishi masalalarida ma’lumotlar keltirilayotgan bo’lsada, masalani yechimini topishga oid ma’lumotlar yetarli emas.

Muammoning yechimini topish uchun qo’shimcha manbalarga murojaat etishga to’g’ri keladi. Bunda mamlakatimiz prezidenti Islom Karimovning “Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q” asari dasuramal bo’lib xizmat qiladi. Bu asarda o’zbek xalqining shakllanish jarayonlari batafsil yoritilgan.

Tarix fanidan muammoli ta’lim mashg’ulotlarini tashkil etishda muammoli vaziyatni quyidagicha hal etish mumkin:

- O’qituvchi muammoni qo’yishi va o’zi yechishi mumkin;
- O’qituvchi muammoni qo’yishi va uning yechimini o’quvchilar bilan birgalikda topishi mumkin;
- O’quvchilarning o’zlari muammoni qo’yadilar va uning yechimini topadilar.

Tarix fanidan qo’yilgan muammoli masalani yechishda quyidagi usullar qo’llaniladi:

- Mavjud muammoni turli nuqtai nazardan o’rganish, tahlil qilish;
- Muammoli masalani atroflicha solishtirish, umumlashtirish;
- Muammoli tarixiy voqea va hodisaga oid faktlarni aniqlash hamda qiyoslash;
- Muammoli vaziyatga bog’liq xulosalar chiqarish kabi usullardan foydalanish mumkin.

Tarix fanidan muammoli ta’limni qo’llashdan ko’zlangan maqsad-tarixiy voqea va hodisalar haqidagi bilimlarni o’quvchilarga tayyor holda berish emas, ular tomonidan dars mavzusiga tegishli muammolar bo’yicha o’quv-tadqiqotlarini bajarish asosida o’zlashtirilishini ta’minlashdan iborat.

O’quvchilar o’rganishi uchun quyiladigan muammo o’quvchilarning bilim darajalariga hamda intellektual imkoniyatlariga mos bo’lishi shart.

Tarix fanidan mavjud bo’lgan muammoli vaziyatni yechish uchun beriladigan topshiriqlar yangi bilimlarni o’zlashtirishga yoki muammoni aniqlab, yaqqol ifodalab berishga yoki amaliy topshiriqni bajarishga yo’naltirilgan bo’ladi.

O’quvchilarning tarixiy voqea va hadisaga oid muammoli vaziyatni tusunishlari esa uning kelib chiqish sabablari hamda nimalarga, qanchalik darajada bog’likligini idrok qila olishlari natijasida hosil bo’ladi. Bunday tushuna olish o’ navbatida o’quvchilarga mustaqil ravishda muammoni ifodalay olish imkoniyatini beradi.

МАКТАБДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ
Астанов Ш. – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

Педагогикада **инновация** – бу аввал намаълум бўлган, учрамаган, педагогика назарияси ва амалиётини ривожлантираётган педагогик фаолияти ўзгаришларининг мазмуни. Традицион педагогиканинг инновацион педагогикадан фарқи нимада? Таълимнинг икки парадигмасини таққослаган ҳолда фарқларнинг асосийларини топишга ҳаракат қиламиз.

Демократик парадигма бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган, авторитар парадигма эса ижрочини, бажарувчини, ўзи эркин ва мустақил фикр юрита олмайдиган, ўз фикрини билдира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган, мустақил билим олишга эриша олмайдиган шахсни шакиллантиради.

Бошқаришнинг демократик парадигмаси педагогик коллективда ҳамкорликни, авторитар парадигма эса бўйсунуш, кўркинчни шакиллантиради.

Демократик, инновацион мактаб эркин, ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини биладиган, қарор қабул қила оладиган, ўз қилган ишига жавобгар бўладиган шахсни тарбиялайди. Бунга янги мактабнинг деаократик руҳи, биргаликда ижодий иш қилиш ва ҳамжиҳатлик руҳи ёрдам беради. Бундай мактабни қуйидаги демократик муҳит кўрсаткичларидан билиб олиш мумкин.

Мактаб ўқитувчилар учун демократик муҳит кўрсаткичлари.

- Ўқитувчилар ўз мактаби билан фахрланадилар.
- Ўқитувчилар, уларнинг ғоялари ва таклифлари кўриб чиқилишини биладилар.
- Муҳим қарорларни муҳокама қилиниши ҳақида муҳокамадан кейин эмас, балки муҳокама қилинишидан олдин биладилар.
- Янги ўқитувчиларни дўстона кутиб оладилар.
- Муҳим янги муаммо катастроф сифатида эмас, балки даъват сифатида қаралади.
- Ўқитувчиларнинг мослашувчилиги эмас, балки инновацион ва мустақил иш рағбатлантирилади.
- Маъмурият ўқитувчиларга қарор қабул қилишни ўрганишга ёрдам беради, лекин унда ҳамма ҳам қатнашишни истамаслигини тушунади.
- Ўқувчилар мактабда қандай қарор қабул қилишини тушинишади.
- Қийин аҳволларда ўқитувчилар ёрдам учун ўқувчиларга ва маъмуриятга мурожаат қиладилар.

Мактаб ўқувчилари учун демократик муҳитнинг кўрсаткичлари.

- Муҳим қарорлар муҳокамада ўқувчилар иштироки билан қабул қилинади.
- Мактабда ўзини тутишда мослашувчилик эмас, балки мустақиллик ва ижодийлик қўллаб-қувватланади.
- Ўқувчилар ва ўқитувчилар болалар ҳуқуқи ҳақида билиши.
- Ўқувчилар мактаб директорининг кабинетига киришдан кўркмайдилар.
- Ўқувчилар гуруҳи янги мактаб қоидаларини ишлаб чиқиш имкониятларига эга.
- Ўқувчилар ўз сирларини ўқитувчиларга ишониб айтадилар.

Инновацион мактаб ўқитувчисига зарур бўлган хусусиятлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Шахсий ривожланишга, ижодий фаолиятга интилиш.
- Мотивация ва инновацияларга тайёрлиги.
- Таълимнинг замонавий энг муҳим томонларини тушуниш.
- Фикр юритиш қобилияти ва унга талаб.

	Фаолият мазмуни	Мақсад
Инновациянинг фаол тарафдорлари учун	Ижодий гуруҳда ишлаш, актив семинарлар, берилиб кетиш, тренинглар, амалий фаолият (очиқ дарслар)	Юқорироқ даражага чиқариш

Фаолиятсизлар учун	Семинарларда, ўқитувчилар мажлисида, тренингларда, илмий тадқиқот фаолиятида қатнашиш	Ишда иштирок эттириш
“Традицияни ёқловчилар” учун	Натижаларни ва ютуқларни кўрсатиш, ШМОда ишлаш, ўқитувчилар мажлисларида ва чора-тадбирларни ўтказишда маълумот олиш	Инновацион технологияларининг афзаллиги билан таништириш
Бепарволар учун	Муаммога киритиш, натижаларни таққослаш, амалий тажрибани ўрганиш ҳақидаги фикрлар билан танишиш	Инновацион технологияларнинг афзаллигига ишонтириш

Мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчиларнинг касбий билимини ошириш дастури ишлаб чиқилди.

Малакасини оширувчилар категорияси	Мақсад ва кўзда тутилган натижа	Малака ошириш формалари ва адаптив мактаб (инновацион педагогика) ғояси билан танишиш
<i>Инновациянинг фаол тарафдорлари</i>	ривожланишнинг юқорирок даражасига чиқишга ёрдам бериш	Мастер-класс (Намунали дарс) “Мотивация муаммоларини ўрганиш”.
		Ривожланиб борётган ўқитиш бўйича ижодий гуруҳ. Шаҳар “Истеъдодли бола” ижодий гуруҳида ишлаш. Гимназияда “Истеъдодли бола” семинарида қатнашиш. ШМОнинг муаммоли тематик машғулоти. Методик кенгашда ишлаш.
Инновациянинг фаолиятсиз (суст) тарафдорлари	Ишда иштирок этиш	Семинар “Адаптив мактаб” Ижодий гуруҳ “Таҳлил қилиш фаолияти”. Семинар “Ўқитишга дифференциацияланган ёндашишлар”.
“Традицияни ёқловчилар” (оппозиция)	Инновацион технологияларнинг афзаллиги билан таништириш.	<i>Ўқитувчилар мажлиси:</i> 1.”Бугунги кунда ўқиш-ўқитишнинг муаммолари ва мақсадлари”. 2.”Даражаларга бўлинган дифференциация, интеграция, ривожлантирилаётган ўқитиш адаптив мактабининг инновацион педагогиканинг технологик асосидир”.
Бепарволар	Инновацион технологияларнинг афзаллигига ишонтириш	3.Адаптив педагогика тизимини яратиш. Очиқ дарсларга таклиф қилиш, ўқитишнинг янги технологиялари билан танишиш: сернажали семинарларга таклиф қилиш. Традицион дарс тузилишини замонавийлаштириш (А.Н.Гин бўйича).

Семинарлар:

1. Адаптив мактаб. Мақсад, статус, вазифалар, муаммолар.
2. Белгиланган фаолиятда ўқувчини умумлаштириш.
3. Инновацион педагогика принциплар.

Режалаштириш усуллари

Режалаштиришда сиз фақат кўзда тутилган ва истаган муддаони бир қисмигинани кўрсатишингиз мумкин, шундай бўлса ҳам умуман режасиз ишлагандан кўра, ёмон режа бўлгани яхши.

Режалаштиришнинг тактикасини ёки вазифаларини аниқлаш методлари:

- Мақсадга эришиш учун зарур бўлган ишлар, кадрлар рўйхатини тузинг, концептуал режа, хариталар. Молиялаштириш, аммавий ахборот воситаларини аниқланг.
- Одамлар ва вазифаларни бирлаштиринг, ўрни ва мажбуриятини аниқланг.
- Зарур воситаларни баҳолашни амалга ошириш.
- Биринчи даражадаги аҳамиятга эга бўлган нарсаларни аниқланг.
- Ҳақиқийлиги бўйича текшириш ўтказинг.
- Режани амалга оширишга зарур бўлган бешта саволни беринг: ким, нима, қачон, қаерда ва нима учун.

Режаларингиз бўйича мурасага эришиш, бир-бирига тўғри келиши ва уларни бириктириш учун йўл-йўриқлар:

- Ташаббускор гуруҳ аъзолари, раҳбарият ва мактабингизнинг педагогик жамоалари ўртасида учрашувлар ўтказинг.
- Тушуниш меморандумини ёзинг.
- Ўз ғоянгни фактлар ва тафсилотларга эътибор билан қўллаб-қувватланг.
- Ўз режангизни ҳимоя қилишга ва ўзгартиришга ҳам тайёр бўлиб туринг.
- Ким сизга қарши чиқиши ва улар нима дейиши мумкинлиги ҳақида ўйланг. Ким сизни қўллаб-қувватлашини ва ким оппонент бўлишлигини билиб қўйинг.
- Танқидни қўллаб-қувватланг ва ундан конструктив фойдаланинг, шу йўл билан сиз нимани тузатишингиз кераклигини билиб оласиз.

Ҳар бир вазифани бажариш бўйича мажбуриятларни аниқланг – одамлар ва вазифаларни бирлаштиринг:

- Новаторлар гуруҳини ташкил қилинг, қўллаб-қувватланг ва кенгайтиринг.
- Новаторлар гуруҳига қандай ваколатларни беришингизни аниқланг, қўшма рағбатлантирувчи омиллар ҳақида ўйлаб кўринг.
- Бошқа ташкилотларни ҳамкорликка жалб қилинг.
- Режани амалга ошириш учун зарур бўлган бешта саволни яна бир марта беринг.

Энг охирги муддатларни ва назорат тартибларини белгиланг:

- Мумкин бўлган чекланишлар ва кўзда тутилмаган вазиятларни ҳисобга олиб энг охирги муддатларни реал ва ўзгарувчан қилиб белгиланг.
- Ишлар қандай кетаётганлигини тез-тез текшириб туринг.
- Агар охирги муддатлар белгиланмаган бўлса, иш ҳам ҳеч қачон бажарилмайди.
- Қилган ишларингизни хужжатлаштириб боринг.
- Қилинган ишлардан сабоқ олиш учун қайд қилиб боринг ёки ҳар бар лойиҳанинг хроникасини ёзиб боринг.

Ўз режангизни ҳар йили қайтадан кўриб чиқинг.

- Режалаштириш – бу жараён, ҳодиса эмас.
- Режалаштириш билан шуғулланиш учун вақт белгиланг (жуда бўлмаганда йилда бир марта).

MILLIY ISTIQLOL G' OYASI VA MA' NAVIYAT ASOSLARI FANINI O'RGANISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Abdullayeva M. – Buxoro VXTXQTMOI "Ijtimoiy-iqtisodiy" fanlar kafedrasida katta o'qituvchisi

Milliy istiqloл g'oyasi asosida ma'naviyatni shakllantirishni aniq maqsadga yo'naltirilgan pedagogik faoliyatlardan biri-jamoa bo'lib ko'rgazmalarni tomosha qilishdir. Ko'rish jarayonida berilayotgan bilimlar mustahkamlanadi, fanlararo aloqa bog'lanadi, qo'shimcha ma'lumotlarga ega bo'lish ta'minlanadi. Ayniqsa, tarixiy boy ma'naviy merosimizga doir bilimlarga ega bo'lish, vatanparvarlik tuyg'usi, milliy urf-odatlar, an'analarga hurmat hissi, millat ruhi, g'ururi hamda Vatanga sadoqat, umuminsoniy qadriyatlarga hurmat shakllanadi. Dunyoda vujudga kelayotgan

zararli g`oyalardan ogoh bo`lish va hushyor bo`lish har bir fuqaroning burchi ekanligini yoshlar ongiga singdirishdir.

7- sinflarning “Milliy istiqlol g`oyasi va ma`naviyat asoslari” darsligida “Zararli g`oyalar” mavzusi berilgan. Bu mavzuni tashkil etishda, guruhlarda ishlash uslubidan foydalanib, unda o`quvchilar:

- Zararli g`oyalar haqida tushunchalarga ega bo`ladilar;
- Vayronkor g`oyalarga qarshi kurashishda bunyodkor g`oyalarning ahamiyati to`g`risida ko`nikmalar hosil qiladilar.


Darsda har bir guruhga vazifa yozilgan tarqatma savollar (1- ilova), guruhlarga alohida- alohida plakatgachizilgan jadval va marker (2- ilova), skotch singari narsalar bilan jihozlanadi.

Birinchi bosqich: O`qituvchi tamonidan o`tilgan mavzuni yanada mustahkamlash, ijodiy izlanish va o`z mustaqil fikrini bildirishlari uchun imkoniyat yaratish maqsadida o`quvchilar uch guruhga bo`lib olinadi va tarqatma savollar guruhlarga tarqatilib, topshiriq beriladi. Topshiriq Qo`shningni top deb nomlangan texnologiya bo`lib, savollarga qo`shni javoblarni topishi kerak bo`ladi va o`z javoblarini yozma tarzda yozadilar, vaqt bo`lgach birma bir o`z javoblarini o`qiydilar. O`qituvchi quyidagi savol- javob orqali o`tilgan mavzuni mustahkamlaydi:

- Savollarga javob topishda qanday qiyinchiliklar bo`ldi?
- Ularni aniqlashda nimalardan foydalandingiz?
- Qo`shni javob haqida qanday yangi narsalarni bilib oldingiz?

Shu tarzda o`tilgan mavzu mustahkamlanib, o`qituvchi yangi mavzuni hamda topshiriqlarni bayon qiladi. O`qituvchi yangi mavzuni tushuntirish uchun doskani o`rtasiga “Zararli g`oyalar” deb yozadi va o`quvchilarga bugungi kunda qanday zararli g`oyalar mavjud ekanligi haqida aytadi. O`quvchilar zararli g`oyalar qanday salbiy oqibatlariga olib kelishi haqidagi fikrlarini aytadilar. O`quvchilar aytgan fikrlarni o`qituvchi “Qanday?” texnologiyasi usulida yozadi. Bu so`zlarni o`quvchilar bilan birgalikda tahlil qilib, ularning Yurt tinchligi, Vatan ravnaqi, qolaversa yosh avlodlarning kelajagi uchun naqadar xavfli ekanligi haqida ma`lumot berib o`tadi, o`quvchilar daftarlariga yozib oladilar.

NAMUNA:



O`qituvchi navbatdagi topshiriqni bajarish uchun, o`quvchilarni o`zi xohlagan usulda guruhlarga bo`ladi. Har bir guruhga oldindan tayyorlab qo`yilgan tarqatma savollar va alohida alohida plakatga chizilgan jadvalni tarqatadi. Topshiriq Qo`shningni top deb nomlangan texnologiya bo`lib, savollarga qo`shni javoblarni topishi kerak bo`ladi va o`z javoblarini yozma tarzda yozishlari lozimligi tushuntiriladi. Vaqt bo`lgach birma bir o`z javoblarini tahlil qilib, jadvalni to`ldiradilar.

JADVALDAN NAMUNA:

№	Savollar	№	Javoblar
1	1Narsa – hodisalarga xos eng muhim xususiyatlarning mujassam ifodasiga -	1	<i>Tamoyil</i>

2	2 Ko`pchilikning maqsadini aks ettiradi-	2	<i>G`oya</i>
3	3Muayyan voqea-hodisa yoki jarayonning insondagi doimiy orzu-intilish va ehtiyoji...-	3	<i>Manfaat</i>
4	4 Muayyan ijtimoiy guruh, millat, xalqning maqsad va muddaolarini ifoda etadigan, ularni uyushtirib, safarbar qilib, dunyoqarash va e`tiqod asoslarini shakllantiradigan g`oyalar tizimi...	4	<i>Mafkura</i>

Har bir guruhdan bir o`quvchi chiqib, o`z guruhining ishini doskaga ilib qo`ygan holda, o`qib beradi.

O`qituvchi yangi mavzuni mustahkamlash uchun o`quvchilarni quyidagi texnologiya bilan o`z diqqat e`tiboriga tortadi:

Bizning o`zbek xalqimiz azal- azaldan oilalarda, xonadonlarda to`kin sochinlik, omad, baxt keltirish, yomon kozlardan asralish uchun eshiklarga isiriq, qalampir yoki otning taqasini osib qo`yganlar. Bugungi kunda ham bu holatga ko`pchiligimiz amal qilamiz.

Biz yuqorida ot taqasini ayganimizning sababi, yomon ko`zlardan, yovuz kuchlardan xudo asrasin va omadli, yorug` kunlar sizga doim hamroh bo`lsin deya darsga biroz yangilik kiritish maqsadida “Oltin taqa” texnologiyasini qo`llaymiz. Texnologiyamizda oltita bekat bo`lib, ishtirokchilarning har biri oltita raqamdan bittasini tanlashi lozim. Har bir bekatda o`quvchilar bajarishi kerak bo`lgan vazifalar bor. Ularni bajara olgan o`quvchi oltin taqaga ega bo`ladi, vazifani bajara olmagan o`quvchilar oltin taqani qo`lga kirita olmaydi.U o`z joyida qoladi. Texnologiya o`qituvchi tomonidan tushuntirilib bo`lgach, o`quvchilar birin ketin topshiriqni bajaradilar.

NAMUNA:

	<p>«OLTIN TAQA» TEXNOLOGIYASI</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. <i>Ajdodlarni yod etib.</i> 2. <i>Milliy g`oya baxtimiz- yot g`oyaga qarshimiz.</i> 3. <i>Maqolni davom ettiring.</i> 4. <i>Lug`aviy atamalar bilimdoni.</i> 5. <i>Erkin iste`dod.</i> 6. <i>Savol bizdan, javobi sizdan.</i>
---	--

O`quvchilar guruhdagi ishlariga, muhokama va taqdimotga qatnashishlariga qarabrag`bat kartochkalari bilan taqdirlandi va baholar bilan baholanadi. Guruhlarning ko`p rag`bat kartochka olganligiga qarab baho qo`yiladi.

O`qituvchi o`quvchilar ishini kuzatib, kerakli maslahatlarni berib boradi va texnologiyalarda kuzatilgan xatolarni to`g`irlab boradi. O`qituvchi tomonidan o`quvchilarga uyga vazifa sifatida “Domino” nomli texnologiya beriladi. Bunda chalkash so`zlar yozilgan bo`lib, o`quvchilar bu so`zlarni biriktirib, ulardan fanga oid bo`lgan atamalarni hosil qilib, 10 ta so`z yozib kelish topshiriladi.

NAMUNA:
DOMINO

**VIJISTRELATDA VAH
FESPARASTNIYATDON
NAYATMIZMHOTER
NARMA`DINQOTLIGI**

**RIFAT SIYAAQI VIYAT
KONLOM G`OYAQAD
ERKIN KOBIYRIMIL
LIKEKSROIZM
RIZNEZMA`E`TILIKAX
DARITRE LOQ**

Yuqori sinflarda darslarni ana shu kabi tashkil etish orqali, o`quvchilarning o`zaro hamjihatligini ta`minlash, yangi texnologiyalar va interfaol metodlarni qo`llash orqali har bir fanning hayotda qo`llanilishi, ular to`g`risida xulosalar chiqara olishi, birgalikda muammolarni hal qilish ko`nikmalariga ega bo`lish, hatti harakatlari uchun javobgarlik va ma`suliyatini oshirish mumkin

Milliy va diniy qadriyatlarning targ`iboti, shubhasiz, omma ongida har qanday g`oyaning sarasini saraga, puchini puchga chiqaruvchi, ayniqsa, ekstremizm va terrorizm g`oyalari qarshi mustahkam immunitetning shakllanishiga xizmat qiladi. Bu borada berparvolik va loqayidlikka yo`l qo`ygan jamiyat, shubhasiz, halokatga maxkumdir. Zotan, "Ma`naviyatni mustahkamlash uchun mehnat va mablag`ni ayash o`z kelajagiga bolta urish demakdir", degan ibratli umrboqiy hikmat zaminida ham har qanday yovuzlikning, shu jumladan, terrorchilikning oldini olishga qaratilgan ogohlik va unga qarshi kurashga hamisha tayyor turish lozimligi haqidagi ezgu da`vat yotibdi.

**O`QITUVCHI PEDAGOGNING AKT DAN FOYDALANISH ORQALI TIL
O`RGANISHNING DOLZARB MASALALARI**

Ismatullayeva G. – FVXTXQTMOI, Sobirova D., Xamraqulova D. – Farg`ona Pedagogika kolleji.

Hozirgi zamonaviy mutaxassislar uchun xorijiy tilni bilish uchun ahamiyatli bo`lib qoldi. Sababi – hozirgi kunda fan-texnikaning rivojlanishi, sanoat korxonalariga chet el texnikasi, texnika vositalari hamda investitsiyalarning kirib kelishi, qo`shma korxonalarining ochilishi o`z-o`zidan yoshlarni horijiy tillarni bilishi talab qilinadi.

Chet tilini o`rganishda eng muhim omil bo`lgan kommunikativ. Kommunikativ omil ikki ta asosiy komponentdan iborat. Ular quyidagicha:

- Aloqa o`rnatish;
- So`zlashish;

Bundan tashqari, tildan foydalanish ijtimoiy va madaniy qadriyatlar bilan bog`liqligi uchun tilni ham ijtimoiy, ham madaniy hodisa sifatida baholash lozim. Mjustaqil O`zbekistonimiz ravnaqi yo`lida barkamol avlod, yetuk kadrlar, fan asoslarini puxta egallagan yoshlarning o`rni juda muhimdir. Shuning uchun hozirgi zamon talablariga muvofiq horijiy tillarni o`rganishda zamonaviy ahborot vositalaridan foydalanish muhim ahamiyatga egadir. Shu yo`sinda davlatimizda qator farmon, qarorlar, instruksion hujatlar ishlab chiqarildi. Aynan o`qituvchi – pedagoglardan chet tilini bilish, AKT dan keng foydalanishni talab qilinmoqda. Zero, har bir dars – mashg`ulot yuqori saviyali hamda inovatsion ped texnologiyalar asosida olib borilishi shartdir. Demak, o`qituvchi – pedagog o`z pedagogic faoliyati jarayonida AKT dan foydalanish va chet tilini o`rganish kabi zamonaviy talablarni targ`ib etishi lozim. Chet tilini o`rganishning targ`ibot qilish quyidagi ishlar ko`rinishida bo`ladi:

- Terminning etimologiyasini tushuntirish;
- Termin – so`zlarni lug`aviy ma`nosini o`quvchilar tomonidan o`rganib kelishini vazifa qilib belgilash;
- So`zning tarixiy kelib chiqishi haqida qiziqarli ma`lumotlarni o`quvchilarga yetkazish;
- O`quvchilarga qiziqarli ma`lumotlarni yeg`ib kelishni vazifa qilib berish;
- Dars – mashg`ulotda chet tilidan bevosita foydalanish;
- Lug`at kitobidan foydalanish;
- Internettan foydalanishni jalb qilish;
- Kompyuter dasturidan faol foydalanish.

Shuningdek, o`quvchilarni fanga qiziqitirish, uni kelajakda yetuk mutaxassis tayyorlash uchun o`qituvchi pedagog o`z ustida ko`plab ish olib borishi zarur. Masalan, ingliz tilini o`rganishda o`qituvchi o`zi to`rt ta muhim usullarni o`zlashtirishi shart. Ular quyidagicha:

1. Tinglash;
2. O`qish;
3. So`zlashish;
4. Yozish.

So`zlashish asosiy tajribagina bo`lib qolmay, u horijiy tilni o`rganuvchilardan mahorat talab qiladi. Albatta, pedagogic faoliyat cheksizdir. Bundan tashqari pedagog – o`qituvchining murakkab, ham sermehnatdir. Pedagogika fani globallashuv jarayoni chuqurlashgan va kengaygani bilan ham o`zgarib boradi. Shuning uchun axborot – kommunikatsion texnologiyasidan foydalanish ham – zamon talabi bo`lib qoldi.

O`qituvchining kasbiy pedagogic mahoratini shakllantirishning muhim qismi uning uslubiy va ilmiy ishidir. Pedagogning ilmiy – uslubiy ishi quyidagi tadrijiy ish shakllaridan iborat:

- To`plagan tajribalarini sistemali tahlil qilish;
- Tizimlashtirish;
- Umumlashtirishdir.

Uslubiy ish – pedagog – mutaxassisning asosiy majburiyatlaridan biri hisoblanib maxsus fanlardan o`qitish metodikasi ishlab chiqish, zamonaviy loyihani yaratish, effektiv component va atrebutlardan foydalanish va takomillashtirishga yo`naltirilgan bo`ladi.

Shuningdek, o`qituvchi – pedagogning uslubiy ishlar keng miqyosidagi muammolarni qamrab oladi:

- Mustaqil ta`limni joriy etishda dastur bo`yicha topshiriqlar majmuini yaratish;
- O`quvchilarning fikrlash faolligini va mustaqilligini rivojlantirishni ta`minlovchi, ta`limning shakl va usullarini takomillashtirish;
- O`quv dasturlariga o`zgartirishlar kiritish;
- Ta`limni individuallashtirish (individual topshiriqlar va ishlar)
- Dedaktiv materiallarni ishlab chiqish va tadbiq qilish;
- O`z uslubiy monitoringini yaratish va tahlil ishlarini olib borish;
- Porfolioni yaratish va uning bazasidan foydalanish;
- Zarur ko`nikmalarni egallash uchun topshiriqlar majmuini ishlab chiqish, o`qitish mazmunida uning o`rnini aniqlash.

Bunday kompleksli yondashishda axborot – kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish avzalliklari quyidagichadir:

- Taqdimot dasturini yaratish va foydalanish;
- Modulli o`qitish;
- Inter faol o`qitish;
- Nofaol o`qitish;
- Videoroliklardan foydalanish;
- Kompyuter dasturidan foydalanish;
- Internet materiallaridan foydalanish va h.k.

Bunday texnologiyalardan foydalanish uchun chet tilini bilish darkordir chet tilini o`rganishda esa axborot - kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish avzaldir. Ikkala tizimdan foydalanish esa quyidagi muvaffaqiyatli natijalarga erishish mumkin:

- Fanga qiziqtirish;
- Fan yutuqlariga yo`naltirish;
- Ilmiy tadqiqot ishlariga jalb qilish;
- Kelajak mutaxassislikka kirishishda ijtimoiylashuv jarayoni osonlik bilan oshiriladi;
- AKT ga qiziqish;
- O`z o`qituvchilik faoliyatida AKT dan foydalanish;
- Chet tiliga muhabbatni shakllantirish;
- Chuqurroq o`rganishning motivatsiyasi paydo bo`lishi;
- Har bir uy vazifasini bajarishda inovatsion yondashish;
- Chet tillar lug`atlaridan tez-tez foydalanishi;
- Bo`lajak kasbni egallashda AKT va chet tilidan foydalanishi va h.k.

Chet tillarni o`rganishda masofaviy ta`lim usullaridan matbuot, internet ma`lumotlaridan foydalanish o`quvchilarni chet tillarini o`rganibgina qolmay, ularning intellectual darajasini oshirishga harakat qiladi. Horijiy davlatlarda nashr etilgan adabiyotlardan, jurnal va gazetalardan foydalanilsa maqsadga muvofiq bo`lar edi. O`z mutaxassislik fanini o`rganish mobaynida chet el adabiyotlaridan foydalanish yaxshi samara beradi. Adabiyotlar asosi internetdan olinsa, bevosita o`z mutaxassislik fanlari bo`yicha horijiy manbalardan, darslik va o`quv – uslubiy qo`llanmalardan foydalanilsa ko`zlagan natijaga erishiladi. Chet tilini o`ranishda kompyuterdan foydalanish ham o`qituvchi, ham o`quvchilar uchun qulaylik yaratadi. Dars jarayonida kompyuterda dasturlashtirilgan mavzular yordamida o`z bilimlarini oshiribgina qolmay, kompyuterda ishlash malakasini ham o`zlashtiradilar. Internet orqali fan yutuqlarini kuzatish va unga o`quvchilarni jalb qilish – pedagogic va o`quv maqsadga yo`naltirilgan ish albatta, chet tilini bilishi bilan o`z ijobiy samarasini beradi. Shuningdek. O`qituvchi o`z faoliyatida chet tilini o`rganish bugungi kunda dolzarb masalalaridan biridir. Chet tilini o`rganishda AKT dan foydalanish esa nafaqat shaxsiy va kasbiy bilim, ko`nikma va malakasini, balki o`quvchi yoshlarda ham dunyoqarashini shakllantiradi. Globallashuv zamonida o`qituvchi – pedagogning chet tilini o`rganishi, AKT dan va internet materiallaridan foydalanish o`quvchilarni quyidagi ijobiy natijalarga olib keladi:

- O`quvchining telefonmaniyasidan uzoqlashuvi va chiqib ketishi;
- Internetdan madaniyatli foydalanishi;
- O`z bilimlarini tizimli yo`lga qo`yishi;
- Mavkuraviy immunitetini ongli ravishda kuchaytirish;
- Chet tilini o`rganish jarayonini to`xtatmasligi;
- AKT dan unumli foydalanishi;
- Dars - mavzuni dasturlashda o`qituvchiga yordam berishda intilishi;
- Fan va mavzu bo`yicha mustaqil ishlarga qiziqishi;
- Kompyuter texnologiyasini bilishda u bosqichdan bu bosqichga dadil qadam qo`yishi qiziqishi.

ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Гадоева М. – БВХТХҚТМОИ ўқитувчиси.

Замонавий таълим технологияларининг ҳамияти тўғрисида муҳтарам Юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор” деган фикрларини билдирганлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунларига асосан таълим соҳасида мақсади ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юқори малакали, олий маълумотли кадрларни тайёрлашга эришишдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича бу мақсадга эришишни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири таълимда замонавий педагогик технологияларни жорий этишдир. Бу жараёнда, албатта ўқитувчининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ўқитувчининг инновацион фаолияти ўзи билан ўқувчилар орасида ҳақиқий, инсоний муносабатлар, ишчан ўқув вазиятини вужудга келтиришга қаратилиши лозим. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини ўрганиш ва ташкил этиш асосларини яратиш педагогиканинг марказий масалаларидан ҳисобланади.

Педагогик технологияда муҳим жиҳатлар бўлган ўқитувчининг нутқ маданияти, яъни саводли гапириш, уз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, фикр мулоҳаза ҳамда ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Фанларни ўқитиш жараёнида турли хил инновацион технологияларидан фойдаланилади. Қуйида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган тренинглар (технологиялар) берилиб, баъзиларининг ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсиялар баён қилинади:

«ТАРМОҚЛАР» методи - ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

«ИНТЕРВЬЮ» техникаси - ўқувчи-талаба савол бериш, ешита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

«ИЙЕРАРХИЯ» техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усуллари қўллаш орқали уларни мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

«БУМЕРАНГ» техникаси - ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини еркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

«ТАЛАБА» тренинги - ўқувчи-талабалар билан яқка ҳолда ишлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни ёқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш ёълларини ўргатишга қаратилган,

«ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ» тренинги – ўқитувчининг инноватсия фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар» мавзусидаги мустақил фикрлашга, ижодий иншо ёзиш орқали фикрларни баён қилишга қаратилган.

«МУЛОҚОТ» техникаси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб етиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил етишни ўргатишга қаратилган.

«БОШҚАРУВ» техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчи-талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништириш ва ўргатишга қаратилган.

Хуллас, фанларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш педагогиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, жараёнларни методик жиҳатдан тўлақонли амалга оширишда ўқитувчининг касбий маҳорати алоҳида аҳамият касб этади.

TARIX FANINI O`QITISHDA ZAMONAVIY TA'LIMNI JORIY ETISH VA AXBOROT TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

*Odinayeva M – Buxoro viloyati XTXQT va MOI Masofadan o`qitishni hududiy muvofiqlashtirish
markazi koordinatori*

Beshimov S – Buxoro yuridik va maishiy xizmat kasb hunar kolleji o`qituvchisi

**Ma'naviy jihatdan yuksak rivojlangan insonni tarbiyalash,
ta'lim va maorifni yuksaltirish, milliy uyg'onish g'oyasini
ro'yobga chiqaradigan yangi avlodni voyaga yetkazish
davlatimizning eng muhim vazifalaridan biri bo'lib qoladi.**

I. Karimov

Zamonaviy ta'limni joriy etish bugungi kun davr talablaridan biridir. Ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlarning tub mohiyati ta'lim mazmuni va shaklini takomillashtirishga qaratilgan. Fan-texnika taraqqiyoti, jamiyatimizning demokratlashuvi, axborot miqyosining oshib borishi kabi omillar o`quvchining shaxsiy xususiyatlariga, jumladan idrok eta olish, tasavvur va fikrlash, aqliy qobiliyatlarining rivojlanishiga olib keldi. Zamonaviy ta'lim oldida turgan eng muhim vazifa o`quvchi shaxsining ilm olishga bo`lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan. Bugungi kun yoshlarini har tomonlama yetuk, mukammal, komil inson qilib tarbiyalash biz o`qituvchilarning muhim vazifalarimizdan biridir. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti “Tarixiy xotirasiz – kelajak yo`q” asarida komil inson tushunchasiga aniq ta'rif berdilar. “Komil inson deganda biz, eng avvalo, ongi yuksak, mustaqil fikrlay oladigan, o`z xulq– atvori bilan o`zgalarga ibrat bo`la oladigan, bilimli, ma'rifatli kishilarni tushunamiz”. Ta'lim tizimi va maktab oldiga komil insonni tarbiyalab voyaga yetkazish maqsad qilib qo`yildi.

Har bir shaxs o`zicha tarbiyachi va tarbiyalanuvchi hisoblanadi. Odamzod bor ekan, tarbiya haqida har kuni nimadir yangi fikr aytishga, uning uslub va qoidalarini o`zgartirishga ehtiyoj tug`ilaveradi. Biz o`quvchilarning jamiyatga moslashuvi jarayonida ularni o`zimizga mos ravishda o`stirishga harakat qilamiz. Xuddi o`zimizdek fikrlashga, bizdek harakat qilishga undaymiz. Buning uchun iloji boricha bilganlarimizning hammasini o`rgatishga intilamiz.

Vaholanki, biz uni ko'p bilishga emas, ko'p bilish yo'llarini o'rganishga o'rgatishimiz kerak. Bu o'rinda qadimiy yunonlarda bo'lgan bir aqidani keltirsak. Ya'ni, ta'lim oladigan bolaga qanchalik ko'p bilim solsang shuncha to'ladigan xum deb emas, go'yoki sham deb qarab, uni yoqib qo'yish kerak. Shunda u o'ziga o'zi ziyo berib ilm izlaydi, o'zi uchun o'zi harakat qiladi.

Har bir ta'lim olayotgan o'quvchining dunyoqarashi shakllanishida, rivojlanishida o'qituvchining o'rni, ahamiyati, dars berish shakllari juda katta rol o'ynaydi.

Bugungi kunda ta'lim tizimining eng asosiy talablaridan biri bu darslarni zamonaviy usullarda o'tish va ta'limni takomillashtirishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanishdir. O'quvchilarning har bir darsga qiziqishini, faolligini oshirishda, interfaol o'qitish usullari ijobiy samara bermoqda. Hozirgi kun maktab ta'limiga qo'yilayotgan muhim talab ta'lim mazmuniga zamonaviy axborot texnologiyalarni keng qamrovda joriy etishdir. Mazkur talab dars jarayonida muammoli vaziyatlar yaratib, o'quvchilar faolligini oshirish, mustaqil va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish, o'z nuqtai nazarini asoslay olish, ularni nutqiy faoiyatiga tayyorlash, ta'lim samaradorligini oshirish kabi bir qator vazifalarni amalga oshirishga xizmat qiladi. Ilg'or tajribalarni o'rganish ijobiy samara beradi, o'quvchi faolligi va qiziqishini, o'qituvchi mahoratini oshiradi. Dars jarayonida o'quvchilarga faqatgina DTS talabi bo'yicha bilim va ko'nikmalarini berish bilan cheklanib qolmasdan, ushbu bilim va ko'nikma asosida o'quvchilarni hayotga, tabiatdagi har bir ijtimoiy voqealarga to'g'ri munosabatini rivojlantirishni, ya'ni ta'lim bilan birga tarbiyani ham qo'shib olib borishni asosiy maqsad qilib, uni amalga oshirish muhim vazifalardan biridir.

Zamonaviy darsga qo'yiladigan talab, asosan, jamiyatimizning ehtiyojlaridan kelib chiqadi. Zamonaviy darslar an'anaviy darslardan farq qilgan holda o'quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslagan holda himoya qila bilish, sog'lom muloqot, munozara, bahs olib borish ko'nikmalarini shakllantirib, rivojlantirib boradi. Zamonaviy texnologiyalarni olib borishda ma'lumki, asosan interfaol usullar qo'llanilmoqda. Bu usullar – har bir o'qituvchi tomonidan mavjud vositalar va o'z imkoniyatlari darajasida amalga oshiriladi. Bunda har bir o'quvchi o'z motivlari va intellektual darajasiga muvofiq ravishda turli darajada o'zlashtiradi. Ta'limda informatsion hamda pedagogik texnologiyalarni qo'llashda o'quvchi eshitish, ko'rish, ko'rganlari asosida mustaqil fikrlash imkoniyatiga ega bo'ladi. Ta'limning samarali natijalar berishi, eng avvalo, o'qituvchi va o'quvchilarning o'zaro munosabatiga, qo'llaniladigan ta'lim usullari texnologiyalarga bog'liqligini har bir o'qituvchi yaxshi biladi. Shuning uchun ta'lim jarayonida o'qituvchi va o'quvchi hamkorligida faoliyat ko'rsatish, o'zaro tushunish, ijobiy munosabatlarga asoslangan muloqotli, ijodiy ishlashni yo'lga qo'yishga erishishga intilish kerak. Bugun o'quvchini mustaqil fikrlash qobiliyatini oshirishda noan'anaviy, qulay va o'ylashga majbur qiladigan axborot texnologiyalardan foydalanish pedagog xodimlar oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Tarix fanini o'qitishda zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish o'quv samaradorligining keskin o'sishiga ko'maklashadi. Masalan: kinoli dars, teatrli dars, chizma darsi, kompyuterlashtirilgan darslar va hokazo. Bundan tashqari “Zakovat”, “Intellektual ring”, “Zinama-zina” teleo'yinlardan foydalanib darslarda muntazam qo'llanilsa o'quvchi tafakkurini charxlab, dunyoqarashi rivojlantirib mustaqil fikrlashga undaydi.

O'qituvchi har bir darsni tashkil etishda axborot texnologiyalaridan foydalanishi zarur. Chunki bu texnologiyalar darsning samaradorligini oshishiga yordam beradi. Bunda o'quvchilar darsni tez o'zlashtiradilar, bir – birini fikrini hurmat qilishni o'rganadilar, o'zaro hamkorlikda ishlaydilar, orqada qolgan o'quvchini o'zlariga tortishga harakat qiladilar. Bugungi zamon yoshlari talabchan, televideniye, matbuot, kompyuter, internet orqali ko'p ma'lumotlarga ega bo'lishni xoxlashadi. Buning uchun o'qituvchi darslarda har xil internet resurslaridan foydalanib, har bir darsni noan'anaviy usulda o'tishi lozim.

Xulosa qilib shuni ta'kidlash lozimki, bugungi tezkor davrda yoshlarda mustaqil fikrlash qobiliyatini oshirish, ularni o'z ustida ko'proq ishlashga jalb etish, ta'lim berish jarayonida axborot kommunikasion texnologiyalardan ko'proq unumli foydalanish juda muhimdir.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Қосимова Н. – Андижон ВХТХҚТМОИ “Педагогика, психология ва таълим менежменти”
кафедраси мудири

Рахимова О. – Асака педагогика коллежи катта ўқитувчиси

Комил шахсни тарбиялаш муаммоси ривожланаётган ва тараққиётнинг юксак чўққисига интилаётган жамият учун муҳим масаладир. Ўзининг мустақиллик тараққиёт йўлидан кетаётган Ўзбекистон Республикаси учун ҳар бир фуқаронинг маънавий камолоти, шахс ва жамиятнинг уйғунлигини таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси ва уни юқори малакали мутахассис сифатида мукамал таълим олиш масалалари давлат сиёсат мақоми даражасида ҳал қилинаётган бунинг ёрқин исботидир.

Таълим-тарбия жараёнини асосий объекти ўқитувчи бўлса, унинг субъекти ўқувчи хисобланади. Бугунги кунда боланинг қизиқишлари ва имкониятлари кенг бўлишига қарамасдан, ўқитувчи ўқувчига таълим беришида замон талабларига мос бўлиши мумкин бўлган барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда таълим бериш зарурияти туғилди. Замонавий тахнологияларни турлари турли хил бўлишига қармасдан, педагогик ўйинлардан фойдаланган ҳолда қизиқарли жараённи ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Педагогик ўйинларни ўтказиш ҳар доим нимани гапириш, қандай иштирок этиш, самарадорликка қандай эришиш? Каби саволларни олдиндан ҳал этилишини тақозо қилади. Бундай саволларни ҳал этиш ўйин қатнашчиларини фикрлаш қобилиятини янада ривожлантиради. Ўйинларни дарсдаги ўрни ва уларга ажратилган вақт талабларини тайёргарлиги, ўқув материални мазмуни, машғулотларнинг аниқ мақсади ва бошқалар каби омилларга боғлиқ бўлади.

Педагогик ўйинлар жараёнида ўқувчилар берилган ролга мос ҳолда (ўқув-тарбия жараёнини олиб боровчи ўқитувчи) амалий вазифаларни бажарадилар. Педагогик ўйинларнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни тахлил қилиш, вазиятни баҳолаш ва уни назарий ҳолатларда мос ҳолда таххис қилиш асосида, қабул қилган қарорларини амалга жорий қилишга ўргатишдан иборат. Бунда биринчи навбатда педагогик “техника” (нутқ, мимика, ўзини бошқариш, ўзини ва атрофдагиларни тушуниш, улар билан мулоқот ва х.к) шаклланади.

Педагогик ўйин имитациялаш, бошқарув жараёни бўлиб, унинг иштирокчилари белгиланган мақсад ва қоидаларга асосан қарор қабул қиладилар ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган вазиятларнинг муайян шароитларида уларнинг бажарилишини бошқарадилар.

Масалан “Маънавият асослари” дарсларида кўйидаги ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1. Машқ ўйини. Бунда ўқитувчи функциясини бажариш билан боғлиқ бўлган (дидактик воситаларни танлаш, дарс режасини тузиш, техник тахнологик хужжатларни тайёрлаш ваб) ёки амалий фаолият жараёнида юзага келадиган педагогик вазиятларни тахлил қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган муайян кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсад қилиб олинади. Ўқувчилар машқ-ўйинлари жараёнида реал шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнларини режалаштириш, тахнологик ва йўриқнома хариталарни тузиш йўриқларини ишлаб чиқиш ва бошқа вазифаларни бажаришни ўрганадилар.

2. Ролли ўйин. Ролли ўйин бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади. Ролли ўйинларда бир нечта ўқувчи қатнашиб, улар муайян имитациялаштирилган вазиятларда ўқитувчи ва ўқувчи ролини бажарадилар. Ўйин жараёнида ўқувчилар ўзларининг тарбияланувчилари хулқи ёки ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш юзасидан мулоқотга киришиш, суҳбатлашишга ўрганадилар.

3. Вазиятл и ўйинлар. Бундай ўйинлар комплекс характерга эга бўлиб, машқ-ўйинлари ва рол ўйинлари элементларини ўзида жамлаши мумкин. Ушбу ўйиннинг вазифаси ўқувчилар томонидан педагогик вазиятларни баҳолаш, назарий ҳолатларга асосланган ҳолда зарур қарор

қабул қила олиш ва уларни реал шароитларга яқин вазиятларда амалга жорий қила олишга ўргатишдир. Ўйин давомида ўқувчилар педагогик “техника”ни, қабул қилинган қарорларни жорий қилишни, “ўқувчилар” билан мулоқотга киришишни, уларнинг ўзини намоён қилишлари ва ҳаракатларига тўғри баҳо беришни ўрганадилар.

Педагогик ўйинларни тайёрлаш ва уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланади.

1. Ўйин вазияти реал шаротга мос келиши зарур.

2. Ўйин тузилмаси ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига мос бўлиши ва уларнинг ҳар бири томонидан ижодий қарор қабул қилишига йўл қўйиб бериши зарур.

3. Ўйинда ўқувчиларнинг педагогик қарорларини қўллаб-қувватлаш имкониятлари кўзда тутилиши зарур.

4. Ўқувчиларнинг ўйинли вазиятларга киришиши имитацияланган ҳолатнинг кечиш жараёнига мос ҳолда амалга оширилиши зарур.

5. Педагогик ўйин бўлажак мутахассиснинг касбий мослашишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши зарур.

Педагогик ўйинларнинг тузилмаси қуйидагича амалга оширилади.

1. Номи – аниқ, қисқа, эсда қоладиган ва ўйин моҳиятини акс эттириши зарур.

2. Ўқув мақсади – аниқ шаклланган, касбий фаолиятга йўналган бўлиши зарур.

3. Шароити – ҳаракат жойи ва вақти, воқеаларнинг объектив тавсифлари, воқеа қатнашувчилари, уларнинг хусусиятлари, воқеага муносабатлари ва педагогик вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш учун зарур ахборот.

4. Таркиби – иштирокчилар контингенти, уларнинг функционал вазифалари, фаолият соҳалари, ўйинга тайёргарлик даражаси кўрсатилиши зарур.

5. Сценарийси – ўйин иштирокчиларининг ўйин вазиятларига киришиш регламенти, объектив шароитларни юзага келтириш, ўйиннинг кечишини тасвирлаш.

Ўйинлар қуйидаги босқичлар бўйича ташкил қилинади ва ўтказилади.

1. Ўқув мақсади бўлажак касбий фаолиятга қизиқтиришни ҳосил қилиши зарур, ушбу ҳолат ўқувчиларнинг фаоллик даражасини аниқлаб беради ва ўйиннинг самарасини белгилайди. Шунинг учун ўқувчилар ўйинни вазифалари, ўтказиш натижасида улар нималарни ўрганишлари зарурлиги билан таништирилади.

2. Ўйинга тайёргарлик кўриш жараёни ўқувчиларнинг касбий вазифаларини бажариш учун билимлар, кўникма ва малакаларини ривожлантиришни назарда тутиши зарур. Тайёргарлик жараёнида ўқувчилар муайян иштирокчининг ўйналаётган воқеага дахлдорлигини ҳисобга олган ҳолда ўзининг роли, вазифалари мазмуни ва х.к билан таништирилади.

3. Ўйин жараёни унинг мазмуни ва мақсадига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади. У дастлабки ҳатлар билан танишиш, ҳар бир ўқувчи томонидан вазиятни баҳолаш, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш ва ушбу қарорга мос ҳолда амалий ҳаракатидан иборат бўлади.

4. Ўйин якунида психологик-педагогик таҳлил, худди реал дарсни таҳлил қилиш каби ўтказилади. таҳлилда машғулотда қатнашаётган барча ўқувчилар иштрок этади. Ўйин бўйича хулосани ўқитувчи чиқаради ва ўйин иштирокчиларининг ишларини баҳолайди.

Педагогик ўйинни ўтказишнинг асосий шартларидан бири зарур ўқув-материал базасининг мавжудлиги ҳисобланади.

Ўқув- материал базасига қуйидагилар киритилади: дарсликлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун ўқув-методик қўлланмалар; ишчи ўқув-дастурлари, дарс режалари, методик тавсиялар, технологик ва йўриқнома хариталар, карточка-топшириқлар ва бошқа ўқув-методик материаллар; реал предметлар, кўргазмали қуроллар, экранли воситалар; компьютер қурилмалари, кино ва видеопроекторлар.

Қуйида машқ ўйини “Билим олиш учун лицензия” мавзусида педагогик ўйини ва уни ўтказиш методикасини келтириб ўтамыз.

Мақсад: Ушбу машқ орқали гуруҳ иштирокчилари ўзини-ўзи англашга ҳаракат қилишни ўрганади. Шунингдек, ҳар бир иштирокчи билим олиш учун хошиш ва истаклари ёки хохламасликларини англаб етадилар, яъни улар шундай тушунчага эга бўладиларки ҳозирда

билим олиш инсон шахсини юқорига кўтарилишини асосий шартларидан бири эканлигини тушуниб, шунингдек, яна қандай билимларни эгаллаш кераклиги хақида идрок қила бошлайди. Машқ иштирокчиларга фикрлаш, маъсулият билан ўзидаги ички кураш хиссини сезиш янгисини олиш, нотаниш вазиятларда ёрдам беради. Онгости овозига кулоқ солган холда, биз ҳаётий вазиятларда ички мантикий ривожланишни хис қилишга ҳаракат қиламиз.

Ўйин иштирокчилари: ўқитувчи, ўқувчилар, ўқитувчи ҳамкасблари ҳам иштирок этишлари мумкин.

1-босқич. Яхшилаб ўйланиб тафаккур қилиб кўринг. Сиз ҳозир қандай ишларга тайёрсиз ёки тайёр эмассиз. Энди ўзингизга харита чизинг: “Билим олиш учун лицензия” маъносида. Аниқ, конкрет фикрингизни билдиринг, қандай билим олиш ҳуқуқингиз бор, нима учун, тушунтириб беринг.

2-босқич. Иштирокчилар фикрини тинглаш.

3-босқич. Энди қуйидаги саволларга жавоб беринг. Менинг билим олиш хоши ва исталқларим ёшимга мос келадими? Ҳаётий шароитимга мос келадими? Келажакдаги мақсадларимга мос келадими? Шунингдек, сизнинг билим олишингизда яна қандай чекловлар мавжуд. Асослаб беринг.

Нихоят, кўрсатиб ўтинг сизнинг билимингиз ҳаётда қийинчиликлар ва муаммоларингизни хал қилишда хизмат қиладими?

Билим жараёни алоҳида шахсий ўзгаришларга таъсир қилиб ҳаёт балансини бузилишига сабаб бўлади.

Бизнинг ҳаётимизда янги муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Ушбу муаммоларни ёзинг, уларни қандай хал қилмоқчисиз?

Машқ охирида фикрингизни билдиринг. Қайси инстанция сизга ушбу лицензияни берди. Балки ички овоз сизга шунда буйруқ бўрдими? Ёки оилавий шароитми, ёки яна бошқа сабаблар борми?

Педагогик ўйинларни ўтказишда қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- Педагогик ўйинларнинг самарадорлиги зарур ўқув-материал базасининг, ўқув-методик ва техник-технологик ҳужжатларнинг мавжудлиги билан аниқланади.
- Педагогик ўйинларда бўлажак мутахассисларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари шаклланади.
- Ўқувчи кичик гуруҳлар билан ишлаши ва педагогик ўйинларни ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказилиши тавсия этилади.
- Дарс жараёнида видеоёзувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу дарсни таҳлил қилишда “ўқитувчи”нинг, “ўқувчи”нинг, қолаверса дарсни таҳлил қилувчиларнинг ҳаракатларини аниқлаштириш имконини беради.
- Педагогик ўйинларни бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш тизимининг таркибий қисми сифатида қараш лозим. Улардан ўқувчилар зарур билимга эга бўлгандан сўнг педагогик амалиётда қўллаш учун ўрганиш зарур бўлганда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛШИЛАРИ

Наврўз-Зода Б.

“Инсон салоҳияти – Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, - энг кучли, энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради”.... Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий еттиришнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади” [1, 252]. Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариб, компетенция (тизимли қобилият)ларни шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия йўлга қўйилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таълим-тарбиянинг роли янада ҳам ошиб бормоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ва самарали ривожланиши

эвазига микроиқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришлар туфайли жамиятимизда инсон капитали шакллантирмоқдаки, унинг ўлчов бирлиги сифатида **иқтисодий қобилиятларнинг ривожланганлик даражаси** ташкил қилади. Инсоннинг иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаси 1-расмда кўрсатилган унинг учта аниқловчилари негизда шаклланади.



1-расм. Иқтисодий қобилиятларнинг ривожланганлик даражасини аниқловчилари

Умумий ўрта таълим тизимида иқтисодий билимдон ўқувчиларни бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда тайёрлашда 8 чи ва 9 чи синфларда ўқитадиган “Иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиларининг касбий компетентцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

“Компетенция” атамаси фаолиятида мужассамланган ходимнинг компетентлиги; бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масалани; инсоннинг амалий лаёқатлилиги ҳамда касбий қобилиятининг тизимли ривожланганлик даражасини англатади. “Компетентлик, - В.Д.Шариковнинг фикрига мувофиқ, – касбий тайёрланиш жараёнида шаклланадиган янги фаолият субъектини юзага келишидирки, у билим, маҳорат, қобилият ва шахсий сифатларини тизимли намоён бўлишини ифодалаб, касбий фаолиятнинг моҳиятини ташкил қиладиган функционал вазибаларни муваффақият билан ҳал қилиш имконини беради” [3, 182]. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимларининг фикрича: “Компетенция – билим кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётда дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва қўллай олиш қобилиятидир” [2].

Компетентлик – ўқувчининг ўзлаштирган билими, ўқув кўникмалари ва малакаларини кундалик ҳаётий фаолиятида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланишга тайёр эканлиги (қобилиятига эга эканлиги)ни кўрсатишдир. “Компетенция” атамаси “қобилият” тушунчасининг ҳар томонлама ривожланган даражасини ифодалайди, деб ўйлаймиз. “Иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришга эришиш учун улар компетенциявий ёндашувда асосланган таълим талабларига мос билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим. Бу учун фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича таянч компетенцияларни дарсларда шакллантиришга тўғри келади. Бунда таянч компетенциялар қуйидаги элеменлардан таркиб топади:

1.Интеллектуал компетенция (билиш ва тушуниш даражаси) — “Иқтисодий билим асослари” фанидан ўрганилган материални хотирада сақлаб қолиш, қайта айтиб бера олиш, моҳиятини идрок этиш ва тушунганликни намоёниш қилиш, бир шаклдан бошқа шаклга кўчира олиш.

2.Тадбикий компетенция (*қўллай олиш даражаси*) — ўрганилган умумий тушунча, назария, қоида ва услубларни хусусий, муаммоли вазиятларга, мисол ва масалаларга татбиқ эта олиш, амалда самарали қўллай олиш.

3.Таҳлилий компетенция (*таҳлил ва синтез қилиш даражаси*) — мавзуга оид берилган муаммони ҳал қилиш, масалани ечимини топиш, тўғри қарор қабул қилиш учун зарур маълумотларни турли хил манбалардан тўплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш.

4.Мантиқий компетенция (*баҳолай олиш даражаси*) — муаммоли вазиятни маълум ички ёки ташқи мезонлар асосида баҳолаш ва таққослаш.

5.Коммуникатив компетенция (*АКТ саводхонлиги*) - ахборотни излаш, математик саводхонлиги, компьютер ва интернетдан фойдалана олиш кўникмаси.

6.Иқтисодий компетенция (*иқтисодий қарор қабул қилиш компетенцияси*) - муаммоли вазиятни маълум ички ёки ташқи мезонлар асосида тизмли баҳолаш ва таққослаш, улар асосида иқтисодий қарор қабул қилиш, иқтисодий фикрлаш кўникмасига эга бўлиш.

Бухоро вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида охириги уч ўқув йилларида вилоятимиздаги умумий ўрта мактабларининг “Иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиларини малакасини ошириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, малака ошириш ўқув режасидаги мутахассислик бўйича тайёргарлик ўқув модулларининг намунавий ва ишчи ўқув дастурлари мазкур фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришга йўналтирилмаган. Малака оширишнинг амалдаги таълим дастурлар асосан ўқитувчиларнинг интеллектуал компетенцияси (билиш ва тушуниш даражаси), тадбикий компетенцияси (қўллай олиш даражаси), таҳлилий компетенцияси (анализ ва синтез қилиш даражаси) ва мантиқий компетенцияси (баҳолай олиш даражаси)ни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг *иқтисодий компетенцияси* (иқтисодий қарор қабул қилиш маҳорати ва амалий иқтисодий вазиятларни таҳлил этиш кўникмаси) ни шакллантириш имконини етарли даражада беролмайди.

Иқтисодий компетенция таянч компетенциялардан бири ҳисобланади. Киши қанча компетентли ёхуд касбий қобилияти ривожланган бўлса, унинг иқтисодий унумдорлиги (*ишлаб пул топиш қобилияти*) шунча юқори бўлади. Иқтисодий компетентликка эришиш учун инсон умумий истеъдод ва туғма қобилиятлар билан бирга яна орттирилган касбий, жумладан иқтисодий қобилиятларга ҳам эга бўлиши лозим.Малака ошириш давомида умумий ўрта мактаблар “Иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиларининг иқтисодий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида биз амалдаги таълим дастурларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштиришини тавсия этамиз:

Биринчидан, умумий ўрта мактаблар “Иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиларининг малака ошириш ўқув режасидаги мутахассислик бўйича тайёргарликдаги “Иқтисодий билим асослари фанининг назарияси ва ўқитиш методикаси” модули таркибига “Иқтисодий компетентлиги ва уни ошириш йўллари” мавзусини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, “Иқтисодий билим асослари” фанини кейс-стади усулида ўқитиш” деган янги модулни кириш ўқитувчиларнинг мамлакатимиздаги реал иқтисодий секторлардаги муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва иқтисодий қарорларни қабул қилиш компетентлигини ривожлантиришга кўмаклашади.

Учинчидан, иқтисодий асослари таълимида илмий-тадқиқотга асосланган ўқитиш технологияларини қўллашга эътибор қаратиш лозим. Ҳозиргача мактабларда “Иқтисодий билим асослари” ўқитувчилари тайёр дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида дарсларни ўтишга ўрганганлар.Уларга мустақил амалий-илмий тадқиқотлар ўтказиш методикасини ўргатиб, дарсларни ўз изланишларга асосланган таҳлилий-иқтисодий материаллардан фойдаланган ҳолда ўтишни ўқитириш вақти келди деб, ўйлаймиз.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Бакаева М. – методист отдела «Мониторинг» Бухарского областного института переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров

Новые образовательные технологии сегодня являются необходимым условием интеллектуального, творческого и нравственного развития обучающихся. «Развитие» становится ключевым словом педагогического процесса, сущностным, глубинным понятием обучения.

Современную парадигму образования принято называть социально-личностным, личностно ориентированным, гуманным образованием.

Главной целью современного образования является развитие социально значимых качеств учащихся в процессе воспитания и обучения:

- развитие интеллектуальных и творческих способностей учащихся, нравственных ценностей с тем, чтобы выпускник был способен к самореализации, самостоятельному мышлению, принятию важных для себя решений;
- воспитание ответственности учащегося за успех учебной деятельности;
- формирование способности к объективной самооценке – рефлексии.

Достижению этих целей способствует построение учебного процесса, ориентированного на личность учащегося с учетом его индивидуальных особенностей и способностей. В центре учебного процесса – ученик, его познавательная и творческая деятельность.

Основным способом реализации социально-личностного типа образования является использование педагогических технологий **проблемного, развивающего, дифференцированного, рефлексивного, диалогового** обучения и воспитания, технологии **коллективной творческой деятельности, групповые, игровые** технологии, получивший широкое распространение **метод проектов, компьютерные** технологии и др. Каждая из этих технологий вносит свой вклад в развитие личности учащегося, в его социализацию.

Современный урок русского языка и литературы должен быть обучающим, воспитывающим, развивающим и интересным. Поэтому использование современных образовательных технологий на уроках и в воспитательной работе – потребность сегодняшнего дня.

Каждый учитель в своей педагогической деятельности должен активно использовать технологии проблемного обучения, элементы развивающего обучения, групповые, игровые, компьютерные технологии, тестовые методики, так как эти методы способствуют к более обширному мышлению, развитию речи.

Проблемное обучение – это такая организация учебных занятий, которая предполагает создание под руководством учителя проблемных ситуаций и активную самостоятельную деятельность учащихся по их разрешению, в результате чего и происходит творческое овладение профессиональными знаниями, навыками, умениями и развитие мыслительных способностей.

Реализация проблемного обучения повышает мотивацию к познавательной деятельности, способствует глубокому пониманию учебного материала, формирует конструктивное отношение учащихся и воспитанников к такому явлению как «проблема».

На уроках по постановке учебной задачи целесообразно создание ситуаций дискомфорта : расстановка вопросов, на которые нет готового ответа, при столкновении разных точек зрения, создаётся проблемная ситуация. То есть объект ставится в ситуацию исследователя, пытаюсь самостоятельно находить и критически оценивать способы решения возникающих перед ним задач. Именно на уроке формируется исследовательская позиция слушателя, который не столько объект обучения, сколько самоизменяющийся субъект учения, совершающий вместе со мной свои большие и маленькие открытия.

Многие основные методические инновации связаны сегодня с применением интерактивных методов обучения. **Интерактивное обучение** - это, прежде всего, диалоговое обучение, в ходе которого осуществляется взаимодействие учителя и ученика. Каковы

основные характеристики «интерактива»? Следует признать, что интерактивное обучение - это специальная форма организации познавательной деятельности. Она имеет в виду вполне конкретные и прогнозируемые цели. Одна из таких целей состоит в создании комфортных условий обучения, таких, при которых ученик чувствует свою успешность, свою интеллектуальную состоятельность, что делает продуктивным сам процесс обучения.

Суть интерактивного обучения состоит в том, что учебный процесс организован таким образом, что практически все учащиеся оказываются вовлеченными в процесс познания, они имеют возможность понимать и рефлексировать по поводу того, что они знают и думают. Совместная деятельность учащихся в процессе познания, освоения учебного материала означает, что каждый вносит свой особый индивидуальный вклад, идет обмен знаниями, идеями, способами деятельности. Причем, происходит это в атмосфере доброжелательности и взаимной поддержки, что позволяет не только получать новое знание, но и развивает саму познавательную деятельность, переводит ее на более высокие формы кооперации и сотрудничества.

Таким образом, интерактивная деятельность на уроках предполагает организацию и развитие диалогового общения, которое ведет к взаимопониманию, взаимодействию, к совместному решению общих, но значимых для каждого участника задач. Интерактив исключает доминирование как одного выступающего, так и одного мнения над другим. В ходе диалогового обучения учащиеся учатся критически мыслить, решать сложные проблемы на основе анализа обстоятельств и соответствующей информации, взвешивать альтернативные мнения, принимать продуманные решения, участвовать в дискуссиях, общаться с другими людьми. Для этого на уроках организуются индивидуальная, парная и групповая работа, применяются исследовательские проекты, ролевые игры, идет работа с документами и различными источниками информации, используются творческие работы. **Групповые технологии** в организации учебного процесса предполагают взаимное обогащение учащихся, организацию совместных действий, ведущую к активизации учебно-познавательных процессов, осознание общей цели, распределение действий и операций, коммуникацию, обмен способами действия, взаимопонимание, рефлексию.

Использование на уроках и **игровых технологий** (в частности, дидактические игры) с четко поставленной целью обогащает содержание обучения и даёт свои педагогические результаты. Игровая форма занятий создается на уроках при помощи игровых приемов и ситуаций, которые выступают как средство побуждения, стимулирования учащихся к учебной деятельности. Дидактическая цель ставится перед учащимися в форме игровой задачи; учебная деятельность подчиняется правилам игры; учебный материал используется в качестве ее средства, в учебную деятельность вводится элемент соревнования, который переводит дидактическую задачу в игровую; успешное выполнение дидактического задания связывается с игровым результатом.

Современный урок требует обязательного использования **информационно-коммуникационных технологий**. На современном этапе компьютерные технологии являются средством реализации проектного метода в организации обучения. С использованием ИКТ могут быть представлены материалы различных проектов, способствующих эффективной организации учебного занятия. **Например:** программы, вошедшие в мультимедийный сборник по разделу «Морфология» могут быть использованы по-разному: как материал, предлагаемый учащимся для самостоятельного изучения, закрепления, повторения изученного (и в выпускных классах при подготовке к экзаменам), как дидактический материал, который можно включить в урок на любом этапе изучения темы (возможно использование как самостоятельных всех трех частей программы: теоретического материала, упражнений на закрепление, контрольной тестовой работы). А можно использовать на творческом уроке-игре, уроке-путешествии.

Яркими, интересными, запоминающимися становятся и уроки литературы с применением компьютера. Одной из возможностей использования мультимедийных технологий на уроке является подготовка и проведение интегрированных уроков. Можно

провести урок русского языка в компьютерном классе, подготовив для этого мультимедийную презентацию с ярким видеорядом (иллюстрациями, видеоклипами, звуком). Такую презентацию учитель может подготовить сам или поручить создание презентации учащимся. Эта презентация может быть использована во время проведения разных форм уроков или как мультимедийное пособие для самостоятельной работы учеников при подготовке к уроку. Традиционное изучение темы или раздела заканчивается повторением, закреплением и обобщением. Все эти элементы можно объединить, предложив учащимся на завершающем этапе, создать мультимедийный проект к каждой теме. Создавая презентацию, ученикам предоставляется возможность систематизации приобретенных знаний и навыков, их практического применения, а также возможность реализации интеллектуального потенциала и способностей. Очень важно учащимся почувствовать интерес к самостоятельной творческой работе, ощутить значимость результатов своей работы, т.к. **презентация** – это готовый методический материал для урока, а также ощутить собственную успешность.

Все чаще на уроках и во внеурочной деятельности целесообразно использовать презентационно-иллюстративный материал.

Использовать информационные технологии можно на любом этапе урока и во внеурочное время:

- во вступительном слове учителя или учащихся;
- на этапе предъявления учебной информации;
- на этапе усвоения учебного материала в процессе интерактивного взаимодействия с компьютером;
- на этапе повторения и закрепления усвоенных знаний (навыков, умений);
- на этапе промежуточного и итогового контроля и самоконтроля достигнутых результатов обучения;
- на этапе коррекции и самого процесса обучения и его результатов путем совершенствования дозировки учебного материала, его классификации, систематизации и др.;
- во внеурочное время при подготовке домашних заданий, выступлений на уроках и научно-практических конференциях, при подготовке к внеклассным мероприятиям;
- при подготовке к ЕГЭ.

Использование новых технологий на уроке позволяет индивидуализировать и дифференцировать процесс обучения, контролировать деятельность каждого, активизировать творческие и познавательные способности учащихся, оптимизировать учебный процесс, значительно увеличить темп работы. Это приводит к росту качественной успеваемости и сохраняет устойчивый интерес к русскому языку и литературе на протяжении всех лет их изучения.

Престиж любого общества определяется по тому, насколько востребована и ценится личность и что делается для её максимального развития, гармонизации и самореализации. Поэтому национальная модель подготовки кадров выдвигает требования о всестороннем развитии каждого обучаемого.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ФАНИНИ ЎТИШДА БАҲС - МУНОЗАРА УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Рахмонова М – Бухоро мухандислик-технология институти

***“Агар қарама-қарши мулоҳазалар билдирилмаса,
маъқул фикр қандай саралаб олинади?”***

Геродот

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг таълим тизимида ислохотлар ўтказилмоқда. Илм-фан ва техника тараққий этаётган ҳозирги кунда таълим беришнинг анъанавий усуллари давр талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий фанлардан амалий машғулотларни ўтаётган чоғда, ўқитишнинг интерфаол усулларидан иложи борича кўпроқ, самарали фойдаланиш керак бўлади. Шундай услублардан бири баҳс-мунозара усули бўлиб, уни ташкил этиш ўқитувчидан катта билим ва маҳорат талаб этади.

Баҳс-мунозара услуби аввалдан мавжуд билимлар асосида мустақил изланиш олиб боришни тоқазо қиладиган услуб бўлиб, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган, ижодий фикрлашга қодир ва комил ишончга эга бўлган инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Ўқитувчи талабаларга муаммоли вазифани топширар экан, у амалда мунозара усулидан фойдаланаётган бўлади. Чунки, уни ечиш айна бир масалага турлича нуқтаи назарлар, фикрлар, қарашлар тўқнашувини вужудга келтиради. **Баҳс - бу фаол, қизиқарли, қизгин ва эҳтиросли суҳбат бўлиб, унинг иштирокчилари муҳокама қилинаётган масалаларни муфассал тушуниб оладилар.**

- Бунда талабаларнинг ўз-мулоҳазаларини бевосита ҳаётдан, китоблардан, рўзномалардаги мақолалардан, телевидение ва радио эшиттиришларидан олинган мисоллар билан мустаҳкамлаб боришлари ғоят муҳимдир.

- Ўқитувчи дарсга аввалдан тайёргарлик кўриши лозим. Шу билан бирга, дарсни бошлашдан илгари, талабаларнинг унда кўриб чиқилиши лозим бўлган муаммолардан қанчалик хабардорлигини билиш мақсадида, уларни ўз фикрларини айтишга рағбатлантирмоғи керак. Бунда у талабалар баҳс олиб боришнинг қуйидаги асосий қоидаларини билишларини талаб этади.

1. Сиз билан баҳсга киришган кишини ҳурмат қилинг; баҳслашаётган курсдошингизни ранжитманг: ана шундай қилсангиз сиз баҳсдагина кучлилигингизни эмас, балки, одобли эканлигингизни ҳам кўрсатасиз.

2. Баҳсга киришишдан аввал нимани исботлашингизни ўйлаб кўринг.

3. Ўз нуқтаи-назарингизни албатта далиллар билан асосланг.

4. Содда, аниқ, мантиқли ва изчил гапиринг.

5. Ўзингизни қизиқтирган ва тўғрилигига ишонган нарсаларингиз ҳақидагина гапиринг, ўзингиз тушуниб етмаган фикрларни тасдиқламанг.

6. Бошқа кишининг фикрига қўшилмасангиз ҳам, унинг айтганларини бузиб талқин қилманг.

7. Сизга қадар айтилган фикрларни такрорламанг.

8. Овозингизни баланд кўтармай сўзланг. Маълумотларнинг аниқлиги ва темирдай мустаҳкам мантиқ-энг яхши исботдир.

9. Тортинчоқ ва дарсда суэт ўтирадиган сабоқдошларингизга муҳокама қилинаётган масала юзасидан, уларнинг фикрларини сўраб, тез-тез мурожаат қилиб туринг.

Чиройли қилиб ёзилган ушбу қоидалар дарс бўлишидан бир неча кун аввал стендга осиб қўйилади. Бу талабалар эътиборини яқинлашиб келаётган муҳокамага яна бир бор жалб этиш демакдир.

Ўқитувчининг вазифаси.

- Ўқитувчининг баҳсни олиб боровчи киши сифатидаги вазифаси, бир томондан, гуруҳ ҳаракатини назорат қилиб туриш бўлса, иккинчи томондан, дарснинг мақсади амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун у гуруҳ талабаларининг етуклик даражаси ва бирдамлигини билиши ва, ҳис-ҳаяжонларини эътиборга олган ҳолда, ҳар бир талабанинг баҳсда албатта қатнашишига эришиши керак. Асосий вазифалардан бири шуки, синф ўз мақсадига мавзудан четга чиқмасдан эришмоғи даркор. Бунинг учун ўқитувчи барча айтилган фикрларни яқунламоғи керак.

- Баҳсдан мақсад - эркин фикр юритишни рағбатлантириш бўлгани учун ҳам ўқитувчи ўзини эркин тутиши, ўзаро ҳамкорликни ўрната олиши, ҳеч кимни тазйиқ остига олмаслиги керак деб ҳисоблаймиз.

• Ўқитувчи:

- айтилган барча фикрларни ҳурмат қилган ҳолда, талабаларнинг жавобларини дарснинг мақсади ва кутилаётган натижа билан боғлайди;

- умумий гаплардан қочишга ҳаракат қиладди, ҳар доим аниқ мисоллар келтиради ва талабалардан ҳам шунга талаб қиладди;

- талабаларнинг ўз шахсий тажрибаларини ўртоқлашишларини рағбатлантиради;

- талабаларнинг жавоблари ва фикрларини ўтилган мунозара-дарсларининг мазмуни билан мантиқий боғлайди;

- имкони бўлса, муқобил мисоллар келтиради;
- талаба томонидан айтилганларни шарҳлаб беради;
- айтилаётган нуқтаи назарларнинг фарқини таъкидлаб кўрсатади;
- гуруҳга ушбу фарқларни муҳокама қилишни тавсия қилади;
- талабалардан уларнинг фикрларига асос бўлган далилларни келтиришни сўрайди ва фикрлар ўртасидаги фарқни кўришга ёрдам беради;
- ўтмишдаги мутафаккирларнинг сиз ва биз каби реал инсонлар бўлганлиги, улар ҳам бошқа одамлар катори қийинчиликларни бошларидан кечирганликларини таъкидлайди;
- вакти-вакти билан муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қисқача яқунлар чиқаради;
- мунозарада бошқарувчилик вазифасини бажаради: синфга ҳар бир кишининг фикрини тинглашда ёрдамлашади, зиддиятларга эътиборни қаратади, талабанинг жавоби дарснинг мақсади ва кутилаётган натижадан четлашса, уни тўхтатади.

Ўқитувчи талабаларга ишониши лозим. У талабаларга улар билдираётган фикрларнинг муҳимлигига ишонч ҳиссини сингдиради. Мазкур турдаги дарсларда ўқитувчи, баҳс-мунозараларининг бошқарувчиси сифатида, унга раҳбарлик қилиши даркор.

Баъзи техник усуллар.

Такрорлаш. Дарсларда талабаларни “сўзлашга мажбур қилишнинг” энг яхши усули айтилганларнинг асосий мазмунини такроран баён қилишдир. Бу такрор иложи борича объектив (халис) бўлиши керак.

Саволлар. Эҳтимол, баъзан, у ёки бу талабанинг фикрлари аниқ бўлмас. Бундай ҳолатда кўшимча саволлар берилиши ғоят фойдалидир. Улар “очик” шаклда, талабанинг ўз фикрини энгил ифодалашига ёрдам берадиган тарзда берилиши керак. Бундай саволлар бутун синфга ҳам, шунингдек, айрим талабаларга ҳам берилиши мумкин.

Саволни бутун аудитория ёки баъзи талабаларга бериш.

Дарсни жараёнида талабалардан бири ўқитувчига савол бериши мумкин. Ўқитувчи айнан шу саволни бутун синфга, ҳатто, ана шу саволни берган талабага қайтадан бериши мумкин. Биринчи ҳолатда бу эстафета-савол, иккинчи ҳолатда эса акс-садо савол бўлади.

Яқунлаш. Дарснинг алоҳида жойлари бўйича муҳокама тамом бўлганда ўқитувчи айтилган фикрларни яқунлаши керак. У зарур ҳолларда талабалар эътиборини мунозарали ўринларга қаратиши мумкин. Ўқитувчи талабалар дарснинг асосий ғоясини англаб олишларига эътибор бериб бориши керак.

Муҳокаманинг самаралилик мезонлари.

Муҳокамада қатнашиш. Муҳокамада бутун гуруҳнинг қатнашиши дарснинг яхши ўтаётлигидан далолат беради. Баъзан шундай бўладикки, фақатгина бир неча талаба фаоллик кўрсатиб, бошқалар сукут сақлаб, жим ўтиришади. Муҳокамада икки ёки уч талабанинг мунозараси билан чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас.

Муҳокама жараёни. Муҳокаманинг узлуксиз кечиши ва мунозара қилинаётган масалани таҳлил қилишнинг ривожланиб бориши баҳснинг юксак савияда ўтаётганлигидан далолат беради. Айтилганларни такрорлайвериш, ечимини топмаган саволларга қайтавериш - бир жойда ўралашиб қолишнинг аломатидир.

Дарсни жиҳозлаш ва безатиш. Аудиториядаги парталарни “П” ҳарфи шаклида жойлаштиришни маслаҳат берамиз. Бу мулоқот учун жуда қулай имкониятларни яратади. Ҳаммага кўринарли жойларга баҳс олиб бориш қоидалари, машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзлари, мақол-маталлар ёзилган плакатларни осиб қўйиш мумкин. Шунингдек, махсус стендларни дарс мавзусига оид тарихий - географик хариталар. Тарихий шахсларнинг портретлари, китоблардан олинган парчалар, картиналар ва фотосуратлар билан безатиб қўйиш мумкин.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мавлонов Ж., Бухоро муҳандислик-технология институти катта ўқитувчи

Юқори малакали мутахассис кенг дунёқараш, ўз соҳасини билиши билангина белгиланмайди. У ижодий тафаккур кўникмаларига ҳам эга бўлиши лозим.

Ижодий тафаккур - фикрлашнинг мустақиллиги, ўз соҳаси бўйича зарур маълумотларни тез топиш ва ўзлаштириш, янги қурилма ва усуллар, методлар яратиш, юзага келган вазиятни тезкор таҳлил қилиш, ўзи ва бошқаларнинг фаолиятини танқидий баҳолаш, ўз билим ва кўникмаларини бошқалар билан ҳамкорликда умумий фаолиятни амалга оширишга йўллаш кабилардан иборатдир.

Мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълимда ижодий қобилиятлари (тафаккурни) ривожланиши оддий жараён эмас. Албатта ўқувчи, талаба янги билимни ўзлаштириш билан биргаликда ижодий тафаккур кўникмаларини ҳам ўзлаштиришлари лозим. Математика, физика, химия, биология каби фанларда фаолиятнинг ижодий томонларига тегмасликнинг иложи йўқ, чунки масла ечиш, ижодий фикрлаш, машқлар бажариш бу фанларнинг моҳияти билан боғлиқ.

Ижтимоий-гуманитар фанларда вазият бошқача. Аксарият муаммо ва масалаларга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Баъзан расмий нуқтаи-назар билан ҳаётдаги қарашлар бир-бирига мос келмайди, ҳақиқат ва ёлғон, олийжаноблик ва талабчанлик, истак ва реаллик орасида чегара ноаниқ бўлади, шахснинг истаги ва жамият қизиқишлари мос келмай қолади. Бу ҳолларда билим эмас, мутахассиснинг фикри, унинг психологик йўналганлиги, унда шакллантирилган дунёқараш ҳал қилувчи бўлиб қолиши мумкин. Дунёқарашнинг асосини эса илмий билим эмас оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумот ташкил қилиши мумкин.

Бу вазият ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан баъзи технократ тафаккурга эга раҳбарларда, оддий кишиларда бу фанларга нисбатан юзаки (фойдасиздек) қарашни шакллантиради ва оқибатда уларга ажратилган соатларнинг ҳам камайишига олиб келиши мумкин. Ўқув режаларида этика, эстетика, диншунослик, педагогика, маданиятшунослик, социология, ҳатто психология фанларининг соати камайиб боради.

Аслида бу фанлардаги фикрларнинг турлилиги (плюрализм), фикрлар қарама-қаршилиги бўлажак мутахассисда танқидий, ижодий тафаккурни ривожлантириш, турли ғоялар орасидан яратувчиларни танлаб, бузғунчи ғоялар таъсирига берилмаслик кўникмаларини шакллантиради.

Шундай қилиб ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш ўқувчи ва талабаларда мустақил, ижодий, танқидий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Лекин ижодий тафаккур ўз-ўзидан, педагог китоб, маъруза, дарсликнинг мазмунини сўзлаб беришини талаб қилганда шаклланмайди, балки педагог таҳлилни, таққослашни, моҳиятни ёритишни, қарама-қаршилиқларни кўра олишни, баҳолашни талаб қилгандагина шаклланади. Бундай фаолият тури психологияда масала ечиш дейилади. Тажрибалар шуни кўрсатадики масала ечиш ўқувчи ва талабаларда тафаккурни фаоллаштиради, билимларни чуқурлаштиради, фанга қизиқишни оширади.

Ижтимоий-гуманитар соҳаларда тафаккурни ривожлантиришнинг иккинчи йўли материални оддий ёритишда, диспут, баҳс ва мунозараларда қандай таҳлил қилиш ва баён қилишнинг умумий қоидаларини ўргатишдан иборат.

Ақлий фаолиятни ривожлантириш усуллари турли-туман ва шароитга боғлиқ равишда қўлланилади. Аммо барча ҳолларда ҳисобга олиш зарур қоидалар мавжуд. Масалан, В.А.Крутецкий томонидан қуйидаги қоидаларни кўрсатиб ўтган.

1) амалга ошириладиган машқларнинг аниқ мақсади, натижаларини, унга эришиш йўллари билиш;

2) берилган топшириқларнинг аниқ бажарилишини назорат қилиш;

3) машқлар сони кўникманинг шаклланиши учун етарли бўлиши лозим. Кам бўлса кўникма шаклланмайди, кўп бўлса диққат-эътибор камаяди.

4) машқлар қатъий тизимга эга бўлиши (тасодифий эмас);

5) машқлар узоқ вақт ўтказилмай қолмаслиги шарт.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун муаммоли таълим методларини қўллаш алоҳида ўринга эга. Муаммоли таълим мантиқий-билиш вазифаларни ўз ичига олиши керак.

Билимни онгли ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан яна бири- фикрлаш учун ички шароитнинг яратилиши. Ички шароитсиз билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш самарасиздир. Билиш эҳтиёжини шакллантириш жамият ва таълим муассасининг асосий вазифаларидан биридир.

Билиш эҳтиёжини таълим олувчиларга тайёр билимларни бериш орқали шакллантириб бўлмайди. Билимни шундай шаклда бериш керакки, ўқувчиларда ақлий (интеллектуал) қийинчилик юзага келсин. Бунинг учун педагог олдиндан, махсус саволлар, вазиятлар ишлаб чиқиши талаб қилинади. Ақлий фаолликни юзага келтирувчи вазиятни келтириб чиқарувчи масала - муаммоли вазият дейилади. Юзага келган муаммоли вазиятнинг хусусияти шундаки, юз киши одатий равишда ечиб келган муаммони (масалани) бир киши янгича ечади. Муаммоли вазият яратиш орқали баён қилинган материал оддий эслаб қолиш, ёдлаш йўли билан эмас, балки масала (муаммо) ечиш йўли билан ўзлаштирилади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ҳам бошқа фанлар каби бир неча туркум фаол методлардан фойдаланилади. Уларнинг қисқача моҳияти қуйидаги жадвалда келтирилган.

Таълим методларининг турли шаклларининг моҳияти (Д. Чернилевский ва О. Филатов).

Таълим тури	Таълим мақсади	Таълим моҳияти	Таълим механизми
Муаммоли	Таълим жараёнида билиш фаоллиги, ижодий мустақилликни ривожлантириш	Таълим олувчилар олдида кетма-кет, мақсадли равишда ақлий масалалар қўйилади. Уларни ечиш давомида ўқувчилар фаол равишда билимларни ўзлаштирадilar	Излаш методлари
Концентрация-лашган	Таълим жараёнини ўқувчиларнинг психологик хусусиятларига мослаштириш	Билимларни махсус блокларга бирлаштириш орқали чуқур ўзлаштиришга эришиш	Таълим олувчиларнинг иш қобилияти динамикасини ҳисобга олиш методлари
Модул	Таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятларни ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда билим бериш	Индивидуал дастур асосида мустақил таълим олиш	Индивидуал мавзуларга муаммоли ёндашув
Ривожлантирувчи	Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш	Таълим жараёнининг ўқувчилар имкониятларига йўналганлиги	Таълим олувчиларни турли фаолиятларга жалб қилиш
Табақалаштирилган	Ўқувчи ва унинг шахсий хусусиятларининг юзага чиқиши ва ривожланиши учун шароитлар яратиш	Одатдаги ўқитиш дастурлари билан биргаликда чуқур билим беришга йўналтирилган дастурлардан фойдаланиш	Индивидуал таълим методлари

Фаол	Таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминлаш	Билимларнинг амалий ва ижтимоий моҳиятини ёритиш	Фаол таълим методлари
Ўйин	Шахсий фаолиятга йўналтирилган таълим	Янги билимларни мустақил излаш ва ўзлаштириш	Ижодий қобилиятларни ривожлантирувчи ўйин методлари

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МЕДИАВОСИТАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Мавлонов Ж., Бухоро муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси

Таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш таълим муассасалари ва педагоглар олдига турган муҳим вазифалардан биридир. Таълимнинг самарадорлигини ошириш учун олиб борилаётган ишларни, шартли равишда, иккига бўлиш мумкин: биринчиси, таълимнинг (ўқитишнинг) фаол методларини қўллаш, иккинчиси, замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Албатта, бу иккала йўналишда таклиф қилинаётган ўқитиш усуллари ва воситалари узоқ йиллар давомида қўлланилиб келган анъанавий усулларни бутунлай яроқсиз эканлигига ишора эмас. Таълим методи ўз-ўзича фаол ёки пассив бўла олмайди.

Кейинги йилларда фаол методлар деб аталувчи методлар ўқувчи ва талабаларнинг билиш жараёнларини тўғридан-тўғри фаоллаштиришга йўналтирилгандир. Шунингдек, замонавий ахборот воситалари ҳам мустақил равишда, етарлича ўрганилмаган ва самарали фойдаланиш йўллари билмаган ҳолда таълим беришнинг самарали воситасига айлана олмайди.

Биз замонавий ахборот воситаларини таълим жараёнида қўллашнинг баъзи масалаларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари шу давргача шаклланиб келган барча ахборот-коммуникация воситалари ва таълим жараёнида қўлланиб келинган дидактик, техник воситаларнинг имкониятларини ўзида мужассамлаштиргандир. Шу сабабли уларнинг қўлланилиши таълим жараёнини, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни, янада жадаллаштириш, фаоллаштириш ва индивидуаллаштириш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялар ўқувчи ва талабаларга бир вақтнинг ўзида овозли, образли кўринишдаги маълумотларни динамик равишда тақдим қилиш имконига эга. Шу сабабли уларни умумий қилиб мультимедиа (қисқача –медиа) воситалар дейилади.

Маълумотни турли шаклларда бера оладиган медиа воситаларнинг самарали қўлланилиши ўқув материални яхши идрок қилиш, эслаб қолиш ва таҳлил қилиш ва ўқув материалнинг эргономик характеристикаларини ошириш имконини беради.

Медиавоситаларнинг имкониятлари билиш ва уларни амалда қўллай олиш педагогга ўз фаолиятини янада самарали ташкил қилиш, ўқувчи ва талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятлари ҳисобга олиш, фан ва техника янгиликларидан самарали фойдаланиш, таълим жараёнини интенсив ва қизиқарли ташкил қилиш, ўз устида ишлаш, ўз малакасини ошириш имконларини беради.

Шу билан бирга медиавоситаларнинг кенг имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланилмаяпти. Бунинг сабабларидан бири педагоглар ва бўлажак педагогларда медиабилимдонликнинг етишмаслиги, ҳамда медиавоситаларнинг имкониятларининг педагогик ва психологик жиҳатдан кам ўрганилганлигидир.

Иккинчиси, медиавоситаларнинг имкониятлари ва уларнинг қўллашга қўйиладиган талабаларнинг тизимга солинмаганлиги, бу борада етарли равишда тадқиқотлар олиб борилмаганлиги, педагог ва бўлажак педагоглар учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқарилмаганлигидир. Натижада, бўлажак педагоглар учун янги типдаги медиавоситалар фойдаланишга доир ўқув қўлланмалар тайёрлаш, педагогик жараёнга махсус курслар киритиш

давр тақозосига айланди (мавжуд “Дидактик воситалар” курслари маънавий жихатдан давр талабига жавоб бермайди, аксарият ўқув режаларидан бу фан олиб ташланган).

Медиавоситаларнинг қўлланилиши фақат таълимнинг шаклинигина ўзгартириб қолмайди, у таълимнинг мазмунига, таълим методлари ва уларнинг қўлланилишига ҳам янги талаблар қўяди.

Медиавоситаларининг имкониятлари педагог ва ўқувчиларнинг рефлексив фаолиятини – ўз фаолияти ва унинг натижаларини кузатиб бориш, баҳолаш, бошқариш имконини кенгайтиради.

Ўқув материални медиавоситалар орқали тақдим қилиш анъанавий шаклдаги ахборот беришдан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилади – материални тақдим қилишнинг динамиклиги, ёркинлиги, ранг баранглиги, кўргазмалилиги, бир вақтнинг ўзида бир неча сезги органларига таъсир қилиши (мультимодаллилиги) ва бошқалар. Кейинги йилларда кенг нейролингвистик дастурлаш соҳасида олиб борилаётган илмий ва амалий тадқиқотлар маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги ўқувчига таъсир қилиш каналини (репрезентатив тизимни) тўғри танлашга боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Нейролингвистик назарияга кўра модаллигининг устунлиги, афзаллигига бўйича ўқувчи ва талабаларни визуаллар (кўриш идроки), кинестетиклар (таъм, ҳид билиш, тери билан сезиш, мускул идроки) ва аудиалларга (эшитиш идроки) бўлиш мумкин. Биринчи иккитасида ўнг ярим шар, аудиалларда чап ярим шар фаол деб ҳисобланади.

Л.М. Митина тажрибаларида модалликни ҳисобга олиш, яъни ўқув материални ўқувчиларнинг сезги органларига мос равишда бериш, натижасида болаларнинг диққати 20,3%), хотираси самарадорлиги 19,7% ошганлиги кузатилган.

Анъанавий таълим тизими асосан аудиаллар учун жуда қулай, чунки материаллар маъруза шаклида сўзлаб берилади. Таълим жараёнида кўргазмалиликнинг ривожланиши эса визуаллар имкониятини ҳам оширди. Кинестетиклар, машғулот давомида ўқув материални пайпаслаш, ҳидлаш, таъмини билиш имкониятига эга эмаслар.

Медиавоситаларнинг қўлланилиши бир қанча имкониятларга эга, жумладан:

- билим олишга бўлган қизиқишларни ошириш;
- педагог, ўқувчи ва таълим тизимининг янги амалий талабларига жавоб бера олиши;
- қўлланилиш имкониятларнинг деярли чекланмаганлиги;
- гуруҳий ва индивидуал таълимни уйғунлаштириш;
- мустақил таълим шакллари ривожлантириш;
- масофавий таълимни амалга ошириш;
- педагог ва ўқувчиларнинг билиш жараёнларини доимо ривожлантириб бориш;
- ўқувчи ва педагогларнинг мустақил, креатив тафаккурини ривожлантириш ва бошқалар.

Медиавоситалар қуйидаги хусусиятларга эга:

Интерактивлик – ўзаро таъсир қилиш, диалогик табиатлилик;

Мултимедийлилик – матн, видео, графика, анимация, овоз ва бошқалардан кенг фойдаланиш;

Коммуникативлилик – бевосита мулоқот, маълумотларни тақдим қилиш ва алмашиши тезлиги, таълим жараёнини ва унинг натижаларининг доимий назоратдалиги;

Кенг тармоқлилик – бевосита аудиторияда, локал ёки глобал тизимда қўллаш мумкинлиги;

Таълим жараёнининг асосий элементларнинг автоматлаштирилиши натижасида педагог ва ўқувчиларни ортиқча, зерикарли, ижодий бўлмаган амаллар ва ишларда озод қилиш ва бошқалар.

Бизга маълумки, анъанавий таълим тизимида ҳам таълимнинг кўргазмалилик тамойилига риоя қилиниб турли кўргазмали қурооллардан кенг фойдаланилган. Аммо бу соҳада турли фан ўқитувчиларнинг имкониятлари бир хил эмас эди. Физика, химия, биология, олий таълимдаги техник йўналишдаги фанларни ўқитишда кўргазмали қуроол ҳисобланувчи плакатлардан ташқари турли модел ва макетлардан фойдаланишнинг кенг имкониятлар

мавжуд эди. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг предметининг мавхумлиги (психология, фалсафа), кенг қамровлиги (жамиятшунослик, социология) сабабли уларни тушунтиришда аксарият ҳолларда плакатлардан фойдаланилган.

Бугунги мультимедиа воситаларнинг имкониятлари турли жараёнларни тақдимотлар, видеофилмлар, овозли, ҳаракатли тасвирлар ёрдамида моделлаштириш, тушунтириш имконини беради.

Ҳаётий ва илмий психологиядан маълумки, юз бор эшитган кўра бир бор кўрган афзалдир. Демак, мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш ижтимоий-гуманитар фанлардан таълим бериш самарадорлигини янада оширишга олиб келади. Шу сабабли педагогларнинг малакасини оширишда ҳамда бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг медиабилымдонлигини оширишга катта эътибор берилиши талаб қилинади.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ «МОЗГОВОГО ШТУРМА» ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ ПРЕДМЕТА «ИДЕЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ»

Тагирова Н.В., старший преподаватель Бухарский инженерно-технологический институт

Одну из ключевых ролей в совершенствовании системы современного образования играет развитие непрерывного образования. Приобретение новых знаний, повышение квалификации необходимы человеку в течение всей его жизни. Полученные когда-то знания имеют тенденцию устаревать, так как общество постоянно развивается, изменяются его потребности.

Развитие современного общества закладывает основы для развития и совершенствования личности, требует от каждого человека овладения определёнными профессиональными знаниями, повышения уровня интеллектуального и культурного развития. Личность должна расти и развиваться в профессиональном смысле, чтобы в дальнейшем быть готовой к практической реализации вновь приобретаемых ею знаний и умений. Получение знаний в течение всей жизни отражает идею непрерывного образования.

Формирование самостоятельного мировоззрения и мышления на основе изучения исторических корней идей и идеологий; воспитание чувства патриотизма, преданности исторической памяти, бережного отношения к нашим священным ценностям осуществляются в процессе преподавания общественно-гуманитарных дисциплин. Одной из активных форм обучения, эффективно повышающих качество обучения является применение метода «Мозгового штурма». Для применения данного метода учащимся средних специальных, профессиональных учебных заведений необходимо иметь достаточные знания и навыки по темам.

По правилам «мозговой штурм» организуется по пройденным темам. Для работы с данным методом аудитория разделяется на группы и им разрешается выполнять поставленные задачи.

Урок оборудовывается плакатами, маркерами и необходимыми литературными источниками. Технологическая карта урока включает в себя организационная минута, работа в группах, организация дискуссии и художественное выступление.

Метод организации «мозгового штурма» (примерная схема).

На доску вывешивается пустой плакат. Преподаватель обращается со следующим вопросом: «Что составляют философские и исторические корни идеи национальной независимости?»

Учащиеся начинают отвечать, их ответы записываются преподавателем на плакат.

1. Устное народное творчество.
2. Культурное наследие и произведения искусства.
3. Исторические произведения.
4. Общечеловеческие философские идеи, учения.

После проведения «мозгового штурма» преподаватель подтверждает правильность этих мыслей. Он просит всех учеников высказывать собственное мнение. Происходит обмен мнениями и проводится дискуссия.

Для организации дискуссии и обсуждения учащиеся класса делятся на 4 или 5 групп. Каждая группа получает карточки с вопросами.

Примерные темы для обсуждения:

1. Каким источником является «Авеста»? Могут ли быть источниками формирования и историческими корнями нашей национальной идеи образцы устного народного творчества, предания о национальных героях, сражавшихся за свободу и независимость?

2. Как отражались вопросы построения справедливого общества в духовном, культурном наследии наших предков? Расскажите о созидательных идеях, учении о совершенном человеке Абу Наср ал-Фараби, Абу Рейхана Беруни, Абу Али Ибн Сины?

3. Могут ли быть общечеловеческими основами идеи национальной независимости философия Древнего Востока, Греции, Рима, учения Сократа, Платона, Аристотеля, Гегеля? Каково ваше мнение?

4. В чем состоит вклад джадидов в формирование духовности, идеи независимости? Каково ваше мнение?

Второй группе поручается художественно-сценическое выступление.

Учащиеся этой группы читают отрывки из произведений о народных героях: Спитамене, Томарисе, Мангуберди, Темуре, Навои, Фараби, Сократе, Аристотеле. Прежде чем отвечать по своим темам, учащиеся предварительно чертят ее схему на отдельном листе.

Учащиеся первой группы отвечают: «Авеста» - выдающееся историческое творение, имеет особое значение в получении ценных сведений об идеях и ценностях наших предков, живших в центральной Азии. До зороастризма люди здесь исповедовали разные религиозные убеждения. Различия в религиозной вере препятствовали объединению племен на основе общей идеологии. Возникла необходимость объединению разрозненных племен, сплотить их вокруг идеи национальной государственности.

Как один из передовых людей, осознавших эту необходимость, на арену истории вышел Зардушт (Зороастр) - основатель новой религии. В «Авесте» можно найти ценные сведения о климате, флоре и фауне, религиозных представлениях наших предков. В ней люди призывались к постоянной чистоте тела, к воздержанию от злых намерений и безобразных слов. Эти идеи не потеряли свое значения и по сей день.

В «Авесте» осуждены зависть, высокомерие, злословие, заговор и тому подобные пороки. В ней возвеличены верность обещаниям, искренность, высокая нравственность. В «Авесте» отмечена прочная связь между тремя компонентами совершенства: «доброй мыслью», «добрым словом» и «добрыми делами».

Таким образом, учащиеся первой группы по порядку отвечают на первый вопрос.

Учащиеся второй группы отвечают на вопрос: идея построения справедливого общества во все времена была актуальной. Еще в древности самые яркие представители человечества стремились правильно решить эту проблему. Согласно их учению, люди рождаются равными и свободными. Однако не всегда и не у всех народов сбывались эти мечты. В развитии таких идей велика заслуга мыслителей, живших на территории Узбекистана.

Члены группы в ходе подготовки к дискуссии прочитывали мысли наших великих предков: Хорезми, Фараби, Беруни, Ибн-Сины, Тимура, Навои. Так, Фараби (870-950 гг.) был знаменит на Востоке как «Муаллим-ас-сони» («второй учитель» после Аристотеля). Мыслитель мирового масштаба, ученый – энциклопедист, известен как автор книг «Город благородных людей», «Книга об изучении общества», «Мудрости государственных деятелей» и других, посвященных вопросам совершенствования общества, управления государством, развития права и политики, установлению справедливости.

По мнению Абу Рейхана Беруни «Для удовлетворения своих жизненных потребностей люди должны жить объединившись». По его мнению, благодаря миру и дружбе, взаимной

помощи и согласию, жизнь людей, принадлежащих к различным нациям, становится содержательной и благополучной.

Абу Али ибн Сино, известный в Европе как Авиценна, считал, что общество невозможно представить без государства, законов и уставов.

Мысли Мусо Хорезми об обществе и его будущем имеют особое значение и в наши дни. Он высоко оценивал роль науки, значение нравственности в прогрессе человечества.

Учащиеся третьей группы отвечают на третье и четвертое вопросы.

Из истории нам известно, что идейные взгляды на Востоке, в древней Греции и Риме внесли большой вклад в развитие народов. Зачатки философских идей возникли в древнем Вавилоне, Египте, Индии, Китае, Центральной Азии. Бесценные памятники, созданные древними мыслителями Египта, Индии и других стран содержат поучительные афоризмы, предания, справедливости, добросовестности, честности и трудолюбия.

В конце урока преподаватель подводит итоги, оценивает ответы и выступления учащихся.

DARSLARDA MULTIMEDIA MAHSULOTLARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Salimova Y. – BVXTXQT va MOI MO`HM koordinatori yordamchisi

***Ta'limning yangi modeli jamiyatda mustaqil fikrlovchi
erkin shaxsning shakllanishiga olib keladi.***

I.A. Karimov

Hozirgi zamon o`quvchi –yoshlar ta'limini zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalarsiz tasavvur etish qiyin. Zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari va internetning beqiyos imkoniyatlari shu qadar takomillashib bormoqdaki, biz hatto tasavvurimizga sig`maydigan har qanday vazifani ham mana shu texnologiyalar bimalol bajarib kelmoqda. Prezidentimizning “Kompyterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to`g`risida” 2002-yil 30-maydagi PF-3080-sonli Farmoni zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari va internet berayotgan qulayliklarni bevosita ta'lim jarayoniga tadbiq qilish ishlarni jadallashtirdi. Har bir o`qituvchi avvalo o`z darsida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanadigan, internet bilan bimalol ishlay oladigan, elektron kutubxona va undagi ma'lumotlardan ta'lim-tarbiya sohasida qo`llay oladigan bo`lishdi. Endi ular qaysi sahifada ko`rsatilgan ma'lumotlar ta'lim sohasiga mos tushishi, Pespublika bo`ylab faoliyat ko`rsatayotgan ta'lim portallari haqida yetarlicha ma'lumotga egadirlar.

Zamonaviy o`qituvchi bu bilim ko`nikmalari bilan o`quvchiga o`rnak bo`ladi, u o`zi kiradigan ta'lim sohasiga oid saytlar haqida o`quvchilarga ma'lumot beradi, o`quvchiga aynan uning kelajagi uchun kerak bo`ladigan bilimni bera oladigan sahifani kirib ko`rishni tavsiya qiladi, internetdan olingan ma'lumotlar bilan darslikdagi ma'lumotlarni solishtirib o`quvchilari bilan fikr almashadi.

Fan olg`a siljigan sayin axborot kommunikatsiya texnologiyasi sohasi ham beto`xtov yangilanib bormoqda. Ta'lim sohasida foydalanish uchun multimediali maxsulotlar yaratilmoqda. Multimedia vositalari asosida o`quvchilarga ta'lim berishni yo`lga qo`yish hozirgi kunning dolzarb masalalaridandir. Multimedia bugungi kunda gurrak rivojlanayotgan zamonaviy axborot texnologiya vositasi. Multimedia – bu dasturiy va texnikaviy vositalar asosida audio, video, matn, grafika va animatsiya (ob`ektlarning fazodagi harakati) effektlari asosida o`quv materiallarini o`quvchilarga etkazib berishning mujassamlangan holdagi ko`rinishidir.

Ta'lim oluvchilarning ongliligi va faolligini oshirish uchun darsni shunday tashkil etish nazarda tutiladiki, bunda o`quvchilar ilmiy bilimlarni amalda qollab, ongli va faol egallab oladigan, ijodiy tashabbuskorligi va o`quv faoliyatida mustaqilligi, tafakkuri, nutqi rivojlanadigan bo`lsin. Darslarda multimedia vositalaridan foydalanish, xuddi shunday talablarga javob beradi. Multimedia vositalaridan fanlarni o`qitish jarayonida foydalanish ta'lim sifatini va samarasini oshirishning eng qulay usullaridan biri hisoblanadi.. Multimedia vositalari o`quvchiga yakka tartibda yo`dashish

imkonini beradi va o`qituvchining bevosita ishtirokisiz ham o`quvchi materialni o`zlastirish mumkin bo`ladi.

Respublikamizdagi websahifalarda bir qancha multimedia mahsulotlari mavjud. Sahifalardagi multimedia mahsulotlarini o`rganib, hatto yuklab ham olishimiz mumkin.

Shu qatorda uzedu.uz - O`zbekiston Respublikasi Xalq Ta`limi Vazirligi saytini alohida tilga olish lozim. Chunki ushbu saytda davlatimizda ta`lim-tarbiya sohasida erishilayotgan yutuqlar, o`qituvchilar uchun barcha fanlardan DTS, o`quv rejalar, o`quv qo`llanmalar, faoliyat ko`rsatayotgan ta`lim muassasalari, chop etilgan darsliklar bilan birga bir necha fanlarga oid multimedia mahsulotlari bilan ham tanishishimiz mumkin. Sahifadagi multimedia mahsulotidan dars vaqtida ishlatish dars samaradorligini oshiradi. Masalan: ona tili va adabiyot fani o`qituvchilari www.uzedu.uz saytiga kirib taqdim etilgan multimedia mahsulotlaridan darslarida foydalanishlari mumkin. Adabiyot fanidan "Rangli doira" testi (A.Qodiriy hayoti va ijodi bo`yicha), "Tezyurar" o`yini (Maqollarni aniqlash), Ona tili fanida foydalanish uchun "Quvnoq alifbo" (Alfavit tartibini aniqlash) kabi multimediyah mahsulotlari saytda joylashtirilgan. O`qituvchilar ushbu multimediali mahsulotlar bilan tanishib, ishlatish ko`rsatmalarini bilib olishlari lozim. So`ngra o`quvchilarga tavsiya beradilar, yoki dars soatining o`zida o`quvchilar bilan internetda to`g`ridan – to`g`ri ishlashga imkon tug`iladi. Bunda o`quvchilar multimedia mahsuloti topshirig`ni o`zlari bajaradilar va bu o`quvchilarni o`z ustida mustaqil ishlashga, fikrlashga, izlanishga undaydi.

Xulosa qilib aytganda, ta`lim jarayonida axborot texnologiyalari, multimedia vositalari yordamida olib borilgan dars o`quvchining darsga bo`lgan qiziqishini va bilim olish saviyasini oshiradi.

ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Воҳидова М. – ф.ф.н. БухМТИ, доц.

Буюк файласуф Конфуций айтганидек: **“Мен нимани эшитсам унутаман, нимани кўрсам хотирамда сақлайман, нимани ўзим билсам тушунаман”**. Шунинг учун таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни фаол бўлишини талаб этадиган бир қатор услублар, яъни замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллашда яхши самара бериши ўз аҳамиятини кўрсатмоқда.

Маълумки, исталган юксак даражада ривожланган мамлакатнинг инсонлар салоҳияти унинг асосий рақобатчилик потенциали саналади. Айнан у замонавий оламнинг глобаллашув шароитларига, рақобатбардошлик ютуқларига мослашиш имконини беради, мамлакатнинг иқтисодий кудрати, аҳоли фаровонлиги ошишининг муҳим шарти саналади. мамлакатнинг инсон потенциали кўп жиҳатдан таълим, узлуксиз таълимнинг замонавий тизими ривожланганлиги, ўқитувчилар касбий компетентлиги даражаси билан белгиланади.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасида таълим давлатнинг устивор функцияси саналади, давлат сиёсати фаол, мустақил, мақсадга интилувчан, ижодкор ва масъулиятли, замонавий плюралистик ўзгарувчан оламда ранг-баранг ҳаётий ролларни муваффақиятли идрок қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялашга қаратилган. Таълим тизими қонуниятли тарзда меҳнат бозорининг вазиятли ва истиқболли эҳтиёжларига мослаштирилади ва сермахсул, ижодкор меҳнат ва ижтимоий ҳамкорлик қобилиятини шакллантиришга йўналтиради.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш таълим мазмунига ва сифатига етарли даражада таъсирини кўрсатади. Ахборот технологиялари ҳар доим ўқитиш ёки умуман педагогик технологияларнинг ажралмас қисми бўлиб келганлигини таъкидлаш керак. Шу билан бирга таълим жараёнини ўзи ҳам ахборот жараёни ҳисобланади. Фақатгина замонавий компьютер технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида замонавий ахборот технологияларнинг таълим жараёнидаги ўрни сезиларли даражада ўзгарди. Ижтимоий - гуманитар фанларни ўқитиш умуман таълимда ахборот технологияларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилади. Биринчидан ҳар бир талаба жамиятни компьютерлаштириш шароитида керакли билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.

Бунда ахборот жамиятнинг тараққий этишида ва ривожланишида энг мухим факторларидан бири хисобланади. Ҳар бир талаба билим олиш жараёнида табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида рўй бераётган ўзгаришлар илмий тараққиёт ва фан техника янгиликлари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиши ва уни ўзлаштириши лозим. Иккинчидан, фанларни ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан асосий ўқитиш самарадорлигини кескин ошириш, ўқув –тарбиявий жараёни замон талаби даражасида ташкиллаштириш вазифасини амалга ошириш лозим. Бу вазифани бажарилиши талабаларни қанча билим ва малакаларга эга бўлганлиги билан эмас, балки ўқув жараёни қандай ташкил этилганлиги билан ўлчаниши керак бўлади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида педагогик технологияларидан фойдаланиш, яъни самарали ўқитиш технолологияси ўқув ва дастурий воситаларни яратишни талаб қилади. Бу дастурий воситалар ўқитиш жараёнига ва берилаётган билимга қизиқишни ошириш ва ҳамда билим олишга бўлган интилишни қаноатлантириши керак бўлади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари воситаларидан ўқув дастурлари, мультимедиа технологиялари, масофадан ўқитиш ва интернет тизимлари мухим ўрин тутаяди. Ўқув дастурлари маълум бир фан соҳасига ёки предметга мўлжалланган бўлиб, ўқитиш жараёнида ёки талабаларни мустақил билим олишда фойдаланилади, албатта ўқув дастурлари ўзининг тузилиши ва мазмунига қараб бир нечта турлага бўлинади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда маъруза, амалий ва семинар машғулотларида ўқув дастурларининг ўрнига қараб фойдаланиш, ўқув жараёнини мукамаллаштириш учун замин яратаяди. Талабаларни мустақил билим олишида, ўтилган мавзунини такрорлашда ҳамда олинган билимларни текширишда ўргатувчи, ахборот маълумотли, назорат қилиш дастурларининг қўлланилиши талабаларни ўрганилаётган мавзу бўйича билим ва малакаларини мустақамлашда мухим аҳамиятга эга бўлади.

Мультимедиа технологиялари ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда турли овозли, видеоли, анимацияли, графикли ва бошқа кўринишдаги ахборотларни ҳосил қилувчи воситалардан фойдаланиш имконини беради.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ахборотларни талабаларга қандай тарзда берилишига ва қандай қабул қилишга боғлиқ бўлади.

Мультимедиа технологиялари орқали ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш ижобий натижа беради.

Мультимедиа технологиялари ўрганилаётган жараён тўғрисидаги ҳар бир ахборотни талабаларга ҳаракатли овозли ва графикли кўринишда баён қилиб беради.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда мультимедиа технологияларидан фойдаланиш ўқитувчилар учун ҳам янги имкониятларни очиб беради. Дарс самарадорлигини ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига шу технологияларни қўллашга оид билим ва малакаларига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда педагогик технологиялардан яна бири фанларни масофадан ўқитиш тизими орқали ўрганиш учун автоматлаштирилган ўқув курслари яратиш керак бўлади. Автоматлаштирилган ўқув курслари фанларга таълуқли назарий ва амалий маълумотлар мажмуасидан иборат бўлади. Талабаларни мустақил ишлаши учун интернет тармоғидан ҳам фойдаланиш лозим бўлади. Интернет тармоғи фақатгина таълим тизимига эмас, балки барча соҳаларга тез суратлар билан кириб келаётган замонавий воситалардан биридир. Ўқитиш жараёнида интернет тизимидан ўрганилаётган мавзуга тегишли ахборотларни излаб топиш, масофадан ўрганиш, ўрганган билимларни назорат қилиш, илмий тадқиқот ишларини бажариши учун лозим бўлган маълумотларга эга бўлиш, бошқа олийгоҳлар тажрибаси асосида дарс жараёнини ташкиллаштириш кенг тарқалган. Бу эса ўқитиш ва ўрганиш жараёни самарадорлигини ошириш билан бирга талабаларни мустақил билим олиш малака ва кўникмаларини мустақамлайди.

«КЕЙС-СТАДИ» МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИ УСЛУБИЁТИ

Навруз-зода З.Б.

“Иқтисодий билим асослари” фанини амалиёт билан боғлаган ҳолда ўқитиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий тажриба шундан далолат берадики, «кейс стади» усулидан фойдаланиш иқтисодиёт бўйича дарсларининг сифат ва самарадорлиги оширишини таъминлайди.

«Кейс стади» инглизча сўз бирлиги ўзбек тилида «вазиятни ўрганиш» иборасини англатади. Умумий ўрта таълим тизимида бу усул берилаётган назарий билимларни амалиёт билан узвий боғлаган ҳолда ўқитиш, яъни ўқув жараёнида турли хилдаги амалий ҳодиса, муаммо ва воқеаларни кейс тарзида ифодалаб, дарс вақтида уни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилишдан иборат.

«Вазиятни ўрганиш» усули илк маротаба ўтган асрнинг бошларида тиббий ва ҳуқуқий билимларни эгаллаётган ўқувчиларга уларнинг билим олишларини янада самарали бўлишини таъминлаш мақсадида қўлланилган. Сўнгра АҚШнинг Гарвард университетида иқтисодий фанларни ўқитишда ҳам жорий қилина бошланди. Мазкур университет профессорларининг фикрига кўра, ўтилган мавзунини талабалар томонидан эслаб қолиш даражалари ҳар хил услубларда турлича бўлиб, вазиятли ўрганиш усулида, унинг амалий аҳамиятлилиги туфайли, бу даража бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади.

Бу усулда ўтказилган дарс натижасида, ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш ва аналитик қобилияти ривожлантирилади; муаммоли вазиятдан чиқиш йўлини топишга кўмаклашилади; қарор қабул қилиш учун масъулиятни ўз бўйнига ола билиш, бошқа кишилар фикрларини кадрлаш ва фаол ҳаракат қилишларига ўргатилади.

«Вазиятни ўрганиш» усулида дарс ўтиш учун кейс ёки вазиятли масала тузиш керак бўлади. Уни тузиш тартиби қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Кейс ёхуд вазиятли масала тузишнинг асосий мақсадини англаш.
2. Ўқитиладиган фан ва унинг мавзусини танлаш.
3. Мақсадли ўрганувчи гуруҳини белгилаш.
4. Мавзуга оид маълумотлар тўплаш.
5. Мавзунини тўлиқ ёритиш учун яна нималарни ўргатиш мумкинлигини аниқлаш.
6. Бош қаҳрамонни ўйлаб топиш ёки корхонанинг иқтисодий муаммосини аниқлаш.
7. Бош қаҳрамон ёки корхонанинг иқтисодий муаммоси тўғрисида ҳикоя ёзиш.
8. Мавзуга оид вазиятли масаланинг муносиб турини танлаш.
9. Мунозара учун савол ва топшириқларни тузиш.
10. Муҳокама ва яқунлаш жараёнини ишлаб чиқиш.

Кейслар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

• микро-кейс: вазият, ҳодиса, муаммо сони битта бўлиб, иштирокчилар сони жуда кам бўлади ва ўқув жараёнида қўллаш жуда қулай;

• мини-кейс: ўрганилаётган муаммоли вазиятнинг бир неча хил кўринишларда намоён бўлиши ва иштирокчилар сони кўплиги билан изоҳланади;

• умумий-кейс: турли хилдаги воқеа, ҳодисаларни турли хил кўринишларда намоён қилиб ўқув жараёнида фойдаланиш;

• стратегик-кейс: воқеаларнинг бўлажак ҳолатини башоратига асосланган вазиятли масала;

• классик-кейс: биринчи яратилган типлардан бўлиб, бўлаётган ҳодисанинг тўлиқ, ҳаққоний тасвирлашга асосланган кейс;

• неоклассик-кейс: содир бўлаётган вазият, ҳодиса, муаммо ўқув жараёнига мослаштирилиши учун ҳаққоний ҳолат ўзгартирилган ҳолда кейс тузилади;

• ўхшаш–кейс: ҳақиқатда бўлмаган, лекин ҳаётда содир бўлаётган воқеага мос равишда ишлаб чиқилган, ўқув жараёнида қўлланиши мумкин бўлган вазиятли масала.

Вазиятли масала тузиш учун маълумотлар манбаси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- оммавий нашрлар;
 - интернет маълумотлари;
 - корхоналар ҳисоботлари ва бошқа иш юритиш ҳужжатлари;
 - изланиш натижасида олинган ташкилотлар (муассасалар) маълумотлари;
 - махсус адабиётлар, дарслик, ўқув кўлланмалар, услубий кўрсатмалар ва бошқалар.
- «Вазиятни ўрганиш» усулида дарс ўтказиш 5 та босқичда кечади:

1. *Ўқувчиларни кейс билан таништириши.* Вазиятни ўрганиш услуби тўғрисида ўқувчиларга маълумот бериб, уни ўтказиш босқичлари тушунтирилади.

2. *Ўқувчиларга кейс вазияти тўғрисида ахборот бериши.* Ўқитувчи вазият бўйича қисқа маъруза қилади ёки ўқувчилар роль бажариш орқали вазиятни кўрсатадилар.

3. *Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиши ва уларнинг вазиятни таҳлил қилишларини назорат қилиши.* Ўқувчилар турли мезонлар орқали кичик гуруҳларга ажратилади, ўқитувчи ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ва яқка ҳолда вазиятни таҳлил қилишларини назорат қилади.

4. *Вазият бўйича ўқувчилар фикрини билиши.* Кичик гуруҳлардаги вакиллар фикри, яқка ҳолда ўтказилганда, ҳар бир ўқувчи фикри ёзма иш, оғзаки ва кўргазма шаклида ўрганилади.

5. *Таҳлил натижаларини умумлаштириши.* Ўқувчиларнинг вазият бўйича фикрлари ўрганилгач, синфхона бўйича ягона тўхтамга (хулосага, фикрга) келинади. Ҳар бир ўқувчининг фаоллиги, билими фикр билдиришига кўра баҳоланади. Масалан, ҳар бир ўқувчи билимига ушбу машғулот бўйича энг юқори 5,0 балл белгиланган. Ўқитувчи гуруҳ аъзолари тахминан 6 кишидан иборат гуруҳга 26,4 балл белгилади. Бунда, 1-вариант: ўқувчилар келишган ҳолда, жами баллни ўзаро тақсимлаб оладилар, 2-вариант: гуруҳдаги ҳар бир ўқувчига жами баллни ўқитувчи ўзи тақсимлаб беради. Иккала вариантда ҳам гуруҳдаги ҳар бир ўқувчига бир хилда балл тақсимланиши мумкин (4,4 баллдан) ёки энг фаол ва билими юқори ўқувчиларга юқорироқ, қолганларига пастроқ балл белгиланиши мумкин (5,0; 4,8; 4,5; 4,3; 4,1; 3,7 ёки бошқа хилда).

Вазиятли масалаларни уч услубда таҳлил қилиш мумкин:

1. Яқка тақдимот услуби.
2. Турли роллар ўйинлари услуби.
3. Гуруҳли баҳс услуби.

Яқка тақдимот услубида ўқувчиларга мини-кейс маълумотлари етказилади. Ушбу вазиятга нисбатан ҳар бир ўқувчи ўз фикрини оғзаки ёки ёзма шаклида билдиради. Бу услубда ўқувчи билдириладиган фикрни аввал ёзма шаклида ифодалаб, сўнг ёзилган матнни барчага ўқиб эшиттириши самарали ҳисобланади, чунки бунда фикрлар кетма-кетлиги мукамал тузилиб, матн мазмунли ва равшан бўлади.

Турли роллар ўйинлари услубида ўқувчиларнинг ўзлари содир бўлаётган ёки бўлиши мумкин бўлган воқеа, ҳодиса, вазиятни тасвирлаб берадилар. Ролли ўйинларни ўтказиш хусусияти шундан иборатки, бунда ўқувчиларнинг ўзлари вазиятли масалада бевосита қатнашиб, турли ролларни ижро этадилар. Сўнгра ушбу вазият бўйича, бажарилган роллари бўйича ўзларининг муносабатларини яқка ёки гуруҳли тақдимот шаклида билдирадилар. Баъзан, ролли ўйинлар ўтказилгач, ўқувчилар фикрларини аниқлаш мақсадида кичик гуруҳлардаги баҳслар ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Гуруҳли баҳс услубида ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратиб, уларнинг ҳар бирига умумий ёки алоҳида вазиятли масала топширилган ҳолда, уларнинг фикрлари тингланади. Муаммоли вазият топширилгандан сўнг, гуруҳда мунозара бўлиши учун муайян вақт берилади. Сўнгра, гуруҳдагилар бир фикрга келганларидан сўнг, улар орасидан бир ўқувчи гуруҳ хулосасини билдиради, гуруҳнинг қолган ўқувчилари қўшимча фикрларини айтишлари мумкин. Ҳар бир гуруҳдаги ўқувчилар сони 4-6 кишидан иборат бўлгани маъқул. Гуруҳ аъзолари кам бўлганда, фикрлар кам бўлиб, баҳс, мунозара юқори даражада бўлмайди. Гуруҳдаги ўқувчилар сони жуда кўп бўлса, айрим ўқувчилар фаоллиги пасаяди ва бир-бирига халақит беришади. Тақдим этиладиган вазиятли масала ҳар бир гуруҳ учун ягона белгиланиб, ўқувчиларни гуруҳларга ажратмасдан аввал ҳам уларга тарқатиб бериш мумкин ёки ҳар бир

гурухга алоҳида муаммоли вазият белгиланиб, ўқувчилар гурухларга ажратилгандан сўнг ҳам вазиятли масалани мазмуни билан уларни таништириш мумкин.

Шундай қилиб, “Иқтисодий билим асослари” фанини вазиятни ўрганиш усулида ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур усулда дарс жараёнини ташкил этиш бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган, назарий билимларни амалиётда қўллай билладиган иқтисодий билимдон ёшларни тайёрлашда самарали педагогик технология ҳисобланади.

ОПТИМИЗАЦИЯ ОБУЧЕНИЮ РУССКОМУ ЯЗЫКУ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

*Зокирова О. – учитель русского языка и литературы общеобразовательной школы №26
города Ферганы*

В дидактике обоснован целый ряд принципов, на основе которых успешно строится учебно-воспитательный процесс: научность, связь обучения с жизнью, систематичность и последовательность, доступность, наглядность, сознательность и активность учащихся при руководящей роли педагога, прочность знаний, умений и навыков и др. Данную систему принципов можно дополнить ещё одним – принципом оптимизации учебного процесса. В научной литературе под оптимизацией обучения понимается создание наилучшего для конкретных условий варианта обучения, позволяющего успешно решать учебные задачи при рациональных затратах времени учащихся и преподавателя. Важнейшей задачей обучения русскому языку в национальной школе является развитие связной речи учащихся, что обусловлено принципом коммуникативной направленности обучения, необходимостью практического овладения языком как средством общения.

В заключении хочется отметить, что компьютер не заменяет преподавателя на уроках, а является эффективным помощником, позволяющим повысить качество обучения и

эффективность контроля. В настоящее время использование компьютера в учебном процессе очень актуально.

YOSH AVLODNING MA'NAVY-AXLOQIY TARBIYASIDA MUTAFAKKIRLARNING FIKRLARIDAN FOYDALANISH

Toshpo`lotova N. – FVXTXQT va MOI Pedagogika fani o`qituvchisi

Yosh avlodni axloqiy, aqliy jismoniy, ma'naviy jihatdan barkamol shaxs etib tarbiyalab voyaga yetkazish asrlar davomida insoniyatning ilg'or namoyandalari o`rtasida jiddiy munozaralarni keltirib chiqargan hamda muhim masalalardan biri bo`lgan. Bu haqida ko`plab g`oyalar yaratilib, ilgari surildi. Oliyjanob fazilatli yetuk shaxsni goho oy, goho quyoshga o`xshatiladi. Barkamol insonni tarbiyalash hozirgi zamonda ham o`z dolzarbligini yo`qotmagan. Shu kezda Prezidentimiz I.A. Karimovning quyidagi so`zlari beixtiyor yodga keladi: "Barkamol avlod kelajagimiz poydevori". Har bir shaxsning voqelikning idrok etishi uni qabul qilishi ma'lum bilimlar tizimiga ega bo`lishi, ijtimoiy taraqqiyot bilan belgilanadi. Shaxsning o`rnini aniqlashda ta'lim-tarbiya masalalarini to`g`ri hal etish ahamiyatga bog`liq. Shaxsning xususiyati fazilatlarining har xilligidadir. Barkamol avlodni tarbiyalashda umuminsoniy qadriyatlarni har tomonlama yetuk, mukammal, axloqiy pok ma'naviy ustuvor jihatlarni ular ongiga singdirish, iymon e'tiqodi butun o`z xalqi, o`z Vataniga fidoiy shaxs etib tarbiyalashga e'tibor berish zarur. Ilgari odimlab borayotgan vatanimizda yoshlar sidqidildan bilimli, salohiyatli bo`lib taraqqiyotning rivojlanishiga ulkan hissa qo`shmoqdalar. Shaxsni barkamolikka yetaklovchi kuch bu ma'rifatdir. Inson uchun zarur bo`lgan ijobiy fazilatlar saxiylik, sabrlik, kamtarlik, hamjihatlik insonning oliy ko`rki hamda ruhiy tayanchidir.

Ajdodlarimiz tamal toshini qo`ygan pillapoyalardan yoshlar yuqori cho`qqilarga ko`tarilmoqdalar. Ularga asosan ajdodlarimizning ya'ni ulug` mutafakkirlarimizning ta'lim-tarbiyaga oid qarashlarining yoshlar ongiga ta'siri muhim bo`lmoqda. Mutafakkirlarimiz Abu Ali ibn Sino va Abu Rayhon Beruniy ta'riflashganidek barkamol shaxsni tarbiyalashning muhim maqsadlari : ya'ni aqliy tarbiya, axloqiy tarbiya, nafosat tarbiyasi, jismoniy tarbiya hamda sog'lomlashtirish tarbiyasi, mehnat tarbiyasi baynalminal tarbiyasi, vatanparvarlik tarbiyasi, va oila tarbiyasi turlariga amal qilmoqdalar. Ayni damda yosh avlodning oldida turgan asosiy dolzarb masalalardandir. Yurtsevar, oliyjanob, do`stona, adolatlilik, halol bo`lishdek fazilatlariga ega bo`lish kelajak avlodning maqsadidir. Har tomonlama rivojlangan yetuk shaxsni jamiyatdagi o`rni va faoliyati muhim. Allomalar e'tirof etgan jismoniy tarbiya borasidagi tavsiyalarda sog'lom turmush tarsi kun tartibini to`g`ri uyushtirish, sport bilan shug`ullanish, tana a'zolarini chiniqtirish nazarda tutiladi. Axloqiy tarbiya orqali odob axloq borasidagi baxs munozaralar tashkillanib o`tkazilmoqda. Axloqiy tarbiya ibrat manbaiga aylanmoqda. Axloqiy barkamol inson ma'naviy halovatdan mamnun bo`lsa ya'ni qanoat qilsa ularning irodasi kuchlidir. Insonda adolatlilik afzallik, burch kabi yuksak xislatlarni shakllantirish uchun ko`plab chora tadbirlar olib borilmoqda. Nafosat tarbiyasi orqali yoshlarning san'atga oid iqtidor qobiliyatlari o`smoqda. Hayot tabiat go`zalliklarini o`zida namoyon etgan, ularni tushunish ulardan oqilona foydalanishga e'tibor berilmoqda. Aynan nafosat tarbiyasi orqali xalqimizning madaniyat qirralarini o`z bilimlari bilan dunyoga tanitmoqdalar. Shu asnodan turli san'at sohasidagi tanlovlarda ishtirok etmoqdalar. Aqliy tarbiya berish bilan yosh avlodni bilim olishga qiziqtirib, fan texnika, madaniyat sohasidagi bilimlarini kengaytirilmoqda.

Axloq odob borasidagi tadbirlarda aynan mutafakkirlarning merosiga murojaat etgan holda ma'naviy – ma'rifiy tadbirlar muzokaralarning o`tkazilishi ham nechog`lik ularga bo`lgan hurmat ehtiromning yaqqol namunasidir. Aqliy tarbiya borasida yoshlarning ilmiy izlanishlar tadqiqotchilik faoliyati bilan shug`ullanishga, ilm-fan yutuqlaridan foydalanishga e'tibor berilmoqda. Bugungi kunda yoshlarimiz ham o`zlari buyuk kashfiyotlar, ixtirolar ustida tinmay izlanishlar olib borishmoqda.

Prezidentimiz I.A. Karimov o`zining bir qator asarlarida ozod yurtning hur fikrli vorislarini tarbiyalashning o`ziga hos dasturul amaliy tavsiyalarini yaratdi. Buning uchun yurtimiz rahbarining "Ma'naviy va ma'rifat, madaniyat axloq haqidagi asarlarni ko`plab chop etish ayniqsa

madaniy meros bilan birga yangilanayotgan bugungi turmush tarzini hamda yangicha tus olayotgan jamiyatimizning mazmun- mohiyatini teranroq yoritish, kengroq o'rganish muhimdir."- degan fikrlarini yodga olish kifoyadir. Ma'naviy sohada o'z ifodasini topgan aniq ravshan yutuqlarni muvaffaqiyatli deb hisoblamoq joiz.

Xalqning ma'naviyati, madaniyati uning xaqiqiy tarixi va o'ziga xosligi qayta tiklanayotganligi ;

Jamiyatimizning taraqqiy ettirish yo'lidan muvaffaqiyatli ravishda olg'a siljitishda hal qiluvchi, ta'bir joiz bo'lsa belgilovchi ahamiyatga egadir.

Xalqimiz sarchashmalarining ko'zlari qaytadan ochilganligi jahon madaniyati yutuqlariga zo'r hissa qo'shgan buyuk ajdodlarimizning ma'naviy va madaniy merosi chuqur anglanmoqda. Har bir avlodning o'z o'tmishiga oliyjanob milliy, madaniy, diniy an'alariga hurmat bilan qarash, ularni asrash ayni chog'da hozirgi zamon jahon taraqqiyoti va ma'naviyati qadriyatlarini o'zlashtirish muhim manbalardandir. Xalqimiz o'zining milliy o'zligini anglab yetdi. Yosh avlod buyuk ajdodlarimizga munosib bo'lish borasida

intilishlarini ta'kidlash darkor. Biror bir jamiyat ma'naviy imkoniyatlarini insonlar ongida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarini rivojlantirmay turib o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi. Xalqning madaniy qadriyatlari ma'naviy merosi asrlar mobaynida nafaqat Sharq xalqlari uchun balki G'arb xalqlari uchun qudratli manba bo'lib xizmat qildi. Ajdodlarimiz tomonidan ko'p asrlar davomida yaratib kelingan g'oyat ulkan bebaho merosni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan muhim vazifa bo'lib qoldi. Ma'naviy qadriyatlarni tiklash, milliy o'zlikni anglash xalqning ma'naviy sarchashmalariga uning ildizlariga qaytishdan iborat uzviy tabiiy jarayondir.

Xalqimiz o'z taqdirini chinakam egasi, o'z tarixining ijodkori hamda o'ziga hos milliy madaniyatning sohibiga aylandi. Ma'naviy qadriyatlarni tiklanishi hozirgi zamon taraqqiyotining moslashishini anglatadi. Axloq va ma'naviyat har bir insonning fikri, zikrida bo'lishi kerak. Yuksak darajadagi axloqli fuqaroni voyaga yetkazish har bir fuqaroning burchidir. Ma'naviy tiklanish - insonlarning fikrlash tarzini o'zgarishi mustaqillik ruhi belgilab beradigan yangi avlodga mansub ziyolilarning paydo bo'lishi demakdir. Xalqning kelajagi, ma'naviy qudrati milliy ongning ijobiy kuchiga bog'liq. Ma'naviy, aqliy, axloqiy o'sish hamda rivojlanishga hech qanday narsa to'siq bo'lishi mumkin emas. O'zbek xalqi avloddan avlodga o'tib kelgan o'z tarixiy va madaniy qadriyatlarini, o'ziga hos an'analarni saqlab qolishga muvaffaq bo'ldi. Tarix millatning xaqiqiy tarbiyachisiga aylandi. Buyuk ajdodlarimizning bizga qoldirgan boy madaniy, ma'naviy merosi, jasoratlarini tarixiy xotiramizni jonlantirib, fuqarolar ongini yanada shakllantirib yubordi.

Barkamol avlodni ulg'aytirish uchun allomalarning o'g'itlari dasturulamal bo'lib xizmat qilmoqda. Hozirda O'zbekiston deb atalmish diyorumizda bilimli, salohiyatli yoshlarning nufuzi oshib bormoqda. Har bir yoshlarning g'oya va maqsadlari yetuk cho'qqilarni zabt etishdan iborat. Ilgari odimlab borayotgan O'zbekistonda yoshlar bilimli bo'lib kamol topmoqdalar. Davlatimizning rivojlanib dunyo mamlakatlari safidan o'rin egallashga sidqidildan ko'maklashmoqdalar. Albatta ishonch, e'tiqod bor joyda tashabbuskorlik hamda bunyodkorlik faoliyati bo'ladi. Inson avvalo ma'naviy yetuklikka erishmog'i darkor.

Ma'naviyat-insonning ichki aqliy, axloqiy, ruhiy, ilmiy mafkuraviy ma'rifatli tomonlarini qamrab oluvchi tushunchadir.

Ma'naviyat insonning insonga hos bo'lgan oliyjanob fazilatlarini hislat hamda munosabatlarini o'zida mujassamlashtiradi. Inson jamiyat taraqqiyotining asosi bo'lgan ma'naviyat insonni jamiyatda tutgan o'rni, qadri ilmiy ma'rifiy salohiyatini belgilaydi. Xalqning ma'naviy madaniyati uning tarixi va o'ziga hosligi, qayta tiklanayotganligi jamiyatning yangilanish va taraqqiyot yo'lidan muvaffaqiyatli olg'a siljitishda hal qiluvchi, belgilovchi ahamiyatga ega. Ma'naviy, madaniy qadriyatlarining birdan-bir manbai albatta an'anaviy oila va qarindoshlilik munosabatlari odobidan iborat. Yoshlarni milliy g'oyani tushunib yetishida avvalo ularning dunyoqarashiga e'tibor berish zarur. Ularni umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik ruhida tarbiyalash muhim masalalardandir. Shaxsning ongida milliy g'oyani shakllanishida ijtimoiy tarbiyaning ahamiyati beqiyos. Yosh avlod o'tmish tajribalarini o'zlashtirib yanada boyitish uchun ma'naviy boylikka ega bo'lishi darkor. Har qanday millatning tafakkur, turmush tarzi, ma'naviy qarashlarida

ularning rivojlanishida tarixiy, tabiiy ijtimoiy omillar sabab bo`ladi. Har qanday jarayonda ham o`ligimizni yo`qotmasdan ma`naviy hayot mezonlari odob -axloq qoidalariga amal qilib, komillik sari intilib yashashga ajdodlarimiz bizga ibratdir.

Inson uchun hamma zamonlarda ham eng buyuk boylik bo`lib kelgan ma`naviyatning ma`no mazmuni, uning inson va jamiyat hayotidagi o`rni va ahamiyati beqiyosdir. Har tomonlama zamon talablari asosida taraqqiyotning rivojlanishi bo`yicha ulkan ishlar amalga oshirilmogda. Ma`naviy yuksalishga erishish yillar davomida davom etaverar ekan, ma`naviy hayot oldiga qo`yiladigan talablar paydo bo`laveradi. O`zbekiston deb atalmish davlatimiz taraqqiyot zinalaridan yangi cho`qqilar sari odimlab boraveradi.

«СОВРЕМЕННАЯ ПЕДАГОГИКА И И.К.Т.В ПРЕПОДАВАНИИ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ»

Умурзаковой Д. – Учителя русского языка и литературы школы № 34 г. Ферганы.

Современная педагогика и И.К.Т в преподавании русского языка и литературы.

В настоящее время большое внимание уделяется внедрению в практику работы новых педагогических технологий, развитию критического мышления школьников, активизации мыслительной деятельности учеников.

В своей статье я расскажу о некоторых педагогических технологиях и приведу примеры, как надо использовать на уроках русского языка и литературы.

Стратегия «**Мозговой штурм**». Ученикам предлагает ответить на вопросы по рассказу А.П.Чехова «Хамелеон». Почему Хрюкин поднял вверх укушенный палец? Ученики дают разные ответы:

- Чтобы обратили на него внимание:
- Чтобы пожалели собаку:
- Чтобы показали хозяина собаки.

Ученики высказывают свои мнения и приходят к выводу.

Хрюкин показывает палец и этим хочет сказать: «Как я буду работать я же ювелир».

Стратегия «Инсерт».

При изучении рассказа «Человек в футляре» ученикам предлагается самостоятельно прочитать рассказ, указать, что поняли, заполнить таблицу.

Каким должен быть человек
(идеал А. П. Чехова).

Каким был «Человек в Футляре»?
(Портрет Беликова).

«В человеке все должно быть прекрасно

И лицо.....

И одежда.....

И душа

И мысли».

После изучения рассказа ученики заполняют таблицу.

Каким должен быть человек?
(Идеал А. П. Чехова)

Каким был «Человек в футляре»?
(Портрет Беликова).

«В человеке все должно быть прекрасно:

И лицо.....

И одежда.....

И душа, и мысли..... »

Бледное, маленькое, как у хорька

Теплое пальто на вате, калоши и фуфайка

Мысли прятал в футляре.

Такой вид работы учит самостоятельному анализу художественного текста.

Я придаю большое значение применению И.К.Т. на уроках русского языка и литературы. Использование И.К.Т. и компьютера помогает лучше усвоить программный материал, активизировать мыслительную деятельность учащихся, эффективнее объяснить новый материал, развивать критическое мышление, создавать проблемные ситуации.

Я хочу рассказать и показать, как я использую слайды на уроках русского языка.

1 слайд. Тема урока: «Спряжение глаголов». 6 класс. Предлагается таблица.

«Спряжение глаголов».

-е	-ем -им	
-ешь	-ете	-ите
-ю, -у-	-ют, -ут	-ат, -ят.

Работа по этому слайду помогает лучше усвоить программный материал.

2 слайд. Блочный метод. Изучение нового материала.

В 8 классе на изучение темы «Члены предложения» отводится 5 часов (№ 4 определение, №5- сказуемое, №6 - дополнение, № 7- определение, №8- обстоятельство).

Я предлагаю опорную таблицу.

Члены предложения

Главные		Второстепенные.		
Подлежащее	сказуемое	дополнение	определение	обстоятельство
(Кто? Что?)	(Что делает?)	(косвенного падежа)	(Какой? Чей?)	(Где? Куда? Откуда?).

При помощи этого слайда на первом уроке я рассказываю о членах предложения, а на следующих уроках подробно изучаем весь материал.

3 слайд. При закреплении темы «Предложение» я предлагаю работу по таблице.

Предложения

Повествовательные	Вопросительные	Побудительные
Сообщение информации	Содержит вопрос.	Просьба, совет, угроза.

Ученики приводят примеры, опираясь на таблицу.

Повествовательные.

Сегодня хорошая погода. Завтра пойдет дождь.

Вопросительные

Кто сегодня дежурный? Когда начинаются зимние каникулы?

Побудительные.

Принесите, пожалуйста, стакан воды. Не разговаривайте на уроке.

Будьте внимательны.

Этот вид работы активизирует речевую деятельность учащихся. Таким образом, владея И.К.Т., я имею возможность создать, тиражировать и хранить дидактический материал к урокам.

Слайд 6-7. Опираясь на имеющиеся у ребят навыки, я стала вводить на уроках следующие формы использования И.К.Т: интерактивные проверочные работы, диктанты, творческое списывание. При изучении темы «Имена числительные» предлагаю следующее задание:

Притяжательные местоимения.

Прочитайте пословицы. Местоимения, данные в скобках, ставьте в нужном роде, числе и падеже.

Радость соседа – (твой) радость, беда соседа - (твой) беда. Не надо мне ни (твой) меда, ни (твой) жала. Кто с мечом придет на (наш) землю, тот от меча и погибнет. Врагам (наш) Родины там не пройти, где армия (наш) стоит на пути. Есть - да не про (ваш) честь. (Наш) Фому тянет ко всему. Хороша Маша, да не (наш).

Этот вид работы развивает речь школьников, обогащает их лексику, знакомит учеников с живым языком русского народа.

Слайд № 7. Особое внимание уделяется творческому списыванию текста.

«Умей правильно вести себя». На экране написаны предложения с пропусками. Нужно вставить нужные слова.

1. Не говори, не повышай
2. Не перебивай, не мешай
3. Не шепчи, не ставь

4. Не говори, не критикуй

5. не бойся, но не оскорбляй.

Предложения, составленные учениками.

1. Не говори очень громко, не повышай голоса в споре.

2. Не критикуй товарища, не мешай высказать свои мысли.

3. Не шепчи товарищу на ухо по секрету, не ставь других неловкое положение.

4. Не говори плохо о товарищах, не критикуй человека за спиной.

5. Не бойся сказать правду в лицо товарищу, не оскорбляй его.

Таким образом, использование И.К.Т. помогает лучше усвоить программный материал.

Слайд 8. Использование компьютера на уроках русского языка при решении занимательных тестов в начальных классах.

Какое слово лишнее?

1. Яблоко, груша, персик, ~~помидоры~~.

2. Картошка, помидор, тыква, ~~елыва~~.

3. Майка брюки, туфли, ~~книга~~.

4. Тетрадь, альбом, ~~мяч~~,-карандаш.

5. Парта, доска, шкаф, ~~холодильник~~.

В заключении я хочу сказать, что использование И.К.Т на уроках русского языка и литературы вызывает интерес к языку, развивает критические мышления школьников, помогает лучше усвоить программный материал.

Дети также учатся работать с компьютером, а самое главное активно участвуют в учебном процессе.

«ONA TILI. QOMUS. MAKTAB O'QUVCHILARI UCHUN» HAQIDA

Ne'matova L. – BuxDU dotsenti

O'quv lug'atlarining ta'lim jarayonida beqiyos ahamayati to'g'risida juda ko'p yozilgan. Afsuski, o'zbek tili ta'limida o'quv lug'atlarining keng ommalashishi qator, asosan, subektiv sabablarga ko'ra juda qiyinlashdi. Buning asosiy sababi shundayki, sovet didaktikasida milliy tillardagi, o'quv lug'atchiligiga mutlaqo e'tibor berilmaganligidir. Shu bois milliy o'quv lugatchiligi sovet davrida taraqqiyotdan taqa-taq to'xtab qoldi. Pirovard oqibatida o'zbek bolalari imlo lug'atidan boshqa qo'llanmaga ega emas edi.

Milliy istiqloq sharofati bilan taraqqiyotning muhim omili sifatida milliy o'quv lug'atchiligiga ham, jumladan, ona tili bo'yicha o'quv lug'atlari tuzila boshlandi. Yuqorida zikr etilgan «Ona tili. Qomus.» ham shunday milliy istiqloqning totli mevalaridan biri 1999-yilda «Asr avlodi» nashriyoti ommalashtirgan bu ma'lumotnoma o'zbek tiki bo'yicha keng jamoatchilikka mo'ljalgan ilk lug'atlaridan biridir. Mualliflar bu qo'llanmani shunday sharhlaydilar: «Qomusda ona tilimiz-o'zbek tili qurilishi, u bo'yicha darslik va qo'llanmalar yaratgan olimlar, shuningdek, dunyo tillari haqidagi muhim ma'lumotlar qisqa va lo'nda berilgan, joriy ona tili darsliklariga to'la mos keladi.

Qomus o'rta va katta yoshdagi maktab o'quvchilari, shuningdek abituriyent, talaba va qiziquvchilarga mo'ljalangan».

Qomusning boch muallifi Baxtiyor Mengliyev. Qo'llanma tuzishda yigirmadan ortiq mualliflar hamkorlik qilganlar.

Qomus mualliflari jahonda o'quv lug'atchiligining, inkishofi haqida quyidagi ma'lumotni keltiradi: «Rivojlangan davlatlarda, xususan Rossiyada o'quv lug'atchiligi o'tgan asrning 40-50 yillaridayoq keskin rivojlanadi, ta'limning har bir bo'g'ini uchun (maktabgacha tarbiya muassasalaridan oily maktabgacha) yuzlab lug'atlarning maxsus turlari yaratilib, ular maktab darsliklarining tarkibiy qismiga aylangan. Bugungi kunda Rossiya o'rta ta'limi bo'g'ini uchun ellikdan ortiq ensiklopediyalarning yaratilganligi diqqatga sazovordir. Maktab darsliklariga ilova sifatida «Bolalar uchun qomus» seriyasida «Avanta» nashriyoti birlashmasida 74 bosma taboq hajmida chop etilgan «Языкознание. Русский язык Qomusi fikrimizning dalilidir».

Tabiiyki, o'zbek tilshunosligi va didaktikasi bunday o'quv adabiyotlarini yaratish va ommalashtirishdan ancha uzoq, lekin ona tilimiz bo'yicha ilk o'quv qomusining yaratilishi ham ulkan muvafaqqiyatdir – yangilikning qadami qutlug' bo'lsin. «Qomus» WORD dasturida tuzilganligi sababli uning electron ko'rinishidan foydalanish o'ng'ay va har bir talabgor, jumladan, maktab o'qituvchilari ham, o'quvchilari ham undan nusxa olishlari ko'paytirib ommalashtirishlari juda qulay.

Bu “Qomus” juda foydali chunki ona tili ta'limi uchun zarur bo'lgan 500dan ortiq tushuncha va atamalarining sharhini o'z ichida oladi va ona tili ta'limi uchun 1-sinf dan boshlab kollej va litseylarning uchinchi bosqichigacha har bir kitobxon undan unumli foydalana oladi hamda barham topadi. Xususan, bugungi kunda kognitiv-pragmativ ta'limotning ommalashi munosabati bilan ona tili ta'limining algoritmik usuliga o'tkazishda bunda qo'llanma beqiyos ahamiyatga ega. Zeroki bu usulda ona tili mashg'ulotlari asosan amaliy (progmatik) yo'nalishda olib boriladi, zaruriy nazariy mashg'ulotlar esa qo'shimcha ravishda axborot manbalaridan, jumladan, “Ona tili Qomus” dan olinadi. Mana shu jarayonda bu “Qomus” behad katta tadrijiy, taqdidiy ahamiyatga egadir.

“Qomus” o'zbek didaktikasi tarixidan birinchi qo'llanma bo'lganligi sababli, u qator kamchilik va nuqsonlardan xoli ham emas. Eng avvalo, shuni alohida ta'kidlash lozimki, lug'atdagi o'quv materiallari ham, bayon uslubi ham o'quvchilar uchun ancha murakkab. Lug'at uyalari juda ko'p hollarda ilmiy bayon uslubida yozilgan maktabxonalarining o'qishi va tushunishiga og'irlik qiladi, lug'at uyalari tadrishchiliklar tomonidan emas, balki tilshunos olimlar tomonidan yozilganligi yaqqol sezilib turadi. Lug'at maqollari maktab o'quvchilari talablariga javob beradigan uslubda tubdan qayta tahrir etilishi lozim. Ma'nodosh (sinonim)larni belgilash, sinonimlar sarasida bosh so'zni to'g'ri tanlash yo'nalishida ham “Qomus” jiddiy tahrirga muhtojdir.

Lug'atni jiddiy tahrir etish va tuzilishida o'zgartirishlar lozimligini taqozo qilinadigan muhim omil mavjud. “Qomus” hozircha ona tili bo'yicha yagona (tabiiyki, imlo lug'atlaridan tashqari) qo'llanmadir. U boshlang'ich sinfdan boshlab litsey va kollej o'quvchi va o'qituvchilariga bir xil mo'ljallangan. Zeroki, biz hali boshlang'ich ta'lim uchun o'rta umumiy ta'lim uchun, o'rta maxsus ta'limning har bir yo'nalish va ixtisosligi alohida “Qomus”larni yaratish va ommalashtirishdan ancha yiroqmiz. Shuning uchun bunday qo'llanmalarining ta'limning barcha bo'g'inlariga moslab tuzish lozim. Buning uchun “Qomus”da sharhlarni bosqichli ketma-ketlik tamoyili asosida sharhlab berish zarur. Chunonchi, ta'limning uch asosiy bosqichi talablari asosida sharhlarni har bir bo'g'in talabiga mos ravishda bitta yulduzcha bilan bilan boshlang'ich ta'limga alohida, ikki yulduzcha bilan umumiy o'rta ta'lim bog'iniga uch yulduzcha bilan o'rta maxsus va oily ta'lim bo'g'iniga aloqador izohlarni ajratib berish lozim. Masalan, ma'nodosh so'zlar (sinonim) tushunchasi haqida boshlang'ich ta'limga ilk ma'lumot berilsa, navbatdagi bosqichlarga bu ma'lumot bosqichli ketma-ketlik tamoyili asosida chuqurlashib kengayib boradi. Mana shu xususiyat “Qomus”ni tuzishda o'z aksini topsa, nur ustida nur bo'lar edi.

PEDAGOGIK INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING TA'LIM TARAQQIYOTIDAGI O'RNI

Axmedova M. – Buxoro Davlat Universiteti “Ingliz tili va adabiyoti” kafedrasida o'qituvchisi

Ta'lim tarbiya- murakkab jarayonlardan biridir. Ta'lim-tarbiya hayotimizda muhim ahamiyatga ega. Bilimga chanqoq yosh avlodga saboq berish, hayotda o'z o'rnini topishga o'rgatish barcha o'qituvchi, ustozlarning majburiyatidir. Inson bilimi orqali juda yuqori cho'qqilarni zabt etishi mumkin. Tarixdan bilamizki, ota-bobolarimiz o'zlarining aql-zakovatlari bilan dunyoga nom taratganlar. Necha asrlar o'tgan bo'lishiga qaramay, ularning asarlari zamirida teran ma'no va ulkan g'oyalar yotadi. Bu asarlar yoshlarimizning ta'lim – tarbiya olishlariga yordam beradi.

“Tarbiya bizlar uchun yo hayot- yo mamot, yo najot -yo halokat, yo saodat –yo falokat masalasidir” A. Avloniy. Darhaqiqat, uning so'zlari zamirida kuchli ma'no bor. Ta'limsiz biz hech narsaga qila olmaymiz. Avvalda ham, hozirda ham ta'limga juda katta e'tibor berilgan.

Mamlakatimiz jadal tarzda rivojlanayotgan bir paytda, ta'limda rivojlanishlarni ko'rish mumkin. Hozirgi kunda ta'lim sohasidagi o'zgarishlar bizning kelajakda o'sib – ulg'ayib kelayotgan farzandlarimiz uchun poydevordir. Shu o'zgarishlardan biri – yangi innovatsion pedagogik texnologiyalardir. Bu zamonaviy ta'lim sharoitida o'quvchilarni ta'lim jarayonidagi faoliyatini oshirish tufayli, yangi innovatsion texnologiyalardan foydalanishni talab etadi. Har qanday ta'limning maqsadi-ta'lim oluvchilarda bilim ko'nikmalarini va malakalarini shakllantirishdan iboratdir. Bu asosan chet tillarni mukammal egallash uchun qo'l kelmoqda. Chet tillarni o'rganish ham davr talabi bo'lib qoldi. Prezidentimiz tomonidan qabul qilingan PQ 1875 “Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida” gi qaror o'z samarasini bermoqda. Ta'lim muassasalari hozirgi kun talablariga javob beradigan tarzda jihozlanib, o'qituvchilar dars davomida faol metodlardan va innovatsion texnologiyalardan foydalanib kelmoqdalar. Amaliy metodlar eng samarali metod hisoblanib, talabalar ongida ma'lumotning 75% ni saqlab qoladi. O'quv jarayonida o'qituvchi tomonidan o'quvchilarga ma'lumotlarni turli xil metodlar orqali etkazilyapti.

Shakl subhasiz, o'quvchi o'zi bajargandagi 90%ni esda saqlab qoladi. Videometod – axborotni ko'proq ko'rgazmali o'zlashtirishga asoslangan bo'lib, unda proektor, o'quv televideniyesi, videomagnitafon, axborot aks ettiruvchi kompyuterlardan foydalaniladi. Chet tillarni o'rganishda videometoddan foydalanish, chet tili darslarida o'ziga xos bo'lgan til muhitini yaratish, video roliklarni taqdim etish va o'quvchida chet tillarga bo'lgan qiziqishni yanada oshirish. Tinglab tushunish mashqlari bajarilib, bu o'quvchiga so'zni to'g'ri talaffuz qilishni va eshitish qobiliyatini rivojlantiradi ham. Og'zaki mashqlar ta'lim oluvchilarning nutq madaniyatini va mantiqiy tafakkurini taraqqiy ettirish, avtomatik tarzda ingliz tilida fikr yuritishni o'rgatadi. Yozma mashqlarning asosiy vazifasi so'zni to'g'ri va grammatik xatosiz yozishdir. Yana bir yangilik o'quvchilarning ingliz tili fanidan shaxsiy “Portfolio” ochib uni yurgizishlaridir. “Portfolio” - inglizcha so'z bo'lib, portfel yoki portfellar to'plami degan ma'noni anglatadi. Portfolioda o'quv jarayonida o'rgangan yangi so'zlar, olgan yangi bilimlarini namoyish etishdir. Ta'lim oluvchilar tomonidan kurs semestrlari davrida yuritiladi. Unda ta'lim oluvchilarning baholash turlari- joriy, oraliq va mustaqil ishlari bo'yicha bajargan topshiriqlari va ularga o'z vaqtida qo'yilgan o'zlashtirish ballari jamlanib boriladi. Portfolio yurgizish talabalarning semester (kurs) va o'quv muddati davomida o'zlashtirishlarini va mustaqil ish topshiriqlarini muntazam ravishda bajarib borganligi to'g'risidagi doimiy hujjat bo'lib hisoblanadi. Portfolio pedagogik jarayonda o'qituvchiga ta'lim oluvchilar erishayotgan o'quv yutuqlari monitoringini yurgizish imkoniyatini yaratadi, hamda o'zlashtirish ballarining haqqoniyligi va ishonchligini ta'minlaydi. Talim oluvchiga esa, o'z bilim saviyasi ortayotganligini hamda shaxsining rivojlanayotganligini o'zi kuzatib borish imkoniyatini yaratadi. Bunda o'quvchi mustaqil o'rganish, izlanish, mustaqil mashg'ulotlarni bajarishi tilni chuqurroq egallashda o'z samarasini ko'rsatmoqda. Hozirgi paytda yuqori malakali, o'z kasbining yetuk bilimdoni va madaniyatli, mustaqil fikrleydigan mutaxassislar tayyorlash muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu tufayli o'quv jarayonida zamonaviy ped texnologiyalar va metodlardan foydalanib, ta'lim oluvchining bilim, ko'nikma va malakalari bilan bir qatorda bilimlarni mustaqil egallash va muammolarini mustaqil ravishda hal etishda ijodiy yondashish qobiliyatlarini ham shakllantirish lozim. Ta'lim oluvchi qancha ko'p mustaqil izlansa, o'z ustida ishlasa- shuncha yaxshi. Har bir qilingan ishingiz albatta kelgusida o'zining samarasini beradi. “Sabrning tagi -sariq oltin” deb bejiz aytishmagan, shu sababli chet tillarni o'rganish o'rganuvchilardan sabr –bardosh va matonat talab qiladi. Nafaqat til o'rganishda, balki har bir qilyotgan ishimiz chidam, mustahkamlilikni talab etadi. Davlatamimizni kelajakda bundan ham rivojlantiradigan, dong'ini ko'klarga ko'taradigan mutaxassislarni yetishtirib berishda o'z hissamizni qo'shmog'imiz darkor.

MALAKA OSHIRISH TIZIMIDA IQTISODIY TA'LIMNING AHAMIYATI

Xasanov SH. – NavDPI, Hasanova Sh.B. – Navoiy VXTXQTMOI

Kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish uzluksiz ta'lim tizimining asosiy bo'g'inlaridan hisoblanadi. Hozirgi kunda mamlakatimizda umumiy o'rta ta'lim maktablarini malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, ularni qayta tayyorlash va malakasini oshirishga alohida

e'tibor berilmoqda. O'zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiyotni rivojlantirishdagi muhim afzalliklari bilan ustuvor ahamiyat kasb etadi.

Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimov mustaqillikning dastlabkli yillaridayoq: *“Tadbirkorlik – iqtisodiy tanglikdan olib chiqishning, iqtisodiy taraqqiyotga olib borishning asosiy iqtisodiy vositasi, taraqqiyot lokomotivi”*, deb ta'kidlagan edilar.

Hududiy xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish institutlari o'quv rejasiga ijtimoiy fanlar tarkibida 6 soatlik “Iqtisodiyot masalalari” darslari kiritilgan. Ushbu darslarni o'tishda “O'zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiyalash sharoitida davlat iqtisodiy siyosatining asosiy yo'nalishlari”, “Davlat byudjet-soliq siyosatining iqtisodiy mohiyati, maqsad va vazifalari”, “Biznes tushunchasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati” kabi mavzularida yurtboshimiz, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2014-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2015-yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi “2015-yilda iqtisodiyotimizda tub tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish, modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini izchil davom ettirish hisobidan xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka keng yo'l ochib berish – ustuvor vazifamizdir” mavzusidagi ma'ruzasidan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

“O'zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiyalash sharoitida davlat iqtisodiy siyosatining asosiy yo'nalishlari” mavzusida ma'ruzadagi quyidagi jumladan foydalanish mumkin: *Banklar tomonidan faqat ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va texnologik yangilash dasturlarini moliyalashtirishga yo'naltirilgan kreditlar hajmi 2013-yilga nisbatan 1,2 barobar, aylanma mablag'larni to'ldirish uchun ajratilgan kreditlar esa 1,3-martadan ziyod oshdi. So'nggi yillar davomida «Mudis», «Standart end Purs» va «Fitch reytings» kabi yetakchi reyting agentliklari O'zbekiston bank tizimi faoliyatini «barqaror» deb baholamoqda. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, agar 2011-yilda mamlakatimizning 13 ta tijorat banki yuqori reyting baholariga sazovor bo'lgan bo'lsa, bugungi kunda respublikamizning barcha 26 ta banki ana shunday bahoga loyiq ko'rildi.*

“Davlat byudjet-soliq siyosatining iqtisodiy mohiyati, maqsad va vazifalari” mavzusidagi ma'ruza darsida esa: *O'tgan yili soliq yuki 20,5 foizdan 20 foizga, daromad solig'i stavkasi esa 9 foizdan 8 foizga kamaytirilgan bo'lsa-da, davlat byudjeti yalpi ichki mahsulotga nisbatan 0,2 foiz profitsit bilan bajarildi. Mamlakatimiz yalpi ichki mahsuloti 8,1 foiz, sanoat ishlab chiqarish hajmi 8,3 foizga, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi 6,9 foiz, kapital qurilish 10,9 foiz, chakana savdo aylanmasi hajmi 14,3 foizga oshdi. Ishlab chiqarilgan mahsulotlarning qariyb 70 foizini yuqori qo'shimcha qiymatga ega bo'lgan tayyor tovarlar tashkil etdi.*

Iste'mol tovarlari ishlab chiqarish hajmi 2014-yilda 9,4 foiz, shu jumladan, oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish 8,7 foiz, nooziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish 10 foizga o'sdi. Inflatsiya darajasi yil yakunlari bo'yicha 6,1 foizni tashkil etdi. Bu prognoz ko'rsatkichlariga nisbatan sezilarli darajada pastdir.

Bank tizimidagi islohotlar iqtisodiyotimizning barqaror o'sish sur'atlarini ta'minlashda eng muhim omil bo'ldi. Buning natijasida tijorat banklarining jami kapitali 25 foizga oshdi. Bank tizimining mustahkamlanishi 2014-yilda Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasini 12 foizdan 10 foizga, tijorat banklarining kreditlar bo'yicha foiz stavkasini ham shunga mos ravishda kamaytirish uchun zarur imkoniyatlar tug'dirdi, kabi jummalarni kiritish mumkin.

“Biznes tushunchasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati” mavzusi amaliy mashg'ulot sifatida olib boriladi. Ushbu mashg'ulotda ma'ruzadagi quyidagi jumladan foydalanamiz.

Xususiy tadbirkorlarning xomashyo resurslaridan foydalanish imkoniyati, birinchi navbatda, bunday mahsulotlarni birja va yarmarka savdolarida sotish hajmini ko'paytirish hisobidan sezilarli ravishda kengaytirildi. Masalan, 2014-yilda ular tomonidan Respublika tovar-xomashyo birjasida qariyb 3trillion so'mlik yoki 2013-yilga nisbatan 1,6 barobar ko'p xomashyo va materiallar sotib olindi. Shu bilan birga, xususiy tadbirkorlar birja savdolari orqali o'zlari ishlab chiqargan 1 trillion 500 milliard so'mlik mahsulotni sotdi, bu ko'rsatkich 2013-yilga qaraganda 1,7 barobar ko'pdir.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishni rag'batlantirish bo'yicha ko'rilgan chora-tadbirlar natijasida o'tgan yili, fermer va dehqon xo'jaliklarini hisobga olmaganda, 20 mingdan ziyod yangi kichik biznes subyektlari tashkil etildi, ularning umumiy soni esa 195 mingdan ziyodni tashkil etdi. Bu 2000-yilga nisbatan 2 barobar ko'pdir.

Yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasining ulushi 2000-yildan buyon 31 foizdan 56 foizga, sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishda 12,9 foizdan 31,1 foizga o'sdi.

2014-yilda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida 480 mingdan ortiq yangi ish o'rni tashkil etildi. Bu yaratilgan jami ish o'rinlarining yarmi demakdir. Bugungi kunda iqtisodiyotning ushbu sohasida ish bilan band bo'lgan aholining 76,5 foizdan ziyodi mehnat qilmoqda. 2000-yilda bu ko'rsatkich 49,7 foizga teng edi. Iqtisodiyot sohasida izchil amalga oshirayotgan ana shunday chora-tadbirlarimiz o'zining yuksak samarasini bermoqda.

2015-yilda xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish maqsadida bu sohaga to'liq erkinlik berish, bu yo'lda g'ov bo'lib turgan barcha to'siq va cheklovlarni bartaraf etish eng muhim ustuvor vazifadir. Barqaror iqtisodiy o'sish va mamlakatimizning kelajak istiqboli, aholining hayot darajasi va sifati ko'p jihatdan ayni mana shu eng ustuvor vazifaning qanday hal etilishiga bog'liq.

Iqtisodiyotni demokratlashtirish va erkinlashtirish sohasiga, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashning samarali mexanizmlarini yaratishga alohida e'tibor qaratildi. "Tadbirkorlik faoliyati sohasidagi ruxsat berish tartib-taomillari to'g'risida", "Raqobat to'g'risida", yangi tahrirdagi "Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to'g'risida"gi va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq tadbirkorlik faoliyatini yuritish uchun zarur ruxsat berish tartib-taomillarining ro'yxati va turlari izchil qisqartirildi.

Keyingi yillarda ruxsat berishga oid tartib-taomillarning 160 dan ortig'i yoki 44 foizi, litsenziyalash talab qilinadigan faoliyatning 19 turi yoki 25 foizi bekor qilinganini aytishning o'zi kifoya, deb o'ylayman. Tadbirkorlik subyektlari tomonidan davlat organlariga taqdim etiladigan statistika, soliq va moliyaviy hisobotlarning shakli va davriyligi 1,5-2-marta kamaytirildi. Tadbirkorlikning milliy an'ana va urf-odatlarimizga to'la mos keladigan yangi shakli – oilaviy biznesni rivojlantirish uchun keng shart-sharoitlar yaratildi.

Ma'ruzalardagi ushbu ma'lumotlarni tinglovchilarga yetkazish bilan birga mamlakatimizning iqtisodiy rivojlanishida ulkan bunyodkorlik ishlari bajarilayotgan va bu ishda kasb-koridan qat'iy nazar barcha fuqarolar ishtirok etishi lozimligi haqida gapirilsa, tinglovchilarni yurtga bo'lgan vatanparvarlik tuyg'usini, tadbirkorlikka bo'lgan qiziqishini yanada oshiradi.

Jumladan, Navoiy viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish institutiga malaka oshirishga kelgan kurs tinglovchilar uchun viloyatida tashkil etilgan Erkin industrial iqtisodiy zonaga ekskursiyalar tashkil etilib, erkin zonada olib borilayotgan bunyodkorlik ishlarini bilan tanishmoqdalar, bu esa kelgusi avlod tarbiyasida o'z ijobiy natijasini beradi, deb hisoblaymiz.

BOLALARNING MAKTABGA PSIXOLOGIK TAYYORGARLIGI.

Sharipova N. – NDPI Pedagogika fakulteti Pedagogika va psixologiya kafedra o'qituvchisi

Inson tafakkuri nihoyatda kuchli bo'lib bu kuchning beqiyosligi uning yoshligidan bilimlarni qanday va qancha o'zlashtirishga juda bog'liqdir. Pedagog va psixologlarimiz fikricha bola 5 yoshgacha insoniyat tajribasining 50-60% o'zlashtirar ekan, demak mana shu yoshgacha bolaga eng kerakli bilimlarni yoshiga mos ravishda berish bolaning kelajakda qanday inson bo'lishiga juda katta turtki bo'ladi.

Bolaning psixologik tayyorligi uning jamiyatdagi ijtimoiy mavkeini uzgarishi va kichik maktab yosh davridagi bolalar o'quv faoliyatining uziga xosligi bilan uzviy bog'lik.

Maktabning bola shaxsiga qo'yadigan asosiy talablaridan biri psixologik tayyorgarlikdir.

Shuni ta'kidlab utish joizki, maktabda psixologik anik bir mazmun doimiy xisoblanmaydi, balki u doimo uzgarib boyib boradi. Psixologik tayyorlikning tarkibiy jixatlari: intellektual (aqliy), ma'naviy va irodaviy tayyorgarlikdan iboratdir.

Aksariyat hollarda bolaning aqliy rivojlanganlik darajasi haqida gapirilganda uning soʻz boyligi zaxirasi bilan aniqlanadigan aqliy bilimlari miqdoriga koʻproq eʼtibor beriladi. Ota-ona, xatto ayrim oʻqituvchilar ham bola qanchalik koʻp bilsa, u shunchalik rivojlangan boʻladi, deb uylaydilar. Aslida esa unday emas, fan-texnika, ommaviy axborot vositalarining keng tarqalganligi tufayli bugungi kun bolalari gunyo maʼlumotlar ummonida suzib yurgandek boʻlmoqdalar. Bu esa ulardagi soʻz boylıklarining keskin oʻsishiga asos boʻlmoqda, lekin bu ularning tafakkuri ham shunday jadallikda rivojlanayapti, degan gap emas.

Maktabda amal qilinayotgan oʻquv dasturlarini oʻzlashtirish boladan narsalarni taqqoslay bilish, tahlil qilish, umumlashtirish, mustaqil xulosalar chiqarish kabi bilish jarayonlarining etarlicha rivojlangan bulishini takozo etadi. Shuning uchun ham hozirgi kunda maktab amaliyotchi psixologlari tomonidan bolalarni birinchi sinfga qabul qilish jarayonida keng foydalanilayotgan psixodiagnostik vositalar, testlar, soʻrovnomalar, asosan bolada yuqorida keltirib oʻtilgan xususiyatning rivojlanganlik darajasini aniqlashga moʻljallangan metodikalardan iboratdir.

5-7 yosh bolaning maktabga intellektual (aqliy) tayyorligining yana muhim koʻrsatkichlaridan biri bu ulardagi obrazli tafakkurning oliy darajada rivojlanganligidir. Bularga tayangan holda bola atrof-muhitdagi narsa-xodisalar oʻrtasidagi eng muhim xususiyatlarni, munosabatlarni farqlay olish imkoniyatiga ega boʻladi. Bu oʻrinda bolalar chizmalı tasvirlarni shunchaki tushunibgina qolmay, balki ulardan muvaffaqiyatli foydalana oladigan boʻladilar.

Biroq ularning tafakkuri umumlashtirish xislatlariga ega boʻla borsada, predmetlar va ularning (tafakkuri) oʻrnini bosuvchilar bilan aniq xatti-harakati obrazlilikiga qolaveradi.

Maktabgacha yosh davridayoq bola kichik maktab yosh davrida yetakchi faoliyat turi boʻladigan – oʻquv faoliyatiga tayyorlangan boʻlishi lozim. Bunda bolada maʼlum bir tegishli masalalarning shakllangan boʻlishi muhim ahamiyatga ega. Bunday malakalarning asosiy xususiyatlaridan biri bolaning oʻquv topshirigʻini ajratib olishi va faoliyatni mustaqil maqsadga aylantira olishidir. Bunday jarayonlar birinchi sinf oʻquvchilaridan topshiriqda oʻzi belgilagan oʻzgarish, yangilik alomatlarini qidirib topa bilish va ulardan xayratlanishni, qiziqishni talab qiladi. Bunday topshiriqlar amaliy ishlarga aylantirilsa yoki oʻyin tarzida bajarilsa, osonroq kechadi va bola oʻzlashtiradi.

Yuqorida toʻxtalib oʻtganimiz intellektual tayyorlik bolaning maktabda muvofaqiyatli oʻqib ketishi uchun yagona zamin emas.

Agar bola zarur malaka va koʻnikmalar zaxirasiga ega boʻlsa, unda intellektual rivojlanganlik darajasi ham yuqori boʻlsa-yu oʻquvchilikning ijtimoiy xolatiga shaxsan tayyor boʻlmasa, maktabda oʻqib ketishi qiyin kechadi. Agar oʻqituvchi yoki ota-ona uni oʻqishga qiziqтира olmasalar, oʻquv vazifalarini zoʻrma-zoʻraki, sifatsiz, qoʻl uchida bajaradilar. Bundaylarda zarur natijalarga erishish qiyin boʻladi.

Eng yomoni, bu yoshda maktabga borishni xoxlamaydigan bolalar ham uchrab turadi. 5-7 yoshli bolaning maktabga borishdan bosh tortishi asosan uni tarbiyalashda ota-onalar tomonidan yoʻl qoʻyilgan xatoning oqibati hisoblanadi. Ayrim ota-onalarda maktabgacha yosh davridagi bolani maktab bilan qoʻrqitish hollari ham kuzatiladi.

- Ikkita gapni eplab gapira olmasang, maktabda qanday oʻqiysan?
- Sanashni bilmaysan-u, maktabga qanday borasan?
- Maktabga borsang, oʻrtoqlaring bu qiligʻingdan kulishadi!
- Xech narsani bilmaysan, maktabga borsang bizni uyaltirasan!

Kabi taʼna-dashnomlar, bolada maktabdan qoʻrqish, undan xavfsirashning shakillanishiga asos boʻlishi mumkin. Shunday qurquv bilan maktabga borgan bolalarning maktabga boʻlgan munosabatini oʻzgartirish, ularda oʻziga nisbatan ishonch uygotish uchun xaddan ziyod kuch, vaqt, mehnat, sabr-toqat, chidam, eʼtibor zarur boʻladi. Bu esa bolada oldindan maktabga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirishga qaraganda shubhasiz, murakkab jarayondir.

Bolani birinchi sinfdan oʻqitishda yuzaga keladigan qiyinchiliklarning sababi kattalarning bola bilan boʻladigan muloqotlari shakli u yoki bu vaziyatga bogʻliq boʻlmagan holda, shaxsiy ahamiyatga ega boʻlishi muhim ahamiyatga ega. Bunday muloqot bolaning kattalar eʼtiboriga va hamdardligiga boʻlgan ehtiyoj va ehtiyojlarni kattalar tomonidan qondirilishi bilan harakterlanadi. Muloqotning bu

shakliga erishgan bolalar uchun kattalarga e'tibor, ular murojatini tinglash va tushunishga intilish va kattalar tomonidan ham ularga nisbatan shunday e'tibor ko'rsatilishiga bo'lgan ishonch xosdir. Bunday bolalar kattalarning turli vaziyatlarda (ko'chada, uyda, mehmonda, ishxonada) o'zlarini qanday tutishlarini farqlay oladilar. Kattalarning bunday xulqni anglash evaziga bolalar ham kattalarga, o'qituvchilarga, shu vaziyatga mos ravishda munosabatlarni namoyon qiladi. Agar bolada kattalarga nisbatan bunday munosabatlar shakllanmagan bo'lsa, unga mos ravishda kattalarga nisbatan ham tegishli munosabat yuzaga kelmaydi, bu esa albatta bola bilan olib boriladigan ta'lim jarayonini murakkablashtiradi.

Ota-onalar har bir bola ruhiy rivojlanishida o'ziga xos xususiyatlarga ega ekanligi va bu xususiyatlar ularning u yoki bu faoliyat turini egallashida namoyon bo'lishini yodda tutishlari lozim. Ba'zi bolalar endigina birinchi so'zlarni o'zlashtirganlarida ularning tengqurlari allaqachon ma'lum bir iboralar bilan gaplasha oladigan bo'ladilar.

Ta'lim jarayonida bola imkoniyatlarining namoyon bo'lishi ma'lum darajada nasliy omillar bilan ham bog'liqdir.

Bolalar o'z temperament xususiyatlariga ko'ra ham bir-birlaridan ajralib turadilar:

- Xushchaqchaq, sergap, quvnoq, xayotning o'zgaruvchan sharoitlariga tez moslasha oladigan bolalar – *sangvinnik* temperamentga mansub bo'ladilar.

- Ko'pincha noxush kayfiyatda yuradigan, ta'sirchan, kamgap, sust bolalar – *melanxolik* temperamentga kiradilar.

- Xotirjam, befarq, kamharakat, mutqi sust bolalar – *flegmatiklar*dir.

- Jaxldor, betoqat, serzarda, harakatchan bolalar – *xolerik* xisoblanadilar.

Bolalar kattalarning yordamiga muhtoj bo'lishiga qarab ham bir-birlaridan farq qiladilar. Ba'zi bolalar biror xatti-harakatni bajarishni bir necha marta ko'rsatish, tushuntirish, ketidan ergashtirish kerak. Boshqa bolalarga esa bajariladigan ish bir marotaba ko'rsatilsa yetarli bo'ladi. Shunday bolalar ham borki, ular berilgan vazifani mustaqil bajaradilar.

Bolalar o'zlarini qiziquvchanlik, aqliy faolliklariga qarab ham bir-birlaridan ajralib turadilar. Ba'zi bolalar ko'p savol beradilar va harakatchan bo'ladilar, ba'zi bolalarni esa hech narsa qiziqitirmaydi.

Ota-onalar bolalaridagi o'ziga xosliklarni qanchalik chuqur bilsalar, ularga o'rgatishni muvoffaqiyatli tashkil qila oladilar.

O'QUVCHILARNING TASAVVURINI BOYITISH VA FIKRLASH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Ganiyeva S. – Navoiy shahridagi 12-davlat umumta'lim maktabi o'qituvchisi

Ijtimoiy fanlar va til adabiyot ta'limida zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda o'quvchilarning mushohadasi, ko'nikmasi, shaxsiy iqtidori, imidji inobatga olinishi lozim. Til va adabiyot fanida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash ancha muammoli hol. Ma'lumki, ta'lim-tarbiya berishning asosiy shakli dars. Dars jarayonida o'quvchilarning nafaqat bilimi boyitiladi, savodxonligi oshiriladi, shu bilan birga dunyoqarashi kengaytiriladi, axloqiy fazilatlar va tushunchalari orttiriladi. Xususan, adabiyot darslarida har bir o'quvchiga o'ziga xos individual yondashish, ularda mantiqiy fikrlashni rivojlantirish va estetik tarbiya berish asosiy vazifa hisoblanadi. Bunda an'anaviy metodlar bilan bir qatorda zamonaviy pedagogik va axborot-texnologiyalaridan foydalanish yaxshi natija beradi. Zamonaviy pedagogik hamda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan darslarda samarali foydalanishda, avvalo, bu kabi texnologiyalarni mazmun-mohiyatini anglash talab etiladi. Albatta, zamonaviy o'qituvchi ta'lim-tarbiya jarayonida ulardan foydalana bilishi va to'g'ri amalga oshira olishi lozim. Zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining ta'lim maqsadini amalga oshirishdagi o'rni va rolini bilish hamda ularni fanlar bo'yicha qo'llash prinsipiga ega bo'lish ham zamonaviy o'qituvchi oldida turgan asosiy vazifalardandir.

Bugungi kun ta'limida o'quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishda, ularda erkin fikrlash, mustaqil qaror qabul qilish, hissiyotlarni boshqara olish, voqelikka munosabat

bildira olish, tanqidiy va ijodiy fikr yuritishning rivojlanishiga zamin yaratadigan vosita ham zamonaviy pedagogik hamda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'lib qolmoqda. Xususan, zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan hamohang tarzda foydalanish orqali o'quvchilarning tasavvurini boyitish, mustaqil fikrlash, ijodiy tafakkurni rivojlantirish, nutqiy mahoratni shakllantirishga imkoniyat yaratiladi. Biz, pedagoglar bugungi kunda ta'lim sifat-samaradorligini yanada oshirish, ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida dars mashg'ulotlarini mazmunli va sifatli tashkil etish, o'quvchilarning dars jarayonida faolligini oshirish va mustaqil fikr bilan munosabat bildira olish qobiliyatini rivojlantirishga diqqatimizni qaratishimiz lozim.

Quyidagi tavsiyamizda "Nuqtayi nazaring bo'lsin" usuli orqali 6-sinf "Adabiyot" darsligida 1 soatga mo'ljallab berilgan O'tkir Hoshimovning "Urushning so'nggi qurboni" hikoyasi asosidagi darsni tashkil qilish, asar g'oyasini o'quvchilarga tushuntirish va ularning har birini o'z nuqtayi nazaridan kelib chiqib asar voqealarini mushohada qilishga undash mumkin. Bu usul orqali o'quvchilar muayyan muammo xususida o'z nuqtayi nazarini asosli dalillab, himoya qiladi. O'quvchilar dars jarayonida o'z fikrini o'zgartirish imkoniga ega bo'ladi. Muhimi, o'qituvchi barcha o'quvchilarni munozaraga jalb etadi. Dars jarayonida faol bo'lmagan o'quvchilar ham ochiqdan-ochiq savollar usuli orqali munozarada ishtirok etishi mumkin. "Nuqtayi nazaring bo'lsin" usuli orqali o'quvchini bevosita adibning hayot yo'li, ijodiy ishlari, ma'naviy merosimizga qo'shgan ulkan hissalar bilan tanishtirishda adibning o'zidan, yor-u do'stlari tomonidan bayon etilgan video-lavhalardan foydalanish, asardagi so'zlar o'quvchilar tomonidan emas, asar qahramonlari tilidan (oldindan diskka yozib olingan holda) o'quvchilarga eshittirish bilan darsni samarali tashkil etish mumkin. Bu texnologiya orqali o'quvchilarni ko'rganlari va eshitganlari asosida ishlashga va ular tafakkurining, fikrlash doirasining kengayishiga erishish mumkin.

O'quvchilar yozuvchi hayoti va ijodi, asar haqida o'qituvchining og'zaki bayoni bilan birga monitorda jonli video-lavhalarni tomosha qilish orqali ma'lumot olsa, mavzu yuzasidan yanada ko'proq tasavvurga ega bo'ladi. Tasavvur esa o'z-o'zidan fikrlashga, mushohada qilishga undaydi. Bu usulda barcha o'quvchilar diqqatini dars jarayoniga jalb etish mumkin. O'qituvchi o'z navbatida video-lavhalarni izohlab, mushohadali fikrlarni eshitib, o'quvchilar fikrini xulosalab boradi.

"Nuqtayi nazaring bo'lsin" usulini o'tkazish. O'qituvchi sinfning to'rt burchagiga yoki sinfning ma'lum ochiq makoniga to'rtta tablichka osib qo'yadi. Ixtiyoriy ravishda oltita o'quvchi tanlab olinadi. Qolgan o'quvchilarga o'z joyida o'tirib, barcha fikrlarni tahlil qilib, yozma shaklda qisqa maxsus kartochkalarga qayd etib borishlari topshiriladi.

O'yinni boshlashdan oldin o'qituvchi yo'l-yo'rig'i:

1) Ta'kidlov o'qib berilganidan keyin o'quvchilar o'z fikriga muvofiq tablichkalar yonidan joy egallashi;

2) O'quvchilar o'z nuqtai nazarini asosli dalillab berishga shay turishi;

3) Agar o'quvchilar muammoga nuqtai nazarini o'zgartirishga undovchi asosli dalilni eshitsu, o'z o'rnini almashtirishi mumkin;

4) Ishtirokchilar sinfdoshlari ta'kidlariga o'z fikrini bayon etishga shay turishi lozim.

5) O'yinda ishtirok etmayotgan o'quvchilarga quyidagicha topshiriqlar beriladi:

– eng ahamiyatli ta'kidlovlarni yozib borish;

– o'yin jarayonida o'z o'rnini o'zgartirmagan o'quvchilarni yozib borish;

– eng asosli dalillab berilgan javoblarni yozib borish.

O'qituvchi o'quvchilar diqqatini asar boshlanishidagi bo'g'iq tasvirga qaratadi. Nega Shoikrom xomush? Nega bahor kelsa ham sandal olib tashlanmagan? Shinni dog'i tekkan quroq dasturxon, go'jadan bo'shagan sopol tovoq, bandi kuygan yog'och qoshiq sizda qanday taassurot qoldirdi. Asar qahramoni nega bularga qo'l siltadi? O'zingizni Shoikrom o'rnida tasavvur qilib ko'ring? Shoikromning ko'ngli g'ashligi, diqqinafas holatiga nima sabab bo'lyapti deb o'ylaysiz? O'quvchilar savollarga javob berayotganda beixtiyor o'zlarining holatiga ham diqqat qaratadi. Masalan, o'quvchilarda "Tozalikka e'tibor berish kerak" degan fikr tug'iladi va Shoikrom holatiga munosabat bildiradi.

Savol: Urush odamlarni o'zgartirib yuborganini hikoya qahramonlari so'zlari orqali tushuntiring va o'z nuqtayi nazaringizni bildiring? Masalan:

1) “Ziqna bo`lmay o`l! – deb o`yladi xotinini so`kib. – Azaldan qurumsoq edi, zamon og`irlashgandan buyon battar bo`ldi” (Shoikromning so`zlari. 148-bet.)

2) “Yo`q, bolam, ovqat kerakmas, -dedi Umri xola shoshilib. –Xayol surib yotib uyqum ochib ketdi... Payshanba kuni Komil tayibning uyiga boruvdim. Har kuni nahorga bir kosadan qo`y suti ichsa, dard ko`rmaganday bo`lib ketadi, dedi” (Umri xola. 149-bet).

3) “Nega menga o`dag`aylaysiz? –Xadicha tovoqni qoshiqqa urib, yig`lamsiradi. –Nima, meniyam Ilhom samovarchining xotiniday so`yib ketsinmidi? Siz kechalari smenada bo`lsangiz. Men uchta jo`ja bilan jonimni hovuchlab o`tirganim yetmaydimi!?” (Xadicha. 150-151-betlar).

4) “Shu kunda yana o`gri oralab qoldi...Qulupnay qizarmasdan bitta qo`ymay terib ketishyapti” (Xadicha. 151-bet).

5) “Menga desa otib yubormaydimi? Harna bitta xaromxo`rni o`ldirganim. Bittasi o`lsa, boshqalari adabini yeydi” (Shoikrom. 153-bet).

6) “Sut ichmay zahar ichsam bo`masmidi!? Kechayam aytuvdim, ko`nmadilar. Qulupnayga sut alishadi, dedilar” (Shone`mat. 155-bet).

Savol: Shoikromni qotillikka undagan, ko`rinmas og`ridan o`ch olishga majbur qilgan, oqibatda o`z onasining o`limiga sabab bo`lgan narsa nima? Shoikromning xayolidan o`tgan “Vijdotsizlar! Odamlarning boshiga kulfat tushganidan foydalanib qoladiganlarni qirish kerak”, “Menga desa otib tashlamaydimi?” kabi fikrlarni kim qanday izohlaydi?

Savol: Shoikromning o`g`rilar uchun qo`ygan tuzog`i tufayli Umri xola qurbon bo`ldi. Bu yerda sizningcha kim qotil, kim o`g`ri?

Savol: Umri xola nega urushning so`nggi qurboniga aylandi?

“Nuqtayi nazaring bo`lsin” usuli orqali o`qituvchi o`quvchilarning urush va uning oqibatlari, bugungi tinch hayotimiz qadri, tinchlikni ko`z qorachig`imizdek asrab-avaylash uchun nima qilishimiz lozimligi haqidagi mushohadasiga, har kimning mustaqil va tanqidiy fikr bildirishiga diqqatini qaratadi. Fikrlarni umumlashtiradi, berilgan savollarning javobi o`quvchilar bildirgan fikrlarda aks etganini ta`kidlab, ularni baholaydi. Muhimi, dars jarayonida har bir o`quvchi asar mazmun-mohiyatini anglagan holda o`z fikrlarini himoya qiladi, asoslaydi.

SOG`LOM AVLOD TARBIYASIDA O`QITUVCHI NUTQINING O`RNI

Shahmurodova D. – Qashqadaryo VPKQTMOI

Hamidova H., Ismoilov Sh. – Qardu talabasi

Bugungi kunda xoh an`anaviy metodlardan biri qo`llaniladimi, xoh noan`anaviy usullar tatbiq etiladimi, o`quvchini ta`lim subyektiga aylantirish masalasini diqqat markazidan qochirmaslik zarur. Zero, o`qituvchi bilan o`quvchilarning ta`lim jarayonidagi ma`lum ma`noda teng mavqei, hamkorligi ikki o`rtadagi samimiy munosabat, o`zaro hurmat, ishonchli muloqot natijasi, o`qituvchining boshqaruv mahorati bilan belgilanadi. Bu mahorat tushuntirish qobiliyati, o`quvchilarni kamolot sari yo`naltira bilish layoqati, maslahat berish va nazorat qilishning baqamti joriy etilishi va sog`lom avlod tarbiyasida yaqqol namoyon bo`ladi.

O`qituvchi samaradorlikka erishish uchun ta`lim metodlarining mohiyati, ularning tasnifi va foydalanishga doir talablarni bilibgina qolmay, ularni joriy etishning nutqiy xususiyatlarini ham egallab olishi lozim. Bunda gap o`qituvchining so`ziga borib taqaladi. O`qituvchining so`zi metod sifatida ham, darsni olib borish usuli sifatida ham turli xil o`quv va tarbiyaviy vazifalarni bajarish: o`rganilayotgan hodisalarning mohiyatini ochib berish; bilimlarni amalda qo`llashga o`rgatish; qiziqarli va muhim faktlar haqida hikoya qilish va boshqa shu kabilar uchun qo`llanadi.

O`qituvchi o`z so`zi bilan o`quvchilarga bilim beribgina qolmay, o`quvchilarga so`zlash namunasini ko`rsatish yo`li bilan muloqotga o`rgatadi. Shuning uchun o`qituvchining so`zi o`quvchilar javob berishi lozim bo`lgan og`zaki bayon yaratish talablariga javob berishi, biror axborotni yetkazish namunasini berishi, biror qoidani qanday dalillash kerakligini ko`rsatishi, qanday qilib xulosa chiqarish va umumlashmalarga kelishga o`rgatishi darkor. O`qituvchi bilimlarni ma`lum qilishga emas, balki bilimdan qanday foydalanish, uni nima uchun bilish kerakligini eslatib borishi lozim: hayotda xato qilmaslik uchun nimnidir eslab qolish kerak va hokazo.

O'qituvchining so'zi o'quvchilarning aqliy sohasiga ta'sir ko'rsatibgina qolmay, hissiy jihatlariga ham asoslanishi lozim. Yorqin ifodalar yorqin ko'rsatmalilik bilan qo'shib olib borilsa, tuyg'ular uyg'otishi mumkin. Darslarda o'qituvchining so'zi nazariy ma'lumotlarni o'rgatishgagina qaratib qolinmay, nutq madaniyati tushunchasini anglash uchun ham yordam berishi lozim. O'qituvchining nutqi madaniyatli nutq namunasi bo'la olishi zarur.

O'qituvchining so'zi darsning turli bosqichlarida joriy etiladi: leksiya, o'qituvchining o'zi haqidagi hikoyasi, tushuntirish monologi, izohlar; instruktaj, yakuniy va baho beruvchi fikr bayon qilish va hokazo.

O'qituvchining so'zi devor orqasidagi tinglovchilarga emas, balki bilim olishda hamkorlik qilayotgan o'quvchilarga qarata, ular bilan g'oyibona muloqot mazmunida bo'lishi kerak. O'quvchilarning eshitilganlarni qanday tushunayotganlarini anglab, shunga qarab ish tutish ana shu g'oyibona muloqot shakli hisoblanadi.

O'qituvchining bayoni metodi o'qituvchi va o'quvchilarning muloqot shakligina bo'lib qolmay, o'qituvchidan maxsus bilim va malakalarni ham talab etadi. Axir nutqi no'noq o'qituvchilar ham yo'q emas. Ayrim o'qituvchilar yangi mavzuni tayinli tushuntirib bera olmaydilar, darsga tayyor emasliklari ham shundaygina sezilib turadi. O'qituvchi ta'sirli so'zlay olishi kerak. O'qituvchining so'zi tarbiyaviy vazifani ham bajaradi.

Demak, ta'lim boshqaruv organlari oldida turgan eng muhim vazifalardan biri o'qituvchilarni muloqot madaniyatiga tayyorlash bo'yicha uzviy va izchil tizimda ish olib bormoqdir. Pedagogik o'qishlarda, o'qituvchilarning an'anaviy Avgust kengashlari va sho'ba yig'ilishlarida mazkur masalaga alohida e'tibor qaratmoq lozim bo'ladi.

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ (ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР) ДАРСЛАРИГА ТАДБИК ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Муллажанова М. – АВХТХҚТУМОИ катта ўқитувчиси,

Кабилова З. – АВХТХҚТУМОИ доценти

Мустақил Ўзбекистонимиз XXI асрга дадил қадам қўйиб, ўз мақсад ва интилишлари йўлида барқарор ғоялар билан шахдам одимлаб бормоқда. Юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси бугунги замонавий ўқитувчи ва замонавий таълим масканининг энг биринчи вазифасидир.

Халқ таълими вазирлигига қарашли халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш тизимида ҳам ушбу вазифани бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки йиллар давомида амалиётда шаклланиб келаётган педагогик маҳорат мукамаллик сари педагог кадрлар малакасини ошириш билим масканларида соҳага оид энг сўнгги янгиликлар, услублар билан янада бойиб, мустаҳкамланиб боради.

Педагогик маҳоратнинг бизга маълум 3 таркибий қисми куйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ўқитувчи шахсининг умуминсоний фазилатлари;
- 2) ўқитувчининг касбий-педагогик қобилияти, яъни болаларни етаклай олиши, киришувчанлиги, зийраклиги, янгича фикрлаши;
- 3) нутқи ва психологик билимлари.

Юқоридаги фазилатларни ўқитувчи онгига сингдириб бориш, ўқитувчининг билим ва салоҳиятини энг юқори даражага олиб чиқиш билан аъло натижага эришиш мумкин. Малака ошириш курслари тингловчиларига:

- 1) когнитив – билиш,
- 2) аффектив – сезиш,
- 3) психомотор – ҳаракат килиш кетма-кетлигини сингдириб бориш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Мазкур жараёни тўғри амалга ошириш орқали ижобий натижалар – идрок килиш – англаб ўқиш – билиш – ўқувчи онгига етказиш шаклида намоён бўлади.

Замонавий таълим технологияларидан тил (жумладан хорижий тиллар) ва адабиёт дарсларида фойдаланишда, албатта, юқори натижага эришиш кўзда тутилади. Қуйида биз ана шундай янги педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан бирини тавсия қиламиз.

“Комильфо» педагогик технология усулининг шартлари. (“Комильфо” сўзининг таржимаси - “шундай бўлиши керак”). Ўқитувчи доскага бир сўзни ёки сўз бирикмасини ёзади, ўқувчилар эса дафтарда бу сўзларнинг изоҳини мустақил ёзма равишда берадилар ҳамда сўз ҳақидаги фикрларини жамлаб, янги гаплар тузадилар. Бунда ҳар бир ўқувчида мустақил ва ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади, имловий билими ошади. Тузилган гаплар бирин-кетин ўқувчилар томонидан ўқилади. Натижада уларда тўғри тинглаш ва талаффуз қилиш шаклланади. Энг яхши фикр жамоа томонидан қабул қилинади ва ёзиб, хулоса қилинади. Масалан: Яхши дарс... Шарти: фикрни (гапни) тугатинг. Жавоблар:

- 1)... ўқитувчига боғлиқ бўлади.
- 2)... даволат яхши бўлган дарс.
- 3)... яхши натижа.
- 4)...техник воситалар ишлатилган дарс.

Ўқитувчи барча фикрлар ўқилгандан сўнг энг яхши фикрни доскага ёзиб қўяди ва ҳамма доимо шундай бўлиши керак деб хулоса қилади. “Яхши дарс — яхши натижа” бугунги дарснинг шиорига айланади.

Кейинги дарсларда қуйидагича мисоллар бериш мумкин. Оз-оз ўрганиб... (ўқувчи ўз фикрини ёзади: масалан: ўқишга кириш қийин, бошлиқ бўлолмайсан, доно бўлолмайсан ва бошқалар).

Энг кучли душман...

Бир калла яхши...

Меҳнатнинг таги...

Дўст ачитиб гапирар...

Инсон саҳий бўлиши мумкин, қачонки...

Етти ўлчаб...

Натижа: барча ўқувчилар мустақил гап тузадилар, оғзаки ўқиб берадилар ва энг яхши фикр доскага ёзиб қўйилади ва бугунги дарс шиорига айланади.

«Комильфо» усулидан чет тили дарсларида, тил хафталикларида фойдаланганда қуйидаги воситаларни қўллаш мумкин. Аудиомагнитофон ва аудиотасмалар ёки диктофони бор уяли телефонлар, карточкалар, компьютер, расмлар (масалан, иборалар тасвири – пашшадан фил ясамоқ, ўтириб қолмоқ, томи кетмоқ, кўзини бўямоқ, оғзи қулоғида, бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб ва хоказо.)

Юқоридаги “Комильфо” янги педагогик технологиянинг дарс жараёнида қўлланилиши натижасида эришиладиган ютуқлар:

1. Халқ оғзаки ижодига ва бошка намуналарга ҳурмат ошади, миллий қадриятларимизни улуғловчи, маънавий бой ва эркин фикрловчи шахс вояга етади.
2. Луғат билан ишлаш кучаяди, таржима санъати ва чет тилини ўрганишга қизиқиш ортади.
3. Фаоллик ошади, нотиклик маҳорати шаклланади.
4. Грамматик қоидалар мисоллар орқали тушунтириб берилади. Қиёсий грамматикадан билимлар мустаҳкамланади.
5. Янгича фикрлаш ва фикрларни замон талабига мос талқин қила олиш шаклланади.
6. Сўз бойлиги ошиб, чет тилидаги оғзаки ва ёзма нутқи ривожланади ҳамда ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги дидактик мулоқот ривожланади.

Дидактик мулоқот касбий маҳоратнинг энг зарур усули ҳисобланиб, ўқитувчи шу мулоқот орқали таълим-тарбия моҳиятини ўқувчи онгига сингдириб боради.

Ҳаётимиз ва кундалиқ турмушимизда учрайдиган бунёдкор ва вайронкор ғояларни ёш авлодга у тушунадиган даражада тўғри етказиб бера олиш бугунги замонавий таълим олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Мустақил фикрлай олиш, муаммо ва масалаларнинг тўғри ечимини топа билиш, ўзгалар ва уларнинг фикрини хурмат қилиш, шахсий ва умумий ютуқ ва камчиликларни ақл кўзи билан кўриб, баҳолай олишга ўргатиш ҳақиқий педагог, маҳоратли устозлар кўлидадир. Ёшларнинг ички руҳий кечинмалари, шахсий уй-фикрларини тўғри йўналтира олиш, шахс сифатида ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётда ўз ўрнини топиш ва уни ҳис қилишга имкон бериш, руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари учун замин тайёрлаш барчамизнинг вазифамиздир.

Жисмоний ва интеллектуал ривожланиш цикллари турли ёшда турлича бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тиббий-психологик хавфсизлигини таъминлаш ўқув даргоҳининг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади. Биз ХХІ — электрон асрда яшамоқдамиз. Кундалик рўзномалар, ахборот дастурлари ва радиоэшиттиришлар орқали табиий офатлар, турли тўқнашувлар, уларнинг ҳалокатли яқунлари тўғрисида эшитиб турамыз. Янги педагогик технологияларнинг ҳаммаси экологик тарбия, сихат-саломатлик — валеология мактаби билан чамбарчас боғлиқ.

Таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологиялар пировард натижада ривожланишга асос бўлсагина, бу таълимни ижобий деб аташ мумкин. Ақлан ва маънан соғлом фикрлик ёш авлодни ҳозирги жадаллик асрида ҳаётга мослашиб, ўзига муносиб ўринни эгаллашга ундайди.

ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА КАК ВАЖНЕЙШИЙ КОМПОНЕНТ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ

Алимова М., Гаффаров А. – Бухарский инженерно-технологический институт

Искусство как своеобразная форма отражения и познания мира формирует в детях эстетическое отношение к жизни, эстетическое чувство, с помощью которого они ощущают истинную ценность явлений окружающего мира. Эстетическое воспитание пробуждает в душе ребёнка тягу к красоте, восхищение перед прекрасным, которое не позволяет ему творить зло. Эстетическое восприятие жизненных явлений всегда индивидуально и избирательно. В основе его лежит эмоциональный отклик на прекрасное.

В жизнь каждого школьника так или иначе входит искусство, воспитательные возможности которого нужно максимально использовать и организовать процесс обучения через учреждения дополнительного образования. Искусство воплощает в себе все особенности эстетического отношения человека к действительности. В процессе эстетического воспитания и развития важные функции выполняют родной язык, пение, музыка, изобразительное искусство, природа. Необходимо развивать у школьников чувство прекрасного, формировать художественный вкус, умение правильно понимать и ценить произведения искусства, красоту и богатство родной природы.

Каждый из видов искусства обладает своим художественно-образным языком, спецификой воссоздания действительности, которая, в свою очередь, определяется особенностями тех или иных жизненных явлений и обстоятельств. Не все стороны жизни подвластны изображению в каком-то одном виде искусства. То, что подвластно музыке, то, что изображает литература, не может быть выражено средствами живописи. Иными словами, для воспроизведения той или иной грани действительности в искусстве достаточно средств художественной выразительности того или иного вида искусства, но для создания в нашем восприятии целостного образа мира или обобщенного образа эпохи недостаточно какой-либо одной формы их отражения. Для этого необходим синтез различных видов искусства. Синтез в данном случае надо понимать как неделимый сплав, как многообразие в единстве представлений, как само искусство, которое является единой формой отражения действительности, но делится внутри себя на виды. В связи с этим художественно-практическая деятельность, существующая в динамике от созерцания к желанию действовать, от первичного соприкосновения с искусством к его осмысленной оценке, является одним из ведущих, но недостаточно на сегодня оцененных средств развития личности ребёнка.

С детства человек включается в уникальную интегративную структуру-духовную культуру, которая определяет личность каждого без учёта степени активности влияния на неё. Духовная культура-достояние каждого человека, и освоение её – обязательный компонент формирования личности. Сама культура является специфическим способом организации и развития человеческой жизнедеятельности. С рождения ребёнка окружает мир вещей, несущий на себе отпечаток развития цивилизационных процессов человечества в единстве их материальной целесообразности и духовной насыщенности представляемого социально-эстетического идеала. Если материальная целесообразность отражает технический прогресс, то социально-эстетический идеал определяется уровнем развития духовной культуры, которая существует в двух неразрывно связанных формах: в форме духовных качеств человека и в форме духовных ценностей, созданных человеком. Духовные качества обладают большой субъективностью, ибо проявляются индивидом, исходя из данных ему природой возможностей. Духовные же ценности являются обобщенно организованным явлением, исходя из представлений об эстетической целесообразности не только одного индивида, но и всего человечества на основе накопленного духовного опыта.

Интегрированным компонентом духовной культуры является искусство. Оно включает в себя многие виды (литературу, живопись, музыку, театр и т.д.), которые необходимо максимально синтезировать на основе художественного труда для создания у детей целостной картины мира в его материальном и духовном единстве. Однако полной гармонии, если ребёнок с ранних лет не включается в творческую деятельность, быть не может.

Художественно-творческая деятельность, как смысл любой деятельности, даёт ребёнку возможность не только отстраненного восприятия духовной и материальной культур, но и чувство самореализации, возможность освоения мира не только через его постижения, но и через его преобразование. Процесс и результат художественно-творческой деятельности, реализованной посредством интегрированных занятий, можно определить как уровень и характер эстетических запросов современного человека, который пропускает произведения искусства через приму своего восприятия. Художественно-творческая деятельность становится не собственно целью, а, с одной стороны, средством познания мира, с другой стороны - средством для более глубокого эмоционального выражения внутренних чувств самого творящего ребёнка. При этом она предполагает все этапы познания мира присущее и взрослым: созерцание, размышление и практическую реализацию замысла.

Сегодня «в наш жестокий век» действительно возникает необходимость обретения добрых гуманных отношений ребёнка к миру и своего места в нём как проблемы формирования гармоничной картины мира – целостной упорядоченной системы представлений, знаний, отношений ребёнка к окружающей его среде- к миру вещей и миру людей. Детская картина мира и есть в эмоционально- визуализированной форме зафиксированное отношение ребёнка к окружающей действительности- природной и социальной.

В понимании маленького ребёнка категории добра и зла обязаны иметь чёткие очертания и границы. Обращаясь ко взрослому с явным или скрытым вопросом на тему «что такое хорошо и что такое плохо?», ребёнок всякий раз хочет подтвердить для себя нравственное содержание и смысл того или иного явления, действия, поступка. Переворачивание требований в утверждение добра или смешение представлений о милосердии, гуманности, которые предоставляют современные «средства воспитания» - даже новые сказки (где зло творится традиционно «добрыми» персонажами и на оборот) и игрушки (которые воплощают не «образ идеальной жизни», а выходцев из преисподней) пагубны для становления не только представлений о добре и зле в детском сознании, но и для личностного и нравственно- духовного развития ребёнка.

Без утверждения добра в отношениях ребёнка к миру, другим людям и себе самому невозможно увидеть жизненные перспективы развития детства, а значит, нашего будущего. Естественная способность различения добра от зла сохраняется в ребёнке, и чем в большей степени у ребёнка сформированы духовно- нравственная культура, позитивные нравственные

ориентации на добро, тем больше мир поворачивается к нему самыми светлыми своими сторонами. И такой ребёнок психологически благополучен и духовно защищён, тем более он находится в безопасности.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Гаффоров А., Алимова М. – Бухоро муҳандислик-технология институти

XXI аср фан ва техника тараққиётида буюк бурилиш билан бошланди. Тарихан бу давр, космосга йўллар “топталган”, микро ва макродунё “сирлари” фош бўлаётган гинетикада оламшумул ғалабаларни қўлга киритиш фазасига ўтган, ахборот алмашиш технологиялари мисли кўрилмаган чўққиларга эришган, бир сўз билан айтганда, инсониятнинг минг йиллар орзу қилган мақсадлари рўёбга чиқаётган муҳим бир давр бўлди.

Буюк ютуқлар билан бирга бу давр инсоният бошига кулфат ёғдириши мумкин бўлган ядровий қирғин қуролларининг бир неча минг мегатонналик захирасини, глобал экологик муаммоларини, миллатлароро низоларни, халқаро терроризм деб аталувчи офатни, халқлар, элатлар орасидаги муносабатларда тенгсизлик ва зиддиятларни, диний экстремизм ва фундаментализм каби иллатларни ҳам олиб келди.

Инсон тафвққурининг буюк қудратини намоиш қилаётган кибернетик техника радиоэлектрониканинг мўъжизавий қурилмалари, микро-биологиядаги инқилобий кашфиётлар ва космосни забт этишда унинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, афсоналар ҳақиқатга айланаётган бу даврда глобал масштабдаги бундай салбий муаммоларнинг “бош кўтариши” кишиларни қаттиқ ташвишга қўймоқда. Бу хил иллатларга қарши курашиш, зарур бўлганда ҳарбий кучларни ишга солиш ва шу йўл билан бегуноҳ кишилар ҳаётини ва тинчлигини асраш лозимлиги ҳеч кимда эътироз туғдирмайди.

Бирок бундай йўл билан кураш муаммони узил-кесил ҳал қила олмаслигини тушуниш қийин эмас. Чунки турли дин ва ирқга мансуб инсонлар, миллатлар мамлакатлар орасидаги салбий муносабатлар, низоларнинг негизида “фақат биз тўғри йўл тутаямиз, бизники тўғри” деб тушуниш ва унга зўравонлик, куч ишлатиш йўли билан эришиш каби дунёқараш характеридаги қарама-қаршилиқ ётади. Кучайиб борувчи бундай қарама-қаршиликлар келгусида глобал масштабда сайёрамиз цивилизациясини инқирозга, жисман ҳалокатга элтиш хавфининг даракчиси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Хўш, бундай мулоҳазаларнинг таълим тизимига қандай дахли бор?-деган савол туғилади, шубҳасиз бевосита, чунки дунёда рўй бераётган миллатлар, элатлар ва давлатлар орасидаги зўравонлик муносабатларида ҳозирги замон таълим тизими, муқуммал эмаслиги, энг муҳим сабаблардан саналади. Агар очлар тўйдирилса, дунё бойлари ва камбағалларнинг турмуш тарзлари орасидаги кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган тафовутлар бартараф этилса, инсонлар қалбига меҳр-муҳаббат, шавқат, адолат, инсонпарварлик ва теранлик ҳисларининг уруғи “сепилса” фақат ва фақат шундай қилинсагина келажакда катта ва кичик низоларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш дунёни асраб қолиш мумкин бўлади.

Жамиятни бош кўтараётган хавфли ҳалокатлардан асраб қолиш йўлида кишилар қандай дунёқарашга, эътиқодга эга бўлишларини, дунё халқлари, турли миллатлар, мамлакатлар орасида ўзаро хайрихоҳлик ва манфаатдорлик йўлида ҳамжиҳатликни, дўстлик ва биродарликни қадамба-қадам ким ва қандай қилиб ўргатади?

XXI аср, ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган бундай муаммоларни ҳал этиш учун жаҳон таълим тизими олдида қандай маъсулиятли вазифаларни қўймоқда?

Гап шундаки, бу саволларга жавоблар, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг самарадорлигида уларнинг интеллектуаллиги ва ахлоқий сифатларига масъул бўлган таълим тизимига бевосита боғлиқдир.

Тан олиш керакки, йигирма аср мобайнида жуда кўп ривожланган мамлакатлар, жумладан собиқ Иттифоқда фан ва техника ютуқларининг юксак кўрсаткичларидан мағрурланиб, узоқ йиллар таълим тизимига асосан фрагментар, технократик йўналишдаги билимлар, малака ва кўникмаларнинг тор доирасини авлоддан-авлодга, ижтимоий тажриба сифатида, таълим тизими йўли билан узатилиб келинди.

Ўқувчиларда атроф дунёни моддий ва маънавий бир бутун манзарасини шакллантириш масаласида эса инсон ҳам бутун борлиқни ўз ичига олган ягона муҳитнинг бир бўлаги эканлигини англаш, маънавий, ахлоқий ва руҳий қадриятларни, миллий ва умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан тушуниш, яхши ҳис қилиш ва шу боис, уларга катта эътибор қаратиш каби масалаларда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Шунингдек, келажак цивилизацияси учун энг муҳим хислатлардан саналган бошқа халқлар, элатлар ва миллатларга, уларнинг турмуш тарзига ва тафаккур хислатларига нисбатан ҳурматли, олийжаноб ва қаноатли бўлишдек қадриятларни тарбиялаш, узоқ йиллар таълим назарияси ва амалиёти эътиборидан четда қолди.

XXI аср таълим олдиға қўйган талабларига кўра, мутахассислар танлаган касби бўйича билим, малака ва кўникмаларни эгаллашдан ташқари, экологик, иқтисодий ва юридик билимлар билан қуролланиши ҳамда узлуксиз равишда мустақил билим олиш воситаси сифатида замонавий ахборот тизимида мустақил ва рационал фойдалана оладиган даражаға кўтарилмоғи лозим.

Шубҳасиз, янги аср таълими, эслатилган муаммоларни олдини олиш учун бўлажак авлодлар дилиға, асрлар давомида сайқалган умуминсоний қадриятлар-иймон-этиқодлилиқ, инсонпарвар-адолатлилиқ, ватанпарвар ва байналминаллиқ, ўз миллати ва дунё элатлари олдида инсоний бурч ва маъсулиятлилиқни англаш ҳисларини жойлашға кўмаклашмоғи ва замонавийлашмоғи лозим.

XXI асрда чексиз коинотда энг ноёб ҳодиса саналган Ер деб аталмиш митти сайёрамизнинг миллиард йиллик эволюцияси маҳсули бўлган ҳаётни хавф остига қўяётган салбий фактларни бартараф этишда, дунё таълими тизимида энг буюк миссия – ақлли мавжудод саналмиш инсонни ўз исми – жисмиға монанд қилиб тарбиялаш, уларнинг барчаси дини, ирки, миллатларидан фарқли ўлароқ қондош эканлиги, буюк гуманист шоир Р.Гамзатов ибораси билан айтганда “... бир илдиздан чиққан гиёҳларнинг барглари” эканлигини англантиш каби вазифаларни юклайди.

Келажакда цивилизациямизни ҳалокатға элтувчи глобал экологик муаммоларни бартараф қилиш, уни асраб қолишда инсоннинг ақл-заковати маънавий буюклиги, планетар масштабда фикр юритиши ва дунёқараши ҳал қилувчи рол ўйнашини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бинобарин ана шундай сифатларға эға замонавий ўқувчини тарбиялаш жамият олдидаги энг муҳим ва биринчи ўриндаги вазифалардан саналади. Таълим тизими бошидан кечираётган инкироздан фақат ва фақат янги аср қўйган талабларни удалайдиган юқори интеллигентлик ва профессионал интеллектуал фазилатларға эға педагог кадрларни тайёрлаш билангина чиқиш мумкин. Шу боис машҳур француз ёзувчиси В.Гюго “келажак мактаб ўқитувчисининг кўлида” – деганида мутлақ ҳақ эди.

Глобал таълим тизимида ўқитувчи-маърифат, маданият ва инсонпарварлик қадриятларини тарқатувчи, унинг ижодкори, дунё педагогик тажрибасини ташувчи ва яратувчи шахс сифатида намоён бўлмоғи лозим.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизға, маънавиятимизға, динимизға мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабих тузоғиға илинтириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани ҳаммамизға маълум.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётиға, болаларимизнинг келажакиға қарши қаратилган таҳдидлар – бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гиёҳвандлик ёки “оммавий маданият” кўринишлари бўладими – бундай бало-қазоларни остонамизға йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизға айланмоқда. Бундай ўткир зарурат таълим-тарбия муассасаларининг ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар жамоатчилиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, “Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” деб, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

КОМПЬЮТЕРНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА.

Ахмедова Ш. – АОИППКРНО преподаватель “Информатики”, кафедры «Естественные и точные науки»

*Ўлжаева Д. – учитель русского языка общеобразовательной школы №37-ДИМ
Патаобадского района Андижанской области*

Воспитание личности - задача, поставленная Законом «Об образовании» и Национальной программой по подготовке кадров. Процесс реализации этой задачи требует новых подходов к обучению учащихся. Только изменив *устаревшую* технологию педагогического процесса на *новую*, можно решить основную задачу современной школы. На всем протяжении развития человечества была необходимость обучать и воспитывать подрастающее поколение. В своем труде «Высокая духовность – непобедимая сила» Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов уделяет большое внимание вопросам возрождения национальных духовных ценностей и приобщения народа Узбекистана к мировой культуре и общечеловеческим ценностям: «Процветание независимого Узбекистана и признание его мировым сообществом, широкая внешнеполитическая и внешнеэкономическая деятельность нашего государства стали дополнительным стимулом к возрождению духовных ценностей и потенциала узбекского народа, осознанию себя в качестве равноправной нации в семье других народов. <...> Широкие международные контакты создали благоприятную почву не только для более глубокого познания мировой культуры, приобщения к общечеловеческим ценностям, но и позволили развиться таланту узбекского народа в различных сферах деятельности, дали возможность в полной мере проявить такие его исключительные качества, как предприимчивость и коммуникабельность, быстрое овладение несколькими иностранными языками» (Каримов, 2008).

Использование ИКТ в преподавании любого предмета таит в себе неограниченные возможности. С помощью этих технологий можно решать такие педагогические задачи, как обучение в сотрудничестве, активизация познавательной деятельности, осуществление дифференцированного, индивидуализированного, личностно-ориентированного подхода, разрешать проблемы разноуровневого и группового обучения. К тому же возможности использования компьютера на уроке впечатляют, создают атмосферу психологического комфорта, ведут к успешности. Принципиальное новшество, вносимое компьютером в образовательный процесс – интерактивность, позволяющая развивать активно-деятельностные формы обучения. Именно это новое качество позволяет надеяться на реальную возможность расширения функционала самостоятельной учебной работы – полезного с точки зрения целей образования и эффективного с точки зрения временных затрат. Эти технологии значительно расширяют возможности предъявления учебной информации. Применение цвета, графики, звука, всех современных средств видеотехники позволяет воссоздавать реальную обстановку деятельности. Компьютер позволяет существенно повысить мотивацию учащихся к обучению, вовлекает их в учебный процесс, способствуя наиболее широкому раскрытию их способностей, активизации умственной деятельности. И именно использование ИКТ на уроках русского языка и литературы позволяет наполнить уроки новым содержанием, осуществить дифференцированный подход к учащимся с разным уровнем готовности к обучению, организовать одновременно детей, обладающих различными способностями и возможностями, развивать творческий подход к окружающему миру, любознательность учащихся, организовать урок в соответствии с современными требованиями. Внедрение ИКТ на уроках русского языка и литературы позволили реализовать идею развивающего обучения, повысить темп урока, сократить потери рабочего

времени до минимума, увеличить объем самостоятельной работы, как на уроке, так и при подготовке домашних заданий, сделать урок более ярким и увлекательным. Хороший урок невозможно представить без хорошо сформулированной темы, постановки его целей и задач, планирования этапов, а также цели на каждом отдельном этапе урока. Обычно для этого используется классная доска, на которой выписываются все необходимые термины, составляются таблицы и схемы. Теперь у нас есть прекрасная возможность заранее подготовить весь необходимый материал, расположить его в нужной последовательности и поместить на слайды. Качество изображения на слайдах значительно лучше, чем на классной доске, а учитель, освобождаясь от постоянной работы у доски, имеет возможность больше внимания уделить ученикам. Презентации позволяют оживить урок, внести игровые моменты. На уроках литературы часто использую компьютерные презентации, к созданию которых привлекаю самих ребят. Это могут быть уроки изучения биографии писателя или поэта. При подготовке таких уроков школьникам дается задание собрать необходимый биографический материал, обработать в определенной программе фотографии, иллюстрации, продумать анимацию. Ученики, опираясь на помощь учителя, намечают план работы, осуществляют подбор материалов, создают презентацию и представляют ее на уроке. Часто темы таких презентаций позволяют осуществить принцип интеграции предметов. Современная школа должна научить учащихся добывать информацию из различных источников информации, включая информационные, привить навыки их критического анализа и сформировать компетентностные умения применять полученные информацию и умения на практике.

Как правильно создать презентацию.

При проведении уроков современный учитель часто использует презентации. Использование презентаций Power Point на уроке дает широкие возможности для учителя и учащихся. Демонстрация моделей, иллюстраций, видео, анимационные и звуковые эффекты, элементы, привлекающие внимание к теме. Прежде, чем приступить к созданию презентации к тому или иному уроку, учитель продумывает структуру урока, цели и задачи, методы и приемы. Для этого учитель прежде всего должен подобрать материал для презентации, который отражал бы суть урока, соответствовал теме и целям урока, не перегружая его и не отвлекая от главной задачи учителя – дать учащимся новые знания. Но надо помнить о том, что, какая бы красочная презентация не сопровождала ваш урок, она ни в коем случае не заменит учителя, его главную роль в процессе урока, как не может заменить учителя учебник.

Что нужно знать при создании презентации?

1. Презентация – это не конспект урока, в котором описываются цели, задачи, этапы урока. Поэтому то, что можно сказать словами, на монитор не выносится. Описание целей урока, приветствие, прощание с учащимися, слова учителя в презентацию не включаются.

2. Просмотр презентации требует определенных физических нагрузок, особенно на глаза, поэтому использование презентации необходимо дозировать. Не стоит выносить на экран весь урок от начала до конца, а только отдельные элементы. Общее время работы с презентацией на уроке не должно превышать 20 минут, но это не значит, что дети 20 минут подряд смотрят на экран. Обязательно чередовать работу с презентацией и практическую, письменную работу, смену поз, например, при работе в группах или парах, подвижную игру, физкультминутки.

3. Презентация – это иллюстрация к уроку, а не развлечение, поэтому необходимо тщательно подходить к отбору иллюстративного ряда и эффектов. Иногда учителя с детским восторгом размещают анимированные картинки в презентации где нужно и где не нужно. Надо помнить, пестрота и мелькание – это дополнительная нагрузка на глаза и нервную систему, отвлекающий фактор для детей. Да, учащиеся любят все яркое и двигающееся, но цель урока – дать знания и закрепить умения, а не развлечь. То же самое относится к неоправданному использованию эффектов анимации

4. Презентация не должна заменять практическую деятельность учеников. Необходимо помнить, что лучше запоминается то, что делаешь самостоятельно, а не видишь на экране.

Современного подхода в обучении, а также нового стандарта основной школы является его деятельностный характер, ставящий главной целью развитие личности учащегося.

Система образования отказывается от традиционного представления результатов обучения в виде знаний, умений и навыков, формулировки стандарта указывают реальные виды деятельности, которыми учащийся должен овладеть к концу обучения. Требования к результатам обучения сформулированы в виде личностных, метапредметных и предметных результатов. Информационные технологии, оснащённые всеми необходимыми компонентами, в совокупности с правильно отобранными (или спроектированными) педагогическими технологиями обучения, использованием активных методов обучения становятся базой современного образования, гарантирующей необходимый уровень качества, вариативности, дифференциации и индивидуализации обучения и воспитания.

Учебные компьютерные программы по русскому языку позволяют учителю-словеснику одновременно решать ряд проблем:

- помогают повысить уровень своих знаний;
- повысить интерес учащихся к предмету;
- повысить успеваемость и качество знаний учащихся;
- сэкономить время на опрос учащихся;
- дают возможность учащимся самостоятельно заниматься не только на уроках, но и в домашних условиях.

“Единственный путь, ведущий к знанию, - это деятельность”, - сказал Б. Шоу.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ СОҒЛОМ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ахмедова Ш. – АВХТХҚТУМОИ “Табийи ва аниқ фанлар таълими” кафедраси

“Информатика” фани ўқитувчиси

Иминова М. – “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси ўқитувчиси

Таълим тизимида психологик хизмат тизимининг илмий ва амалий вазифалари турли мамлакатларда турлича жорий этилмоқда. Бизнинг умумтаълим мактабларимизда психологик хизмат тизими ўзига ҳос усулда жорий этилди. Мактабда таълим олаётган ҳар бир бола иқтидорини, индивидуал имкониятларини ва бошқа бир қатор шахсий сифатларини батафсил урганмай, таҳлил қилмай туриб мазкур ўқувчи келажагини педагогик жихатдан тўғри баҳолаб бўлмайди. Ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлашда бугунги кунда психологик хизмат тизими томонидан бартараф қилиниши лозим булган муаммолар мавжуд.

Болаларни рухий ва интеллектуал тайёргарлиги асосида мактабга қабул қилиш шундай масалалардан биридир. Бола шахсини тўғри тушуниш ва унинг харакатларини таҳлил қила олиш зарур. «Хар бир шахс қайтарилмас темпераментдир»,-деган эди физиолог олим И.П.Павлов. қолаверса, ҳар бир инсоннинг ўзигагина ҳос имкониятлари мавжудлиги ва унга ҳамиша жиддий эътибор бериш зарурлиги ҳақида Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, Фаробий ва Беруний ҳам ўз замонларида алоҳида кайд этиб ўтганлар. Чунончи, ўқитувчи бола шахсини тарбиялаш учун, даставвал унинг «бетакрор оламига» кира олиш ва унга мос келувчи тарбиявий тадбирлар режасини тузмоги ва қўлламоги лозим.

Таникли рухшунос Л.С.Выгоцкий тараққиётдан илгарилаб кетган таълимгина самарали бўлишини қайта-қайта таъкидлаган эди. Бугун бола катталар ёрдамида амалга оширилаётган ишни ўзи бажариши керак. Бугун болани ҳар томонлама ривожлантирадиган, уни фикрлашга ўргатадиган, қобилиятини аста-секин ўсиб бориши имконият яратидиган, тафаккурнинг янги-янги қирраларини очадиган педагогик усуллар ва махсус психологик хизмат тизими мавжуд бўлган тақдирдагина эришиши мумкин. Боланинг мурғак қалбига инсонпарварлик ҳислатлари асосан оилада берилади. Ота-она ва оила аъзоларининг муносабатларидан, бир-бирига бўлган хурмат-эътибордан, маънавий ахлокий ҳислатлардан келиб чиқиб, фарзанд келажакда ўз ҳаёт йўлини танлаб олади. Чунки маълум ёшгача бола асосан ота-онага тақлид қилиб ривожланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонунида белгиланганидек, фарзандларимизни давр талабига мос, гузал ахлокли, комил инсон қилиб тарбиялашдек муқаддас вазифаларни амалга оширишимизга имкон яратилади.

Бугунги кунда педагогик-психологик ахборотга, психологик билимларга эҳтиёж сезаётган ўқитувчилар сони ортмоқда. Жуда кўп ўқитувчилар мактабдаги энг оғир масалалардан бири деб ўқитувчи муносабатини кўрсатмоқдалар. Чунки жамиятимизда бир-бири билан қаттиқ боғланган, лекин ўзаро танловда эркинлиги бўлмаган бошқа жуфтлар булмаса керак. Ўқитувчиларнинг ёмон ўқитувчи ҳақидаги эътирозлари кўпинча уни фанни яхши билмаслиги билан эмас, балки ўқувчилари билан яхши муомала-муносабатини ўрната олмаганлиги билан боғлиқдир. Ўқитувчининг ўқувчисига билимга нисбатан қизиқишини орттириш унинг ўқувчисига бўлган муносабатига, яъни ўқувчини унда турли вазиятларда намоён бўладиган қайтарилмас ўзига ҳослик, ҳамда алоҳида шахс ёки берилган аниқ, ижтимоий рол ёки вазифани бажарувчи оддий ўқувчи сифатида кўра олишларига боғлиқ. Ўқитувчи канчалик ўз индивидуаллигини англаса ва буни ўз фаолиятида ҳисобга олса, шунчалик у ўз ўқувчиларидаги ўзига ҳосликни кўра олади ва бундан педагогик ўзаро муносабатида тўғри фойдалана олади. Педагоглар, шу жумладан муҳандис-педагогларнинг касбий маҳоратининг асосий компонентларидан бири ўқув-тарбия жараёнини тўғри ва самарали бошқара олишидир. Бунинг учун педагог техник ва услубий билимларни пухта эгаллаганлиги етарли эмас. Педагог ўз иши, фаолияти натижаларини таҳлил қилиши, ўқувчиларда қийинчилик туғдираётган сабабларини ўз вақтида қила олиши лозим.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2016йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинган бўлиб, ҳар бир педагог “Баркамол авлод”га таълим-тарбия беришда, бор меҳрини, маҳоратини, билимини беминнат ҳизмат қилишлари лозим. Бизнинг келажагимиз бу соғлом фарзандларни тарбиялаш демакдир. Бутун дунёни ўз билимлари билан забт этиш учун, фарзандларимизни руҳий тетик, жисмоний соғлом қилиб катта қилиш ва эл-юрт қаторига қўшиш ҳар бир педагог-психолог, ота-оналарни олдида турган вазифасидир.

O`ZBEK TILI DARSLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT TEKNOLOGIYALARI ASOSIDA MASHG`ULOTLARNI UYUSHTIRISH

Kubayeva M. – Navoiy viloyati Zarafshon shahar XTMFMTEB metodisti.

XXI asr fan va texnika taraqqiy etgan asrdir. Bugungi mana shunday taraqqiyot davrida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'limida salmoqli o`rin egallamoqda. axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining asosiy komponenti komp`yuter hisoblanadi. U axborotga ishlov berish, vosita, kommunikatsiya, bilimlarni yangilash, ta'lim oluvchining o`z mustaqil faoliyatini amalga oshirish vazifalarini bajaradi.

Metodist-olimlarning tajribalariga shuni ko`rsatdiki, o`quvchilarning o`quv faoliyatini shakllantirish jarayonida komp`yuterlardan bolalarning ko`nikma va malakalarini rivojlantirishda, o`tilgan mavzularni mustahkamlashda, bilimlarni nazorat qilishda foydalanish yuqori samara berar ekan.

Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarda o`zbek tili darslarini zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida tashkil etishning o`ziga xos didaktik talablari mavjud. Bunda o`quvchilarning yosh va individual xususiyatlarini hisobga olish zarur.

O`zbek tili darslarida kompyuterdan foydalanish hamda “Xar kim har kimga o`rgatadi”, “Kichik guruhlarda ishlash, “Aqliy hujm”, “Muammoli ta`lim” metodlari, “Chigil yozdi”, “3inama-zina” o`yini va boshqa didaktik o`yinli texnologiyalarni o`quv jarayonida qo`llash ta`lim samaradorligini oshiradi. Bu texnologiyalar o`quvchilarning so`z boyligini oshirish hamda grammatik bilimlarni egallashida muhim o`rin tutadi.

Amma, o`zga tilni o`rganayotgan bolaning nutq boyligini oshirishda kompyuter orqali darslarni tashkil etishda materiallarni yuksak did bilan tayyorlash kerak. Ya`ni, misol uchun slaydlarni olaylik. Avvalo, slaydlar rangi bolalar ko`zini toliqtirmasligi kerak, o`ta yorqin qizil yoki ko`k ranglar bolani charchatadi. Animatsiyali kompozitsiyada hammar xil ovoz va musiqalar ham mayin, yoqimli bo`lishi kerak. Shuningdek, kompyuter orqali namoyish etiladigan qo`shimcha

materiallar darslikdan emas, boshqa qo`shimcha manbalardan olinsa yaxshi natija beradi. Quyida komp`yuter texnologiyasi asosidagi darslarni tashkil etish bo`yicha o`z tajribamdan misol tari qasida keltiraman.

4-sinf o`zbek tili darsida "Qushlar va hashoratlar" mavzusini o`rganishda "Qushlarga sevgim" she`ridan boshqa barcha darslik materiallari, ya`ni mavzu bo`yicha barcha so`zlarni o`quvchilar biladigan, tanish so`zlardir. Ushbu darsda mavzu doirasida o`quvchilarning so`z boyligini oshirish, tabiat ularning tabiat olami haqidagi tasavvurlarini kengaytirish oid materiallar etarli darajada berilgan. O`quvchilar mazkur mavzu doirasida barcha mashqlarni bajarish jarayonida lingvistik talablar asosidagi topshiriqlarni bajarib, berilgan matnlardagi so`zlarning izohini o`qituvchi tushuntirishga hech qanday ehtiyoj yo`q. O`qituvchi dars materiali bo`yicha 1-darsda barcha topshiriqlarni bajartirish jarayonida 1-topshiriq yuzasidan berilgan kapalak, ipak qurti, chumoli, pashsha, chivin, suvarakning animatsiyali rasmlarini slaydlar orqali namoyish etiladi. Bu animatsion (jonlantirilgan) rasmlar o`quvchilarning tasavvurida xuddi ko`zi bilan ko`rgandek tuyuladi. Shundan so`ng ularning foydali va zararli tomonlari haqida suhbat o`tkaziladi. Ular bilan 2-mashqda berilgan savollar ustida ishlash jarayonida animatsion rasmi slaydlarda musicha, chumchuq, laylak, qaldirg`och, turna kabi qushlarning ini qurilgan joylar tasviri namoyish etiladi. Tajribamdan ma`lum bo`ldiki, mana shu jarayonda bolalarning ba`zilari shaharda yashaganligi uchun qaysi qush qaerga in qurishini bilmaskan. Masalan, turnaning daraxtlarning eng tepasiga, chumchuqning hovlidagi binolar devori bilan tomi oralig`iga, musicha va qaldirg`och odamlar yashaydigan uy, darvozaxonalarda peshtoqiga in qurganligini ko`rib o`quvchilarda qiziqish judayam ortdi. Natijada darslikda berilgan "Bilib oling" ruknidagi "-ga" qo`shimchasining qanday so`zlarda ishlatilishini osongina o`zlashtirib oldi.

Bolalarning o`lkamiz tabiatiga bo`lgan mehr-muhabbatini oshirishda 2-darsda 3-topshiriq yuzasidan animatsiyali rasmlar kompozitsiyasidan foydalanganimda, 4-topshiriqni o`quvchilar yaxshi bajarganligini tajribamda ko`rdim. Ular animatsion rasmlardagi ko`rgan tasavvuri asosida qiynalmasdan gaplarni bemalol tuza oldi.

3-mashqning 5-topshirig`i ustida ishlashda ovozi animatsion rasmlar ayniqsa o`quvchilarda estetik zavq uyg`otishda muhim o`rin tutadi. Bulbul, to`ti va bedananing sayroqi ovozi bola qalbida go`zal tuyg`ular hissini shakllantirish barobarida u bu noyob qushlarni asrash kerakligini anglaydi. Chunki o`qituvchi animatsion rasmlarni namoyish qilish jarayonida bedana, bulbul, to`ti "Kizil kitob"ga kiritilganligini, bu qushlarning kamayib borayotganligini ham tushuntiradi. Shu darsda O`zbekistonda yashovchi qushlarni tavsiflovchi animatsiya va slaydlar ko`rsatilsa, bular orqali o`quvchilar respublikamiz tabiat olami haqida ensiklopedik (qomusiy) ma`lumotlarga ham ega bo`ladi.

Demak, mazkur mavzuni o`rgatishda o`quvchilar ko`p so`z izohi bilan tanishadi, respublikamizda qushlar va hashoratlar materiallari bilan tanishadilar. Mening 4-sinf o`zbek tili darsi uchun tayyorlagan komp`yuter orqali ekranlashtirilgan, tablicalar hamda slaydlar hajmini juda katta miqdorni tashkil etadi. Bu materiallarni komp`yuter xotirasida saqlab boraman. Bulardan esa tuman va shahar maktablarida o`tkazilan o`quv-seminarlarida ma`ruza uchun bir necha bor material sifatida foydalanganman.

Ta`lim boshqa tilida olib boriladigan maktablarda o`quvchilarga o`zbek tilini o`rgatish ularni bu tilga nisbatan qiziqish va moyilliklarini yanada orttirish, bu tilda o`z ona tillaridek erkin so`zlasha olish imkoniyatlarini vujudga keltirish har bir o`zbek tili o`qituvchisidan ijodiy faollik talab etadi. O`quvchilarni nafaqat kundalik muomalada ishlata oladigan so`zlar, balki iqtisodiy-siyosiy, ijtimoiy, huquqiy sohalarga oid bo`lgan mavzularda ham o`z fikr-mulohazalarini o`zbek tilida erkin tarzda bayon eta olishlarida ommaviy axborot vositalarining roli kattadir. Bunda darsni boshlashda mamlakatimizning hayotida yuz berayotgan muhim voqea, tafsilotlar haqida "Axborot", "Tahlilnoma" ko`rsatuvlarini o`qituvchi diskka yozib kelib, uni kompyuter orqali ekranda namoyish etishi lozim. Keyingi darslarda bolalardan televizor orqali "Davr" va "Axborot" ko`rsatuvida qanday yangiliklar berilganini so`rash kerak. O`quvchilardan fikr so`ralganda, bu ko`rsatuv tafsilotlarini aytib bergan o`quvchilarni alohida rag`batlantirish zarur. Shunda ular bu ko`rsatuvlarni ko`rishga

qiziqish uygʻonadi hamda har doim buni koʻrgan va tinglagan oʻquvchining soʻz boyligi oshib boraveradi.

Darsning ushbu qismini “Intervyu” deb atash mumkin, yaʼni bolalar ham “Davr” va “Axborot” koʻrsatuvi asosida oʻz fikr-mulohazalarini tushunarli qilib, xuddi suxandonlardek bayon etadilar. Bunda oʻquvchilarning kerakli atama va soʻzlar bilan tanishtirish maqsadida soʻzlar lugʻati beriladi. Bu lugʻat soʻzlar “rasmiy tashrif”, “Oliy Majlis”, “nomzod” “kelishuv va bitimlar”, “iqtisodiy salohiyat”, “chet mamlakatlarning investorlari”, “isteʼmolchi” kabilarni xattaxtaga aks etgan koʻrgazma-plakatni osib qoʻyish maqsadga muvofiqdir. Dars soʻnggida 2 daqiqalik “erkin fikrlar” onlarini joriy qilishda oʻquvchilar televizor yoki gazeta-jurnallarda uchragan va tushunishlari qiyin boʻlgan soʻzlar haqida fikr soʻrashlari bu tilni yanada puxtaroq egallashga zamin yaratadi.

Noyob va serjilo soʻzlarga boy tilimizning imkoniyatlaridan toʻla foydalanish va uning sehrli olami bilan boshqa xalq millat vakillarini oshno etish orqali Vatanimizning nurli kelajagi istiqbollari, iqtisodiy oʻzgarishlari, madaniy-maʼrifiy sohada qoʻlga kiritayotgan yutuqlaridan boxabar qilib borish ularning keng tafakkurli, mamlakat mustaqilligini mustahkamlaydigan fidoyi insonlar bulib etishishi uchun asos buladi

Demak, boshlangʻich sinflarda oʻzbek tili fani boʻyicha oʻtiladigan dars mashgʻulotlarini zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikaciya texnologiyalari asosida uyushtirish, oʻquvchilarning darsda ortiqcha zoʻriqishlardan saqlaydi, ularning imloviy savodxonligi oshadi, darsdagi mustaqil faoliyati rivojlanib boradi.

YOSHLARNI VATANPARVARLIK, INSONPARVARLIK VA OʻZ MILLATIGA SADOQAT RUHIDA TARBİYALASHDA MILLIY MAFKURANING OʻRNI

Abdugaffarova O. – Olot tuman 25 sonli maktabning amaliyotchi psixologi

Vatan - bu inson va uning avlod-ajdodlari kindik qoni toʻkilgan muqaddas dargohdir. Vatan - bu ajdodlar maskani, el-yurt, xalq voyaga etgan, uning tili, tarixi, madaniyati, urf-odatlari, qadriyatlarini chinakamiga shakllanib, oʻsib, kamol topib boradigan zamindir.

Vatan deganda, hamisha oʻzimiz tuqilib oʻsgan, koʻz ochib koʻrgan, taʼlim-tarbiya olib voyaga etgan, necha-necha avlodu ajdodlarimiz yashab oʻtgan, ularning aql-idroki, mehnati sarf qilingan yurt koʻz oldimizga keladi.

Vatan ona kabi aziz va mukarramdir. Vatan insonga baxt-iqbol beradigan zamindir. Abdulla Avloniy aytganidek: «Har bir kishining tugʻilib oʻsgan shahar va mamlakatini shul kishining vatani deyilur. Har kim tugʻilgan, oʻsgan joyini jonidan ortiq suyar... Biz turkistonliklar oʻz vatanimizni jonimizdan ortiq suyganimiz kabi, arablar arabistonlarini, qumlik issiq choʻllarini, eskimuslar shimol taraflar, eng sovuq qor va muzlik erlarni boshqa erlardan ziyoda suyarlar. Agar suymasalar edi, havosi yaxshi turonlik oson yerlarga oʻz vatanlarini tashlab hijrat qilurlar edi.»

Vatan - bu xalqning oʻtmishi, buguni va kelajagidir. Vatan - muqaddas qadriyat. Taraqqiyot vatandan boshlanadi

Vatan har bir fuqaro uchun muqaddas va betakroridir. Prezidentimiz Islom Karimov keltirgan iboradek, «Vatan - sajdagoh kabi muqaddasdir». Vatanni eng oliy neʼmat singari boshimiz uzra baland koʻtarib, har on va har soniyada uning tuprogʻini koʻzlarga surtib, unga taʼzim bajo aylashimiz farzandlik burchimizdir. Muqaddas hadisi shariflarda «Vatanni sevmoq iymondandir», deyilgan. Yaʼni iymoni but, vijdoni pok har bir inson vatanni sevadi, uni gʻanimlar koʻzidan asraydi, uning yashnashi va yashashi, hurligi uchun kurashadi.

Har bir barkamol inson vatan kamoloti va istiqboli, el-yurtining ozodligi va mustaqilligi uchun hamma narsani, hatto shirin jonini ham ayamaydi. Bu haqda mavlono Fuzuliyning, “Mening bitta hayotim bor, bordiyu mingta hayotga ega boʻlgan taqdirimda ham hammasini vatan uchun sarflagan boʻlur edim”, deb aytgan soʻzlari har birimiz uchun bebaho oʻgʻitdir.

Inson uchun na davlat va saltanat, na toju taxt, hech bir narsa Vatanga, el-yurt mehriga teng kelolmaydi. Vatandan judolik - inson uchun katta baxtsizlikdir.

Inson istagan joyda bir parcha nonga qornini toʻyqazishi mumkin. Lekin Vatanning oʻrnini hech narsa bosolmaydi. Vatanda yashash haqiqiy baxtdir.

Mustaqillik tufayli biz o`zimizning haqiqiy vatanimizni topdik. Bu mustaqillikning bizga bergan eng oliy ne'matidir. Vatani mustaqil xalqning o`zi ham mustaqil bo`ladi. Yurti ozod va erkin odamning erki o`z qo`lida bo`ladi.

Tarix o`zbek xalqining hozirgi Siz kabi avlodi zimmasiga g`oyat buyuk vazifani yukladi. Bu Vatanimiz kuch-qudratini mustahkamlash, uning dovrug`ini olam uzra yoyish, shuhratiga shuhrat qo`shishdir. Bunda esa vatan, Prezidentimiz aytganidek, siz kabi fidoyi vatanparvarlarga tayanadi. Har birimiz o`zimizning yaratuvchilik, bunyodkorlik faoliyatimiz, halol mehnatimiz bilan o`zimizdan keyingi avlodlarga ozod va obod vatanni qoldirishimiz kelgusi avlodlar, nasl-nasablarimiz oldidagi burchimizdir.

Milliy mustaqillik - xalqimizda, ayniqsa o`sib kelayotgan yosh barkamol avlodimizda vatanparvarlik tuyg`ularining tiklanishida muhim ahamiyat kasb etdi. Hozirda vatanparvarlik o`zining qanday qirralari bilan namoyon bo`layotir. Vatanparvarlikning mohiyati nimalarda, qanday amaliy ishlar faoliyatida namoyon bo`ladi. Umuman vatanparvarlik nima, uni qanday tushunmoq kerak, u haqda donishmandlar nima deganlar quyida ana shular haqida bahs yuritmoqchimiz. Avvalo, hozirgi o`zbek vatanparvarligi ota - bobolarimiz yaratuvchanlik ishining bevosita davomidir. Saodatli, baxtli, kelajagi buyuk O`zbekistonga hozir har daqiqada ulush qo`shmoq, vatanga muhabbat, vatanparvarlikning asl ko`rinishidir. Vatanga munosib farzand bo`lish, uning yeri, suvi, eli bilan chambarchas bog`liq ekanligimizni teran anglash, uni ardoqlash ham vatanparvarlikning bir ko`rinishi, qirrasidir.

Vatanparvarlikni eng oliy tuyg`u sifatida o`tmish mutafakkirlari alohida qayd etganlar va o`zlari ham unga sodiq qolganlar. Endi ana shu qaydlardan ba'zilarini eslab o`tamiz.

Tsitseron (Rumo notiqi va faylasufi). Bizga ota - onalar, bolalar, yaqin xesh-aqrobalar qimmatlidir, lekin muhabbat bobidagi barcha tasavvurlarimiz birgina «Vatan» degan so`zda mujassamlashgan. Vatanga nafi tekkudek bo`lsa, qaysi vijdonli odam u uchun jonini berishga ikkilanar ekan!

Gegel (nemis faylasufi). Ma'rifatli xalqlarning haqiqiy jasorati Vatan yo`lida qurbon bo`lishga hozir ekanliklarida aks etadi.

Bayron (ingliz shoiri). Kimki o`z yurtini sevmasa, u hech nimani seva olmaydi.

Belinskiy (rus tanqidchisi). Kimki o`z Vataniga daxldor bo`lmasa, u insoniyatga ham dahldor emas.

Gyugo (frantsuz adibi). O`z vataniga dog` tushirish - uni sotish degan so`z.

Vatan tuyqusi bo`lgan kishidagina vatanparvarlik jo`sh uradi. Prezidentimiz Islom Karimov aytganidek: «Vatanga muhabbat hissi odamning qalbida tabiiy ravishda tug`iladi. Ya'ni, inson o`zligini anglagani, nasl-nasabini bilgani sari yuragida Vatanga muhabbat tuyg`usini ildiz otib, yuksala boradi. Bu ildiz qanchalik chuqur bo`lsa, tug`ilib o`sgan yurtga muhabbat ham shu qadar cheksiz bo`ladi».

Vatanparvarlik deganda esa yana qo`yidagilarni anglash joiz:

- qadimiy obidalar, mislsiz imoratlar, ajdodlar yaratgan moddiy va ma'naviy meroslarni ko`z qorachig`iday asrash va avlodlarga taqdim etish;

- ajoyib vatandoshlar - ajdodlar nomi bilan, ularning ulug` ishlari, ijodlari bilan faxrlanish, ularning ishlarini davom ettirish, ularga munosib voris bo`lish;

- shunday ajoyib xalqqa, yurtga, uning boy tili va madaniyatiga mansubligi bilan faxrlanish;

- Turonzaminni himoya qilib, tomirida oxirgi qoni qolguncha dushmanga qarshi kurashgan bahodirlarni, ayovsiz janglarda halok bo`lgan qahramonlar nomini yod etish;

- asrimizning yigirmanchi, o`ttizinchi, qirqinchi, elliginchi va nihoyat saksoninchi yillarida xalqimiz, millatimizga qarshi uyushtirilgan qatag`onlarda qamoq va surgun azoblarini boshidan kechirgan va halok bo`lgan minglab millatimiz gullarini unutmazlik;

- bu aziz va go`zal vatanimizda yuksak e'tiqod bilan yashash, unga hamisha sadoqatli bo`lishdir.

Vatanparvarlik hammamizning o`z ishimizga mas'uliyat bilan qarash, vatanning boyliklarini ko`z qorachig`iday asrash, boyliklariga boylik qo`shishga o`z ulushimizni qo`shish, ilm-fan cho`qqilari sari intilish va boshqalardir.

- ona yurtimizda tinchlik, barqarorlik va osoyishtalikni saqlashga intilish vatanparvarlikning belgisidir;

- vatanparvarlik – xalqaro munosabatlarda vatan, millat manfaatlarini birinchi o`ringa qo`yishdir.

O`sib kelayotgan har qanday yosh avlodni Vatanparvarlik ruhida tarbilash har birimizning burchimizdir.

МОТИВАЦИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

Рахимова У. – УрГУ, факультет филология, кафедра междуфакультетами иностранного языка, учительница английского языка,

Психология мотивации представляет собой широкое поле деятельности, в котором обучение иностранному языку занимает определенное место. Мотивация должна иметь место на каждом занятии. Такие мотивационные категории, как стимул, целевая ориентация, стремление к успеху, желание повысить свой уровень знаний относятся к внутри психологическому состоянию в социальной конъюнктуре.

В процессе овладения иностранным языком предполагается период накопления лексических и грамматических навыков, преодоление разнообразных трудностей, что вызывает у обучаемых определенные трудности. В результате уменьшается мотивация, пропадает активность, может снизиться успеваемость, что негативно влияет на обучение.

Говоря о мотивации, следует иметь ввиду восприятие и оценку поведения личности в ее жизненном контексте. Кроме того, нужно иметь ввиду, что мотивация определяется также собственными побуждениями обучаемого. Преподаватель может лишь опосредованно повлиять на нее, создавая предпосылки, на базе которых у обучаемых возникает личная заинтересованность в работе.

При обучении иностранному языку проявления «искусства преподавателя» с его техникой, материалом и способом воздействия на студента. Что касается самого занятия, то при отсутствии мотивации материал усваивается не полностью и не достигается желаемый результат. И, наоборот, интересное занятие имеет большие шансы, воздействуя на студента мотивированно, достичь поставленной преподавателем цели. Находить насыщенные интересной информацией материалы, предлагать захватывающиеся темы, использовать необычные методы обучения – все это, несомненно, требуемые для возникновения мотивации аспекты преподавания иностранного языка.

Рассмотрим некоторые моменты организации занятия, которые способствуют развитию коммуникативной активности. Игровые упражнения позволяют организовать целенаправленную речевую практику на занятиях иностранного языка, тренировку и активизацию навыков и умений монологической и диалогической речи и формирование разнообразных типов высказываний.

Игровые упражнения настраивают обучаемых на дальнейшую активную речевую деятельность. Чтобы этот интерес не пропал, необходимо предавать игровой характер большинству упражнений на занятиях, особенно если они связаны с запоминанием и тренировкой речевых образцов по определенной теме, что само по себе является довольно скучным занятием.

На занятиях можно использовать также учебно-речевые игры, которые имеют определенную методическую цель. Учебно-речевая игровая ситуация повышает и поддерживает интерес к общению. Можно выделить следующие виды учебно-речевых игр:

- фонетические;
- орфографические;
- лексические;
- грамматические;
- для обучения чтения;
- для обучения аудирования;
- для обучения диалогической речи.

Большое место здесь занимают творческие, сюжетно-ролевые игры. Средством повышения эффективности учебного процесса становятся игры-соревнования, игры-конкурсы. В них обязательно должен присутствовать элемент соревнования и соперничества. Для некоторых студентов, не испытывающих интереса к предмету, игры-соревнования могут послужить отправной точкой в возникновении этого интереса. Использование таких игр дает больший эффект, где наблюдается пониженный интерес к предмету (Т. М. Максимова).

Обучение иностранному языку может проходить с использованием ролевых и деловых игр. Как отмечает Н. И. Гез, «ситуация ролевого общения является стимулом к развитию спонтанной деятельности, если она является связанной с решением определенных проблем и коммуникативных задач. Цель ролевой игры – сконцентрировать внимание участников на коммуникативном использовании единиц языка».

Учебная деловая игра представляет собой практическое занятие, моделирующее разные аспекты профессиональной деятельности обучаемых. Она создает условие для комплексного использования, имеющихся у учащихся знаний предмета профессиональной деятельности, а так же способствует более полному овладению иностранным языком.

По мнению Т. М. Максимовой, проделанный анализ позволяет сделать следующие выводы:

- игра должна включаться в том или ином виде в каждое занятие по иностранному языку;
- использование игры на занятиях – обязательное средство создания эффективного общения;
- эффективность игры зависит от правильной ее организации;
- разработка и внедрение игр в процессе занятия способствует более успешному решению основных задач обучения устной речи.

В последнее время интересной и плодотворной технологией изучения, способной вызвать у обучаемых интерес к иностранному языку, является метод глобального подражания. Цель данной методики – внести новую струю в изучение иностранного языка, использовать активные методы обучения, развить инициативность и самостоятельность обучаемых в осуществлении общения на иностранном языке, расширить кругозор при решении разнообразных познавательных заданий. Этот метод предполагает отказ от традиционных учебников, развития свободного самовыражения и творчества обучаемого, формирование подлинной коммуникативной компетенции. Преимущество этой методики в том, что она нацелена на обучаемого как на личность, учитывая его интересы. Используются и групповые формы работы, что позволяет развить умение работы в коллективе.

Важен не конечный результат, а сам процесс приобретения знаний. Необходимо научить обучаемых самостоятельно приобретать нужные знания, уметь адаптироваться в жизненных ситуациях и самостоятельно принимать решения. Все этому служат принципы личностно-ориентированного подхода, при котором главным является личность обучаемого. Задачей преподавателя является создания условий, отвечающих за поддержания интереса к предмету. Преподавателю необходимо построить свою деятельность так, чтобы обучаемые видели речевую перспективу применения языкового материала и в дальнейшем стремились добиться языковой компетенции. Повышается мотивация обучаемых, и как следствие, повышенный интерес к изучению иностранного языка.

Все большее значение в последнее время приобретает телекоммуникационная связь в учебном процессе. Она позволяет обеспечить расширение сферы самостоятельной деятельности обучаемых, а также деятельность по обработке информации. У студентов формируется специфическая форма речи, характерная для компьютеризированных форм общения, и возможность продвижения в разрешении проблемы обучения иностранному языку.

Основная цель изучения языка – формирование коммуникативной компетенции, все остальные цели (образовательная, воспитательная, развивающая) реализуются в процессе осуществления этой главной цели.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА ЧЕТ ТИЛЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА ШАРОИТЛАР

Рахимова У. – УрДУ, «Факультетлараро чет тиллари» кафедраси инглиз тили ўқитувчиси

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимиздаги билимга чанқоқ, зеҳни ўткир, тил ўрганишга қизиқувчан, интилувчан ёшлар сафини янада кенгайтди, уларнинг халқаро кўламда илм олишга бўлган қизиқишини кучайтирди, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда катта рол ўйнамоқда.

Халқимизда тил билган – эл билади, деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам, тил билган киши асло кам бўлмайди. У дунёни танийди, юрт кезади, дунё халқи билан мулоқотда бўлади, фикр алмашади, уларнинг маданияти, адабиёти ва янгиликларидан тез ва аниқ хабардор бўлади. Демак, фарзандларимизнинг хорижий тилларни билишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ахборот-коммуникация технологияларини фаол ўзлаштириши, замонавий касб-хунар, хорижий тилларни ўрганиши учун барча имкониятлар яратилган. Бугун ёшларимиз ана шундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Хусусан, таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян мутахассислик бўйича таълим олиш билан бирга чет тилларини ҳам пухта ўрганмоқдалар.

Ушбу Қарор мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратмоқда. Зеро, бугун дунёга юз тутаётган диёримизнинг ҳар бир фарзанди етук салоҳият, юксак билим эгаси бўлиб тарбияланмоғи давр талабидир.

Мазкур қарор асосида чет тилларини 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режа ҳам тасдиқланди. Унга кўра, 1-4-синфларда ҳафтасига 2 соатдан чет тили фани киритилди. Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида 1-синфлар учун инглиз тилидан ("Kid's english"), немис тилидан ("Deutsch macht spab") ва француз тилидан ("Nigondelle") дарслик мажмуалари яратилди. Мажмуалар ўқувчи китоби, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиали иловалар (DVD-диск)дан иборат.

Бугунги кун дарс машғулотларининг самараси тубдан ўзгарди, барча дарслар ноанъанавий усулларда; техника воситалари, DVD-магнитол тўплами, ўқув-кўргазмали қуроли, шунингдек, интерфаол электрон доскалари, мультимедия, видеофильмлар ва махсус интернет курслари(English for kid's, Fun for English) орқали олиб борилмоқда. Болаларнинг чет тилларига бўлган қизиқишлари жуда улкан, улардаги тил ўрганишга бўлган муҳаббатини оширишда албатта мураббийларнинг роли катта.

Фаолият қанчалик кенгайса, малакали кадрларга шунчалик эҳтиёж ортаверади. Шу маънода халқ таълими тизимида ҳам ўқувчиларга чет тилларининг чуқур ўргатилиши учун кўпгина маҳоратли, билимли ва тажрибали педагоглар керак бўлади. Бу борада тизимда муайян ишлар бажарилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Мисол учун, Британия Кенгаши, Франция ва Германия элчихоналари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларидан 160 нафар инглиз тили, 45 нафар немис тили, 40 нафар француз тили тренер-ўқитувчилари саралаб олинди ҳамда олий таълим муассасаларида малакаси оширилди. Курсни намунали тугатган ўқитувчилар "ўқитувчи мураббий" сертификатларига эга бўлишди. Бундай имкониятлар ўқитувчиларни янада ўз устида қаттиқроқ ишлашга, изланишга ва илм ўрганишдан тўхтамасликка ундади. Шу қаторда мен ҳам "ўқитувчи мураббий" номига сазовор бўлдим ва ўзимга бўлган ишончим янада кучайди. Бундан ташқари чет тиллари ўқитувчиларига бўлган имтиёзлар кўпайди, уларнинг дарс соатлари ошди, устама ҳақ олиш имкониятига эга бўлишди, янги ўқув дарсликлари ва ўқитувчи китоби билан таъминланди. Жумладан, "Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш" (CEFR) талабларига

таянган ҳолда чет тиллари бўйича шаҳар ва ҳар бир туманда беркитилган мактабларда ҳар ҳафтанинг жума кунлари махсус курслар ўтказилмоқда, унда ўқитувчилар бир бирлари билан тажриба ва фикр алмашиш имкониятларига эга бўлишмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ишончни оқлаган ҳолда бугунги ёш авлодни чет тилларига бўлган қизиқишини янада кучайтириб, уларни дунёни таниши, янгиликлардан бохабар бўлиб туришлари учун биз педагоглар зиммамизга юклатилган вазифани бажонудил, сидқидилдан бажаришимиз, ўз касбимизнинг моҳир устаси бўлишимиз ва албатта ўқувчиларга берган таълимимиз самарасини куришимиз лозим.

О СОВРЕМЕННЫХ ТРЕБОВАНИЯХ К ПРЕПОДАВАНИЮ РУССКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ

Ахмедов Б. – доцент кафедры языков Бухарского областного институт переподготовки работников народного образования и повышения их квалификации

На протяжении XX столетия в педагогике делалось немало попыток «технологизировать» учебный процесс. Некоторые ученые и педагоги сочли это как устранение учителя от процесса обучения. Сегодня роль информационных компьютерных технологий и максимальное использование их образовательных возможностей, увеличение информационной емкости и пропускной способности признаны во всем мире.

Эффективность образования, основанного на современных информационных технологиях, часто зависит не от типа используемых технологий, сколько от качества педагогической работы по их применению и пересмотра роли учителя в современном образовательном процессе, его психологической перестройки.

В настоящее время Интернет создает неограниченные возможности для широкого общения людей и свободного доступа к информации. Хотя в данной области знаний преобладают материалы по английскому языку, российские учебные порталы и портал «Ziynet» Узбекистана дает большие шансы учителям-русистам пользоваться этой информационной технологией в преподавании русского языка.

В связи с приобретением независимости Республики Узбекистан изменились цели и задачи изучения русского языка в школах с узбекским языком обучения. Уроки русского языка в узбекской школе носят коммуникативный характер, при котором «основной целью обучения является не усвоение грамматических знаний, а продукция речевой деятельности»¹ Специфика обучения русскому языку учащихся узбекской школы состоит в том, что практически с первых дней (2-класс) они вынуждены включаться в общение на русском языке, располагая минимальными коммуникативными средствами.

Оптимизированная учебная программа по русскому языку для школ с узбекским языком обучения ставит цель включения учащихся в обиходно-бытовую, учебную, общественно-политическую, социально-культурную сферы общения, на этой основе овладения коммуникативно-речевыми действиями²

Минимально общение предполагает ограничение его объема такими рамками, чтобы ученик мог в определенных ситуациях пользоваться русской речью как средством пусть лимитированного, порой «стандартизованного», но общения. Отсюда выбор таких ситуаций как «В магазине», «На почте», «В банке», «В школьной столовой» и т.д.

Любому виду речевой деятельности можно научиться только путем постоянных упражнений в данном виде деятельности. И поскольку, по определению психологов, навык – это «закрепленные операции», постольку становится очевидным, что для привития учащимся навыков речевой коммуникации необходимо систематическое выполнение коммуникативных упражнений на каждом уроке. Теоретические же сведения в обучении, подчиненной коммуникативной направленности, используются лишь в той мере, в которой они способствуют выполнению практической цели. К сожалению, в практике преподавания русского языка в узбекской школе коммуникативные упражнения если и применяются, то эпизодически, от случая к случаю, не являясь обязательной составной частью каждого урока.

Учителя-практики порой рассуждают так: «Если останется время, проведу беседу на тему.....» Между тем, не только подобные «беседы», а скорее различные коммуникативные упражнения должны являться важнейшей составной частью урока, а не возможным, но не обязательным придатком к нему. Выполнение ситуативных упражнений, составление и разучивание диалогов, учебная дискуссия, парные диалоги учащихся, парная работа над учебником и другие виды коммуникативной деятельности учащихся должны быть в центре внимания учителя, их выполнение обязательно на каждом уроке русского языка, с них следует начинать урок и им целесообразно заканчивать его.

Разнообразные коммуникативные потребности учащихся, изменение целей и задач обучения русскому языку в узбекской школе сделали необходимым создание новых оптимизированных программ по русскому языку, новых учебников, учебных пособий и методических рекомендаций к ним. Новая программа и учебники грамматически минимизированы, имеют практическую направленность и коммуникативно ориентированы. Особенность учебников русского языка для школ с узбекским языком обучения состоит в том, что в них грамматика служит как бы подсобным материалом для создания речевого высказывания. Этим для учащихся обеспечивается адекватное вербальное поведение в определенных речевых ситуациях. В них широко представлена тематика и отобраны ситуации, в которых обучаемые могут реализовать свои коммуникативные потребности.

Таким образом, можно отметить, что вопросы обучения русскому языку учащихся узбекской школы разработаны достаточно комплексно: учителя оснащены государственными стандартными, оптимизированными учебными программами, усовершенствованными учебниками, методическими пособиями по контролю знаний учащихся.

Но все растущая роль информационных компьютерных технологий требует разработку учебников нового поколения, основанных на психолингвистическом и когнитивном подходе к изучению русского языка. Эти учебники должны предполагать использование современных компьютерных технологий, что, несомненно, будет способствовать повышению уровня овладения русской речью учащимися узбекской школы.

ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ ОБУЧАЮЩИХСЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Хамидова Г. – преподаватель кафедры «Языков и литературы» БухОИП и ПКРНО

Одним из вспомогательных аспектов в формировании ключевых компетенций обучающихся на уроках русского языка и литературы является использование информационно-коммуникативных технологий.

Развитию этих компетенций способствует активное использование в учебном процессе компьютерных и информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), а также новых средств и технологий обучения.

Информационные технологии обучения - это все технологии, использующие специальные технические информационные средства: персональный компьютер, аудио-, видеотехнику, Интернет. И если раньше единственным источником информации был школьный учебник, то сегодня Интернет предоставляет информационное поле для поиска источников, которые далеко выходят за ограниченный объем школьного учебника.

Практика проведения уроков с использованием информационно-компьютерных технологии показала их преимущество по совершенствованию и активизации учебного процесса, созданию положительной мотивации учащихся к выполнению умственных и практических действий, развитию внимания и памяти, стимулированию познавательной активности перед традиционным методом обучения. Известно, что большинство людей запоминает 5% услышанного и 20% увиденного. Одновременное использование аудио- и видеoinформации повышает запоминаемость до 40-50%. Экономия времени, необходимого для изучения конкретного материала, в среднем составляет 30%, а приобретенные знания сохраняются в памяти значительно дольше.

Значительно облегчает работу учителя и обучающихся применение мультимедиа. Это пакет программ и технических средств, позволяющих сочетать, текстовую, графическую информацию со звуком, видео-, кинофрагментами и мультипликацией. Психологи утверждают: "Длительное преобладание наглядно-образного мышления над абстрактно-логическим повышает мотивацию обучения".

Компетентностный подход выдвигает на первое место не информированность ученика, а умения разрешать проблемы по аналогии в различных ситуациях.

Главной целью формирования компетентности у учеников в преподавании русского языка и литературы, является формирование всесторонне развитой личности школьника, его теоретического мышления, языковой интуиции и способностей, овладение культурой речевого общения и поведения.

Для владения языком важны умения и навыки употребления тех или иных слов, грамматических конструкций в конкретных условиях общения, или коммуникации.

Именно поэтому в обучении русскому языку выделяют коммуникативную компетенцию, которая предполагает знания о речи, её функциях, развитие умений в области четырёх основных видов речевой деятельности (говорения, слушания и понимания, чтения, письма). Основное же умение, формируемое в рамках коммуникативной компетенции, - это умение создавать и воспринимать тексты. Она включает в себя знание основных понятий лингвистики речи - стили, типы речи, строение описания, повествования, рассуждения, способы связи предложений в тексте и т. д., умения и навыки анализа текста.

Формирование всех выше перечисленных компетенций происходит и на уроках литературы.

Для результативного формирования коммуникативной компетенции предлагаем применение различных электронных мультимедийных пособий.

Во-первых, это *электронные уроки и тесты*.

Мультимедийные уроки имеют красочные иллюстрации, таблицы, схемы. Теоретический материал в большинстве случаев подается блоками, что дает возможность овладеть образовательными компетенциями и экономить время на практическую работу над орфографическими и пунктуационными правилами.

Такие уроки обучающиеся имеют и в личном пользовании, чтобы при самостоятельной домашней работе или при отсутствии на уроке при изучении данной темы обратиться к ним в случае затруднения.

Аудиовизуальные и экранно-звуковые информационные объекты активизируют деятельность школьников.

Компьютер становится добрым помощником при демонстрации схем, таблиц, опорных конспектов, к которым учитель может обратиться в любое время (при условии систематизации материала). Можно демонстрировать также задания для фронтальной работы с классом. Используя возможности интерактивной доски, данную работу следует разнообразить: либо это будет устное проговаривание пропущенных орфограмм (что значительно экономит время), либо будет появляться заранее приготовленный правильный ответ, либо с помощью ручки или маркера во время демонстрации слайда будет вписываться ответ.

На уроках литературы презентации оказывают неоценимую помощь при изучении биографии писателей и поэтов. Уроки становятся более яркими и интересными в связи с использованием видеофильмов, фрагментов художественных фильмов, красочных таблиц. Они могут состоять и из иллюстраций к произведениям. Такие материалы подготовлены по сказке П. П. Ершова "Конёк-горбунок", былинке "Илья Муромец и Соловей разбойник". Они могут быть использованы и при закреплении понятия "сюжет".

Информационная технология обучения предполагает использование наряду с компьютерной техникой специализированных программных средств, таких как **"Программа-тренажер по русскому языку "**

В тренировочном режиме предъявляются упражнения, в ходе выполнения которых у школьников формируются навыки обнаружения, поиска решения и разрешения орфографической или пунктуационной задачи. Контролирующая часть компьютерных

программ, включающая материалы для диагностики уровня компетенций учащихся, имеет ряд преимуществ: экономится время на выявление ошибок учеников за счёт анализа результатов выполнения упражнений с помощью компьютера.

Исходя из изложенного выше, можно сказать, что сегодня преподаватель имеет возможность качественно изменить процесс обучения и воспитания: информационные и коммуникационные технологии облегчают творческую работу учителя, помогают совершенствоваться, накапливать и развивать свои педагогические находки, а также формировать у обучающихся образовательные компетенции, повышать уровень умений работать с информацией, реализовать творческие возможности, увеличивать долю самостоятельной работы учащихся, повышать темп урока.

ADABIYOT DARSLARIDA INTERNET SAYTLARIDAN FOYDALANISH

Vohidova Sh. – BVPXQT va MOI kata o`qituvchisi

Qo`ldosheva S. – Axborot texnologiyalar akademik litsey o`qituvchisi

Barchamizga ayonki, XXI asr intellektual salohiyat, tafakkur va ma'naviyat asri sifatida insoniyat oldida yangi-yangi ufqlar ochish bilan birga, biz ilgari ko'rmagan, duch kelmagan keskin muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Bugungi murakkab va tahlikali zamonda adabiyot o'qituvchisi o'quvchilarining ertangi kunini o'ylab adabiyot darsi jarayonida ularni ezgulikka, insofdiyonat, mehr-oqibat va bag'rikenglikka da'vat etib ta'lim-tarbiya ishlarini olib bormog'i darkor.

Bunday ma'naviy huquqqa ega bo'lish uchun biz o'qituvchilar, avvalo, katta bilim va hayotiy tajribaga, keng dunyoqarash, yuksak ijodiy mahoratga, zamonaviy innovastion bilimlarga ega bo'lishimiz kerakligini, eng muhimi, bu o'ta og'ir, kuchli irodani talab etadigan jabhada haqiqiy fidoiylik ko'rsatish lozimligini yaxshi tushunamiz.

O'quvchilarga adabiyot darslarini olib borayotganda axborot-kommunikastiya texnologiyalaridan samarali foydalanishga harakat qilaman. Dars jarayonida yaqinda faoliyat boshlagan www.e-adabiyot.uz saytidagi adabiyotga oid foydali va mazmunli manbalarni o'quvchilarga tavsiya qilaman.

Zero, Prezidentimiz I.Karimovning "Adabiyotga e'tibor – ma'naviyatga, kelajakka e'tibor" risolasida "...yoshlar kitob o'qimay qo'ydi, deb faqat nolib o'tirmasdan, ana shu ta'sirchan zamonaviy axborot vositalari orqali adabiyotimizni keng targ'ib etish, xususan, internet imkoniyatlaridan foydalanib, etuk badiiy asarlarni yoshlarga etkazish ustida ham jiddiy bosh qotirish zarur, deb o'ylayman...

...Ayni vaqtda ana shunday zamonaviy vositalar yordamida mumtoz adabiyotimizni, jumladan, Alisher Navoiy asarlarini xalqimizga yaqinlashtirish, bu noyob merosni haqiqatan ham ma'naviyatimizning hayotbaxsh manbaiga aylantirish barchamiz, avvalo, adabiyot ahlining vazifasi, desak, hech qanday xato bo'lmaydi", — deya qayd etilgan.

www.e-adabiyot.uz saytida barcha yozuvchi va shoirlarni hayoti va ijodi haqida dars jarayonida va darsdan tashqarida, guruhdan tashqari tarbiyaviy-ma'rifiy ishlarda foydalanish uchun etarli ma'lumotlar berilgan.

www.e-adabiyot.uz saytida adabiyotga oid atamalar, tushunchalarning izohli lug'ati, jahon adabiyoti namoyandalarining hayoti va ijodi, ular yaratgan durdona asarlar, dars jarayonida o'qituvchi ko'rgazmali vosita sifatida foydalanishi mumkin bo'lgan videolavhalar, elektron kutubxona ham mavjud.

Shuningdek bir qator adiblar, jumladan, Abdulla Oripovning www.aoripov.uz, Tohir Malikning www.tohirmalik.uz Anvar Obidjonning <http://anvarobidjon.narod.ru>, Ulug'bek Hamdamning www.ulugbekhamdam.uz saytlari, shuningdek Nusrat Rahmatning www.nusratrahmat.ru blogi doimiy ravishda yangiliklar, adabiy-tanqidiy maqolalar, yangi ijod namunalari bilan boyitilib boriladi. Darhaqiqat, bugungi globallashuv jarayonida mavjud imkoniyatlardan foydalangan holda o'quvchini tezkor va izchil ravishda san'at darajasidagi badiiy asarlar bilan tanishtirib borish maqsadga muvofiq deb o'ylayman.

Har bir o'qituvchi internetdan mavzuga oid ma'lumotni olib, kompyuterning MS POWER POINT dasturiga asoslangan taqdimot texnologiyasidan foydalanib dars taqdimotini yaratish

mumkin. Faqat mavzu to'laqonli yoritilgan, o'quvchi uchun tushunarli bo'lishi kerak, o'rinsiz qo'llangan so'z va iboralar, g'aliz jumlar bolalarda notog'ri taassurotlar uyg'otishi mumkin. Shuning uchun internetdan olingan har bir ma'lumotni sinchiklab o'qish va o'quvchilarga berilayotgan ma'lumotni o'rinli ekanligiga ishoq hosil qilish kerak.

Chunki, bugun yurtimizda adabiyotga e'tibor har qachongidan ko'ra ortmoqda, o'zbek adabiyoti namunalarini keng jamoatchilikka etkazishga alohida ahamiyat berilmoqda. Buning samarasi o'laroq, endilikda sevimli ijodkorlarimiz hayoti va ijodi, qolaversa, ularning eng sara asarlari nafaqat yangi nashrdagi kitoblar orqali, balki butun dunyo «o'rgimchak to'ri» — internet vositasida ham bemalol tanishish va adabiyot darslarida qo'llash imkoniyatiga ega bo'lmoqdamiz.

SO'Z BIRIKMASI MAVZUSINI O'TISHDA IPT VA AKTDAN FOYDALANISH

Hosilova N. – Buxoro shahar 14-maktabning ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.

Pedagogik texnologiyalarning rivojlanishi va ularning o'quv-tarbiya jarayoniga kirib kelishi, shuningdek, axborot texnologiyalarining tez almashinuvi va takomillashuvi jarayonida har bir o'qituvchi o'z kasbiy tayyorgarligini, maxoratini kuchaytirish imkoniyatiga ega. Shu boius men ham darslarimda axborot kommunikatsion texnologiyalarni joriy etaman va har doim yaxshi natijalarga erishaman.

Bunga misol tariqasida 8-sinflarda so'z birikmasi haqida ma'lumot mavzusini olishimiz mumkin. Bizga ma'lumki, so'zlarning tildagi muayyan qonun - qoidalari asosida o'zaro birikuvidan so'z birikmalari va gaplar hosil bo'ladi. So'z birikmalari va gaplar o'z qurilishi va ifoda mazmuniga ko'ra farqlanadi. So'z birikmalari va gaplar qurilishi va ifoda xususiyatlarni o'rganuvchi til bo'limi sintaksis deyiladi. Sintaksis so'zlarni bir biri bilan bog'lanishi hamda gap tuzulishi qonun qoidalarini o'rgangan holda unga:

1. so'z birikmasi sintaksisi
2. gap sintaksisi

kabi bo'limlar mavjuddir. Shunga o'xshash ma'lumotlarni berishda o'quvchilar xotirasida tez qolishi uchun Sinkveyn metodidan foydalanaman. Bu uchun birinchi qatordagi bir so'z belgilayman. Ikkinchi qatorda so'z birikmasi qilib beraman.

Uchinchi qatorda shu so'z birikmasini uch so'z bilan ta'riflayman. To'rtinchi qatorda mavzuga munosabatin bildiruvchi to'rt so'zli misra hosil qilinadi.

Beshinchi qatorda so'z birikmasiga sinonimi tanlanadi. Bu usulni qo'llashda proektirdan foydalanaman.

So'z birikmasi hokim so'zining qaysi turkumga oid so'z bilan ifodalanishini tushuntirishda T chizmasi metodi yaxshi natija beradi. O'quvchilar ikki guruhga bo'linadilar;

- otli so'z birikmasi guruhi
- fe'lli so'z birikmasi guruhi

Har bir guruh o'quvchisi o'zi foydalanayotgan kompiyuterida belgilangan vaqt ichida so'z birikmalarini yozib boradilar. Qaysi guruh tez bajarsa o'sha guruh rag'batlantiriladi. So'z birikmasida ham, so'zda ham qismlar bir xildagi so'z turkumlariga oid bo'lishi, har ikkalasi ham bir xil gramatik shaklga ega bo'lishi mumkin. Bu ularning shakliy o'xshashligidir, lekin so'z birikmasidagi qismlar ma'no mustaqilligini saqlagan bo'ladi. Qo'shma so'z tarkibidagi qismlarning ma'nosi esa saqlanmagan bo'ladi. Qo'shma so'zning umumiy ma'nosi orqali anglashiladi. So'z birikmasidagi qismlar orasida gramatik aloqa esa yo'qolgan bo'ladi. So'z birikmasi tashkil qilgan qismlarning har biriga alohida – alohida so'roq berishi mumkin: kitobni o'qimoq, uydan chiqmoq kabi qo'shma so'zlarga esa yaxlit bir savol berishi mumkin: kungaboqar (nima?), kamquvvat (qanday?) so'z birikmasining qismlari o'z mustaqil so'z urg'usini saqlagan bo'ladi. O'quvchilarga qo'shma so'z va so'z birikmasini farqini tushuntirgandan so'ng Insert metodini qo'llayman.

O`quvchilarga matn beraman. Matndagi so`z birikmasi, qo`shma so`z, oqli birikma va fe`lli birikmalarni quyidagi belgilar orqali belgilaydilar.

V, +, -, ?

O`quvchilarga M.Yusufning she`riyatiga bag`ishlangan video qo`yib berib, 1-guruh o`quvchilari she`r matnidan bitishuv, 2-guruh – boshqaruv, 3-guruh – moslashuv asosida bog`langan so`z birikmalarini topib, daftarlariga yozib olishlarini topshiriq tarzida beraman.

Anor, sening yuzlaring suluv,
Xumor, sening ko`zlaring suluv.
Yodda qolmas so`zlaring suluv,
Mehr qolur, muhabbat qolur.

Oqib ketdi suvlarda Tohir,
Zuhro yig`lab qoldi qon bag`ir.
Kelganda ham qiyomat oxir,
Mehr qolur, muhabbat qolur.

Yuqoridagi barcha usullarni qo`llashda men har doim AKT vositalaridan foydalanaman va darsimning sifat samaradorligini oshiraman.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАҢЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Гадоева М., Якубова С., Бух.МТИ қошидаги 1-сон академик лицей ўқитувчилари

Замонавий таълим технологияларининг ахамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор” деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади – таълим олувчиларда билим, кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

«Т - схема» техникаси

Глобаллашувнинг оқибатлари	
Ижобий	Салбий
Халқаро интеграция	Ўткир мафкуравий таъсир
Ҳамкорлик алоқалари	Мафкуравий тазйиқ
Хорижий инвестициялар	Маънавий таҳдид
Капитал ва товарлар алмашинуви	Мафкуравий хуруж
Ишчи кучининг эркин ҳаракати	Маънавий бўшлиқ
Янги иш ўринлари	Хатарли таҳдидлар
Замонавий коммуникация	Ахборот хуружлари
Ахборот технологиялари	Ахлоқий бузуклик

«Блиц-сўров» саволлари савол-жавоб вақтида тўлдирилади.

Блиц-сўров саволлари

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Одамларга ғамхўр, одамларни севувчи, гуманист деганда нимани тушунасиз?	Инсонпарварлик
2.	Инсоннинг эркинликлари, бурч ва мажбурияти билан боғлиқ қарашларни акс эттирувчи тушунча.	Инсон ҳуқуқлари
3.	Тарихий хотираси бор инсон.	Иродали инсон

4.	Миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ кадрият шакли.	Миллий кадриятлар
5.	Шахсий ва ижтимоий манфаатни қондиришга асосланган ақлий фаолият.	Тадбиркорлик

Инсерт усулида жадвални тўлдириш.

Мавзу саволлари	V	-	+	?
“Жамият мафкураси”, “миллий ғоя” тушун-часи, маъно ва моҳияти ҳамда унинг халқнинг ишончи ва эътиқодига айланиш зарурлиги.				
Жамият мафкурасининг инсон манфаат-ларини ифода этиши.				
Миллий ғоя ва миллий англаш, унинг турли талқинлари ҳамда таракқиётнинг ўзаро боғ-лиқлиги.				
Тарихий хотира, миллий ўзликни англаш ва ундан бегоналашиш оқибатлари.				

Б/Б/Б жадвали

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1.	Миллий ғоя ва ёшларнинг ўзаро боғ-лиқлиги.			
2.	Ёшларни миллий кадриятларга тўғри йўналтириш билан боғлиқ вазифалар.			
3.	Миллий ғояда кадриятларнинг ўрни.			
4.	Инсонга ғоявий таъсир кўрсатиш омил-лари.			
5.	Ёшлар маънавиятига таҳдидлар ва миллий ғоя.			
6.	Ғайриинсоний, ёт ғоялар.			
7.	Миллий ғурур ва миллий ор-номус.			
8.	Миллий бирдамлик.			

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойда-ланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изла-нишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

ОНА ТИЛИ ДАРSLARINI O‘TISHDA "QADAM BAQADAM" VA “KONTAKT”- JAMOAVIY HIKOYA TUZISH METODLARIDAN FOYDALANISH

Hojiyeva Z. – Buxoro viloyati Metodika markazi rahbari

Jamiyatimiz rivojlanib borgan sari ta’limning maqsad va vazifalari ham takomillashib bormoqda. Xususan, maktab ona tili ta’limi o‘z oldiga o‘quvchilarda mustaqil va ijodiy fikrlash, og‘zaki va yozma nutq ko‘nikmalarini shakllantirish va rivojlantirish, ularda til sezgirligini tarbiyalash kabi maqsadlarni qo‘yadi. Ona tili ta’limini mukammal o‘rgatish ana shunday belgilab olingan maqsadlarni amalga oshirish jarayonida namoyon bo‘ladi. Uning namoyon bo‘lishida esa har bir o‘qituvchining o‘ziga xos dars berish uslubi alohida ahamiyat kasb etadi. Albatta, har qanday uslubiy xilma-xillik bir maqsadga - o‘quvchining darsni yaxshi o‘zlashtirishiga qaratilgan. Har bir dars jarayoniga ijodiy yondashuv nafaqat o‘quvchining qiziqishini uyg‘otadi, balki o‘quvchi va o‘qituvchi orasidagi o‘zaro bir-birini tushunishni ham mustahkamlaydi. Shu bilan birga ularning kashf etilmagan iste’dodlari, qiziqishlarini ochishga yordamlashadi. Shunday jarayonning takomillashuviga esa bugungi kun ta’lim tizimining asosiy

talablari turtki bo'ldi. Zamonaviy bilimlarni egallash sari keng yo'l ochish hamda ta'limni takomillashtirishda ilg'or pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish ta'lim tizimida belgilangan yuksak talablardan biridir. Mazkur talabdan kelib chiqqan holda aytib o'tish joizki, ilg'or pedagogik texnologiyaning o'quvchilar faolligini oshirish, bir-birini fikrini eshitish, tushunish, hurmat qilish, o'rgatish, ta'sir qila olish, o'zining va boshqalarning menligini sezish, his qilish, fikrini o'ylab, aniq, qisqa, lo'nda bayon qila olishga qaratilgan interfaol o'qitish usullar tez sur'atlar bilan rivojlanib ijobiy samara bermoqda. Natijada ta'lim tizimida qo'llanib kelinayotgan bunday interfaol usullar yangi - zamonaviy pedagogik texnologiyaning ilg'or o'qitish shakliga aylanib bormoqda.

Ilg'or pedagogik texnologiyaning har qanday shaklidan to'g'ri va maqsadli foydalanilganda o'rganuvchilarni mustaqil fikrlash, mushohada qilish va xulosa chiqarishga o'rgatadi. Har bir o'qituvchidagi izlanuvchanlik, tashabbuskorlik va yangilikka intilish hissi o'zining natijalarini beradi.

Shunday metodlardan biri "Qadam baqadam" metodi. "Qadam baqadam" metodining asosiy maqsadi o'quvchilarning bilim savodxonligini tekshirish va odob-axloqli qilib tarbiyalashga undashdan iboratdir.

Undandan kutiladigan natija: masalan 5-sinfda "Zid ma'noli so'zlar" mavzusini o'tishda o'quvchilar bir-biriga qarama-qarshi so'zlarni topish orqali yaxshi, iliq so'zlar va unga qarama-qarshi bo'lgan sovuq, yomon so'zlar bilan tanishadilar, ularning hayotdagi o'rnini aniqlaydilar, bu so'zlarni o'z faolyayatlari qo'llash darajasini belgilaydilar.

Darsni o'tkazish tartibi. Dars "qadam baqadam" usuli asosida davom etiladi, ya'ni mashqulot davomida amalga oshirilishi kerak.

Har bir ish bir qadam deb olinadi va har bir qadamda o'quvchilar biror-bir faoliyatda ishtirok etadilar yoki biror-bir ish bajaradilar. Misol tariqasida, "Zid ma'noli so'zlar" mavzusidagi darsni o'tkazish tartibini keltiramiz:



1-qadam - o'quvchilar o'qituvchi tomonidan tarqatma materialda yozilgan so'zlarni diqqat bilan o'qib chiqishlari va har bir so'zning ostiga qarama-qarshi bo'lgan so'zlarni yozishlari zarur:

Yaxshilik	Raqmdillik	Xaqqoniylk	Mas'ulyat	Ziyraklik	Saxovat	Erkinlik	Adolat



2-qadam - o'quvchilardan har bir so'zning ma'nosini ochib berish talab qilinadi.



3-qadam - guruhlarga bo'linib, keltirilgan so'zlar ishtirokida hikoya, ertak yoki matn tuzish tavsiya etiladi.



4-qadam - guruhlarda bir-birlarining hikoyalari (ertaklari, mftlnfri) yuzasidan savol- javoblar o'tkaziladi.



5-qadam - guruh ishlari o'zaro baholanadi.



6-qadam - o'qituvchi mashqulotni yakunlaydi, xulosalaydi.

Xuddi shunday metodlardan yana biri "Kontakt"- jamoaviy hikoya tuzishdir.

“Kontakt”- jamoaviy hikoya tuzish metodidan asosan dars davomida mavzuga bog‘liq holda darsni takrorlash, mustahkamlash jarayonlarida o‘quvchilar og‘zaki nutqini rivojlantirish, erkin fikrlash qobiliyatlarini o‘sitirish uchun foydalanish mumkin.

Bu metod o‘quvchilar jamoasini, uning tabiati, ijodiy imkoniyatlari, qobiliyatlari, ishga munosabatlari, shuningdek, dars jarayonida kim bilan qanday ishlashni, nimaga e‘tibor berishni, kimga nimada yordam berishni, kimni quvvatlashni va h.k.larni bilishga imkon yaratadi.

O‘tkazish tartibi quyidagicha. Dars boshlanishidan oldin o‘qituvchi iltimosiga ko‘ra o‘quvchilar xonaning kiraverish joyida maxsus stolga tayyorlab qo‘yilgan raqamlar yozilgan qog‘ozlardan bittadan tanlab oladilar (raqamli qog‘ozlar o‘quvchilar soni bo‘yicha tayyorlanadi) va doira shaklida qo‘yilgan stullarga borib joylashadilar.

O‘quvchilar o‘z joylarini egallagach, o‘qituvchi ular bilan tuziladigan hikoyaning mavzusini kelishib oladi yoki o‘qituvchining o‘zi biron bir mavzu taklif etadi (hikoya mavzusi mavzuga bog‘langan, o‘quvchilarning yoshi, qiziqishlarini hisobga olgan holda sarguzashtli, hayotiy yoki yoshlar hayoti, odob-axloqi haqida bo‘lishi mumkin).

Dars o‘quvchilardan birining biron bir mavzu yoki tanlangan mavzusi asosidagi hikoyasidan boshlanishi mumkin (uncha faol bo‘lmagan guruhlarda mavzu bo‘yicha hikoyani o‘qituvchini o‘zi bog‘lab berishi mumkin. U hikoyani boshlagan o‘quvchi, uning eng qiziqarli joyida so‘zlashdan to‘xtab, hikoyani davomi.....raqamli o‘quvchida deydi, Raqami ko‘rsatilgan o‘quvchi hikoyani (voqeyani) to‘xtagan joyidan (mavzudan chiqmagan holda) boshlab davom ettiradi. Bu o‘quvchi ham avvalgi o‘quvchi kabi hikoyaning eng qiziqarli joyida to‘xtab) hikoyaning davomi.....raqamli o‘quvchida deydi. Mos raqam ko‘rsatilgan o‘quvchi hikoyani (voqeyani) kelgan joyidan boshlab davom ettiradi) hikoyani so‘zlash, davom ettirish davradagi o‘quvchilarning har biri ishtirok etmaguncha, shu tariqa davom etadi.

O‘qituvchi o‘quvchilarning so‘zlayotgan hikoyalari bir-biriga mantiqan bog‘liq va mazmunga ega bo‘lishini kuzatib boradi hamda mavzudan, mazmundan chetlanish bo‘lsa, bu holatni to‘g‘rilab boradi.

Hikoya tuzilgach, o‘qituvchi barchaga minnatdorchilik bildiradi va kerakli tavsiyalarni beradi.

O‘quvchilar jamoasini yaxlit bir jamoa shaklida shakllantirish, hamda o‘quvchilar o‘rtasidagi munosabatni samimiy bo‘lishiga yordam beruvchi bu kabi metodlarni o‘tkazish tartiblari ham turli tuman.

Masalan: jamoa bo‘lib ertak to‘qish (doira shaklida davradagi o‘quvchilardan biri ertakni boshlab beradi, yonida o‘tirgach uni davom ettiradi. Asosiy sharti, har bir o‘quvchi ertakni davom ettirishida faqat bir jumla ishlatadi, shu tariqa o‘quvchilar ketma-ket bittadan jumla aytgan holda ertak to‘qiydilar, ertak mazmunan tugallanmaguncha mashg‘ulot davom etadi, o‘rtadagi uzilishlarni o‘qituvchi kuzatib, tuzatib boradi.

Masalan, bir o‘quvchi: “Vir bor ekan, bir yo‘q ekan”, ikkinchi o‘quvchi: “Bo‘ri bakovul ekan, chumchuq chaqimchi ekan”, uchinchi o‘quvchi: “Qadim o‘tgan zamonda bir chol va kampir bo‘lgan ekan”, to‘rtinchi o‘quvchi.....)

Yuqoridagi kabi “Sarguzashtli hikoya tuzish” (sarguzastlar dengiz, quruqlik, tog‘lar, o‘rmondagi voqealar haqida), “Dunyo bo‘ylab sayohat” (bir mamlakatdan ikkinchisiga borishdagi voqealar haqida), “Jonajon o‘lkam bo‘ylab sayohat” (viloyatlar, qir—adirlar, bog‘u-rog‘lardagi voqealar haqida), “Ko‘hna va boqiy Buxorom” (shahar ko‘chalari haqida) va boshqa mavzular bo‘yicha hikoyalar tuzishni tashkil etish mumkin.

ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Muqimova G. – BVPXQT va MOI metodisti

O‘zbekiston Respublikasining “Ta‘lim tog‘risida” gi qonuni, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” va Vazirlar Mahkamasining “Davlat ta‘lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorida barcha o‘quv fanlari, shu jumladan, ona tili ta‘limi mazmunini tubdan yaxshilash dolzarb vazifalardan biri ekanligi tasdiqlangan. O‘quvchilarda “Ijodiylik, mustaqil fikrlash, fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og‘zaki va yozma shakllarda to‘g‘ri, ravon ifodalash ko‘nikmalarini shakllantirish va

rivojlantirish maktabda ona tili ta'limining asosiy maqsadi qilib belgilangan". Ona tili ta'limi ana shu maqsaddan kelib chiqqan holda, keyingi yillarda o'quvchilarga ta'lim berishda tub o'zgarishlarni boshidan kechirdi. Kundan-kunga rivojlanib, taraqqiy etib kelayotgan vatanimiz yoshlari bugungi kunda jahondagi o'z tengdoshlari qatorida turushlari uchun zamon bilan hamnafas bo'lishlari, zamonaviy ilmlarni puxta bilishlari lozim deb o'ylaymiz. Buning uchun har bir o'qituvchi va o'quvchi zamon talabi bo'lgan AKT oid bilimlarni puxta o'rgangan bo'lishlari kerak. Bunday bilim egasi bo'lgan o'qituvchining dars samaradorligi yuqori bo'ladi. Mamlakatimizda ta'lim tizimida ona tili va adabiyot fanlarini o'qitishda AKTdan samarali foydalanish dolzarb masaladir. Aynan axborot texnologiyalari ta'limning universal vositasi hisoblanib, nafaqat o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish imkonini beradi, balki shaxsiy xususiyatlarini rivojlantirish, bilishga qiziqishlarini qondiradi. Ma'lumki, ona tili va adabiyot fani ta'lim tizimining poydevori hisoblanib, o'quvchilarni boshqa fanlarni o'zlashtirishi unga bog'liq bo'ladi va bu ona tili o'qituvchisi zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. AKTdan dars jarayonida foydalanish natijasida;

- o'quvchilarda fanni o'rganishga qiziqish ortadi;
- mashg'ulotlar o'quvchilar uchun zerikarli bo'lmaydi;
- kompyuter bilan ishlashga bo'lgan ishtiyoq oshadi;
- ta'limda o'quvchining individuallik darajasini oshiradi;
- o'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi;
- yaxlit axborot tizimini to'plash imkoniyatiga ega bo'ladi;
- materiallar mazmunining xilma-xilligini ta'minlaydi;
- ta'limda ko'rgazmalilikni kuchaytiradi;
- texnika vositalari bilan ishlay olish malakalari shakllanadi;
- o'quvchilarda o'z-o'zini nazorat qilish ko'nikmalari paydo bo'ladi;
- tabaqalashgan ta'lim tizimiga o'tish imkoniyati tug'iladi.

AKTdan foydalanilganda ta'limda shaxsga-yo'naltirilgan yondashuvni amalga oshirish oson bo'ladi, butun o'quv jarayonini samarali tashkil qilish imkoniyati paydo bo'ldi. Dars jarayonida tayyor multimediali mahsulotlari va kompyuter ta'limi dasturlaridan, o'quv va sinfdan tashqari ishlarda Internet tarmog'i vositalaridan foydalanib, multimediali ta'lim dasturlari va taqdimotlar, loyihalar yaratiladi. Darslarda o'quv va o'yin dasturlaridan foydalanish katta samara beradi. Ona tili uchun turli didaktik materiallar to'plamidan foydalanib, ko'rgazmali-mashq, nazorat-mashqlari va test sinovlari modullari kiritilgan aralash kompyuter dasturlarini tayyorlash mumkin. Unga fanga oid qoidalarni joriy o'rganish va umumlashirilgan takrorlash uchun variantlarda berilgan grammatika-orfografik mavzular bo'yicha boy va turli-tuman materiallardan foydalanish yaxshi samara beradi.

Darslarda elektron o'quv qo'llanmalari tayyorlab, foydalanish mumkin. Unda so'zni tovushli-harfli tahlil qilish, so'zning bo'g'inlari tuzilishi, ba'zi orfogrammalar o'rganilishi turli qiziqarli ko'rgazmali va ovoqli material berish mumkin. Microsoft Power Point dasturlari yordamida yaratilgan taqdimotlar ta'lim jarayonida AKTdan foydalanish juda samarali shakli hisoblanadi. Taqdimotda asosiysi — axborotlilik, ko'rgazmaliligi, qiziquvchanligi hisoblanadi. Mazkur dastur orqali turli mavzu va fanlar bo'yicha taqdimotlar yaratishda fotosuratlar, rasmlar, animatsiya, qo'shimcha axborotlardan foydalanish mumkin.

Maktabda mavjud bo'lgan Internet tarmog'i o'qituvchiga katta yordam ko'rsatadi. Internet — bu global axborot tizimi ekanligi barchaga ma'lum. U elektron pochta, izlash tizimlarini o'z ichiga oladi va turli axborot resurslaridan foydalanish imkonini beradi. Undan kerakli axborotlarni topish, qayta ishlab chiqish va ularni ko'paytirib, barcha kompyuterlarga o'rnatib bolalarga mustaqil juftlikda, guruhda, individual ishlashni taklif etish mumkin. O'quvchilarga turli xildagi topshiriqlarni taklif etish: tadqiqot o'tkazish, asosiysini tanlash, taqdimot tayyorlash, jadvalni to'ldirish imkoni paydo bo'ladi.

Axborot olishning boshqa bir usuli — dars davomida bevosita Internetdan axborot olish hisoblanadi. Internetdan avvaldan kerakli materialni topish, darsda esa uni o'quvchilarga ko'rsatish mumkin. Masalan: www.e-adabiyot.uz saytida adabiyotga oid atamalar, tushunchalarning izohli lug'ati, jahon adabiyoti namoyandalarining xayoti va ijodi, ular yaratgan durdona asarlar, dars jarayonida

o'qituvchi ko'rgazmali vosita sifatida foydalanishi mumkin bo'lgan videolavhalar, elektron kutubxona ham mavjud.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari o'quvchilarni qiziqarli olamga olib kirishda o'qituvchining imkoniyatlarini kengaytiradi, bunda o'quvchilar axborotlarni mustaqil ravishda izlab topadilar, oladilar, tahlil qiladilar va boshqalarga yetkazadilar. Bolani axborot bilan ishlashga, o'qishga o'rgatish — zamonaviy o'qituvchilarning muhim vazifasi hisoblanadi.

III ШЎБА

АМАЛИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИКТ НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Тураев М – преподаватель кафедры обл ИПИПКРНО

Когда в первый раз слышишь фразу “компьютер на уроке физкультуры”, то сразу возникает недоумение и вопрос: разве это совместимо? Ведь физкультура – это, прежде всего движение. Но современные требования диктуют неизбежность применения ИКТ на уроках физического воспитания.

Современное общество неразрывно связано с процессом информатизации. Происходит повсеместное внедрение современных компьютерных технологий в процесс образования. Это соответствует изменившимся целям образования, которые требуют обновления методов, средств и форм организации обучения.

Следовательно, цель - найти применение компьютерным технологиям в процессе физического воспитания школьников как средству методической поддержки учебного процесса. Однако очевидно, что без ИКТ и на уроках физической культуры обойтись невозможно. Они, конечно, не могут заменить непосредственное общение ученика и учителя. Однако использование ИКТ в качестве дополнительного инструмента для качественного обучения это необходимая потребность.

Использование ИКТ на уроках физической культуры - это полезная и интересная форма работы и для ученика, и для учителя.

ИКТ интересно для творческих педагогов, которые готовы "добывать" необходимую информацию, систематизировать и наглядно достойно представлять её. Учащиеся лучше воспринимают эту информацию: "Лучше один раз увидеть, чем 100 раз услышать. Поэтому показать видеофрагмент, фотографию, схему иной раз бывает полезнее корявого показа двигательного действия!

С чего должен начать учитель при подготовке к занятиям с применением ИКТ:

Начинать следует с составления поурочно-тематического плана изучения темы (раздела), в котором использование компьютерных средств оптимально распределяется по всем разделам программы. При этом учитываются:

- содержание изучаемого материала;
- основная используемая педагогическая технология;
- классические требования к уроку (логическая завершенность, разнообразие методов и др.).
- просмотреть и оценить с педагогической точки зрения информационные ресурсы и данные программного продукта;
- составить выборку заданий в соответствии с разделом программы по физической культуре.

Использование ИКТ предполагает наличие у учителя элементарных пользовательских умений и навыков изучения программных возможностей и практическое освоение для учебно-воспитательного процесса.

Чему же можно научить с помощью ИКТ?

В основной школе закладываются основы техники специфических двигательных действий (бросок баскетбольного мяча, нападающий удар в волейболе, низкий старт в легкой атлетике и др.), которые будут востребованы в течение всего процесса обучения. /Презентации: «Совершенствование подачи, приема и передачи мяча», «Техника игры в волейбол»./

При изучении нового материала учитель координирует, направляет, руководит и организует учебный процесс, с помощью ИКТ учащийся получает объяснение и представление об изучаемом двигательном действии, учится моделировать последовательность движений, что делает урок более содержательным и увлекательным. / «Виды бросков в баскетболе», «Ведение мяча» - видео./

На стадии закрепления знаний это позволяет решить проблему традиционного урока – индивидуального учета знаний, а также способствует коррекции полученных умений и навыков в каждом конкретном случае.

На этапе повторения учащиеся решают различные проблемные ситуации. В результате в мыслительную деятельность включены все ученики. Степень их самостоятельности в освоении материала регулируется учителем.

Результатами использования ИКТ на уроках физкультуры являются:

- а) абсолютная доступность при любой физической подготовленности;
- б) заинтересованность учащихся в изучении техники приемов игры волейбол и баскетбол, выполнению элементов в гимнастике;
- в) применение этих знаний и умение в жизни (на отдыхе, в летних лагерях);

В чём же заключается эффективность применения ИКТ на уроке?

Так электронная презентация может содержать большой теоретический материал, / «Олимпийские игры, история и география»/ который, тем не менее, легко усваивается из-за неординарной формы ее подачи. Сама презентация, являясь, по сути, конспектом урока, может быть использована как средство самообучения и самостоятельной работы. Презентация на такую тему: «Самоконтроль на занятиях физической культуры», где представлены определения, показатель самоконтроля, субъективные показания состояния организма, внешние признаки утомления, которые и составляют теоретический материал. Способы измерения пульса пробы с приседаниями являются практическим материалом. Учащиеся приобретают знания для самостоятельного контроля и определения своей физической подготовленности. Презентации «Правила поведения на уроках физической культуры» и «Правила техники безопасности» можно выложить на школьную страничку, в контакте или дневник.ru.

Как часто надо использовать ИКТ на уроках физической культуры и как это влияет на эффективность процесса обучения?

Понятно, что ИКТ влияют на оценочно-мотивационную сферу личности. Если ИКТ используются очень редко, то каждое их применение превращается в чрезвычайное событие и создает у учащихся повышенное эмоциональное возбуждение, мешающее восприятию и усвоению учебного материала. Наоборот, слишком частое использование ИКТ в течение многих уроков подряд приводит к потере интереса к ним.

К какому результату мы пришли? Применение ИКТ в образовательном процессе, позволяет решать одну из важных задач обучения это повышение уровня знаний. ИКТ позволяет вывести современный урок на качественно новый уровень, повысить статус учителя, использовать различные виды деятельности на уроке, эффективнее организовать контроль и учёт знаний учащихся.

MS WORD DASTURI YORDAMIDA MUSIQA MADANIYATI FANIDAN DARS ISHLANMALARINI YARATISH TEXNOLOGIYASI

*Xasanov A- BVXYXQTvaMOI “Amaliy fanlar” kafedrasi o`qituvchisi
Atadjonova I – Buxoro shahar 13-umumta`lim maktab o`qituvchisi*

Amaliy mashg`ulot

Kurs tinfllovchilariga AKT larni qo`llash bo`yicha davlat talablari:

- MS Word protsessorini yuklashni bilish.
- MS Word protsessorining menyularidan foydalanish.
- MS Word matn muharriridan foydalanib matnlar kiritish.
- MS Word matn muharriridan foydalanib jadvallar tuzish.
- MS Word matn muharririda «Giperssilka»dan foydalanish.
- Hujjatlarni faylda saqlash.

Maqsad: MS Word protsessorini yuklash, menyulardan foydalanish, matnlar kiritish, jadvallar tuzish, «Giperssilka»dan foydalanish, hujjatlarni faylda saqlash tushuncha berish.

Reja:

1. MS Word dasturi yordamida musiqa madaniyati fanidan elektron darsishlanmalarini yaratish texnologiyasi haqida ma'lumot berish va namunalar ko'rsatish.

1. MS Word protsessorini yuklash algoritmi.
1. Amaliy topshiriqlar.
2. Xulosa.

Mashg'ulotning borishi:

a) Elektron dars ishlanma «Word», «Power Point» va boshqa kompyuter dasturlaridan foydalanib yaratiladi. Unda matnlar, jadvallar, har xil animatsiyalar (harakatlantirish), rasmlar ovoqli matnlardan foydalanish mumkin.

Word matn muharririda matnlar asosida elektron dars ishlanmasini tayyorlash texnologiyasi bilan tanishtiriladi.

O'quv mashg'ulot jarayonida matn muharririning imkoniyatlaridan foydalanib, har xil interfaol o'yinlar tashkil etiladi.

Masalan: Qiymatli savollarga javob bering. (5-sinf uchun)

Qiymati	1-savol	2-savol	3-savol
o (butun nota-5 ball)	Opera nechanchi asrda qayerda paydo bo'lgan?	Opera necha xil bo'ladi?	Opera nima?
# (nimchorak nota - 4 ball)	Opera nimaga asoslanadi?	Juzeppе Verdi, Volfgang, Amadey, Motsart qayerda yashab ijod etishgan?	
♪ (3 ball)	«Ivan Susanin», «Ruslan va Ludmila» operasining kompozitori kim?	«Hayvonlar sultoni» operasining kompozitori kim?	«Hayvonlar sultoni» operasi kim uchun yaratilgan?

Jadval yuqoridagidek qilib to'ldiriladi. Birinchi ustundagi savollar o'quvchini qiziqtirish maqsadida tabaqalashtiriladi. Katakdaqi savollar ko'rinmas holda oq rangda bo'ladi. O'quvchi oq rangga bo'yalgan katakdagi savollar ustida mustaqil ishlaydi.

Qiymati	1-savol	2-savol	3-savol
o (butun nota-5 ball)			
# (nimchorak nota - 4 ball)			
♪ (3 ball)			

Buning uyun sichqon yordamida kerakli soha bo'yaladi (blokka olinadi). Savollar ko'rinmas holda kelishi uchun uskunalar panelidan matn rangini o'zgartiruvchi tugma tanlanadi. Jadval ichidagi savollar oq rangga bo'yaladi.

O'quvchiga 3 xil qiymatga ega bo'lgan 9 ta savoldan birinchi tanlash taklif etiladi. O'quvchi tanlagandan keyin (masalan: 5 ballik qiymatga ega bo'lgan savolning uchinchisi) belgilangan katak sichqon yordamida blokka olinib, yozuv rangi ko'rinarli bo'yoqqa (qora) almashtiriladi. U quyidagi shaklga ega bo'ladi.

Qiymati	1-savol	2-savol	3-savol
o (butun nota-5 ball)			Opera nima?

# (nimchorak nota - 4 ball)			
♪ (3 ball)			

Savol: «Opera nima?» O`quvchi opera haqida ma'lumot beradi va kompyuterda mavjud bo`lgan javob bilan solishtirib baholanadi.

Qiymati	1-savol	2-savol	3-savol
o (butun nota-5 ball)			Bastakorning talabiga javob beradigan (libretto) she'riy drammatik pyesa asosida yozilgan musiqa asari opera deyiladi.
# (nimchorak nota - 4 ball)			
♪ (3 ball)			

Shu usulda turli mavzularda dars ishlanmalari yaratish mumkin

ИННОВАЦИОН ШАКЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мустафоев Б, – БВХТХҚТМОИ доценти,

Мадримов Б, - БДУ доценти.

Мактабда musiqa saboғи мураккаб ижодий жараён бўлиб, унинг фаоллиги кўп жиҳатдан таълим олувчиларнинг фаол иштирокига боғлиқ. Musiқий таълим жараёни иштирокчиларининг фаоллигини ошириш ўз навбатида таълим жараёнининг ташкилотчиси – педагогик бошқарувчисидан алоҳида маҳорат ҳамда эътиборни талаб қилади. Зеро, ўқувчиларга musiқий сабоқ бериш учун такомиллаштирилган, янги musiқий маълумотлар билан бой назарий билим, амалий бадиий фаолият талаб этилади.

Мактабда musiqa madaniyati darslarini ўқитиш mavjud ўқув-мавзу режа ва дастурлар asosida амалга оширилса-да, таълим мазмуни бевосита таълим берувчи томонидан ташкил этилиб, педагогик бошқариладиган қуйидаги musiқий фаолиятлар муҳим аҳамият касб этади:

1. Musiqa tinglash.
2. Jamoaviy aytim.
3. Musiқий savodxonlik.
4. Bolalar cholg'u asboblarida chaliш va musiқий ritmik ҳаракатларни бажариш.
5. Musiqa ijodkorligi.

Барча фанлар қатори musiqa madaniyati darslarini ташкил қилишнинг психологик-дидактик шартларини musiқий таълимнинг метод ва шаклларида ўринли фойдаланиш ташкил этади. Замонавий musiқий таълимни тўғри, самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилувчи турларидан бири - бу интерфаол таълим саналади.

Интерфаол таълим бу “таълим берувчи - таълим олувчи-таълим олувчилар гуруҳи” ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлилик ва ҳамжиҳатлиликка асосланувчи таълим шакли бўлиб, ўқувчилар томонидан musiқий - ўқув материалларини самарали ўзлаштирилишини таъминлайди. Пировардида дarsларда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини таъминлаш ҳамда musiқий қобилиятларини ривожлантириш мақсади амалга оширилади.

Musiqa таълимида интерфаол усулларни қўллаш қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширади:

- ўқувчиларни musiқий фаолиятга мустақил, ижодий мантиқий фикрлашга ўргатиш:
- ўқувчиларни musiқий-бадиий фаолиятга ундаш:
- муаммоли вазиятларда ҳозиржавобликни таъминлаш:

- мусикий асарлар мазмун-моҳиятини идрок этиш ва муносиб баҳо бериш;
- дўстона муносабатларни шакллантириш;
- фаоллаштириш.

Интерфаол таълим методларидан мусиқа маданияти фани ўқитувчилари «Кластер», «Венн диаграммаси», «Мусикий чархпалак», «Бумеранг», «Блиц», «Мусиқа дунёси», «Синквейн» ва бошқа ўзига хос шартларга эга интерфаол методлар билан етарли даражада таниш бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, бу ўринда таъкидлаш ўринлики, мусиқа маданияти фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида ҳам мазкур методлардан фойдаланиш мусиқа маданияти фани ўқитувчилари томонидан мусиқа дарсларининг моҳияти, мақсади, вазифалари ва йўналишлари борасида пухта билимларга, шунингдек мусикий фаолиятларни тўғри режалаштира олиш ва ташкиллаштириш бўйича касбий кўникма, малакалар компетенциясига эга бўлиш имконини беради.

Мусиқа маданияти дарсларини ташкил этишда юқорида таъкидланганидек, мусикий фаолиятлар муҳим ўрин тутуди. Бунда дарснинг барча мақсадларини амалга оширадиган дидактик топшириқлар белгилаб олинishi лозим бўлади. Мусикий сабоқ ҳамда уни ўзлаштириш ишларининг қийинлик даражаси ўқувчини мураккаб интеллектуал ҳолатга солиши, шу билан биргаликда ечими, уларнинг мустақил изланишлари имкониятлари ва фаолиятлари даражасида бўлиши керак. Мусикий ўқув материали дарснинг мақсад ва мазмунига, ДТС ва ўқув мавзу режа-дастур талабларига, дидактик вазифаларга мос тушадиган метод ва усуллар орқали ўзлаштирилиши зарур.

Мусикий таълим бериш жараёнида дарсларни ташкил этиш борасида қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчи ўзига хос аҳамиятга эгадир:

- мусиқадан зарурий ўқув-усулий ҳужжатларни юритиш;
- ўқувчиларни миллий-мусикий кадриятлар руҳида тарбиялаш;
- ўқувчиларда мусикий асарлар ғоя мазмуни талқини таъсирида эзгулик фазилатларини сингдириш;
- мусикий таълим жараёни самарадорлигини ошириш бўйича педагогик, методик кўрсатмаларни ўзлаштириш;
- ўқувчиларнинг қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини инобатга олиш асосида мусиқа воситасида уларни муайян касб ёки ҳунарларга тўғри йўллаш;
- самарали мусикий таълим методлари ва илғор педагогик технологиялардан касбий фаолиятда фаол фойдаланиш.

Хуллас, мусикий таълимнинг инновацион шакллари мусиқа маданияти фани ўқитувчиларида ўз касбий фаолиятларини ташкил этишга ижодий ёндашиш ҳамда мустақил билим ўрганиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

МУСИҚА ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мустафоев Б – БВХТХҚТМОИ “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим” кафедраси
мудир, доцент*

Мамлакатимизнинг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида “...ўқув-услугий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёнини дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” ҳамда “... ўқув тарбия жараёнини янги ўқув-услугий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш” каби муҳим вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, таълимни такомиллаштириш муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида интерфаол методларни қўллаш, педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш давр талабидир.

Малака ошириш жараёнидаги машғулотлар ҳам илғор инновацион технологиялар асосида ташкил этилиб, тизимига илғор педагогик тажрибаларни жорий этиш, ҳар бир дарс жараёнида илғор усулларни кенг тадбиқ этиш, таълимга инновацияни киритиш асосида

музыка маданияти фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожланишига эришилмоқда.

Замонавий музыка маданияти фани ўқитувчисидан ташкил этаётган дарсининг мазмуни ва ўқувчилар имкониятидан келиб чиққан ҳолда, машғулот жараёнида илғор усуллар асосида инновацион технологияларни яратиш ва улардан фойдаланиш талаб этилади. Бу талабни амалга оширишда ўқитувчи касбий маҳоратининг роли катта. Ўқитувчи билимли, илғор, истеъдодли ижодкор, изланувчан, ташаббускор, педагогик-методик маҳоратга эга бўлиши лозим.

Ўқитувчиларнинг малака ошириш ўқуви режасида “Таълимда илғор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг илмий-методик асослари”, “Интерфаол таълим методлари ва уларни амалда қўллаш”, “Инновацион технологиялар бўйича дарс ишланмаларининг тақдироти”, “Музыка маданияти дарсларида ахборот технология ва техник воситалардан фойдаланиш бўйича амалий топшириқларни бажариш” каби қатор долзарб мавзулар берилган бўлиб, бу мавзуларни тингловчилар иштирокида муҳокама қилиш биз кутган натижаларни беради ҳамда ўқитувчиларнинг ўз фанига бўлган муносабати, мустақил фикрлашлари, назарий маълумотларни амалда қўллаш қобилиятлари мустаҳкамланади.

Ахборот тизимининг жадаллик билан такомиллашиб бораётганлиги таълимни инновацион технологиялар билан мазмунан такомиллаштирилиши бошқа фанлар қатори замонавий музыка маданияти фани ўқитувчисининг имкониятларини янада кенгайтиради. Музыка маданияти фани ўқитувчиларида инновацион технологияларни ривожлантириш, фанга жорий этилаётган илғор усуллардан самарали фойдаланиш, ўқувчилар муסיкий билим, малака ва кўникмаларини оширишда, самарадорликка эришишга йўналтирилган жараёни ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли музыка маданияти фани ўқитувчилари ўз инновацион фаолиятини режалаштириш жараёнида бир қатор интерфаол методлар тавсия этилади: “Тармоқлар”, “Ақлий ҳужум”, “Синквейн”, “Бумеранг”, “Скорадей”, “Блиц – ўйин”, “Скарабей”, “Занжир машқи”, “Ижодий иш” шулар жумласидандир.

Ушбу методлардан фойдаланиб музыка маданияти дарсларни ташкил этиш учун ҳар бир ўқитувчининг шахсий ва касбий маҳорати алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчиларнинг инновацион технологиялардан фойдалана олишларини ва ўқувчиларга муסיкий таълим бериш жараёнида самарали натижаларга эришишларида малака ошириш курсларининг ўрни беқиёсдир. Малака ошириш курсларида ўқитувчиларнинг қизиқишларига кўра ва талабларини ҳисобга олган ҳолда музыка маданияти фани мазмунини инновацион технологиялар ҳисобига бойитиб бориш натижасида машғулотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Муҳими, интерфаол усуллардан фойдаланиш дарс жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан фаол ҳамкорликни амалга оширишни таъминлайди, ўқувчиларнинг мустақиллигини оширади. Ўқувчиларининг музыка воситасида интеллектуал салоҳиятини ривожланиб бораётганлиги уларни таълим олишга муסיкий эҳтиёжларининг кучайиши инновацион технологияларни кенг ва фаол қўллашни талаб этади. Шу боис, музыка маданияти фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологиялари ҳамда илғор усулларини ўзлаштириб, таълим жараёнларида улардан самарали фойдалана олишига эришиш лозим.

ПРИМЕНЕНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ.

Тагирова Н., старший преподаватель Бухарский инженерно-технологический институт

Технологии, направленные на развитие критического мышления относятся к числу образовательных технологий нового поколения, которые призваны преодолеть разрыв между когнитивно-ориентированными и личностно-ориентированными стратегиями обучения, так как они способствуют развитию не только познавательных процессов, но и рефлексивных, метакогнитивных умений у учащихся.

Многие психологи и педагоги пытались дать свое определение того, что такое критическое мышление. Известный русский психолог и педагог П. П. Блонский еще в 30-е гг.

XX в. писал: «Критическое мышление — умение отличить возможное от невозможного, выделять в тексте, факте основное, использовать аргументы при доказательстве или опровержении своих и чужих суждений и предположений, "узнавать" несообразности и «нелепости» в рассуждениях».

Д. Браус и Д. Вуд определяют его как разумное рефлексивное мышление, способное выдвинуть новые идеи и увидеть новые возможности. Вспомнив этимологию слова «критика» (от греч. *kritike* — оценка, разбор, обсуждение), мы сможем более адекватно отнестись к этому слову.

При использовании инновационных педагогических технологий у студентов развивается критическое мышление, что является одной из важных сторон всестороннего формирования личности.

Каждый человек обладает как интеллектуальными, так и креативными способностями, но в различной степени. По мере взросления критическое (креативное) мышление «затухает». Подавляющее число старшеклассников и студентов конформны, боятся самостоятельности, тяготеют не к оригинальной мысли, а к «разжеванной» и разложенной строго «по полочкам» информации. Это происходит не потому что люди не хотят мыслить критически, а потому что не умеют этого делать. Преподавателям необходимо научить учащихся подходить к поставленной задаче с точки зрения критического мышления.

Автор учебника «Психология критического мышления» Д. Халперн выделяет наиболее важные качества, способствующие развитию рефлексивного мышления:

1. Готовность к планированию;
2. Гибкость;
3. Настойчивость;
4. Готовность исправлять свои ошибки;
5. Осознание;
6. Поиск компромиссных решений.

При всем многообразии взглядов многие авторы сходятся в том, что критическое мышление (альтернатива — догматическое) — это аналитическое, конструктивное, рефлексивное мышление, которое:

- помогает человеку определить собственные приоритеты в профессиональной и личной жизни;
- предполагает принятие индивидуальной ответственности за сделанный выбор;
- повышает уровень индивидуальной культуры работы с информацией.

Структура технологии «Развитие критического мышления» глубоко психологична, так как ее этапы соответствуют закономерным этапам когнитивной деятельности человека. Основой технологии является трехфазовая структура занятия: вызов, осмысление, рефлексия.

Первая стадия (фаза) — «ВЫЗОВ», задача этой фазы не только активизировать, заинтересовать обучающегося, мотивировать его на дальнейшую работу, но и «вызвать» уже имеющиеся знания либо создать ассоциации по изучаемому вопросу, пробудить познавательный интерес к изучаемой теме и совместно определить направления изучения темы.

Вторая стадия (фаза) — «ОСМЫСЛЕНИЕ (РЕАЛИЗАЦИЯ СМЫСЛА)». На этой стадии идет непосредственная работа с информацией, а приемы и методы технологии критического мышления позволяют сделать работу технологичной и эффективной.

Третья стадия (фаза) — «РЕФЛЕКСИЯ». На этой стадии информация анализируется, интерпретируется, творчески перерабатывается, соотносятся старые и новые представления. Изученный материал обобщается, собственная деятельность рефлексивируется и определяются направления для дальнейшего изучения темы.

ВЫЗОВ	РЕАЛИЗАЦИЯ	РЕФЛЕКСИЯ
<ul style="list-style-type: none"> • Мотивационная (побуждение к работе с новой информацией, пробуждение интереса к теме) • Информационная (вызов на поверхность имеющихся знаний по теме) • Коммуникационная (бесконфликтный обмен мнениями) • Целеполагание 	<ul style="list-style-type: none"> • Информационная (получение новой информации по теме) • Систематизационная (классификация полученной информации по категориям знания) • Целеполагание 	<ul style="list-style-type: none"> • Коммуникационная (обмен мнениями о новой информации) • Информационная (приобретение нового знания) • Мотивационная (побуждение к дальнейшему расширению информационного поля) • Оценочная (соотнесение новой информации и имеющихся знаний, выработка собственной позиции)

Рис. Функции трех фаз технологии развития творческого мышления.

Навыки критического мышления – это набор приемов или операций, позволяющих найти путь к решению задачи. В механизмах мышления знания выполняют две основные функции: “материала”, который подвергается мысленной переработке в целях получения новых знаний, и “регулятора” мыслительных действий. Регуляционная функция знаний проявляется как исследование всевозможных отношений между предметами, явлениями и их свойствами. Учебный процесс страдает именно отсутствием формирования регуляционной функции знаний, так как большинство учебных программ ориентировано на запоминание фактов и получение однозначных ответов на уже давно решенные вопросы.

В результате учебного процесса должны быть сформированы следующие мыслительные способности:

1. Умение анализировать ситуации, то есть устанавливать причинно-следственные связи, обнаруживать скрытые зависимости и связи; умение обосновывать и рассуждать; умение предвидеть последствия.
2. Умение интегрировать и синтезировать информацию, то есть умение организовать информацию и делать выводы.
3. Чувствительность к противоречиям, постановка и решение проблем.
4. Дивергентное мышление – это гибкость, беглость, оригинальность. (алгоритм решения проблемных ситуаций, решение изобретательских задач, практические приемы развития воображения, конструирование метафор, мозговой штурм, синектика, морфологический анализ).
5. Богатое воображение (мозговой штурм, морфологический анализ, метод фокальных объектов, анализ фантастики, конструирование метафор, системный анализ, синектика).
6. Ощущение красоты процесса и результата (создание эталонов).

В поисках технологий, которые могли бы обеспечить “обучение мышлению”, педагогика обратилась к методам, применяемым инженерами для решения технических и научных задач и проблем.

По основному принципу поиска решения эти методы можно разделить на две группы:

1. Методы перебора вариантов (мозговой штурм, метод Кластера, сократовские беседы, дебаты и т.д.)

2. Алгоритмические методы.

Главная привлекательность в данных методах заключается в том, что в ней практически отсутствуют интуитивные варианты поиска решения, а основной упор перенесен на осознанные операции мышления.

Серьезные преобразования происходящие в современном обществе обуславливают повышение требований к качеству подготовки учителя и соответственно к качеству образования в ВУЗах.

Для осуществления данных мероприятий педагогу необходимо пользоваться педагогическими инновациями, своим педагогическим мышлением, творчеством и профессионализмом.

МЕХНАТ ТАЪЛИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ

Маманазарова Т, Сирдарё ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси.

Жамиятимизда яшаётган ҳар бир инсон қобилиятига қараб ўз манфаати ҳамда жамият учун бирон бир меҳнат тури билан шуғулланиши лозим. Бу борада умумий ўрта таълим ниҳоятда муҳим ўрин тутди. 5-9 синф ўқувчилари билан олиб бориладиган меҳнат таълими дарсларида меҳнат қилиш, касб танлашга бўлган дастлабки кўникма ва малакалар шакллантирилади. Бу ўқув машғулотида ташкил этиш ва олиб боришда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш таълим самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунга келиб ахборот технологияларининг бир қанча дастурий воситалари, жумладан Word, Excel, Power Point, Poto Shop, Corel Draw, Dream Weaver, HTML, 3dMax ва Macromedia Flash лар кириб келди ва улардан таълим тизимида фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Бугунги кунда ахборот технологиялари маълумотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуи деб тушунилади.

XXI асрни ахборотлаштириш ва коммуникация асри деб бежиз аташмайди. Ахборотлаштириш нима ва унинг вазифаларига нималар қиради, унинг асосий хусусиятлари қандай, деган саволлар жамиятдаги ҳар бир кишини қизиқтириши табиий. Чунки инсон фаолиятини ахборотсиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис ахборот технологияларининг дастурий воситалари асосида иш юритиш, хўжалик ва молиявий ишлар, ишлаб чиқариш ва таълим тизимини бошқариш йўлга қўйила бошланди.

Windows – бу бутунлай янги ахборот технологиясидир. Бу технология юқорида келтирилган барча қийинчиликларни бартараф этади. Айниқса, бу информатика соҳасида мутахассис бўлмаган фойдаланувчиларнинг барча масалаларни - матнларни териш ва жиҳозлаш, унча қийин ва мураккаб бўлмаган ҳисоблашлар, график ва расмлар чизиш, маълумотлар базасини ташкил қилиш, ундан керакли сўровларни олиш имконини яратди.

Ҳозирда таълим муассасалари замонавий компьютер, ахборот коммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу педагогларни ўз меҳнат фаолиятларига янгича ёндашувларини талаб этади. Замонавий технологияларнинг жорий этилиши педагогга ўқув жараёнида таълим воситалари асосида фаолият доирасининг чекланишига эмас, балки унинг вазифалари ва ролини ўзгаришига, педагогик фаолиятнинг мукамаллашувига олиб келади.

Энди педагог:

-ўқув курслари дизайнери-яратувчиси;

-ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи;

-компьютер-ўқув курсларини интерактив тақдим этиш бўйича мутахассис;

-таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлиши талаб этилади.

Педагоглар компьютер технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши билан бирга қуйидагиларни амалиётда қўллай олиши лозим:

-янги ўқув материалларини тушунтиришда компьютернинг намоиш имкониятларидан фойдаланиш;

-интернет, ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурий маҳсулотлар асосида дарсларни ташкил этиши;

-дарсга методик тайёрланиш, қўшимча ахборотларни излаш ва тизимлаштириш, дидактик материалларни тайёрлаш;

-компьютер технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда фойдаланиш малакалари.

Электрон тақдимот-дарсда слайдлардан кўргазмали материал сифатида фойдаланиш ўқитувчи учун кенг имконият яратади. Ўқув материалнинг электрон тақдимотида анимациялар асосида ўтилаётган материалнинг берилиши мавзунини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини енгиллаштиради ва кўргазмалиликни оширади. Намойиш слайдларини ўқувчиларга тарқатма материал сифатида ҳам бериш мумкин. Слайдларга ўқувчилар ўзларини муносабатини билдириши, уни таҳлил қилиши мумкин.

Бу орқали ўқувчилар қуйидаги малакаларга эга бўладилар:

-график ахборотларни матн шаклига келтириш ёки аксинча;

-муҳокама этилаётган мавзу бўйича хулосалар ва саволларни шакллантириш;

-ўзининг ўқув билув фаолиятини режалаштириш;

Ахборот коммуникация технологияларининг имкониятларидан шахсга йўналтирилган таълимни ривожлантиришда, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Меҳнат таълими дарсларида ахборот мажмуи-маълумотномалар, мультимедиалар, мавзуларга оид технологик хариталар, иш қолиятини ташкил этишга оид фильмлар, электрон дарсликлар, тарқатмали материаллар, кўргазмали қуроллар, схемалар, расмлар, чизмалар, анимациялар, матнлар, тасвирий ахборотнинг статистик ва динамик ифодалари, овозли образлар (ёзилган овоз, мусиқа ва бошқалар) фойдаланиш мумкин.

Меҳнат таълими ўқитувчилари ахборот технологиялари воситалари билан ишлаш учун қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

-ишчи дастур ва технологик хариталар тузиш;

-маъруза матнлари ва амалий машғулотлар билан боғлиқ топшириқларни тайёрлаш;

-методик кўрсатмалар ва назорат саволларини тузиш;

-ўзлаштириш натижаларини таҳлил қилиш;

-маъруза матнларини таҳрирлаш;

-ҳар бир мавзу бўйича динамик кўринишда акс этувчи жараёнларнинг анимацияларини тасаввур қилиш.

-меҳнат таълими дарсларида АКТдан фойдаланишдан мақсад нима.

-АКТдан қандай қилиб меҳнат таълими дарсларида фойдаланиш мумкин.

-АКТнинг бугунги кундаги афзаллик ва камчилик томонларини биласизми.

-слайдлар, мультимедиялар яратишда асосий қадамлар нималардан иборат.

Ўқитувчилар АКТ ёрдамида ҳар хил материалларни ярата оладилар;

-АКТ ўқитувчининг касбий маҳоратини ривожлантиришга ёрдам беради;

-ўқитувчилар социал тармоқларда, гуруҳларда иштирок этиб, тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар;

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДҚОРЛИК ҚОБИЛЯТЛАРИНИ ОШИРИШ.

Маманазарова Т, Сирдарё ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси. Тоғаева М., Гулистон шаҳар

12-умумтаълим мактаби меҳнат фани ўқитувчиси

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини инноватцион жараёнларсиз, таълим тизимини эса компютер технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳатлар, янгиликлар марказида ўқувчи таълим

жараёнининг субъекти фаол ишловчига айланади. Меҳнат дарсларида янги педагогик ва инноватсион технологиялардан фойдаланиш ўқувчини дарс жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган бўлиб, меҳнат асослари материалларини унинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларига таянган ҳолда пухта ўзлаштиришни таъминлайди.

Айниқса таълим жараёнида педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан- кунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, тингловчи ёки талаба замонавий технологиялар ёрдамида эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан таълим жараёнида тингловчи асосий ўрин эгаллайди.

Анъанавий ўқитиш тизими, айтиш мумкинки, ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланади, чунки ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб бораётганлигини таъкидлаган ҳолда баҳоланмоқда

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидлаганидек, замонавий таълим-тарбия ишларини давлат стандарти даражасига кўтариш учун педагогик жараёнга илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш зарур.

Илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек кадрларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига янги педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда

Шу жумладан малака ошириш институтларида фанини ўқитишда қуйидагиларга катта эътибор қаратиш керак:

- янги педагогик технологиянинг моҳиятини аниқлаш ва унинг назарий асосларини яратиш;

- унинг принципларини ишлаб чиқиш;

- педагогик технологияни амалда қўллаш учун самарали йўллари танлаш

Педагогик технологиянинг энг муҳим ютуқларидан бири - тестлар фондини, ўқув жараёнининг боришини тўла қамраб олган назорат - текширув топшириқлар тўпламини яратилишидир. Олдиндан тайёрланган, стандартлашган тестлар ишда анчагина қулайлик туғдиради. Ҳар бир ўқув циклида тест ёрдамида баҳолаш тезкор қайтувчан алоқа ўрнатишга имкон беради ва ўқув жараёнини белгиланган мақсад томон кетма-кет равишда йўналтириб туради.

ФАОЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАНЛАШ-Таълим технология элементларини танлаш ва амалга оширишда тингловчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади.

Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намойиш ва кўргазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 75% ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади

Тренер-ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда тренер-ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, тингловчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун тренер-ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ. Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши тренер-ўқитувчини дарснинг кенгайтирилган конспектини ёзишдан холос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Жумладан, ахборатлаштирилган мультимедияли таълим технологияларини меҳнат таълимига жорий этиш орқали ўтиладиган мавзулар мазмунини ўқувчилар онгига тўлиқ ва мукамал равишда сингдириш, инноватцион воситалар билан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари меҳнат таълимида мультимедияли воситалардан самарали фойдаланишнинг ўзига хос афзалликлари ҳам бор.

Буларни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

Таълимда кўргазмалилик энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди;

Ўқувчини изланишга ундайди;

Ўқувчи бир вақтнинг ўзида кўради, уни эшитади, ўқувчиларга кенгроқ қамровдаги ва каттароқ ҳажмдаги материалларни тезроқ этикиб берилади;

Ўқувчи тафаккурини фаоллаштириб, ижодкорлик қобилиятларини шакллантиради;

Бир дарсни ўзиде бажариб бўлмайдиган қўл ишларини кўришга, ўрганишга ва эслаб қолишга имконият бўлади;

Шунингдек, мавзулар мазмунини ёритишда анимациялардан фойдаланишнинг кенг имкониятлари асосида ўқувчиларда ижодкорлик, ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, гармоник ривожланиши, фантазиясини бойитиш, бадиий дид ва эстетик маҳоратни шаклланиши, диққат ва тасаввурни активлаштириш, ранг тасвир уйғунлиги англаш, ажратиш каби жараёнларни шакллантиришга эришиш мумкин.

Бўлажак мутахассисларнинг мустақил ишлашига ва таълим жараёнини назорат қилишга ёрдам беради.

MASOFAVIY O`QITISH TIZIMINING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI

Qodirova M, Ro`ziqulova T NavDPI katta o`qituvchisi

